



Одил
ЁҚУБОВ

ОСИЙ БАНДА

Central Library (UWED)



00057028



Одил
ЁҚУБОВ

ОСИЙ БАНДА

ХОТИРАЛАР

ҚАРНОҚ

Асарлар

ТОШКЕНТ
«O'ZBEKISTON»
2018

УЎК: 821.512.133
КБК 84(5Ў)7
Ё93

Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи
Иброҳим Фафуров

Масъул муҳаррир
Ашурали Жўраев

Тўпловчи
Искандар Ёқубов

Ёқубов, Одил.

Ё 93 Осий банда. Хотиралар. Қарноқ: асарлар /
О. Ёқубов; масъул муҳаррир А. Жўраев. — Тошкент:
«O‘zbekiston» НМИУ, 2018. — 192 б.

ISBN 978-9943-01-823-5

XX асрнинг улкан адибларидан бири Одил Ёқубовнинг унинг вафотидан сўнг дунё юзини кўраётган бу китобига адибнинг охириги йилларда қаттиқ тер тўкиб ёзган «Осий банда», «Хотиралар», «Қарноқ» сингари бадий асарлари жамланди. Улар алоҳида асарлар бўлса ҳам, худди бир-бирининг мантикий давомидай ҳаяжон билан ўқилади. Уларда адиб турғунлик деб аталган йилларнинг мураккаб, зиддиятли ўта драматик воқеаларини қаламга олади. Ўзи ҳаётда кўрган, билган, бошидан кечирган воқеаларни ҳаққоний бадий тарихга, реал шахсларни эса ўзида давр муҳрини ташиган, даврнинг юлдузи ва сайёраси бўлган жозибador, бадий гўзал, юксак даражада ибратли бадий қахрамонларга айлантиради. У яратган Ота, Онаизор бадий тафаккурнинг ноёб мулки, улар бошдан кечирган кўргиликлар ҳақида кўз ёши тўкмасдан ўқиш мумкин эмас. Одил Ёқубов бу асарларни халқ учун ёзган. У ҳамон халқнинг хизматида камарбаста.

УЎК: 821.512.133
КБК 84(5Ў)7

ISBN 978-9943-01-823-5

© Одил Ёқубов, 2012, 2018
© «O‘ZBEKISTON» НМИУ, 2012, 2018

ДАРЁНИНГ СЎНГГИ ТОШҚИНИ

Одил Ёқубов XX асрнинг реализм қон-қонига сингиб кетган адибларидан бири эди. У гўдаклик чоғлариданок ва, айниқса, ўсмирлик ва ёшлик чоғларида, ўттизинчи-қирқинчи йилларда ҳаёт ичида, унинг кетма-кет ёрилган алғов-далғовларида қайнаган, пишган, тобланган инсон эди. Даврнинг барча катта тарихий воқеликлари унинг юрагидан, онгидан ва тақдиридан ўтганди. Ҳаёт ичида обдан пишган инсон реалист ёзувчи бўлмай бошқа ким ёзувчи бўлади? Албатта, улуғ Марсел Пруст каби уйдан узокка чиқмай фақат кибор салонларда юриб ёки Жюль Верн каби ҳеч қачон саёҳатга чиқмай ҳам буюк саёҳатлар тўғрисида пайдарпай романлар яратиш ва китобхонларнинг оғзини очиб кўйиш ҳам бадиий адабиёт амалиётларида кўрилган. Лекин Одил Ёқубов қисмат тақозо қилганча очарчиликларни ҳам кўрди, одамларни жамоага ҳайдаб келиб бирлаштиришларни ҳам кўрди, мол-мулк, ер-сув, давлатларни тортиб олишларни ҳам кўрди, худо берган азиздан-азиз жонларнинг увол ва абгор бўлганларини ҳам кўрди. Ўсмирлик чоғлари ҳали ёши етмай урушга кетиб, жаҳон урушининг қонли майдонларини ҳам кўрди. Даврнинг кураш ва меҳнатга, муҳаббат ва машаққатга, хиёнат ва зулмкорликка толиб, не-не йирик шахсларини ҳам кўрди. Кўрганлари уни ёзувчи қилди. Шунча синовлардан ўтиб ҳам ёзувчи бўлмасликнинг сира иложи йўқ эди. Унинг ҳодисасининг ҳар бир дамида иложсиз қисматнинг овози эшитилиб туради. Одил Ёқубов реализм деганда ҳаётни теран билиш ва шунга чамбарчас уйқаш акс эттиришни тушунарди. Ҳамма вақт ҳаёт дерди ва ҳаёт деганда халққа хизмат қилишни англади. Бу унинг эътиқоди эди. Реа-

лизмни шу каби ва яна бошқа талкинлар қилиш мумкин. Аммо реализмнинг энг чўққиси ва энг тан олинадиган ва энг таъсирчани унинг ҳаёт ҳаққониятини акс эттириши ва ифодалаши. Одил Ёқубов реализмда ҳаққоният ва ҳаққониятда реализм йўлини тутарди ва буни адабиётда энг самарали тўғри йўл деб қарарди. Шунинг учун ҳам унинг асарлари реалистик ҳаққонияти билан ажралиб туради. Бу реалистик ҳаққоният унинг сўнгги асарлари «Осий банда», «Хотиралар» ва «Қарноқ»да яққол кўзга ташланади. Одил Ёқубов реализми ҳақидаги бизнинг ушбу қисқа мулоҳазаларимиз ҳам бир чеккаси унинг мана шу охирги бадиий асарларининг йўналиши, мундарижаси ва руҳидан келиб чиқади.

Реализм ва ҳаққониятнинг ўзигина эмас. Одил Ёқубов йигирманчи асрнинг улуғ адиблари Михаил Шолохов, Владимир Дудинцев, Владимир Тендряков, Владимир Шукшин, Чингиз Айтматов, Габриэл Маркес, Абдулла Қаххор, Абдулла Қодирийлар каби реализм шафқатсиз бўлади деган ақидада эди. Шафқатсиз реализм. Бунга чидаш қийин. Лекин у инсон қалбини аниқ даволайди. Азобли йўл нурли йўлга олиб чиқади. «Осий банда» илк бора журналларимиз саҳифаларида босилганда, кўплар: «Наҳотки?!» — деб ҳайқириб юбордилар! Наҳотки шундай ва шунчалар бўлса?! Лекин бу ўша турғунлик деб аталган, ҳамма соҳаларда таназзул авж палласига кирган совет воқелигининг кўз юмиб бўлмас аччиқдан-аччиқ ҳақиқати эди. Таназзул даврида Одил Ёқубов бир қанча ўткир романлари ва қиссалари билан китобхонларнинг меҳрини қозонган етук адиб бўлиб танилганди. У совет воқелиги бухронларининг барча катта-кичик ходисалари ва уларнинг таг оқимларини ўз юраги ва онгидан ўтказганди. Шунинг учун ўша вақтда партия-совет номенклатураси деб номланган ижтимоий-социал ходисани бор бўй-басти билан кўрсатишга унинг қурби қалами етарди. Бу ҳақда эпопеялар яратиш керак, деб ҳисобларди у. «Осий банда» деган инсоний концепцияга суяниб, у эпопея яратишга бел боғлади. У қатлам-қатлам материалларга дуч келди. Унинг назарида турғунлик бу — десантчилар, турғунлик бу — адолатсиз афғон уруши, турғунлик бу — Шарқий

Европа мамлакатларига ўтказилган зулм ва бедодлик, турғунлик бу — миллатлар ва уларнинг тарихларини камситиш, турғунлик бу — тугал эркисизлик эдики, буларнинг бари замон воқелигида ўз аёвсиз аксини топмоқда эди.

Одил Ёқубовнинг инсоний характери шундай эдики, у бир зум ёзмасдан туrolмасди. Умри, ҳаётининг бутун мазмунини ёзувчилигида, халқ учун ҳаққоний асарлар яратишда кўради. У охириги дақиқаларигача ҳар куни 10–15 саҳифа оқ қоғозни ҳаёт нафаси билан тўлдирмаса ўтган кунни кун, деб ҳисобламасди. Айниқса, ёши етмишдан ўтгандан сўнг вақтнинг тазйиқини жуда қаттиқ сеза бошлади. У ўйлаган нарсаларини ёзиб улгуриш учун нақадар шошилмаса бўлмаслигини ҳис этарди.

У шошиларди ҳам. Вақт талвасага соларди ҳам. Ёзиш учун ўйлагани, мўлжал олгани, режалаштирганлари чамаси жуда кўп эди, ҳатто тикилинч қиларди. Булар уни кўп маҳал паришон қилиб кўярди. Уни айниқса, 70–80-йилларнинг воқеалари қаттиқ ўйлатар, изтиробга солар, тўхтовсиз қаламга олишга ундарди. Советлар ақл бовар қилмас ҳарбий сарф-харажатларга ботган сари, мамлакатларни деворлар, тиканли симлар билан ўраган сари оммавий психозни ҳам мамлакат ичкараси ва миллий ўлкаларда авж олдиришга уринарди. «Пахта иши» деб номланган фавқулодда ҳодиса юзасидан Ўзбекистонга ташланган десант шундай машъум психозлардан эди. Бу психоз сиёсий ва ижтимоий бухроннинг тўғридан-тўғри натижаси эди. Одил Ёқубов бошқа бир қатор илғор ўзбек зиёлилари каби бу бухроннинг туб-тубига қарай ва унинг сабабларини чуқур англай олди. У ўша пайтда Москвада Олий Кенгашда ва Иттифок Ёзувчилар союзининг пленумларида сўзлаган оташин нутқларида бухроннинг ва миллий сиёсатнинг камситиш илдизларини очиб ташлади. Миллий республикаларга Марказ қарашларининг маълум даражада ўзгаришига сабабчилардан бири бўлди. У «Осий банд»нинг ёзиб тугалланган қисмида ва «Хотиралар»да турғунлик ва унинг социал-маънавий, ахлоқий қиёфасига тўхталиб, унинг манфур моҳиятини бадиий сўз билан очди.

Одил Ёқубовнинг вафотидан сўнг чиқаётган бу китобда ўттизинчи-қирқинчи йиллар ва ундан кейинги та-

наззул даврларининг бир-биридан драматик воқеалари, катта тарих тегирмонига тушган шахсларнинг фожиали қисматлари, халқнинг ҳақиқий эрк, озодлик, мустақиллик сари интилишлари тўла ҳаққонияти билан акс эттирилган. Уларда юксак иқтидорли тарихий шахслар, давлат арбоблари, йўлбошчилар, «инқилоб фидокорлари»нинг оддий сўз билан баҳолаш қийин бўлган ғоятда мураккаб образлари, кечмишлари бадий юксак инкишофини топган. Одил Ёқубов ўткир калами ва тасвир маҳорати билан тарихий шахсларни бадий ҳаққонияти ва салобати билан гавдалантиради, реал шахсларни ўта таъсирчан бадий образларга айлантиради. Давр, мафкура инсонлар тақдирига қанчалар кучли таъсир кўрсатиши мумкинлиги, улуғ ижтимоий ўзгаришларга сабаб бўлишини қилқалами билан ишонарли акс эттиради. Одил Ёқубов бу асарларида давлат раҳбарлари, давр тўлқинлари сув юзасига қалқитиб олиб чиққан ва «давринг келди сур бегим» сиёсатига оғишмай амал қилган муваққатчилар, ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам қон юттирган «инқилоб фидокорлари» ва, энг муҳими, гўзалдан-гўзал Ота ва Онаизор образини яратди. «Қарнок»да тасвирланган Онаизор сиймоси адабиётимизда энг гўзал, мафтункор ва буюк ибратли образлардан бири бўлиб қолишига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Баъзи одамларда билим дарҳол иродага айланади, дейди Томас Манн. Одил Ёқубов билими иродага айланадиган шундай ўта фаол инсонлардан бири эди. Унинг иродаси, билими, иқтидори ҳаётнинг бадий ҳақиқатларига ва мураккаб, ўта зиддиятли бўлишига қарамасдан, ҳаётини теран баркамол образларга айланди. Улар ўқувчини ҳар қачон ўз нурли муҳитига чорлаб туражак.

Иброҳим ҒАҒУРОВ

ОСИЙ БАНДА

РОМАНДАН БОБЛАР



Қандайдир беҳаловат, безовта уйқуда ётган ҳазрат Саркор қора довулдай бостириб келган совуқ ваҳимадан юраги ўйнаб, уйғониб кетди.

У энг азиз, казо-казо меҳмонлар учун қурилган данғиллама меҳмонхонасининг баҳаво, энг кўркам хонасида, қўш тавақали юмшоқ диванда чалқанча ётарди. Катта қандил ўчирилган, у ер-бу ерга ўрнатилган ранго-ранг чироқлар эса хонани аранг ёритарди... Бош томондаги столда лаган-лаган қовурдоқ, парранда гўштлари, мевачева, очилган ва очилмаган коньяк ва арақ, сув ва шарбат солинган шишалар бетартиб қалашган эди.

Ҳазрат Саркор бу манзарадан кўнгли озиб, кўзини юмди. Ё тавба! Қанча отмасин хушёрлигини йўқотмайдиган одам, не сабаб бу ғариб аҳволга тушиб қолди? Ўз уйида эмас, меҳмонхонада ётибди? Ҳа, ҳамма балога анави Иван деган эски қадрдони сабаб! Бир жиҳати Саркорнинг ўзига ўхшаб кетадиган бу мард, чапани инсон грузинларнинг раҳбарини ағдариб, курсига муқим ўтириб олгандан кейин республикага ташриф буюрган янги раҳбар билан бирга келганди. Кейин бу раҳбар ҳам аллақачон мансабдан мосуво бўлиб, оламдан ўтиб кетди. Ўшанда у билан бирга келган кўп казо-казолар ҳам юксак мансабларини тарк этишди. Аммо Иван, худди чўкмас кемадай, ҳамон юзада, ҳамон улкан курсиларда ўтирибди. Бир қарасангиз Госпланда эди, Госпландан кишлоқ хўжалик вазирлигига ўтди. Лекин, энг муҳими, қайга бормасин, Саркорни ёддан чиқармади. Агар Саркор қурилишга зўр бериб, бутун бир шаҳарча барпо этган бўлса, бунинг ҳаммаси мана шу эски қадрдони Иваннинг кўмаги билан бўлди. Қадрдони Иван қайси лавозимда ўтирмасин, хоҳ Госплан бўлсин,

хох кишлок хўжалик вазирлиги, Саркорни унутмади: у нимани сўрамасин, ёғоч деса ёғоч, қувур деса қувур, ҳатто, мих деса михгача — ҳаммасини мухайё қилиб турди. Энг қизиги — ҳар йили бўлмаса ҳам йил оша Саркорни йўқлаб келади. Кўп эмас, бир-икки кун бирга улфатчилик қилиб, ўз таъбири билан айтганда, «жиннилик» қилиб кетади. Бу сафар Иван бир ўзи эмас, ёшгина, кўхликкина бир малакни етаклаб келди. У Саркорга: «Сен ҳам маъшуқаларингдан биттасини ол, бу ўтар-кетар дунёнинг битмас-туганмас ташвишларини ёдимиздан кўтариб, бир яйраб олайлик», деб оёғини тираб туриб олди. Саркор эски кадрдонинг бу гапини унча хушламаса ҳам, яқинда топган маъшуқаларидан бирини кўндирди...

Иваннинг қистови билан тоққа чиқишди. Бир-икки кун роса «жиннилик» қилишди.

Қуриб кетгур мана шу ичкилик сабаб шундай жинни бўлдиларки, бир кун Иван уни уйғотиб, «Кел, жононларимизни алмаштирайлик», деб колди. Эҳтимол, Саркор кайф устида, оғайнисининг бу таклифига хўп деб юборармиди, яхшиям у олиб чиққан жонон йўқ деб туриб олди...

Саркор ўзини нохуш қилган бу ўйлардан кутулиш умидида, кўнгли тиламаса ҳам яна бир пиёла коньяк ичди. Одатда бундай пайтларда унга таскин берадиган ёшлик эсдаликларига шўнғиди.

2

Аслида бу осий банданинг исми Саркор эмас, Бобохон. Бу исми унга раҳматлик бобоси Миршароф Миршаб қўйган. Аммо ўтган асрнинг қирқинчи йиллари охирида экранларга «Тоҳир ва Зухра» деган кино чиқди-ю, тенгдошлари уни Зухранинг отасининг исми билан «хон Бобохон», деб калака қиладиган бўлишди. «Хон» сўзи кичкина Бобохонга негадир жуда қаттиқ тегар ва у синфдошлари билан жикқамушт бўлиб, қўйлак-иштонлари дабдала бўлгунча олишарди. Бобоси Миршароф Миршаб эса буни кўрганда жаҳли чиқиш ўрнига қотиб-қотиб кулар, «яша бўтам, олишгандан кейин қўйлақдан ёқа, иштондан поча, бўладиган бола бошидан маълум, сен одам бўласан ҳали», деб бошини силаб эркаларди. Зотан, раҳматлик

бобоси антиқа одам эди. У оқпошшо даврида мардикорлик-ка олиниб, ўша томонлардан бошига шапка, белига қилич тақиб қайтган, ammo шўролар даврида ҳам отдан тушмаган, чамаси, оқпошшога ҳам, большевойга ҳам садоқат билан хизмат қилганди. Миршаб тагида от, белида қилич, бировларда ҳасад, бировларда хурмат уйғотиб, даврон суриб ўтди. Ammo негадир фарзанддан ёлчимаган, биттаю битта фарзанди, Бобохоннинг отаси, ночор, касалманд йигит у фронтга эмас, ишчи батальонга сафарбар қилинганди. Сал ўтмасданок отаси кетган томонлардан: «Ўғлингиз поезд тагида қолиб ўлди», деган қорахат келганди. Миршаб ўғлига аза очмади, уч-тўртта қарияларни чакириб, маърака қилди-ю, таъзияни ёпди-қўйди. Фақат раҳматлик бувиси, худди фарзандига ўхшаган муштдеккина, ногиронгина кампир, сурма тортилган кўзларида жикқа ёш, Бобохонни бағрига босиб, унсиз фарёд чекканича қолди. Миршаб эса ўғлидан қорахат олгандан кейин, мунғайиш ўрнига, қайтага қаддини тик қилиб, соқол-мўйловларини қайчилаб юрадиган бўлди. У хушқад, хушсурат дуркун келинини ота хонадонига юбормай, «болангни шу ерда ўзинг тарбиялайсан», деган баҳона билан ўз уйида олиб қолди. Шу сабабданми, бошқами қишлоқда «қуриб кетгур Миршаб ўз келини билан ўйнашармиш» деган миш-мишлар тарқади. Бу гаплар ростми, ёлғонми — буни ёлғиз Оллоҳ биледи. Ammo ҳақиқат шундаки, кичкина Бобохон улғайган сайин ногирон отасига эмас, бақувват, барваста, алпқомат бобосига ўхшаб ўсаверди. Бобохон тўққизинчи синфни тугатиб, ўнинчи синфга ўтганида бобоси уни колхоз идорасига етаклаб борди. У маҳалда бир оёғини урушда йўқотиб, ўрнига ёғочоёқ тақиб қайтган мўмин-мулойимгина бир инсон колхозга раислик қиларди.

— Мана шу ёлғиз неварамни сизга олиб келдим, ука, унинг эти сизники, суяги меники, унга бир иш беринг, иш ўргансин, раис, — деб илтимос қилди бобоси.

У чоғда урушда чап қўлини йўқотиб, ўрнига резинка қўл ясатиб қайтган мажруҳ банда ҳисобчи бўлиб ишларди. Резинка қўл ҳисобчи, ёғочоёқ раисдан ҳам мулойим, ҳазилкаш одам экан, Бобохонга кассани топширар экан, ҳазиллашди:

— Ёш экансиз, бир нарсага эҳтиёт бўласиз, ука!, — деб кулди. — Сиздан пул олгани ёш-ёш киз-келинчаклар келишади. Сиз ҳам келишган йигит экансиз, уларга маҳлиё бўлиб, растрат бўлиб қолманг, ҳали!

Резинка қўл ҳисобчи туш кўргандек гапирган экан. Ростдан ҳам пул олгани киз-келинчаклар кўп келишаркан. Қизлар, айниқса, эрлари урушдан қайтмаган ёш бевалар Бобоҳонга кўп тегажқлик қилишар. Баъзан, берган пулингиз ширин экан, пулингиздан ҳам ўзингиз ширин экансиз, деб ҳазиллашишар, баъзилари, ҳатто, «юринг шу пулингизга қулинг ўргилсин бир ош дамлаб берай, йигитча», деб алланималарга шама қилишарди.

Бобоҳон аввалига қизариб-бўзариб юрса ҳам, аста-секин уларнинг бу ҳазилларига ҳазил билан жавоб берадиган, баъзан эса ўзига ёқиб қолган ёш келинчакларнинг нозик жойларини чимчилаб кўядиган бўлди. Шунда шўрлик келинчаклар жаҳл қилиш ўрнига қикирлаб кулишарди.

Бу воқеалардан кейин бир йил ўтар-ўтмас тоғдан шум хабар келди; кўй фермаларини кўргани кетган ёғочоёқ раис отдан йиқилиб, оламдан ўтди!

Шунда Бобоҳон у ёқда турсин, ҳатто бобоси Миршароф Миршабнинг ҳам тушига кирмаган бир воқеа содир бўлди. Янги раис сайлашга йиғилган издиҳом, айниқса, анов Бобоҳон ҳазиллашиб, қикирлаб юрадиган киз-келинчаклар райком тавсия қилган одамни эмас, ёш Бобоҳонни сайлаймиз деб оёқларини тираб туриб олишди. Мажлисга келган райком вакили бу таклифга эътироз билдирган эди, хотин-халаж ғалаён кўтарди. Ҳозир бу хангомаларни эслар экан Бобоҳон ичида бир кулиб кўйди: тағин баъзи алломалар, хусусан, тарихчи олимлар у маҳалда, грузин раҳбар даврида демократия йўқ эди, деб сафсата сотишарди. Ўшандаги хотин-қизлар тўполонидан кейин райком вакили ҳам ҳеч нарса қила олмади-ю, ҳали йигирмага ҳам кирмаган Бобоҳон ёғочоёқ раиснинг курсисига ўтирди. Ана сизга, демократия! Ўшанда бу «демократия» биргина инсонга, у ҳам бўлса бобоси Миршароф Миршабга ёқмади. Миршаб кечаси неварасини ўтқазиб, узоқ насихат қилди.

— Сен, — деди у, — анов шайтон киз-келинчакларнинг хушомадларига кўп учаверма. Эркак зоти айғир эмаски,

хар қанақа байталга чопаверса! Ундан кўра, кўнглингга ўтирган биттасини топгин, тўй-томоша билан икковингни қовуштириб қўяй!

Бобохон бобосининг бу насиҳатини бош эгиб эшитса ҳам, кейинчалик ҳаёт ўз ишини қилди. Айниқса, кечалари отда пахта далаларини айланган маҳалларда гўза суғориб юрган ёш келинчаклар ёш раисни қулоч очиб кутиб олишар. Дарҳол дастурхон ёзишиб, белларига туғиб келган майда-чуйда неъматларини ўртага қўяр, баъзи шаддодроклари эса яримтага ҳам шама қилишарди. Агар ёш Бобохон бирор баҳона билан жўнаб қолмоқчи бўлса, ёш келинчак отнинг жиловидан ушлаб, э худо, деб зорланарди.

— Нима гуноҳ қилдимки, бунчалар хору зор қилдинг мен бахти қарони? Бу дунёга келиб нима рўшнолик кўрдим. Ўзинг қовуштирган жуфти ҳалолим анов лаънати урушдан қайтмаган бўлса! Эрта бир кун мен шўрлик бу дунёдан кўз юганимда ортимда йиғлаб қоладиган бир фарзандим ҳам бўлмаса!

Шунда Бобохон бирдан томоғига қуйилиб келган хўрликни «қулт» ютиб, отдан ирғиб тушар ва бахти қаро келинчакнинг кўз ёшини артиб, унинг бир кеча меҳмони бўларди. Шундай бўлдики, тўрт-беш йилдан кейин колхоз боғчаларида Бобохонга бир томчи сувдек ўхшайдиган митти-митти жажжи бобохончалар анча-мунча бўлиб қолди. Лекин бу маҳалга келганда бобоси қариб қолдими ё ҳас-талиқ енга бошладими, тез-тез касалликка чалинадиган, майда-чуйда гапларни омади чопган неварасига айтавермайдиган бўлиб қолди. Баъзи-баъзида маслаҳат берар, берганида ҳам кундан-кунга обрўси кўтарилиб бораётган неварага унча ёқавермас эди. Баъзан эса аллақачон ўзини тутиб олган неварага қулгили маслаҳатлар берарди. Кунлардан бир кун бобо Бобохонни чақириб, ғалати бир савол берди.

— Камина сенинг ҳамма ишларингдан бохабарман. Яхши ишларингдан ҳам, қалтис ишларингдан ҳам хабарим бор. Қадам олишинг чакки эмас. Бобонг сендан хурсанд. Аммо узокни кўзлаб иш қиладиган раҳбар бир нозик

нарсани яхши билмоғи керакки, буни билмаган раҳбар узоққа боролмайди, бўтам.

— Раҳмат сизга, бобожон, — деди Бобохон. — Қанақа сирли гап экан, айтаверинг.

— Чамаси, бу сирни ўзинг ҳам биласан, аммо яна бир марта кулоғингга куйиб олсанг ёмон бўлмайди. Сен катталарнинг томоғи тешик бўлишини биласанми? Билсанг, бу тешикка бир нарса ташлаб турасанми?

Бобохон бобосини кучоклаб, қаҳ-қаҳ кулди:

— Буни билмасам ҳозиргача бу курсида ўтирармидим, бобожон! Мен уларнинг томоқлари тешик эканлигинигина эмас, балки мансабдорларнинг мансаби катталашган сайин томоқларидаги тешиклар ҳам катталашиб бораверишини ҳам биламан. Бу тешикларга тегирмон тошини ташласангиз ҳам, улар ҳеч нарса кўрмагандай култ ютиб, ҳазм қилиб кетаверишларини ҳам билади неварангиз, бобожон.

Бу гапдан кейин Миршаб неварасига кўп гапиравермайдиган бўлиб қолди. Фақат ўлимидан бир неча кун аввал бир гап айтдики, бу гап кейинчалик Бобохонга жуда-жуда асқотди.

— Камина халойикдан эшитиб юрибман, — деди бобо, — пўлат сандиғингда пул кўпайиб қолган эмиш?

— Тўғри, — деди Саркор.

— Тўғри бўлса, бу пулларингни нималарга сарф қилмоқчисан?

— Нимага сарф қилардим, бобожон, халққа улашаман, халқни тўйдираман, — деди Саркор.

— Баракалла, болам, яхши ният — ярти мол! Илоё ниятингга ет, — деди Миршаб. — Аммо бир нарсани билиб кўй. Қора халқ, авом. Қанча берма тўймайди. Қанча берсанг ҳам кўрдим, демай ямлаб кетаверади. Сен бир иш қилгинки, халқнинг эсида қолсин. У ҳам бўлса — ободончилик. Пул топар бўлсанг, анов иприндисипринди идоранг қари кампирдай букчайиб қолган, клуб-плубинг — ҳаммасини анов тоғни толқон қиладиган машина, номи... нима эди — бульдозеринг билан бир кечада суриб ташла. Шунда эски гузар ёш келинчакдай яшнаб-яшариб кетади! Довруғинг элга тарқалади. Мухбирлар, газетачиларнинг кети узилмай қолади.

Бу Миршароф Миршабнинг сўнги васияти бўлди. Бир ой ўтар-ўтмас бобой оламдан кўз юмди.

3

Аmmo бобосининг васиятига қараб иш қилган неваранинг обрўси ошиб, уч-тўрт йилдаёқ бутун жумхуриятга танилди. Шунда Бобохоннинг ҳамтовоқ дўстлари уни ўз исми билан эмас, Саркор, ҳатто ҳазрат Саркор, деб чакирадиган бўлишди. Қадим меъморлар лаҳжасидан ўтган бу сўз Бобохонга жуда хуш ёкиб қолди. Шу-шу Бобохон ҳазрат Саркор бўлиб кетди. Кунлардан бир куни кўтар-кўтарларнинг охирида Саркорнинг тушига ҳам кирмаган бир воқеа содир бўлди! Унинг шаҳарчасини кўргани Жумхурият Отаси келди. Бу ташрифдан кейин Саркорнинг обрўси яна ўн баробар кўтарилиб кетди.

Саркор сира унутмайди. Ўша куни у барпо қилган Санъат саройининг катта залида московлик телевизорчилар билан суҳбатлашиб ўтирган эди. Тўсатдан эшик шарақлаб очилиб, ёшлар етакчиси Зиёдахон кириб келди. У жуда ҳовлиққан, ранги оқарган эди.

— Саркор ака, хонангиздаги телефонингизга Ота чакиряптилар.

— Қайси Ота? — тушунмади Саркор.

— Қайси бўларди? Юртимиз Отасини айтаяпман!

Саркор телевизорчилардан узр сўраш ҳам эсидан чиқиб, Зиёдахоннинг орқасидан югурди.

Жумхурият Отаси ундан хол-ахвол сўради-да, ҳеч кутмаган бир гапни айтди.

— Эрта туриб бириси кун бизга Катта Ота келяптилар. Пахта экадиган республикаларнинг раҳбарларини чакириб, қурултой ўтказмоқчилар.

Саркор ҳаяжонланиб, унинг гапига тушунмай қолдими, ё азбаройи шошганиданми:

— Қайси Ота? — деб сўради. — Анов... халқлар отасининг номини бадном қилиб, ўрнига ўтириб олган кишимми ё... — Саркорнинг гапи оғзида қолди.

— Сиз нима деётганингизни биласизми ўзи? — Отанинг овози бирдан ўзгариб, қаҳр билан янгради. — Бу улур инсон, ўша, сиз айтган халқлар отасининг кирдикор-

ларини фош этиб, халқимизнинг қаддини тиклаганидан беҳабармисиз?

— Кечирасиз, Ота, — ғўлдиради Саркор. — Мен азбаройи шошиб қолганимдан...

— Бундан кейин шошиб қолмай, ўйлаб гапиринг! — деди Ота, хиёл юмшаб. — Энди гап бундоқ, ука. Бу улуғ инсон овни яхши кўрадилар. Айниқса, тўнғиз овини. Эшитишимча, сизнинг тоғ томонларингизда тўнғиз бўлар эмиш. Шу гап ростми?

— Рост бўлганда қандоқ! Бижғиб ётибди! — деди Саркор.

— Жуда лоф қилдингиз-ку, ука! — кулди Ота. — Хўп, майли, агар Отани сизнинг маконингизга олиб борсам, яхши кута оласизми? Овдан кейин зиёфат қилишингиз керак...

— Ҳаммасини еъ қиламиз, Ота! — Саркор азбаройи жўшиб кетиб, «култ» ютинди.

— Унда ҳозирлигингизни кўраверинг. Сизни ҳам қурултойга таклиф қиламиз. Агар у зот ов қиламан, деб қолсалар, сизга жавоб берамиз, сиз кетаверасиз. Тушундингизми?

— Тушундим, Ота, тушундим! — деди Бобоҳон ҳаяжонини аранг босиб.

— Тушунган бўлсангиз... Мирзачўлда кўришгунча! — деди Ота. — Сиз ҳали ёшсиз. Яна айтаман, гапни ўйлаб гапирадиган бўлинг!

4

У маҳалда Мирзачўлда тузукроқ бир меҳмонхона ҳам йўқ, қурултойга таклиф қилинган оддий инсонларгина эмас, Масковдан келган мухбирлар, ҳатто пахта экадиган жумҳуриятлар раҳбарлари ҳам оддий мактаб биносига жойлаштирилган экан, Саркорга ҳам ўша бинодан хона беришди. Катта Ота билан кичик Ота эса Мирзачўлга махсус поезднинг махсус вағонида келишган экан, уларни кўришнинг иложи бўлмади. Келаси куни эса саҳармардон бир пиёла чойдан кейин меҳмонларни турнакатор автобусларга ўтқазиб, яқин орадаги совхоз далаларига олиб чиқишди.

Йиғилган издиҳомнинг кўзи катта йўлда. Ёспирай! Ўттиз йил дунёни титратиб келган зотнинг ўрнига ўтирган Катта Ота қанақа инсон экан, деб ҳамма қизикқан! Саркор ҳам қанча уринмасин, ўзини босолмас, юраги гўё ғайритабиий бир ҳодиса олдида тургандай, гурсиллаб урарди. Ниҳоят, уфқда саф тортиб келаётган қора «Чайка»лар, «Зим»ларнинг ортида, турнақатор машиналар кўринди. Зум ўтмай енгил машиналар йиғилган оломон ёнига келиб тўхтади. Улардан ирғиб тушган ёш йигитлар, (Бобоҳон кейин билса, булар Масков газеталари ва телевидениеси мухбирлари экан) бир-бирларининг елкаларига минишиб, «Чайка»да келган ҳар икки Отани суратга олишга киришдилар. Катта Ота билан кичик Ота уларнинг қуршовидан аранг чиқиб, пахтазор томон йўл олдилар. У ерда турган бир гуруҳ теримчилар қўлларида гулдаста, «ғув» этиб, икки Отани қуршаб олишди. Кетма-кет яна бир тўп атлас кўйлак кийган ёш жувонлар, қўлларида ноз-неъмат тўла патнислар билан етиб келишди. Икки Ота бир-бирига жилмайишиб, ёш жувонлар тутган ноз-неъматлардан тотинган бўлишди-да, журналистлар орасини ёриб ўтиб, пахтазор ичига киришди. Шунда Бобоҳон, икки кўзи Катта Отада, турган жойида қотиб қолди. Катта Ота, у ўйлагандек алпқомат, юзи қаҳрли инсон эмас, юмалокдан келган миқтигина кимса экан. Унинг эғнида ёқа ўрнига қизил жияк тикилган оқ шойи кўйлак, оёғида оддийгина пошнаси баланд туфли кийган эди. Юм-юмалок юзи, битта ҳам тук қолмаган боши қуёш тифида ялтирар, бутун гавдаси нимаси биландир яхши боқилган қуркага ўхшарди.

Икки Ота пахта даласини бир зум айланишди. Катта Ота кичик Отага нималарнидир қўлларини ёзиб уқтирди, сўнг улар ортларига қайтиб, яна «Чайка»га чиқишди.

Олатасир, тўс-тўполон ичида олдинда икки Ота тушган «Чайка», ундан кейин журналистларнинг усти очик «Волга»лари, жумҳурият казо-казоларининг машиналари, хуллас, боши-охири йўқ, қарвон чексиз-чегарасиз пахтазорлар оралаб йўрғалай кетди. Чамаси беш-олти чақирим юргач, машиналар тўхтаб, йўл бўйида кутиб турган одамлар ёнида тўхташди.

Яна бир гурух атлас кўйлак кийган ёш жувонлар, кўлларида патнис-патнис нозу неъматлар, яна гул кўтарган пионерлар...

Бобохон бундоқ қараса... жумҳурият казо-казолари ўз машиналаридан тушиб, ҳарсиллаб югуриб келишяпти... Лекин улар келгунча икки Ота, худди боягидек, кўлларидаги гулдасталарни ёш киз-жувонларга ҳадя қилишиб, ўз «Зим»ларига ўтиришди. Бобохон бундоқ ўгирилиб қараса... шўрлик жумҳурият казо-казолари, бири баланд, бири паст, бири семиз, бири озғин, яна ҳарсиллашиб, қоқиниб-суриниб чопкиллаб келишяпти. Лекин улар етиб келгунча икки Ота билан журналистлар машиналари жўнаб кетди. Яхшиям Бобохон тушган машинанинг ҳайдовчиси журналистлар машиналарининг қаторига суқилиб кириб олган экан! Ёпирай, Масков мухбирларининг сурбетлигини? Улар гоҳо осмон баробар чанг-тўзон кўтаришиб, Катта Отани суратга олиш баҳонасида «Чайка»лардан ҳам ўзиб кетар, лекин Катта Ота машинадан тушмас эди. Бобохон кейин билса, Катта Ота менинг ишларимни шулар тарфибу ташвиқ қилади, агар мен тарихда қолсам, мени шулар тарихга киритади, деб ўйлар экан. Улар шу алфозда, ҳар беш-олти чақирим юрганда, бир тўхтаб, «халқ» билан учраша-учраша, тушгача юришди-ёв. Қийин бўлганда жумҳурият каттаконларига қийин бўлди. Улар ҳар сафар Катта Ота тўхтаганда, машиналаридан тушиб, чанг-тўзонда қолсалар ҳам қоқилиб-сурилиб, ҳаллослаб югуришар, лекин ҳар сафар, энди етиб келганларида, Катта Ота яна жилиб қоларди.

Хайрият, тушга якин Саркорни қидириб, икки одам келди. Улардан бири кичик Отанинг ёрдамчиси, иккинчиси Катта Отанинг вакили экан, у ўзини Иван деб таништирди. Маълум бўлишича, Катта Ота овга борадиган бўлибди: Бобохон билан Иван тайёргарлик кўриш учун кетаверишар эмиш. Қолган ҳамма гапни Катта Отанинг ўнг қўли мана шу Иван айтиб берар эмиш. Уларни аэродромда Катта Отанинг шахсий вертолёти кутаётган эмиш!

5

Иван ўчкилик деганда ўзини томдан ташлайдиган, фирт чапани, танги ва ҳазилкаш йигит экан, улар вертолётга чиққанда, Бобохон ишдан гап очган эди, у:

— Иш бўри эмаски, ўрмонга қочиб кетса, аввал қиттай-қиттай олайлик, кейин ишдан гаплашамиз, — деб кулди-да, бўйнига осиб олган чарм сумкасидан бир шиша арак ва колбаса-молбаса, нон-пон олиб ўртага қўйди. Кейин Бобохоннинг елкасидан қучиб:

— Ов қиладиган жойингда минора борми? — деб сўради.

— Қанақа минора? — хайрон бўлди Саркор.

— Э, сен жуда гўл экансан-ку! — деди Иван. — Минора нималигини билмайсанми? Хўжайин ерга ётиб отмайди-ку тўнғизларингни? Ов минораси ёғочдан бўлади. Тепасида айвонча, хўжайин шу айвончада ўтириб отади тўнғизларингни! Шуниям билмайсанми?

Иваннинг гапи Саркорнинг хамиятига тегди.

— Бўпти! Керак бўлса бир-икки соатдаёқ қуриб ташлаймиз минорангни! Хўжайинлар индинга келади-ку. Унгача ҳаммасини еъ қиламан. Тагин нима керак? Айтавер!

— Ҳали кўп нарса керак! — деди Иван бошини қашиб.

— Масалан?

— Тагин бир қийин масала... Совға-салом! — деди Иван. — буни нима қиласан?

— Қанақа совға? Тилла-пилла, хотинлари, қизлари бўлса... Сирға-пирға, билагузук.

— Бее, — деди Иван. — Шундай улуғ давлатнинг отаси бошига урадими билагузук-пилагузугингни! Совға берадиган бўлсанг, ноёб бир нарса бўлиши керак...

Саркорнинг хаёлидан, ҳали бошимга бало бўлмаса эди бунинг хўжайини, деган фикр ўтди.

Иван яна бир пиёла аракни отиб олди-да:

— Менга қара, раис, — деди лабини артиб. — Кеча хўжайиннинг сенинг маконингни тоза таърифлаган эди. Тоғли жой, ўрмонлари, тўқайлари бор, деб. Тўнғиз тугул, бўри тугул, айиқлар ҳам бўлади тоғларида деб... Мабодо яхши ишлов берилган мўйналаринг йўқми?

Саркорнинг кўзлари ярқ этиб очилиб кетди:

— Бор, бир-иккита кўнғир айиқ терилари бор!

— Мана бу бошқа гап! — хитоб қилди Иван. — Аммо мана шу мўйналардан пўстин тикиб берсанг, янаям қойилмақом иш бўларди!

— Ўлчовини билмоқ керак-ку бунинг учун, — деди Саркор.

— Ўлчовини ҳам биламан. Бўйи бир юз олтмиш, кўкраги бир юз қирк, қорни бир юз олтмиш, яхши тикувчиларинг борми? Бор бўлса, чақиравер. — Иван шундай деб, рациясини берди...

Саркор вертолётдаёқ муовинларига телефон қоқиб, ҳамма топшириқларни берди.

...Ярим кечада Саркорга кичик Ота телефон қилди. Кичик Ота ҳам Катта Отани кутиб олиш ишлари қандай кетаётганидан безовта экан. Унинг айтишича, қурултой эртага ўтар экан. Азиз меҳмонлар индин тушга яқин етиб боришар экан.

— Овқат масаласи нима бўляпти? — деб сўради кичик Ота.

— Овқат масаласи... ўзимизни ош — девзира гуруч ва кўзи гўшти солинган фарғонача ош, — деди Саркор.

— Ҳмм... — деди Ота. — Яхши, жуда яхши. Русларда «холодная закуска» деган гап бор...

— Холодильникка.. бедана билан ёш ўрдак гўштини солиб қўйдик, — деди Саркор. — Иван айтаяптики, Катта Ота ўзлари отган тўнғиз думини қовуриб ейишни яхши кўраркан...

— Иван бало! — кулди кичик Ота. — Унинг айтганини қилаверинг! Ҳа, айтмоқчи, пионерлар гулдаста тутишлари керак. Ов қиладиган жойгача ҳар хил шиорлар осиб қўйишингиз керак.

— Бу ҳам бўляпти...

Кичик Ота яна кулди:

— Сиз меҳмон кутавериб устаси фаранг бўп кетибсиз-ку. Раҳмат, мана, менинг ҳам кўнглим хотиржам бўлди.

6

Меҳмонлар индинига соат ўн иккидан сал ошганда, енгил машиналарда келишди.

Олдин мотоциклларда бўйнига автомат осиб олган кўриқчилар келишди. Улар дарвоза олдидан сал ўтиб тўхташди. Орқаларидан Мирзачўлдаги «Чайка»лар кўринди. Шу захоти Саркор шай қилиб қўйган оркестр

гумбурлади. Биринчи «Зим»дан аввал икки Ота, уларнинг кетидан ёшгина, кўхликкина бир жувон тушди. Шунинг кутиб турган пионерлар «дув» этиб, уларни қуршаб олишди, азиз меҳмонлар қўлларига гулдасталар тутти. Шунда Катта Ота бир нима деб кулди-да, қўлидаги гулдастани ёш жувонга тутди. Ёш жувон ҳам бир нима деб кулди-да, Катта Отани ўпиб олди. Гулдурок чапаклар остида қаёқдандир Зиёдахон пайдо бўлди ва аллақандай жилпанглаб бориб, Катта Отани кучоқлаб, у юзи-бу юзидан ўпди-да, суратчиларга қараб ишшайди: — Суратга олдиларингми бизларни?

У маҳалда эндигина ўн олтига кирган, очилиб кетган Зиёда юрганда думбаси ва кўкракларини диркиллашиб юрарди. Шошма, — деди Саркор ичида. — Меҳмонлар кетсин, мен сенга кўрсатиб қўяй суратни!

Катта Ота ҳам бўш келмади. У ҳам алланималар деб кулди-да, жононни белидан кучганча, суратга тушди. Шундан кейингина танишиш навбати Саркорга келди. У Катта Отанинг ёнига боришга эҳтимол журъат этолмас эди. Уни Иван бошлаб борди. Лекин уни Иван эмас, кичик Ота таърифлаб берди. Шунда Катта Ота:

— Раҳмат, маладес, маладес! — деб Саркорнинг елкасига қоқди ва: — Хўш? Буёғи план қанақа? — деб сўради.

Саркор жавоб бериб улгурмади, гапни Иван илиб кетди:

— Ҳамма нарса етди қилинган! Хоҳласангиз дам оласиз, хоҳласангиз тўғри овга чиқаверамиз.

— Ов қиладиган жой узоқми? — деб сўради Катта Ота.

— Йўқ, — деди Иван. — Ана, кўриниб турибди. Ўша жойда.

Катта Ота кичик Отага қаради.

— Мен, масалан, унча чарчамадим. Сен-чи?

— Мен ҳам, — деди кичик Ота. — Лекин, хоҳласангиз жиндек тамадди қилиб олишингиз мумкин.

— Тамаддини ўша ерда қилаверсак. Сиз нима дейсиз, яхши қиз?

— Сиз нима десангиз шу! — деди «яхши қиз», бўёқ тортилган кўзларини сузиб.

— Бўлмаса кетдик!

Шунда Саркор ичида ўзидан яна бир бор хурсанд бўлиб кўйди. Чунки кеча у, вақт зиқ бўлса ҳам, дарвозадан то тепагача борадиган эски йўлни асфальтлаб кўйдирган эди. (Буни бошқа бирор раис, наинки раис, хатто вилоят рахбари ҳам қилолмайди!)

Меҳмонлар катта йўлнинг икки томонидан ҳилпираб турган байроқчалар, «Хуш келибсиз, азиз меҳмонимиз!» «Қадрли меҳмонимизга шон-шарафлар бўлсин!» деб русча ёзилган шиорлар ёнидан учиб ўтиб, кечагина қурилган ёғоч минора тагида тўхтадилар.

Бу ерда ҳам ҳамма нарса тахт эди. Минорадан сал четроқда, гўё аскарлардай саф тортиб турган минг йиллик чинорлар тагида ошпазлар сабзи-пиёз тўғрашар, ка-бобпазлар сихларига гўшт қадаб, кўралардаги чўғларни елпишар, бошқа бировлар минора тепасига арақ, вино тўла яшиқларни ташишар эди.

Буларни кўрган Катта Отанинг чеҳраси боягидан ҳам очилиб:

— Маладес, маладес! — деб Саркорнинг елкасини яна бир марта қоқиб кўйди. Иван билан Саркор Катта Отани кўлтиқлаб олиб, минора тепасига олиб чиқишди. Бу ердан рўпарадаги ўрмонлар кафтдек кўриниб турар, тўнғизлар келадиган ботқоқлик эса шундоқ минора тагига келиб қолгандек яқин эди. Тўқайзор томондаги тўсинга уч-тўртта кўшоғиз милтиқлар осиб кўйилган, чап томондаги хонтахтага очилган ва очилмаган шишалар, лаган-лаган парранда гўшлари, памилдори, бодринг ва яна аллақандай неъматлар териб кўйилганди. Буларни кўрган Катта Ота, боягидан ҳам очилиб кетди-да, кичик Отага юзланиб:

— Нима қиламиз, қиттай-қиттай қиламизми!? — деб сўради.

Кичик Ота кўлини қисиб кўйиб:

— Сиз нима десангиз — шу-да, Ота, — деб илжайди.

— Юз граммсиз ов, ов бўптими! — хитоб қилди Иван ва қадахларни тўлдирди.

— Омадингиз ёр бўлсин, Отахон! — у шундай деб, Катта Отага қадах тутди.

— Ичмаган номард.

Саркор Иван биринчи қадаҳдан кейин «жуфт бўлсин», деб қолмаса ҳали, деб ўйлаган эди. Хайрият бундай қилмади. Катта Ота ўз қадахини бир сипқоришда бўшатиб, бўш қадахини Иван томон отди-да, костюмини шартта ечиб, қамиш креслога ташлади, сўнг тўсинга осиб қўйилган милтиқлардан бирини олиб, кўзлаб кўрди.

— Бошлайверсак бўлади, раис!

Ов бошланди ҳисоб. Иван милтиқларнинг биридан осмонга мушак отди. Мушак ваҳимали вишиллаб кўкка чикди. Шу захоти тўқайзор ортида қий-чув қийқириклар, от дупурлари осмони фалакка кўтарилди. Бу — овчиларнинг овози эди. Зум ўтмай бу қийқирикларни тўнғизларнинг «хур-хур»и босиб кетди-ю, бутун ўрмон ларзага келди.

Битта қадаҳданок жунбишга келган Катта Отага Иван:

— Милтиқни олиб, ўрмонни нишонга олинг! — деб бақирди.

Катта Ота худди жангга шайланган аскардай ҳаяжонга тушиб, алпанг-талпанг юриб бориб, милтиқлардан бирини юлиб олди-да, ўрмон томонга ўқталди. Кўп ўтмай кутурган бир гала тўнғиз ҳамон ваҳимали «хур-хур»лашиб, бирини-бири турткилаб, тўқайзорнинг у томонидан чиқиб келди-да, шитоб билан ўзларини ботқоқликка урди.

— Отмай туринг, Ота! — бақирди Иван. — Тўнғизлар ҳозир бу қирғоққа чиқади!

Ҳақиқатан, зум ўтмай, ботқоқ лойидан аллақандай ваҳимали махлуқларга ўхшаб қолган тўнғизлар тўқайзор чеккасига етиб келдилар-у, яна ўша шитоб билан қирғоққа тармашдилар. Шунда Катта Отадан ҳам бешбаттар ҳаяжонга тушган кичик Ота:

— Отинг, Отахон, отинг! — деб бақириб юборди.

Катта Ота ҳам худди шуни кутиб тургандай, устустига уч-тўртта ўқ узди. Ботқоққа чўмилиб, боягидан ҳам важоҳатли тус олган иккита тўнғиз, худди оёқларидан ўқ егандай, қоқилиб қулади-да, ётган жойида хириллаб қолди.

Боягидан ҳам ҳаяжонланиб кетган кичик Ота:

— Қойил, отахон, қойил! — деб қичқирди. Унга қўшилиб Иван ҳам:

— Қойил, Ота, қойил, — деб бақирди. — Сиз хақиқий овчи эканингизни исботладингиз! Отахоннинг ғалабаси учун!

Катта Ота, гўё оғир, ўта оғир иш қилган одамдай, пешона терларини сидириб ташлаб, мамнун кулди.

— Мен бу қадахни раис учун, овни шундай яхши ташкил қилган шу улуғ инсон учун оламан! — Катта Ота тутган қадахни бир кўтаришда бўшатди-да, тўсинга уриб, чил-чил синдирди.

— Бу яхшилик нишонаси! — Иван ҳам ўз қадахини тўсинга уриб, чил-чил қилди.

Бўлди қийкирик, бўлди қийкирик!

Шу пайт бир-икки овчилар тасир-тусур от суриб келдилар-да, катта тўнғизни оёғидан боғлаб, қаёққадир судраб кетишди. Шундан кейин кичик Ота билан Иван Катта Отани қўлтиклаб, пастга тушдилар. Шу заҳоти Тошкентдан келган жонон билан Зиёдахон чопқиллашиб келиб, Катта Отани у юзи-бу юзидан ўпишиб, улуғ ғалаба билан табриклашди. Қаёққандир Саркорнинг икки муовини — бири айиқ мўйнасидан тикилган катта пўстин, бири қалпоқ олиб келиб, Катта Отага қийдиришди. Бўлди кулги, бўлди кулги! Тўсатдан ҳеч кутилмаганда Катта Ота, азбаройи тўлкинланиб, даврага тушиб, ўйнай кетди. Шу заҳоти Тошкентдан келган жонон билан Зиёдахон Катта Отага муқом қилишиб, ўйинга туша кетишди. Зиёдахон эса кичик Отани ҳам даврага тортди. Қарсақ, кулги ва жўр қийкириқлар осмони фалакка етди.

Зиёфат кун ботгунча давом этди-ёв. Бу орада ошпазлар тўнғизларнинг думларини козуриб келишди. Катта Ота битта думни хузур билан чайнаб, иккинчисини жононга тутди. Жонон думни битта тишлаган бўлди-да, Зиёдахонга узатди. Зиёдахон қочиб, Саркорнинг орқасига яширинди. Яна бўлди кулги, бўлди кулги.

Улар овдан қайтганда қоронғи тушган эди. Оталар дам олиш учун ўзларига аталган хоналарга кириб кетишди. Қолганлар эса дам олиш уйининг катта хонасида ўйин-кулгини давом эттиришди. Шунда ҳеч кутилмаган бир воқеа содир бўлди: Катта Отани жойлаштириб келиш учун бирга кетган Иван кўп ўтмай қайтиб кирди-да, тошкентлик ёш жононни олиб чиқиб кетди. Ошхонада қолган қиз-жувонлар бир-бирларини маъноли чимчилашиб, қикирлашиб кулишди. Кўп ўтмади. Иван қайтиб кириб,

даврада рақсга тушаётган Зиёдахонни куча бошлаган эди, тўсатдан йўлакда қандайдир гала-говур бошланди, сўнг тошкентлик жононнинг пиқ-пиқ йиғиси эшитилди...

Етиб келган Зиёдахон, кайфи баланд бўлса керак:

— Саркор ака, агар ижозат берсангиз Катта Отани ўзим тинчитиб кўярдим, — деди ишшайиб.

— Мана сенга тинчитиш! — Азбаройи ғазоби жунбишга келган Саркор кулочкашлаб унинг юзига тарсаки урди...

Азиз меҳмонлар эртаси куни эрталаб Тошкентга бу сафар вертолётда учиб кетишди. Икки-уч кун ўтар-ўтмас Москвадан хушxabар келди. Олий Кенгаш Президиуми ҳазрат Саркорга «Социалистик Меҳнат Қаҳрамони» ун-вони берибди.

... Ҳазрат Саркор қанча ухлади, ўзиям билмайди. Тўсатдан қора довулдай бостириб келган ваҳимадан юраги ўйнаб, уйғониб кетди. Ёпирай, бу қора ваҳима қайдан келди? У ҳозиргина ёруғ эсдаликлардан кўнгли таскин топиб, осойишта уйқуга кетган эди-ку. Ё унга таскин берган бояги бир пиёла коньяк ортиқчалик қилдими?

Йўк, коньяк эмас, ҳамма балога ҳозиргина кўрган туши сабаб! Ёмон туш! Ваҳимали туш!

Гўё у, ҳазрат Саркор, бандаликни бажо келтирган эмиш! Унга Маккадан олиб келган эҳромини кийдириб, тобутга солиб, Санъат саройининг томоша залига қўйишган эмиш. Гарчи кўчадан карнай-сурнайлар овози эшитилиб турса ҳам, томоша зали жимжит ва кимсасиз эмиш. Фақат эшикдан анча нарироқда, унинг инонган тоғлари, муовинлари Наби найнов билан Парпи пакана ва анави... партком Зиёдахон шивирлашиб ўтиришган эмиш. Уларнинг гаплари эшитилмас, аммо тобут томон имо қилишиб, жил-панглашиб ўтирганларидан уларнинг хурсандлиги шундок кўриниб турармиш.

Бир маҳал эшик очилиб, клубга «Кўр қори» деб ном чиқарган собиқ имом кириб келармиш. Ҳазрат Саркор бу имонсиз қорини сиёсатга зид ташвиқу тарғиботлари учун имомликдан бўшаттириб, қишлоқдан бадарға қилиб юборган эди.

Ҳозир бу имонсиз қори, бошида қозондай салла, қўлида нақшинкор асо, полни дук-дук уриб, тобут томон

йўналар эмиш. Сўқир кўзини қора латта билан боғлаб олгани учунми, ё соғ кўзи симобдай ялтиллаб тургани учунми, қорининг важоҳатидан Сарқорнинг юраги зирқираб кетди.

— Ҳа, бетавфиқ банда! — деди қори паст, аммо бўғиқ ва ваҳимали товушда. — Салкам эллик йил биз ғарибу ғураболарни хору зор қилдинг. Ҳукми Оллоҳ — эрта бир кун бандаликни бажо келтираману демай, ғуруринг ғолиб, биз мўмин-бечораларни оёқ ости қилдинг! Бобонг Миршароф Миршаб ҳам охиратни ўйлаш ўрнига, бу дунёнинг ўткинчи лаззатларига муккасидан кетган эди, дунё тургунча тураман, деб ўйлаган эди. Бетавфиқ бобонг не бўлдики, сен не бўласан? — Кўр қори серхашам асони дук-дук босиб, Сарқор томон юрар эмиш. Сарқор жон ҳолатда ўрнидан турмоқчи бўлиб талпинди-ю, уйғониб кетди. Гўё кўрганлари тушида эмас, ўнгида содир бўлгандай, юраги гурсиллаб уради, ҳаво етмай, нафаси сиқилар эди...

У бош томондаги хонтахтадан бир шиша сув олди-да, пиёлага қуйишга ҳам сабри етмай, бир кўтаришда бўшатди, сўнг бир силтаниб, ўрнидан турди.

Қишлоқ, тўғрироғи, Сарқор ўзи бунёд этган янги шаҳарча, тинч, осуда уйқуда эди. Тевараги икки-уч қават кўркам иморатлар, дўконлар, ошхоналар, мехмонхоналар, санъат саройи, ёзги ва қишки кинотеатр бинолари билан ўралган гузар... Ўша раҳматлик буваси Миршароф Миршаб маслаҳати билан бузилиб, қайта тикланган улкан гузар беҳисоб чироқлар шуъласида қандайдир афсонавий кўркам бир малакни эслатарди. Ёпирай, ҳеч бир каттакон раис, ҳеч бир қудратли ҳоким барпо этолмайдиган бу гўзалликни ким яратди! Мана шу ёмон ҳазрат Сарқор барпо қилдими! Ҳа, мана шу ёмон Сарқор бунёд этди! Ўзининг энг завқли ёшлик йилларини, ақл-заковат, соғлиғи — ҳамма-ҳаммаси ҳисобига бунёд қилди! Энди у илгариги кучи, иқтидори ва иродасидан мосуво бўлиб, қарилик эшигини тақиллатиб кела бошлаганида, бошқалар майли, унинг энг инонган тоғлари ҳам орқаворатдан фиску фужур гаплар тарқатиб, иғво қилишяпти!

Йўқ, гап тушда эмас. Бусиз ҳам Сарқор унга қарши зимдан чоҳ қазий бошлаганларини билади! Бу қабих

харакат фақат унинг атрофидагина эмас, йўқ, вилоят, хатто пойтахтда ҳам унга қарши ифво бошланаётганини билади. Жуда яхши билади!

Саркор қўллари билан бошини чангаллаб, дераза олдидаги ўриндиққа чўкди. «Майли кўрамиз ҳали, — деб ўйлади у ичида бир сиркироқ оғриқ туйиб. — Кўрамиз ҳали...»

Саркор бу ўйлардан тинкаси қуриб, ҳализамон ётган диванига гурсиллаб кулади.

8

Қаттиқ уйқуда ётган Саркор ёнбошидаги телефоннинг чўзиб жиринглашидан уйғониб кетди.

Ким экан саҳар мардонда унинг уйқусини бузадиган?

— Эшитаман, — деди Саркор асабийлашиб.

— Ҳозир сизни Ота билан улайман...

Зум ўтмай телефондан таниш овоз эшитилди. «Ота!»

Саркор апил-тапил ўрнидан турди.

— Ассалому алайкум. Лаббай, Отахон!

— Гап бундай, укажон. Бугун кундуз соат бир-бир яримларда сизлардан Фарғонага ўтадиган катта йўлга чикиб турсангиз, гап бор иним.

— Сиз келасиз-у, биз куруқ кутиб оламизми? Дастурхон ёзамиз, меҳмон қиламиз.

— Йўқ-йўқ, овора бўлманг. Фақат битта илтимос, ёнингизда ҳеч ким бўлмасин.

Телефондан «ғиқ-ғиқ» овоз келди.

Саркор кўнгли аллақандай ғаш бўлиб, қайта тўшакка чўзилди.

Ё раб! Ўзбекистондай мамлакатни чорак асрдан буён бошқариб келаётган катта арбоб, Сиёсий бюро аъзолигига номзод одамнинг унда қандай иши бўлиши мумкин?

Ҳа, ғалати дунё экан бу дунё! Бир ожиз банда донишманддан: «Бу дунёга келиб нима кўрдингиз?» деганда, донишманд: «Ҳеч нима, кўзимни очдим-у, юмдим», — деб жавоб берган экан. Қаранг, анави қаттиққўл мўйловни бадном қилиб, унинг тахтига ўтириб олган сергап Катта Ота тўнғиз овлаш баҳонасида Саркорнинг маконига келиб, роса ўйин кўрсатиб кетганига мана қанча вақт ўтиб кетибди. У Америкага бориб, у ердан қайтгач, Американи

Америка қилган жўхори деб, бутун мамлакатни — Жанубий ўлкалардан тортиб Шимолий Қутбгача — ҳаммаёқни жўхоризорга айлантирганлари-чи! Шу жўхори бўлди-ю, рохатихон жойидан айрилди-қолди. Ўрнини энг садоқати зўр шогирди эгаллади. Бу одам, худо деган экан, умрини роҳату фароғатда ўтказди, аммо у ҳам кўпга бормаи бундан бир йил аввал бандаликни бажо келтириб, ўрнига қахри қаттиқ кўзойнакли киши ўтирди. Шу-шу мамлакатда аллақандай тушуниб бўлмайдиган ва пала-партиш давр бошланди. Ҳали нималар бўлишини бирон тирик жон билмайди.

Саркор бу ўйлардан азбаройи юраги ўйнаб, ўрнидан сакраб турди ва одатда бундай маҳалда қиладиган ишини қилди. Ваннахонага кириб, совуқ душга тушди. Тишитишига тегмай дийдирагунча ундан чикмади. Кейин хиёл енгил тортиб, катта тошойна олдига келди. Ё раб! Кечагина дўсти Иван билан тоғдаги кўриқхонада йиқилгунча арақ ичиб, жононлар билан жиннилик қилиб юрган одам, сочлари, наинки сочлари, ҳатто қошларигача оқ оралаб қолибди!..

Қайси бир кекса ёзувчининг гапи эсига тушиб, Саркор беихтиёр жилмайди. «Мен наинки сочим ҳатто қошим оқарганидан ҳам хафа эмасман. Лекин киприкларим оқаришига чидай олмайман!»

«Хайрият, менинг киприкларимга ҳали оқ тушмаган, шекилли!» У дағал сочиқ билан бадани қип-қизаргунча артинди-да, душхонадан чикди...

9

Гарчи Ота «ёнингизда бошқа одам бўлмасин» деган бўлса ҳам, Саркор шофёри ўрнига шахсий кўриқчилари бошлиғи Казбекни олди. Қўл-оёғи чакқон бу тадбиркор йигитни у бундан бир неча йил муқаддам Масковдан қайтаётганида самолётда учратиб, ёктириб қолган ва ўзига ишга олганди. Ўшанда Саркорнинг яқин дўстлари: «Ўзимизда яхши йигитлар тўлиб-тошиб ётганда бу кавказлик қашқирни олиб нима қилардингиз?» — дейишганди. Саркор эса, ҳеч бир ҳукмдор кўриқчини ўз халқининг орасидан олган эмас, деб, уларни енгган эди. Мана, бир

неча йилдан бери Казбек унга сидқидилдан хизмат қилиб келади. Фақат кўриқчиликни эмас, ошпазликни ҳам қойиллатади. Бугун у парранда гўштидан кабоб қилдириб, мева-чева, ҳатто ичимликлар ҳам олиб, юкхонага ташлаб кўйибди.

Улар Фарғона томонга ўтадиган йўл ёқасида Отани кута бошладилар. Соат бирга яқин тоғ томондан келадиган катта йўлда бир неча қора «Чайка» кўринди. Олдинги «Чайка» йўл бўйида қўл ковуштириб турган Саркорнинг ёнидан ўтиб, узокроқда тўхтади. Тўхташи ҳамоно, кўриқчи бўлса керак, узун бўйли майор билан шофёр нарироқда турган машиналар томон чошиб кетишди.

Орқа ўриндикда ўтирган Ота Саркорни имлаб чақирди. У жуда хорғин кўринарди. Азалдан қотма одам, яна ҳам озган, юзи салқиган, кўзлари аллақандай киртайиб қолган эди. У ўнг кафтини Саркорнинг тиззасига кўйиб:

— Мен ишларингизни сўраб ўтирмайман. Биламан — ишларингиз яхши, — деди. — Сиздан хурсандман, укажон.

— Раҳмат, — деди Саркор.

— Энди... Сизни бу ерга чақиришимдан мақсад — анов оғайнингиз... Иван билан ҳамон яхшимисиз?

— Яхшиман. Рост, у ҳозир камроқ келади. Аммо ўзим бориб тураман...

— Яхши, жуда яхши, укажон, — деди Ота Саркорнинг елкасини қучиб, — Сиз унга бир бориб келсангиз... Қабул қиладими?

— Қабул қилса керак. Тағин билмадим, бу орада ўзгариб қолмаган бўлса...

— Унда аввал телефон қиласизми, ё бошқа йўлларингиз борми — буни билиб олинг. Агар келавер деса... совғасалом олиб, бориб келсангиз. Сиз мабодо ўйламанг у ёқда одами йўқ экан деб — одамим ҳам, ҳатто дўстларим ҳам бор. Лекин ҳозир улар ҳам бу инсоннинг, Генсекни айтаюпман-да, мақсадларига тушунолмаб қолган...

— Гапингизга тушундим. Бориб келаман, — деди Саркор. — Сиз учун бориб келаман, Отахон. Аммо... унга нима дейман? Нимани билиб келишим керак? Биз... авом одам... Буни аниқроқ тушунтириб берсангиз, Отахон.

Ота маъюс кулимсиради.

— Унақа... муҳим гапим ҳам йўқ, ука. Менда бу янги раҳбарнинг нима гинаси бор, тўғрироғи, менга терс қараётганининг боиси нима — агар оғайнингиз шуни билиб берса, жуда катта иш бўларди.

«Ё тавба! — деди Саркор юраги яна зиркираб. — Наҳот шундай улуг одам, илгари севимли кадр бўлган одамнинг куни Иванга қолган бўлса?!»

— Яхши, — деди Саркор. — Бориб келаман.

— Раҳмат, ука. Бўлмаса мен юра қолай. Ҳамроҳларим ҳар хил хаёлга бориб юришмасин.

— Хўп, — деди Саркор. — Аммо мен озгина дастурхон ясаб келган эдим. Кабоб-пабоб, бир пиёла чой...

Ота ниҳоят чехраси хиёл очилиб, кулимсиради:

— Кабоб-пабоб бўлса, балки... анов куриб кетгур, юз грамм ҳам бордир?

— Бор, Отахон, юз грамм ҳам бор...

Улар машинадан тушганларида Қазбек хонтахтага дастурхон ёзиб, «кабоб-пабоблар» билан бирга коньяк-поньякларгача териб қўйган эди...

Ота узокроқда турган шерикларини ҳам дастурхонга чақиришни таклиф қилди. Ҳамма пиёла уриштириб, Отанинг сафари беҳатар бўлиши учун қадах кўтарди.

10

Одатда Саркор Иванни осонгина, қаерда ишласа, ўша ердан топарди. Бу сафар анча қийналди. Фақат ўнинчи марта кўнғироқ қилганидагина уни янги жазманининг дачасидан топди. Ўзиям энг юксак идорага ишга ўтиб, бироз ўзгариб қолганми, Саркор бормоқчи эканини хушламай:

— Ҳозир ишим бошимдан ошиб ётибди! Нима қиласан, нима гапинг бор менда? — деб сўради.

Иван ҳеч вақт Саркорга бундай муомала қилмас эди. Саркор ичида ранжиб:

— Масковда ишим бор, оғайни, — деди. — Агар вақтинг бўлмаса, майли, учрашмай қоя қоламиз... Аммо мен янги жоннинг билан танишиб қўймоқчи эдим. Унга совғасаломларим ҳам бор. Агар сенинг вақтинг бўлмаса, унинг ўзига ташлаб кетавераман.

Иван бирдан паст тушиб, қиқирлаб кулди:

— Ҳаҳ, муттаҳам! Балосан. Ундан кўра совға-салом баҳона уни ўзимга маҳлиё қилиб қўймоқчиман, де? Майли, бўлмаса эрта эмас, индин ке. Анов Москва — Минск магистраль шоссеси бор-ку — биласан. Кечқурун соат олтиларда ўша жойга келиб тур. Ўзим олиб кетаман. Хўп, кўришгунча!

* * *

Саркор Масковга Иван айтгандан бир кун олдин борди. Дўконма-дўкон юриб, ҳатто «Берёзка»га ҳам кириб, ошнаснинг янги ва эшитишича, ўта гўзал жазманига қимматбаҳо совғалар харид қилди-да, Иван айтган Москва-Минск шоссесига бориб турди. Одатда Иван айтган вақтига дақиқама-дақиқа етиб келарди. Бу сафар ҳақиқатан ҳам иши тифиз чоғи, вақтида келмади. Саркор ниҳоят умидини уза бошлаган эди, бир маҳал ёнидан учиб ўтган қора «Мерседес» катта йўлга бурилиб тўхтади-ю, эшик очилиб Иваннинг боши кўринди.

— Ёнимга ўтир. Нимайди, «слово продавать» қиламиз дермидинг? — Хахолаб кулди у. — Ўзбекчаси нима?

— Ҳа, гап сотамиз...

— Гап деганда... жа опқочасанлар-а? Қалайсан? Тинчликми? Ота қалайлар?

— Ота... У шўрликнинг аҳволи... манов сенинг қаҳри қаттиқ хўжайинингга боғлиқ бўлқолди-ку!

— Тсс... — деди Иван кўрсаткич бармоғини лабига босиб. — Билиб қўй, ҳозир... мана шу йўл ёқасидаги дарахтларнинг ҳам қулоғи бор! Саркор... — Иван шундай деди-да, сукутга толди.

Даяс Иван! Сўнгги марта учрашганларидан буён у ҳам анча озган, чайирлашган, ўзиям ёш спортчиларга ўхшар, фақат ҳамон қалин малларанг сочларида битта-яримта оқ толалар пайдо бўлган эди.

Иван машинасини учуриб борди-да, чапга, қалин қарағайзорга бурди. Шундан кейин Саркор ҳисобини йўқотиб қўйди. Чапдан ўнгга, ўнгдан чапга, кейин яна ўнгга бурилиб, машина охири икки қаватли кўркам ёғоч бино олдида тўхтади.

— Бу янги жазманимнинг дачаси. Отаси машҳур генерал бўлган.

Иван машина юкхонасидан катта-кичик икки кути олди, уларни очиб, столга бир-икки шиша арақ, сув, икки банка қора ва қизил икра, нон-пон, колбаса, пишлоқ ва яна алланима егуликларни териб қўйди.

— Ичкарига кириб ўтирмаймиз, оғайни, ҳозир девор тугул, шкафлардаги идиш-товокнинг ҳам қулоғи бор! — У шундай деб кулди-да, қадахларни тўлдирди. — Қани кўришганимиз учун! Мен сени, айникса, анов... тоғдаги маишатхоналарингда қилган жинниликларимни соғиниб юрувдим. Қани, кетдик, оғайни!

— Қойил! — деди Саркор оғайнисидан кўнглида мамнун бўлиб. — Нима қилай, энди жазманингга опкелган совғаларимни кўрсатайми?

— Кўрсат, кўрсат! Жазманим шундай ёш, шундай гўзалки, сенинг анови партком ўйнашинг бор-ку, исми нима эди, ҳа, Зиёдахон... меникининг олдида ип эшолмайди. Сен ҳам ёшроғини топгандирсан?

— Мени қўйиб тур! Сеники жа кетворган бўлса, мана, кўриб қўй. Мана бу — дур ва жавохирдан ясалган маржон, буниси тилла соат, буниси билагузук, мана буниси ёқут кўзли тилла сирға... Мана бу бир пачка муллажиринг эса сенга, оғайни.

— Қанча? — деди Иван қалин пачкани қўлида салмоқлаб.

— Юз, — деди Саркор. — Ёнида уч ноли бор..

— Раҳмат, оғайни! Жононим билан Канар оролларида дам олгани кетаётган эдик, аскотадиган бўлди. Қани, айтавер, нима дардинг бор? — Иван завқланиб кетиб, яна қадахларини тўлдирди. — Э-э, ёш ўтиб кетяпти. Ростдан ҳам мен анов.. тоғдаги овчилар уйида қилган жинниликларимизни кўп эслайман. Шартта самолётга ўтириб учиб боргим келади-ю, янги хўжайинимдан кўрқаман. Илгариги хўжайин, Катта Отани айтаман-да, ўзимизга ўхшаб отадими, бузуклик қиладими, танти одам эди. Буниси бўлса ростини айтсам, арақ деганни оғзига олмайди, жононлар ҳақида эшитгиси келмайди. Авлиё! Ке, майли, катталарнинг қулоғини киздирмайлик. Баттар бўлсин!

Иваннинг яхши одати бор эди, улфати ичадими, йўқми — парвойи фалак, ўзи олаверарди. Саркор эса... Саркор ўзи ҳам бу окқўнгил, бир қоп ёнғок асл рус йигити билан ичгиси, ичиб, унга ўхшаб яйрагиси келар, лекин хаёлидан Отанинг кечаги гаплари, гапларидан ҳам кўра унинг ҳам чўкиб киртайиб қолган мунгли чехраси кетмас эди.

Учинчими, тўртинчими қадахдан кейин Саркор дилидаги дардни айтиш пайти келганини сезди-да, аста сўз бошлади:

— Мен сенинг ютуқларингдан жуда хурсандман, дўстим. Лекин бу қаттиққўл, тошбағир хўжайиннинг нима қилапти ўзи? Усиз ҳам юрак олдириб қўйган бечора халқнинг юрагини ёрмоқчими?

Иван қаттиқ уф торди:

— Ичим тўла дард! Аммо бу дардларни сенга ҳам айтолмайман. У ёғини мен ҳам билмайман, оғайни. Фақат шуни биламанки, у — ғоя кишиси. Қотиб қолган коммунист. Ғоя учун сенинг Отанг у ёқда турсин, ўз хотинини ҳам аямайди. Эсингда борми, у мижорлар юртида нима қилган эди? Ҳалиги масхарабоз, оқбош пошшога айтиб, танкларни чақириб олган... Шу танклар билан кўчага чиққан мижорларни қириб ташлаганини эшитгандирсан, ахир? Ҳозир ҳам керак бўлса ҳеч ким ва ҳеч нарсани аямайди! Э-э... оғайни, сен нимани ҳам биласан? Мен бўлсам... ҳамма гапни сенга айтолмайман! — Иван қўлидаги қадахни бир кўтаришда бўшатди-да, мастона сузилган кўзларини Саркорга тикди. — Билиб турибман, мени йўқлаб келишдан бир мақсадинг бор. Баджахл хўжайиннинг Ўзбекистонга нима адовати бор, деган савол юрагингни зирқиратиб турибди-ёв! Яшириб нима қиласан, мен эски, маккор айғоқчи — ҳаммасини билиб турибман. Тўғрими гапим, айт?

Саркор кулган бўлди.

— Балосан! Жудаям сен айтгандай эмасман-у, аммо ҳолимиз нима бўлади бизнинг? Ҳар қалай, Ота яхши одам...

— Энди, мен сенга айтсам, Отанг ҳам қўп ножўя ишлар қилган-да, оғайни! — деди Иван ва сукутга чўмди. Чама-

си, тилида турган муҳим бир гапни айтиш-айтмаслигини билолмай иккиланарди.

Ўртага чўккан жимлик анча чўзилиб кетди.

— Ҳай, — деди Иван ниҳоят, — бердисини айтдим, худосини ҳам айта қолай. Бу икки хўроз орасида нохуш бир гап ўтган! Аммо сен бу гапни хотинингга ҳам, яқин дўстингга ҳам, энг инонган ўйнашингга ҳам айтмайсан...

Иван шундан кейин бирда овозини пасайтириб, бирда жўшиб, бирда Саркорнинг елкасига қоқиб, ҳақиқатан ҳам сирли ва кўнгилсиз бир воқеани айтиб берди.

Инкилобдан олдин Масковнинг энг кўркем, гавжум кўчасида Елисеевский деб аталгучи рус казо-казоларини таъминлайдиган машҳур дўкон бўлган. Дўконнинг ертўласида энг таниқли дворянлар, совет даврида эса шаҳар партия кўмитаси, ҳатто Марказқўм ходимлари ҳарид қиладиган махсус бўлими бор эди. Дўконга Масков шаҳар партия кўмитаси саркотиби, Политбюро аъзоси ва раҳбарнинг яқин дўсти ҳомийлик қилган. Нима бало ҳам бўлиб, ҳозирги қаттиққўл бош котиб — ўша вақтда у оддий инсон тугул пошшолар ҳам ҳадиксирайдиган махфий идорани бошқарган салкам худо — бу дўконни тафтиш қилиш ҳақида топшириқ беради. Тафтиш оқибатида мисли кўрилмаган қаллобликлар фош этилади. Бу етмагандек, манаман деган амалдорлар ҳам шу дўкон воситасида катта пул, нафақат пул, ҳатто тилла-жавохирларни ўмариб юргани ошқор бўлади. Бу қаллобликнинг бир учи қудратли ҳомий — Масков шаҳар партия кўмитасининг биринчи котибига бориб тақалган экан. Шунда ҳалиги шаҳар хўжайини раҳбарга кириб арз қилган. Айтганки, шундай жиноят бор экан, тафтишдан аввал нега шаҳар раҳбарияти огоҳлантирилмади, нега умуман партия ташкилотларининг ролини камситмокчи бўлаяпти бу одам?...

Бу гап раҳбарга жўялидек бўлиб туюлгану (эҳтимол, «нега мендан берухсат қилинган бу иш» деган фикр ҳам кўнглидан ўтган бўлса, ажаб эмас) Политбюронинг кичкина мажлисини чақирган. Ҳаётнинг ғалати ўйинини қарангки, аксига олиб бу воқеаларнинг устига ўзбекистонлик Ота ҳам Масковга келиб қолгану мажлисга у киши ҳам тақлиф этилган... Шунда Отадан бир хато ўтган. У, чамаси, Мас-

ков шахар кўмитаси саркотиби билан раҳбарнинг қалин дўстлигини билгани учун, шунга ишониб, бўлажак катта-конни қаттиқ танқид қилган. Раҳбар эса, мажлис якунида бугунги катта Ота билан Масков хўжайинининг елкаларига қоқиб, сен ҳам ҳақсан, сен ҳам, эндиликда келишиб ишланглар, дея ҳамма гапни бости-бости қилиб юборган.

— Энди тушундингми бу қаҳри қаттиқ хўжайин нега Оталарингни ёмон кўриши сабабини?

Саркор юраги безиллаб, базўр бош ирғаб қўйди.

— Тушундим...

— Тушунган бўлсанг, сенга дўстона маслаҳатим — Оталарингдан сал узоқроқ юр! — Иван шундай деб ён чўнтагидан жимитдеккина чармхалта чиқариб, ундан қандайдир бир нима олиб ютди-да:

— Сенга ҳам берайми? — деб сўради.

— Бу нима ўзи? — деди Саркор.

— Дори, — деди Иван. — Ҳам кайфни пасайтиради, ҳам бошоғрикни...

— Йўк, — деди Саркор. — Кўриб турибсан-ку, мен озроқ отдим...

— Кўриб турибман, менинг гапларимдан юрагинг сиқилляпти. Аммо ҳақиқат қанча аччиқ бўлмасин, ҳақиқий дўстлар буни бир-бирига айтиб туриши керак... — деди Иван. — Ке қўй, шу бемаза сиёсий гаплардан ўзимизнинг севимли мавзумизга ўтайлик. Хўш, Зиёдахон қариб қолган бўлса, сен ҳам менга ўхшаб янгисини топгандирсан?

Саркор қўлини силтади.

— Биттасини топиб, ёшларга раҳбар қилиб қўйган эдим, бўлмаяпти.

— Нега?

— Эри ёмон рашкчи экан.

Иван дўстининг елкасига уриб, қаҳ-қаҳ отиб кулди.

— Рашкчи бўлса, анов чўл зоналарингга юбор, бурнини тошга ишқа! Айтмоқчи, рашк қилмайдиган, борсак ҳамиша кулиб қарши оладиган хотининг бор эди-ку! У қалай, тузукми? Тез қаритиб қўйдинг-да, шу шўрликни. Жазманларим етарли деб, унга қарамай қўйдинг.

— Ўзинг-чи? Ўзинг ҳам мана, уйингга эмас, жазманнингнинг уйига олиб келдинг-ку, мени!

— Йўқ, оғайни, сен билмайсан, мен ҳар иккаловининг ҳам кўнглини оламан...

Иван кулиб яна қадаҳларини тўлдирди.

— Бизнинг шунча гуноҳларимизни кечириб келаётган ўша шўрликлар учун! Менинг Марускам, сенинг Гулюзинг учун!.. Энди қайтадиган вақтим бўпқолди, оғайни, — деди Иван кейин. — Бошқа муҳим бир гапим бор сенга, ранжимайсан...

— Айтавер, — деди Саркор юрагидаги ғалаённи босишга уриниб.

— Айтаверсам... Аммо кўнглингга олмайсан...

— Айтавер дедим-ку сенга.

— Гап шундаки, бу йил, лекин қачон эканини аниқ билмайман, шу йил Ўзбекистонни комиссия босади-ёв. Пахта иши бўйича.

Саркор юраги ўйнаб кетиб:

— Пахта иши?! — деб ғўлдиради.

— Пахта иши. Пахта бўйича жуда катта қўшиб ёзишлар бор Ўзбекистонда, деган гап айланиб юрибди. Бу масалада ўзинг соғмисан ишқилиб? Тўғриси айтилавер... — Иван шундай деб дўстининг кўзларига тикилиб қаради. Саркорнинг кўнглидан: «Бу оғайним анов қаҳри каттиқ пошшо билан топишиб қолгани бежиз эмас экан-да!» деган гап ўтди. У бошини аранг қимирлатди:

— Йўқ...

— Хайрият, — деди Иван. — Бўлмаса, сенга яна битта маслаҳатим бор... Сен ташаббусни ўз кўлигга ол! Қайтиб боришинг билан, пахта теримини бошлаш бахонасида... Ахир терим яқин-ку?

— Яқин, — деди Саркор.

— Яқин бўлса, шу баҳона мажлис чакир! Энг муҳими — мажлисда қўшиб ёзишлар бўлмасин деб, бу қусурга қарши каттиқ гапир. Шунда қўшиб ёзишлару кўзбўямачиликка қарши ҳаракатни сен бошлаб берган бўласан! Иложи бўлса бу мажлисингни телевидение кўрсатсин. Радиодан гапиришсин! Бу гапларинг албатта манов пошшога етиб келади. Бу ишни мен ўз зиммамга оламан! Гапга тушуняпсанми? — деди Иван Саркор томон энгашиб.

— Тушуняпман, оғайни, раҳмат сенга!

— Раҳматни кейин айтасан! — деди Иван ва бирдан хазиллашган бўлиб Саркорнинг кўкрагига мушт урди. — Дўст ачитиб гапиради, дейдилар. Хўп, бу ёнига нима қиламиз? Яна қиттайдан бўлсинми?

— Йўк, мен арағинга тўйдим. Раҳмат.

— Қачон кетмоқчисан, ўзи.

— Сенинг бу гапларингдан кейин... иложи бўлса ҳозир жўнардим, — деди Саркор. — Аммо самолёт эрталаб учади.

— Бўлмаса турдик, — деди Иван ва столдаги қолган-қутган егулик, очилган-очилмаган шишаларни қайта қутиларга жойлай бошлади.

— Кайфинг баланд-ку, — деди Саркор. — Кўча тўла мелиса.

— Бе-е, — дея кулди Иван. — Машинанинг номерини кўрмадингми? Бу номерни кўрган мелиса тўсиш у ёқда турсин, тирақайлаб қочади... Айтмоқчи, сўрамабман, қайси меҳмонхонага тушдинг.

— «Москва»га.

— Бўлмаса кетдик, оғайни! — деди Иван.

* * *

Иваннинг гаплари, айниқса, кўзойнакли раҳбар билан Ота ўртасидаги қалтис муносабат ҳақида айтганлари Саркорнинг хаёлини тўс-тўполон қилиб юборди. Шундай бўлдики, у тонг отгунча «Москва» меҳмонхонасининг юшоқ тўшагида эмас, бир боғ чақиртикан устида ётгандек тўлғониб чикди. Аксига олиб, самолётда таниш-билишлар кўп экан. Шунинг учун Саркор самолётга чикқач дераза ёнидаги ўриндикка ўтирди-ю, ўзини ухлаганга солиб, кўзини чирт юмиб олди. Лекин барибир кечаси бошини ғовлатиб юборган безовта ўйлардан қани қутула олса!

Шўрлик Ота! Унинг озиб-тўзиб, кўзлари киртайиб қолишининг теран сабаблари бор экан бу ёқда! Йўк, бу кетишда, анови кўзойнакли пошшо Ота бечорани гўрга тикади. Бу турки совукни шўрлик Отага «меҳри» тушган экан, уни тинч қўймайди. Ота ишонган одамлар, (улар сирасида Саркор ҳам бор) қувфинга тушмаса ҳали! Ҳа, Иван ҳақ, республикада тафтиш бошлашлари эҳтимолдан

холи эмас. Бинобарин Саркор тез орада бир иш қилиши лозим.

Самолёт Тошкентга соат 10 ларда келди.

Шахсий кўриқчиси Казбек пашшани ҳам ўтказмайдиган аэропорт милициясидан ўтиб, самолёт биқинига келиб турган экан. Саркор машинани тўғри депутатлар хонаси томон ҳайдашни буюрди. У даставвал Отанинг ёрдамчисига сим қоқди. Хайрият, Ота хануз сафардан қайтмабди. Ҳозирча Фарғонада экан. Фарғонадан Хоразмга ундан Қорақалпоққа ўтар экан. Бинобарин Ота қайтгунча Иван айтган ташаббус билан чиқиши мумкин. Аммо у шундай йўл тутиши даркорки, сих ҳам куймасин, кабоб ҳам. Саркор шу тўхтама келди-ю, телевидениедаги оғайнисига сим қоқди. Бу одам билан мана неча йилларки, қилўтмас оғайни. У ҳар йили камида икки-уч марта Саркорнинг дам олиш уйига чиқиб, бир-икки кун дам олиб кетади. Тагин ҳар сафар янги жонон билан чиқишига қараганда у ҳам бу борада анов ялтирбош дохий йўлини эмас, ҳозирги катта-конлар юрадиган, яъни ҳар сўзида поклик ҳақида вайсаб, амалда «давринг келдими, яшаб қол» йўлини тутарди.

— Бу масалани жуда тўғри ўйлабсиз, — деди телевизорчи оғайниси хиёл ҳовлиқиб. — Бу йил терим мавсуми — ўта масъулиятли жараён. Бу йил планни дўндиришимиз керак. Ҳам ҳар хил кўшиб ёзишлар, кўзбўямачиликларга қатъий чек қўйишимиз даркор, деган фикрдаман. Мен радиога ҳам айтаман. Улар ҳам энг ўткир мухбирларини юборишади, сизга.

Кейин Саркор хўжалигига сим қоқди. Иккала муовини ҳам Зиёдахоннинг хонасида унинг қўнғироғини кутиб ўтирган экан, яхши бўлди. Саркор кечқурунги мажлис борасида ҳар учаласини огоҳ қилиб, тегишли кўрсатмалар берди-да, йўлга чиқди.

Казбек хўжайиннинг аҳволини дуруст илғай олмадими ёки тарки одат амри маҳол, ҳар галгидек унинг кайфиятини кўтариш мақсадида теша тегмаган латифаларни вайсай кетди. Саркор эса ҳамон ўз хаёллари билан банд, унга қулоқ ҳам солмади. У дам олиш уйидаги эски хангомалар — катта Ота келиб ов қилгани, кайфи ошиб қолиб қўнғир айиқ терисидан тикилган тўнни кийиб, бо-

шига телпакни кўндириб, ракс тушганини эслаб, ичида бир кулиб кўйди.

Ҳа, не-не найранглар билан салтанатни эгаллаб олган бу пошшо ҳам кўп ўйин кўрсатди-ёв! Илгариги Катта Ота эса бир қоп ёнғоқ эди. У азбаройи хушёрликни кўлдан бериб кўйиб, кўп жинниликлар қилди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мажлисида кимдандир дарғазаб бўлиб, оёғидаги пойабзали билан минбарни такиллашиб, жумлаи жаҳонга кулги бўлди. Аммо империализм устидан ҳар қанча кулмасин, юртга қайтганидан кейин Американи бой қилган нарса жўхори экан деб, ҳаммаёкни жўхорига кўмиб ташлади. Аммо Американи бой қилган жўхори шўролар юртида яхши илдиз отмади-ю, охир оқибатда бу оёғига болта бўлиб тушди. Бу ёғи нима бўлади энди? Қасдига олиб катта даргоҳларда бўлган олатасир тортишувларда тахтга мана шу қаҳри қаттиқ киши ўтириб олди. Энди бизнинг Отанинг аҳволи нима кечаркан?

Саркор юраги дарз кетаётгандек бўлиб бир кўзғалган эдики, хайрият ўз кўли, ўз пешона тери билан барпо этган кўркам шаҳарчага кириб келишган экан...

11

Саркор тайинлагандек, у истаган одамларнинг ҳаммаси жамулжам бўлиб, уни кутаётган экан, биргалашиб партком Зиёдахоннинг хонасига кирдилар.

Саркор Масков сафари ҳақида икки оғизгина гапириб берган бўлди-ю, кечкурунги мажлис масаласига ўтди. Кейин бамаслаҳат мажлисда гапирувчилар рўйхатини тузишди. Саркорнинг таклифи билан рўйхатга энг илғор хўжалик раҳбарлари ва илғор бригадирлар киритилди.

Мажлис шу ерга келганда Нигорахон сўз сўраб қолди. У одатдагидан ҳам яхши кийинган, Саркор учун бўлса керак, хўп пардоз қилиб олган, ўзиям қандайдир жуда очилиб кетган эди.

Нигорахон ҳаяжондан энтика-энтика гапирувчилар рўйхатига илғор комсомоллардан ҳам бир нечасини киритишни илтимос қилди. Саркорнинг хаёлидан: «Қуриб кетгур бу пардоз-андоз мен учунми? Муносабатларимизни

элга ошкор қилиб юборади чоғи» деган гап ўтди. Нигорнинг таклифи ҳам сўзсиз, эътирозсиз қабул қилинди.

Тошкентдан келадиган телевизорчилар, умуман, матбуот ходимларини зиёфат қилиш ҳам эсдан чикмади.

«Маслаҳат оши»дан кейин Саркор қандайдир ички бир туйғуга бўйсуниб, уйга жўнаётган эди, у ёқ-бу ёғини қилпиллатиб Нигорахон югуриб келди.

— Саркор ака, қатта дам оласиз? — деди у ҳансираб. — Меҳмонхонадами? Мен жойларингизни яхшилаб тайёрлатиб қўйганман!

Нигора гапини тугатмаган ҳам эдики, идора олдида унинг лапашанг эри кўриниб қолди.

— Кечқурун кўришамиз. Бор, ана эринг рашк чўғида қоврилиб, бу ёққа қараб турибди, — деди Саркор.

Нигорахоннинг кўзлари жикка ёшга тўлди.

— Бунинг рашкидан ўлиб бўлдим! Шу шумшукдан қутқаринг мени, жон Саркор ака!

— Қўй! Бунақа гапларнинг ўрни эмас ҳозир. Кейин бафуржа гаплашамиз...

Кўча эшиги ичкаридан қулф эди. Гулюз очди. Эғнида эски кўйлак, оёғида катта калиш, ўзиям озиб, сўниқиб, юзи бир бурда бўлиб қолибди.

Гулюзнинг ҳам кўз ёши тайёр экан, уни кўриши билан миждаси намланди.

— Киринг, нима қилиб турибсиз?

Ҳовлининг тўрида, бир туп шотут тағида бири биридан ғалати, қўллари кир-чир, аммо аллақандай ширин бир тўп болакай кўзларини катта очиб турарди: набиралари! Ҳамма фарзандлари ўз болаларини бемаҳал қариб қолган шу шўрлик хотинга ташлаб қўйишган!

Саркор меҳмонхонага ўтаркан, кўзлари қулиб турган миттигина қизалоқ қўлини у томонга чўзиб:

— Бу менинг бувам! — деб бидирлади. Шундан кейин «Йўқ, менинг бувам, менинг!» дея ҳаммаси бирдан чувиллаша кетди.

— Йўқ сеники эмас, менинг бувам, менинг бувам!..

Саркор юраги шиф этиб, меҳмонхона эшигини очди. Катта чорхари меҳмонхона саранжом-саришта, кўрпачалар ёзилган, ўртадаги хонтахта мева-чеваларга тўла. Худди

илгарилари — Саркор ҳар кун меҳмон етаклаб келадиган даврлардек, ҳамма нарса тайёр! Ҳаммаси шу шўрлик аёл, унинг хиёнатларини билса ҳам умид ришталарини узмаган, узмай қариган шу инсоннинг меҳри билан йўғрилган.

— Мен сафарда — Масковда эдим, — деди Саркор. — Кечир мени, Гулюз.

— Масковга кетишингизни билмабмиз, бир оғиз айтмабсиз. Кўрқдим, ухламадим...

— Мен пича дам олай, чарчаганман. Унгача сен ўзингга қара, нима бало, бошқа кўйлагинг йўқми? Рўмолинг йўқми?

— Ким учун кийинаман, ким учун таранаман? — деди Гулюз ва кўзига ёш олди.

— Бўлди, хотин, тавба қилдим деяпман-ку, тавба қилдим. Ҳадеб гина қилаверма ахир, азизим!

— Гина қилганимда қаёққа борардим? — деди Гулюз. — Ана, ўрнингиз тайёр. Овқат-повқат қип қўяйми?

— Йўқ, овора бўлма. Кечқурун катта мажлисим бор. Тошкентдан телевизорчилар келишади. Уларни ўша ёқда ўзимиз меҳмон қиламиз. Хоҳласанг сен ҳам бор.

— Мен шўрлик нима ҳам қилардим бориб? Майли, дамингизни олинг, хўжайин!..

Саркор тўрға ўтиб, кўрпачага чўзилди.

Шифтига тоқи терилган, ўртада беш қиррали катта устун, токчаларига кўрпа ва кўрпачалар қаланган эски меҳмонхона. Раҳматли бобоси — кимсан Миршароф Миршаб қурган. У табаррук зот бўза солиб, ёр-биродарлари билан улфатчилик қилган макон бу! Саркор уни аллақачон бузиб, ўн баробар кўркам иморат қуриши мумкин эди. Лекин раҳматли бобосининг руҳини беҳаловат қилишни истамайди. Шу шўрлик Гулюзни ҳам бобоси олиб берган. Ёш, кучга тўлган Саркор кечалари пахтазорларни айланиб юрганида, ғўза суғорадиган ёш бевалар: «Дунёдан ёлғиз ўтяпман, лоақал қариганимда йиғлаб кўмадиган бир фарзанд ҳам кўрмадим», деб фарёд чекканда Саркор ҳам уларга қўшилиб, кўзига ёш олган... Урушдан кейинги овлоқ йиллар эди. У фожиали йилларнинг ҳам ўз завқи, ўз гашти бўларди. Аммо кейинроқ, бу тунги саргузаштлар сабаб, қишлоқда Саркорга бир томчи сувдек ўхшайдиган

митти саркорчалар кўпая бошлаганда, раҳматли бобоси уни кишлоқнинг олди қизи ҳисобланган мана шу Гулюзга уйлантириб қўйган эди.

Саркор, ниҳоят, бу маъюс ўйлардан чарчаб, кўзи илинган экан, бир маҳал устидаги ёпинчиқ кимирагандай бўлди. У кўзини очмасданок билди. Бу Гулюз эди. У Саркорнинг бошида ўтириб, устидаги кўрпани жуда аста, журъатсизгина тузатмоқда эди. «Бугун келаман, албатта, келаман! — деди хаёлан Саркор. — Мен бу шўрликни ранжитмаслигим, ўқитмаслигим керак».

12

Санъат саройининг кичик зали одамга тўлган, икки муовини, Зиёдахон ва Нигорахонлар уни ташқарида кутиб туришарди.

— Радио-телевидение келишганми? — деб сўради Саркор.

— Аллақачон келишган, шай бўлиб ўтиришибди, — деди Зиёдахон. У боягидан ҳам чиройлироқ кийиниб, пардозандозни дўндириб олган эди. Саркор мажлисни очишни ҳам, ёпишни ҳам унга топширди.

— Вой, — деди Зиёдахон, — сиз турганда мен...

— Сен очсанг яхши бўлади, — деди Саркор. — Парткомсан, биз ҳаммамиз партиянинг солдатларимиз.

Кичик зал ҳақиқатан ҳам лик тўла, баъзилар ҳатто икки ёнда тик туришар, телевизорчилар ҳам, сурагчилар ҳам шай эди.

Мажлис жуда чиройли ўтди. Фақат битта камчилик — Зиёдахон кўзбўямачилик ва кўшиб ёзишларга барҳам бериш ҳақида сал кўпроқ гапириб юборди-ёв! Чамаси шу сабаб, сўзга чиққан хўжалик раҳбарлари ва бригадирлар ҳам республикада бу иллат авж олиб кетганини қоралаб гапирдилар. Саркор ҳам охириги сўзида, қисқагина бўлсада, бу иллатни қоралаб ўтди. Хуллас, мажлисдан азбаройи хурсанд бўлиб кетган Саркор йиғилишдан кейин торроқ доирада зиёфат берди.

Зиёфат айна қизиган пайтда анов... Нигорахоннинг лапашанг эри кириб келди. Фирт маст, сочлари тўзғиган, кўйлаги йиртилган, чамаси, ташқарида турган қоровуллар

билан ёкалашган бўлса керак. У алпанг-талпанг юриб, тўғри Саркорнинг олдига келди-да:

— Сен... сен муғомбир, кўшиб ёзишда устаси фаранг... азозил, энди бу иллатни қоралаб, ўзингни покиза қилиб кўрсатмоқчимисан? Сен бу ишда ҳам, хотин-қизларни йўлдан уриш бобида ҳам...

Саркор қандай сакраб турганини ўзи ҳам билмай қолди. Бир ҳатлашда етиб борди-ю, қулочкашлаб шундай урдик, лапашанг ағдарилиб тушди. Яхшиям, бу шармандаликни телевизорчилар кўрмади, улар кетиб бўлишган эди...

Ҳазабдан кўзига олам қоронғи кўриниб кетган Саркор чалқанча йиқилган лапашангнинг устидан ҳатлаб ўтиб, ташқарига йўналди. У энди машинага ўтираётган эди, яна чопқиллаб Нигорахон келди.

— Саркор ака, жон Саркор ака! — деди у хикиллаб. — Мен бу бефаҳм жинни билан туролмаман! Ажрашаман у билан!

— Билганингни қил! — Саркор шундай дея машинага ўтирди-да: — Ҳайда дам олиш уйига! — деб буюрди.

Саркор доим шундай қилар, бирор нарсадан кўнгли ғаш бўлса, ё дам олиш уйи ёки бирорта узоқ хўжаликка кетар, ўша томонларда юриб, одамлар билан гаплашиб, ҳоврини босиб қайтар эди. У дам олиш уйида номигагина ухлаган бўлиб, аранг тонг оттирди. Эртасига эса чорва хўжаликларини айланди. Кечқурун уйга қайтаман деб турганида, дам олиш уйининг директори югуриб келди:

— Оксоқол, сиз ҳозир Отага телефон қилар экансиз, — деди азбаройи ҳаяжондан энтикиб. — У киши бугун икки марта сўрадилар сизни!

«Эшитган, ҳаммасини эшитган!» деди Саркор ичида.

Йўк, Ота унақа дарғазаб эмас эди.

— Қалай, яхши бориб келдингизми? — деди одатдагидек мулойим товушда. — Иванни топдингизми? Учрашдингизми?

— Топдим, учрашдим, Ота. Келганингизда гапириб бераман.

— Ҳмм, — деди Ота овози хиёл ўзгариб. — Бу дейман, кўшиб ёзишлар, кўзбўямачилик ҳақида телевизорда айтганларингизни Иван ўргатдимиз?

Саркор бир зум тилдан қолиб, нима дейишини билмай
ғўлдиради.

— Ҳай, — деди Ота, афтидан, Саркорнинг аҳволини
тушуниб. — Мен эртага тушда қайтаман. Ҳамма ишингизни
йиғиштириб, олдимга келинг!

Саркор турган жойидаги стулга шилқ этиб ўтириб
қолди.

13

Ота... Саркорни кутавериб кўзи илинган экан, рўпа-
радаги улкан соатнинг бонг уришидан уйғониб кетди. Соат
миллари роппа-роса ўн иккини кўрсатар эди. Ота ҳали
ҳушига келиб улгурмаган ҳам эдики, шахсий телефони
жиринглаб қолди.

«Сабоҳат»...

Ҳақиқатан телефонда Сабоҳат эди.

— Сизга нима бўлди бугун? — Сабоҳат култ этиб
ютинди. «Йиғлаяпти», хаёлидан ўтди Отанинг. — Тун
яримдан ошиб кетди: на келасиз, на телефон қиласиз.
Тинчликми ўзи?

Телефондан унинг култ-култ йиғиси эшитилди.

— Мени кечир, Сабо, — деди Ота, ўзи ҳам қандайдир
кўнгли бузилиб. — Мен Масковдан катта бир одамнинг
кўнғироғини кутаяпман. Гаплашиб бўлишим билан дарҳол
етиб бораман. Сен овқатингни дастурхонга ўрагин-да, ётиб
ухлайвер, азизим!..

— Бир гапни топиб олгансиз: ухлайвер, ухлайвер, гўё
билмайсиз: сизсиз кўзимга уйқу келса...

— Биладан, азизим, ҳаммасини биладан... Лекин ил-
тимос қиламан, сен ухлайвер. Тинчлик, ҳаммаёқ тинч-
лик...

Ота, телефонни қўйди-да, катта юмшоқ креслосига
ўзини ташлаб, толиққан, қизарган кўзларини юмди... Хаё-
лига негадир Сабоҳат билан дастлаб кўришган кунлари
келди...

Салкам беш йил давом этган мудҳиш уруш тугаш ара-
фасида эди. Урушдан енгил ярадор бўлиб қайтган Ота,
ҳисобга туриш учун вилоят комсомол қўмитасига борди ва
биринчи котибнинг ҳузурига кирди. Кирса, тўрда шундай

ёш, шундай жозибали бир киз ўтирибдики, Ота дастлаб хиёл довдираб ҳам қолди.

Қиз дархол ўрнидан туриб, пешвоз чикди.

— Келинг, ўртоқ лейтенант...

Қиз дуркун кўкрагига тушиб турган тилларанг сочларини орқасига ташлаб, билинар-билинемас таъзим қилди. Котибанинг фақат сочларигина эмас, дуркун қадди-қомати, гап орасида тез-тез ёқимтой жилмайиб кўйишлари — ҳамма-хаммаси тилла у ёқда турсин, жавохирдан ҳам гўзал кўриниб кетди фронтдан қайтган ёш лейтенантга.

— Шундай жаҳаннам урушдан, тўрт мучангиз тугал, соғ-саломат қайтиб келибсиз, бахтли инсон экансиз, ўртоқ лейтенант. Юринг, мен сизни обком котибига олиб кирай. Келажакнингиз ҳақида ҳам ўйлашиб гаплашайлик.

Обком котиби — бўй-басти ҳам, юриш-туришлари ҳам жуда ғалати, бўйи бир қаричгина, бошида сомон шляпасини ўтирганида ҳам, турганида ҳам ечмайдиган, оёғида пошнаси бир қарич туфли, хуллас, нимаси биландир кўзиқоринга ўхшаб кетадиган хушчақчақ одам экан. Ўзиям орқаворатдан уни ҳамма «кўзиқорин» деб аташар экан. Аммо бўй-басти кўзиқориндеккина бу инсон масалани кўп чўзиб ўтирмайдиган, ўта қувноқ ва дангалчи инсон экан.

— Бу гўзал қизимиз Сабоҳатхон аслида иккинчи котиб эдилар. Сабоҳатхон ўзлари ҳам сиздай жанглarda тобланган мард ўғлонни кутиб юрган эдилар. Енг шимариб ишга киришинглар, қарабсизларки, бир-икки ой ўтмасданок вадаванг тўй... қани, ким қарши бу таклифга. Ерга қараб қизарганларингдан кўриниб турибдики, икковларинг ҳам бу таклифга қарши эмассизлар. Биринг — Фарход, биринг — Ширин, оқ йўл, сизларга, қадрли ёшлар!

«Кўзиқорин» худди туш кўргандек гапирган экан, уч-тўрт ой ўтмасданок уруш ҳам тугади. Уларнинг тўйлари ғалаба тўйига уланиб кетди.

Ота мактабда ўқиган чоғларидаёқ шеър ва хикоя машқ қилиб юрарди. Бу ҳам бир сабаб бўлди-ю, бир йил ўтмасданок «кўзиқорин» уни вилоят газетасига муҳаррир қилиб тайинлади. Шу-шу Отанинг мансаб бобидаги парвози тез учар самолёт парвозидан ҳам тезлашиб кетди. Вилоят газетасидан республика газетасига кўтарилди, газетадан Олий Советга раис этиб тайинланди. Катта Ота билан бирга Ҳиндистонга бориб қайтгандан кейин эса умуман

ошиғи фақат олчи турадиган бўлди. Унинг омади шу даражада кўтарилиб кетди. Узок йиллар ўтиб мана энди бу кўнгилсиз ва хатарли воқеалар гирдоби бошланди.

Отанинг хаёлини оқ телефонларнинг бири дахшатли жиринглаб, узиб қўйди.

— Ҳа, ҳалиям ўтирибсанми? — деди Кремлдаги оғайниси. — Ётиб ухлайверсанг ҳам бўларди...

— Бўларди, албатта. Аммо телефонлашамиз деб ваъдалашган эдик-ку...

— Ҳа, ваъдалашган эдик, — деди Кремлдаги оғайниси. — Аммо сени қувонтирадиган ҳеч гап йўқ, биродар. Мана, пахта терими ҳам келиб қолди. Бу сафар каттиқ хушёр бўл. Ҳеч қандай қўшиб ёзишлар, кўзбўямачилик ва хоказолар бўлмасин. Билиб қўй: бу сафар сенинг ишларингни, тўғрироғи, босган ҳар бир қадамингни шахсан ўзлари кузатиб борадилар... Хайрли кеч оғайни!..

Ота оқ телефонни жойига қўйиб, аранг ўрнидан турди, аммо қадам босишдан чўчиб, ёрдамчисининг тугмачасини босди, эшик дарҳол очилиб, ёрдамчиси, қачон бўлмасин шай турадиган ёшгина йигит пайдо бўлди.

— Эшитаман!

— Менга кара, укажон, менинг сал мазам қочиб қолди.

— Навбатчи доктор шу ерда, чакирайми?

— Йўқ, — деди Ота, иродасига зид равишда овози қалтираб. — Кремль касалхонасида даволанганимда, менга профессор айтган эди. Мабодо юрагинг ёмон бўп қолса 20—30 грамм арақ ичиб юбор, деб... Арақ борми? Бўлса бир култум арақ опкел, ука...

— Ҳозир...

Ёрдамчи йигит, хонадан чиқди-да, зум ўтмай очилмаган бир шиша арақ кўтариб кирди.

— Оч, — деди Ота. — Лекин бир рюмкадан ортиқ бўлмасин! — Ёрдамчи йигит шишадан эллик граммлик рюмка тўлар-тўлмас арақ қуйди-да, Отага тутди.

— Қирқ грамм қуйдим, ота!

— Йўқ, — деди Ота ва рюмкани бир кўтаришда бўшатиб, ўзини юмшоқ креслога ташлади-да, кўзини юмди.

Орадан бир-икки минут ўтдим, йўқми, Ота кўзини очди ва юмшоқ кресло суянчикларига суяниб, ўрнидан турди.

— Машина тайёрми? Тайёр бўлса, мени олиб чиқиб қўй, — деди Ота.

Уйдаги чироклар ўчирилган, фақат ошхонадаги биттау битта лампочка ожизгина милтираб турарди. Эшик олдида секин бориб-келиб турган милиционер югуриб келиб, машина эшигини очаркан:

— Келин оёи ҳозиргина чирокни ўчирдилар, ёкайми? — деб сўради.

— Йўк, ўзим, — деди Ота.

Емакхонадаги ёлғизгина чирокнинг хира шуъласида стол чеккасига бошини кўйиб, мудраб қолган Сабоҳатхон аранг кўринарди.

Ота оёқ учида юриб бориб, дастурхонни очди. Ўртада бир лаган ош ва бир шиша ширин вино ва бир чойнак чой турарди.

Ота Сабоҳатни уйғотиб юборгиси келмай, ёнига секин ўтирди. Унинг бошидаги бир маҳал тилладай ялтираб турадиган гўзал сочлари оқарган, сийраклашган эди. Ота юраги аллақандай мунғайиб, унинг пешонасига сочилган оқ толаларни оҳиста тузатмоқчи бўлган эди, Сабоҳатхон чўчиб уйғонди...

— Э, сизмисиз, хўжайин? — деди у аллақандай аянчли, зўраки жилмайиб. — Кутавериб кўзим илиниб қолибди, мен ошни иентиб келай...

— Йўк, йўк, — тўхтатди Ота. — Мен ё бир қошиқ ейман, ё емайман...

Сабоҳатхон итоаткорлик билан чой куйиб, эрига узатаркан, оҳиста уҳ тортди: — Кўзларингиз бирам ичига тортиб, киртайиб қолибди. Ёрилсангиз-чи, акажон! Мен сизнинг душманингиз эмасман-ку. Киши дардини ичига ютавермай ёрилса, енгил тортади, дейишади-ку! Айтсангиз-чи, нима бўляпти ўзи? Нега бунчалик озиб-тўзиб, бўшашиб қолдингиз? Ёки ишдан олишяптими? Олишса худодан кўриб, хурсанд бўлинг. Бир кунимизни кўрармиз. Мен у ёқда турай, қизларингиз, худодан тилаб олган ёлғиз ўғлингиз — ҳаммаси, ҳаммаси безовта, хар куни жон-холимга кўймай сўрашади, дадамларга нима бўлди, деб. Яхши юрган одам жуда чўкиб қолди-ку, нега дадамларга қарамайсиз, дейишади. Ўғлингиз, эркак эмасми, кўп ёри-лавермайди, лекин қизларингиз...

Ота гапни ҳазилга бурмоқчи бўлиб:

— Кўй бу гапларингни, Сабо, — деб ёлворди. — Бўлмаса мен ҳам ҳозир сенга кўшилиб... Ота гапнинг у ёғини

айтмади. Ҳа, айтмоқчи, бир рюмка, бор-йўғи бир рюмка арақ топиб бер, менга.

Сабоҳат, бир маҳаллар Отани мафтун этган, ҳамиша тилла жило сочиб турадиган, энди эса ғам чўкиб, киртайиб қолган кўзларини пирпиратди.

— Бу илтимосингиз ҳам қизик, умрингиз бино бўлиб, бир қултум арақ ичмаган одам.

Ота ранжиганини яшириш учун Сабоҳоннинг елкасидан қучиб, жилмайган бўлди.

— Майли, йўқ бўлса йўқолсин ўша захри заққум...

— Йў-йўқ, — деди Сабоҳат, апил-тапил ўрнидан тураркан. — Йўқ бўлса, йўниб бўлса ҳам топаман сиз учун...

У қайдандир бир шиша очилган арақ билан миттигина биллур қадаҳ олиб келиб қўйди.

Ота лом-мим демасдан ярим қадаҳ арақ ичди, сўнг бир дақиқа бошини осилтириб ўтирди-да, Сабоҳатнинг елкасидан қучди.

— Онаси, жон онаси, энди ором олайлик.

— Яхши, — деди Сабоҳат, — юринг сизни ётқизиб, ўраб-чирмаб қўяй! Фақат...

Сабоҳат эрининг елкасидан қучиб, то абад садоқат ёғилиб турган қандайдир ожиз кўзларини эрига тикди.

— Бошқа ҳеч нарса керак эмасми?

Ота, йигирма грамм ичкилик таъсир этдими, бошқами, Сабоҳатнинг елкасидан қучиб, пешонасидан ўпди.

— Илоё, менинг бахтимга умринг узоқ бўлсин. Мени ўз қўлларинг билан ювиб-тараб у дунёга кузатиб қўйгайсан!

— Мени кечиринг, дадаси, — деди Сабоҳат томоғини бўғган йиғи билан олишиб. — Боя ўғлингиз келиб бир гап айтиб кетди...

— Хўш?

— Ўғлингиз айтаяпти: дадамлар бир мардлик қилсинлар, деяпти.

— Хўш?

— Ўғлингиз айтаяптики, дадамлар шартта ишни таш-ласинлар, деяпти...

— Хўш, яна нима деяпти?

— Деяптики, шунча йил ишлаб, советларга шунча хизмат қилганларида, ахир-пировардида шундай хор бўлаяптилар, деяпти. Дадамлар ишдан кетсалар очдан

ўлмасмиз, Советлар қарамаса-қайишмаса, ўзим боқиб оламан, икковингизни деяпти...

Ота бошини Сабоҳатнинг кўкрагига қўйганча, сукутга чўмди.

Сабоҳат, эрининг сукутини бузгиси келмас, секин елкасини кучди. Ота юмук кўзларини очиб, хотинига қаради.

— Ўғлимнинг бу гаплари учун миннатдорман. Буни ўғлингга айтиб қўйгин. Аммо... ке, азизим, мени тўшакка элтиб қўй. Қолган гапни эртага гаплашайлик! Фақат бир нарсани айтиб қўй: мен сендан ҳам, фарзандларимдан ҳам розиман, тоабад розиман!..

14

Казбек ҳар сафаргидек, Саркор айтган ҳамма нарсани тахт қилиб, машинани шай қилиб, кутиб ўтирган экан.

— Ичкиликдан ниманг бор? Яхшисидан борми?

— Бор! Ҳамма нарса бор! Ичадигандан ҳам, газагидан ҳам.

— Қуй, — буюрди Саркор. — Газагига... лимон бер. Шакар сепилганидан. Иккинчисига қази, бир жуфт кабоб.

— Юргандан кейин ичасизми ё хозирми?

— Ҳозир, дарҳол! — Саркор, Иван бериб юборган арағидан бор экан, бир пиёла ичди-да, лимонни қасирқусур чайнаб, бир сих кабобни қўлига олди, орқа ўриндиққа солинган гиламга чўзиларкан:

— Мени овоза қилма, — деди, — телефонда дарров хўжайин чарчаган, пинакка кетган, деб айт! Уқдингми?

— Уқдим, хўжайин.

— Уқсанг, сур тулпорингни!

Саркор бошига ёстиқ қўйиб, чалқанча ётиб олди-ю, хаёлга толди.

Масков. Доҳий вафотидан кейин очилган энг катта съезд. Президиумда Ота ҳам ўтирибди. Катта Ота билан бирга Ҳиндистонга бориб келгандан кейин Отанинг обрўси жуда кўтарилган. Республика съездида у биринчи котиб бўлиб сайланган. Уни Политбюро аъзолигига, жилла курса аъзоликка номзод бўлиб сайланади, деган миш-мишлар юрипти. Ҳақиқатан ҳам аъзо бўлмаса-да, номзод этиб сайланди. Лекин сайловдан олдин гапирган нутқида у кейинчалик республикага катта зарба бўлиб теккан қалтис бир таклифни ўртага қўйди.

У киши айтдиларки, пахтанинг нархи жуда баланд. Оқибатда пахтакорларнинг хаёт даражаси бошқа республикаларга нисбатан бир неча баробар юкори. Бу нархни қайта кўриб чиқиш даркор. Бўлди қарсак, бўлди қарсак! Саркор ҳам қарсак чалди. Чалишга чалди-да, ичида афсус ва маломатлар уни ларзага солди. Чунки у пахтакор меҳнатининг мисли кўрилмаган оғирлигини яхши биларди. Ана арманлар! Бу республика делегати Арманистонни пахтадан озод қилиш даркор, шунда арман халқи коньяк ва вино деганларини дарё қилиб оқизиб юборади, деган таклиф билан чиқиб, Ўзбекистондан ҳам кўпроқ қарсак олишди. Ва пахта ғурбатидан озод бўлишди.

Ёлғон нимага керак? Отанинг ўша съездда йўл кўйган хатоси жуда қимматга тушди. Шундан кейин бир-икки йил ҳам ўтмадики, пахтакор хўжаликлар бирин-кетин ўтира бошлади. Халқ эса ош қолиб атала еди. Ана сизга, Ота! Рост, аслини олганда ўзи ёмон одам эмас бу инсон — Саркор аниқ билади — ўзи ўзидан эзилиб юрибди. Аммо нима қила олади? Поезд кетиб бўлган, ана ундан кейин бошланди «приписка» деган бало.

Ахир, халқ шўрлик нима қилсин? Дори берса бир бало, бермаса икки бало, ерда на куч қолди, на озуқа?

Саркор эса... Кунлардан бир кун Ота уни чақириб қолди. Соат ўн иккига етиб келинг, деб илтимос қилди.

Саркор етиб борди. Ўшанда ҳам кабинетда Ота бир ўзи ўтирарди. Саркор кириши билан Ота қабулхонадаги котибасини чақириб, Кулаков билан улаб беришини сўради. Кулаков у маҳалда қишлоқ хўжалигига ҳомийлик қиларди. Зум ўтмай, котиба қайтиб кирди:

— Кулаков телефонда!

Ота у билан кўп эмас, уч-тўрт минут гаплашди, аммо шу қисқа вақт давомида чехраси очилиб, камида тўрт-беш марта унга ташаккурлар билдирди, сўнг трубкани жойига қўйиб, Саркорга юзланди:

— Мана, Саркорбек, — деди у ҳамон кулимсираб. — Отангизнинг саъй-ҳаракати бежиз кетмади. Шу йилдан бошлаб пахтанинг нархи ошади.

Саркор ҳам қувониб кетиб:

— Неча пулга? — деб сўради.

— Килоси уч тийинга!

Саркор ҳафсаласи пир бўлди-ю, буни яшира олмай:

— Килосига уч тийин... Шу ҳам пул бўлдимиз? — деганини ўзи ҳам билмай қолди.

Отанинг ранги оқариб кетди.

— Шу ҳам пул бўлдимиз дейсизми? — деди Ота бутун вужуди билан олдинга эгилиб. — Уч тийиндан ўн килоси қанча бўлади? Ўттиз тийинми? Юз килоси ўттиз сўм? Бир тоннаси-чи? Уч минг сўмми? Беш миллиондан келадиган даромад-чи? Сиз ахир ҳисобчидан чиққан донгдор раҳбарсиз-ку? Ҳисоблаб беринг, қани?

Ё тавба! Қўйдайд ювош бу одамнинг важоҳати шу даражада ўзгариб қолдики, Саркор ҳатто ҳозир милициясини чақириб, «опкетинглар бу одамни тегишли жойларингга!» деб юборадими, деб сесканиб кетди.

— Мени кечиринг, Ота, — деди у ялтоқланиб. — Мен бу томонларини яхши ўйламабман. Анча катта ёрдам бўлади Ўзбекистонга. Раҳмат Политбюрога...

Ота шундан кейингина бир пиёла сув ичиб, хиёл хушига келди.

Яхши-ёмон мураса қилиб юрган эди. Анов... қаттиққўл, важоҳатидан хўкиз хуркадиган шу кўзойнак пошшо келди-ю, Отанинг бошида қора булутлар айлана бошлади.

Ёпирай! Ота салкам чорак аср улкан бир жумҳуриятни бошқариб, бирор одамга ёмонлик қилмаган. Битта, битта хатоси дудук пошшо ҳаёт вақтида, бехосдан Масковга бориб қолиб, кўзойнак пошшони танқид қилганими? Бошқа нима ёмонлик қилди? Одам боласи, гуноҳкор банда, гўё ўзи ҳеч хато қилмагандай, ҳаммани эзиб, гўрга тикиб кетаверар экан-да!...

Раҳматли дудук пошшо! Тириклигида унинг қадрини билмаган эканмиз.

Сира ёдидан чиқармайди! Агар янглишмасе ўлимидан бир-икки ой муқаддам Тошкентга ташриф буюрган эди. Шунда, Ота қанчалик ҳаракат қилмасин, бутун органлар, милиция, Мудофаа вазирлиги ходимларини сафарбар этган бўлмасин, ҳамма эҳтиёт чораларини кўрган бўлмасин, иккита кўнгилсиз воқеа юз берганди. Бири анов... Лимончи академикнинг боғини кўриб қайтаётганларида, бири авиация заводида уст-устига икки кўнгилсизлик содир бўлди. Улар Лимонарийдан чиқиб, авиа заводга кетаётганларида... Улар юрадиган йўлдан поезд ўтар экан, дудук пошшо билан Ота шу ерга келганларида бехосдан поезд келиб

қолса борми? Поезд бўлганда қандок, камида ўттиз вагон тиркалган эшелон экан қисталок! Худди майиб илондай судралган саноксиз вагонлар ўтяпти, ўтяпти, қани тугаса! Ўшанда Ота ичида бу хатонинг олдини олмаган латтачайнар ходимларнинг ота-боболаридан тортиб, ҳозирги авлодигача ҳаммасини ичида сўкиб чиққанди. Аммо Катта Ота, жойи жаннатда бўлсин, бир оғиз норозилик аломатини билдирмади. Чидамли, бардошли экан!

Иккинчи кўнгилсиз ҳодиса самолётсозлик заводида рўй берди. Бошида бу ерда илғор заводнинг илғор раҳбари билан ўтказилган учрашув жуда тинч ва яхши ўтди. Фақат завод ҳовлисида ўтказилган митинг чоғида ноҳуш ҳодиса содир бўлди.

Митинг завод ҳовлисида ўтди. Дудук пошшо ва Ота билан бирга келган масъул ходимларни офтобдан тўсиш учун омонатроқ айвон тагига жой қилишган экан. Шунда, мезбонлар келадиган одамлар қанча бўлади, буни ўйлашмаган экан, одамлар эса айвончанинг таги у ёқда турсин, тепасига ҳам чиқиб олишган эди. Митинг энди бошланганда, Катта Ота ва кичик Ота билан бирга келган масъул кишилар бошига томдаги айвон бирдан ўпирилиб тушса борми? Ота ҳозир ҳам бу воқеа эсига тушса, юраги ўйнаб кетади.

Ўшанда Отани кўп сақлаб келаётган Оллоҳ таоло уни яна бир сақлади. Агар дудук пошшодай бағри кенг одам ўрнига ҳозирги турки совук, кўзойнак пошшо бўлгандами, ҳамманинг боши кетарди.

Дудук пошшо кўрикчиларидан ҳам бир-иккитасининг бошлари ёрилиб, юзлари кўкарди. Аммо дудук пошшо бир оғиз норози гап айтмади, на Отага, на завод раҳбарларига ғазаби келганини билдирмади.

Аммо кейинчалик Отага кўп маломатлар келтирган яна бир кўнгилсиз воқеа содир бўлди.

Алишер Навоий номидаги санъат саройида ўтган яқунловчи мажлисда дудук пошшо Отанинг зиммасига яна бир кўтариб бўлмас даражада оғир вазифа юклади.

— Укажон, — деди у, Отани ўзига жуда яқин олиб. — Ўзбекистон ҳозир йилига беш миллион етти юз тонна «оқ олтин» топшираяпти. Келинг, укажон, шу рақамни майдалаштириб ўтирмай, юм-юмалоқ олти миллион қилиб кўяқолайлик!

Бўлди қарсақ, бўлди қарсақ! Бутун зал ўрнидан туриб кетди. Мажлис тугади ҳамки, қани қарсақлар тугаса!

Танаффус вақтида бутун издиҳом, улар орасида Саркор ҳам бор, дув этиб икки Отани ўраб олишди. Отани бир неча бор кўтариб, осмонга отиб тутиб олишди. Халойик дудук пошшони ҳам шундай қилмоқчи эди, аммо унинг кўриқчилари бунга изн беришмади. Бу буюк инсон, уни эҳтиёт қилишимиз даркор, дея дув ёпирилиб келган оломонни орқага қайтаришди.

Ҳа, ҳаёт шундай экан. Фақат душманларинггина эмас, дўстларинг ҳам омадинг келганда кўтар-кўтар қилишар экан, омад сендан тесқари ўгирилдими, бас, алвидо деб, сендан юз ўгириб кетаверар экан!

Шулардан бири Саркор бўлса, кеча телевизорга чиқиб нималар демади? Эндиликда пахта соҳасида кўзбўямачиликка, кўшиб ёзишларга барҳам берайлик, деб шиор ташлади.

На қизармай, на бўзармай гапирди, гўё ўзи кўшиб ёзмагандай, гўё кўзбўямачилик қилмагандай, шўрлик Ота эса қанча яхшилиқлар қилмади, душманлари Ота тугул Масковга ҳам хат ёзишди, не-не ёмон гапларни гапиришмади? Ота уни бу гапларнинг ҳаммасидан ҳимоя қилиб келди... Майли сабр қил, чол, аввал кўргин, эртага келганда нима деркан, ўзини қандай оқлар экан?

Ким билсин, Ота бу сафар Саркордан батамом юз ўгириб, айниқса, анов телевизор машмашаларидан кейин, қиличини яланғочлаб ўтирган бўлиши ҳам мумкин! Саркорнинг ғовлаб кетган миясини Қазбекнинг: — Тошкент денгизига келдик. Хўжайин, қўл-пўлларингизни ювиб оласизми? — деган саволи бўлди.

Саркор аранг бошини кўтариб, ён-верига қаради. Улар Тошкентга қираверишдаги катта қўл ёқасида туришарди.

Саркор шартта кўйлагини ечиб:

— Сув-пувинг бўлса опкел! — деб буюрди. Бошидан тўпифигача ҳаммаёғини совунлаб ювинди, кейин бир шиша сув билан элик грамм арақ ичиб, машинага чиқди.

— Кетдик. Бу ёғи ё разок! Ё остидан, ё устидан!

— Кўп ваҳима қилаверманг, хўжайин, — деди Қазбек. — Бир умр олчи туриб келган ошиғингиз нега энди пукка тушар экан? Ота олдидан яхши чиқсангиз, сиздан битта зиёфат.

Саркор қах-қах отиб кулди.

— Битта эмас, сен Кавказ кашқирига ўнта зиёфат! Чу де отингни!

Пастда лифт хўжайини кутиб турган экан, ракета учиргандай учириб, «зув» этиб қабулхонага олиб чиқди.

Одатдагига қарши, қабулхона бўм-бўш эди. Ёрдამчи чаккон йигит ичкарига кириб кетди-да, дархол қайтиб чиқди.

— Марҳамат, кутаяптилар.

Ота дераза томонга қўйилган, кўк мовут ёпилган узун столнинг тўрида, қатор оқ телефонлар саф тортган стол ёнида ўтирар эди. Ота уни кўриб:

— Марҳамат, марҳамат, — деди кулимсираб ва негадир ўрнидан турди. Улар кўришар эканлар, Саркорнинг юраги увишиб кетди. Ота, тўрт-беш кун аввал кўришганларидан ҳам баттар қорайиб, лаб-лунжлари ичига ботиб кетган эди.

— Хўш, Саркор ака, сафар яхши бўлдими? — деди Ота ва тўсатдан: — Юринг, ичкарига кира қолайлик, — деб таклиф қилди.

Саркор бу даргоҳга шунча келиб, эътибор бермаган экан, тўрда яна бир махфий хона бор экан.

Улар олдинма-кейин ўша эшикдан ичкарига кирдилар. Бу ҳам улкан, жим-жит ва бежавотиргина, столда бир даста тарелкалар, чойнак-пиёлалар — ҳамма нарса муҳайё, фақат телефон йўқ, жим-жит эди.

Ота тўғри тўрдаги диванга ўтиб, Саркорни ҳам ёнига таклиф қилди. Шу пайт чап ёндаги эшик очилиб, сув-пув, мева-чева тўла патнис кўтариб, ёшгина қиз кирди. Олиб келган неъматларини столга қўйиб, отага юзланди.

— Яна нима керак, Ота?

Ота кулди.

— Бир нима керак, қизим. Бизга бир шиша арақ ва бир шиша коньяк. Газагига кабоб-пабоб... Хўжайинингиз ўзи билади, қизим...

Ота шундай деб кулди ва қандайдир ички бир дард билан: — Саркоржон, — деди. — билмадим, мен бу ташвишлардан ўлиб кетаманми.

— Йўғ-е, қўйинг бу гапларни, Ота? — деди Саркор, тўсатдан юраги зирқираб. — Ахир республикамиздаги ҳамма ишларга ўзлари мажбур этган-ку, бизларни! Мана бу ҳозирги кўзойнак пошшо нега ўшанда қилмагани бу

дўкларни? Нега оғзига сўк олиб ўтирганди? Сабаби маълум. Гапи ўтмаслигини, дудук пошшо унга йўл бермаслигини яхши биларди бу турки совук кўзойнак пошшо! Қани, келсин-чи, биз билан гаплашгани! Гаплашиб кўрайлик-чи, мақсади нима у жаллоднинг.

— Унинг мақсади бизни... ҳам хайдамок, ҳам қамамок, — деди Ота

— Қамай олмайди! Кўркманг, Ота! Келадиганларнинг ҳам томоқлари тешик-ку! Берармиз қоринлари ёрилиб кетгунча!..

Отанинг чехраси бирдан очилиб кетди.

— Мана энди ўзингга ўхшаб гапирдинг! Қуй, анов захри заққумдан! Умримда бир рюмкадан кўп ичмаган одам, бугун ичишаман сен билан!..

— Қўйинг, Ота, бу масалада мен билан мусобақа ўйнай олмайсиз. Сизнинг номангиз эллик грамм. Аммо бугунги бу гаплардан кўрқаверманг, Ота! — деди Саркор, рюмкани бир кўтарганда бўшатиб, диванга ястаниб ётди. Назарида, эндиликда Ота унинг кўлида эди.

Рўпарадаги девор соати жиринглади.

Ҳа, соат-миллари роппа-роса ўн иккини кўрсатарди. Ота ёнбошида саф тортиб турган телефонлардан бири жиринглаб қолди.

«Сабоҳат!»

— Кечаси соат ўн икки бўлаяпти, ҳануз ишда ўтириб-сиз... Тинчликми ўзи?

— Тинчлик, тинчлик. Нар и борса ярим соатларда етиб бораман. Сен бамайлихотир ётиб ухлайвер, азизим. Телефон кутаяпман...

Ота телефонни қўйиб, киртайиб қолган ҳорғин кўзларини юмди. Ота ҳануз давом этаётган мудҳиш ўйлардан қарахт эди.

15

Саркор қадахдаги арақни сипқориб ташлади, аммо патнисдаги неъматлардан олиш ўрнига дастрўмоли билан лабини артиб қўяқолди. Арақ ичак-чавоғини куйдириб ўтди. Аммо бир зумдан кейин қорнидаги оғриқ йўқ бўлди-ю, чехрасига қон, лабларига кулги югурди.

— Яна биттадан оламизми?

— Йўк, — деди Ота. — Менга етади.

Саркор унга синчиклаб қаради-ю, сесканиб кетди. Отанинг юзида қон қолмаган, қўллари титрай бошлаган эди!..

— Сен ич! Баъзи нарсаларни ошкора гаплашиб олишимиз керак... — Ҳа, нега ичмайсан? — деди Ота овози хиёл титраб. — Ич буни! Ҳали мени сенга айтадиган гапларим, гиналарим бор! Мен сени Масковдан яхши гап топиб келасан, деб юборган эдим. Сен бўлсанг бунинг аксини топиб келдинг. Шундан бери кўзимда уйқу йўк, ука.

— Нима қилай, ота? У ёқда шунақа гаплар бўлди. — Ярамас Иван, илгариги Иван эмас, жуда ўзгариб қолибди. Ҳадеб кўзбўямачиликни пеш қилаверади... Бунинг олдини олинглар, акс ҳолда ёмон бўлади, дейди...

— Қанақа кўзбўямачилик? — Ота холига зид бир чаққонлик билан ўрнидан туриб кетди.

Шу пайт эшик шитоб билан очилиб, Отанинг ёрдамчиси — паканагина, аммо ўта чаққон ёш йигит кирди.

— Москва, телефонни олинг, Ота. Йўк, уни эмас, шахсий телефонингизни. Катта хўжайин сўраяпти...

Ота ёрдамчиси кўрсатган телефонни олди.

— Эшитаман... — У шундай деди-ю, тош қотди-қолди: — Неча дедингиз? Беш юз... Албатта, албатта, ҳамма шароитларни яратиб берамиз. Йўк-йўк, ҳеч қандай тўсқинлик бўлмайди. Ўртоқ... — У кўзойнак пошшонинг исми шарифини зўрға айтди-ю, креслосига йиқилди, йиқиларкан, дир-дир титраган қўлидаги телефон полга тушиб кетди.

Саркор югуриб бориб, трубкани олди. Лекин телефон ўчган эди.

— Беш юз, беш юз терговчи келаётган эмиш, — деди Ота ва кўзини юмаркан: — Доктор, доктор чакиринглар, — деб шивирлади.

Ёрдамчи чопқиллаб чиқиб кетди. Саркор нима қилишини билмай, турган жойида қотиб қолди. Хаёлидан ўлиб қолмаса эди, тагин, деган гап ўтди. Хайрият, унгача бир гуруҳ эркак-аёл докторлар чопқиллашиб кириб келишди. Отанинг ёрдамчиси унга, сиз чиқиб туринг, деб илтимос қилди. Чамаси, ярим соатлардан кейин (Саркорга бу ярим

соат ярим минг соат бўлиб туюлди), докторлар Отани филдиракли креслога ўтказиб, бошига қўш ёстиқ қўйиб, филдиратиб олиб чиқиб кетишди. Саркор шундан кейингина кўнгли ғаш, аввалги шаштидан тушган ҳолда саройни тарк этди. Қазбек машинанинг орқа ўриндигига чўзилиб, пинакка кетган экан. Саркорнинг қадамларини эшитиб, апил-тапил ўрнидан турди-да, ўз жойига ўтиб ўтирди.

— Бедана юриш қилайми ё учирайми дулдулни? — Сўради у.

Саркор орқа ўриндиққа узала тушиб, чалқанча ётиб олди.

— Учир. Шундай учиргинки, ярим соатда етиб борайлик овулимизга, — деди Саркор.

— Тинчликми ўзи, хўжайин? Шаштингиз паст?

— Мен билан ишинг бўлмасин? — деди Саркор. — Йўлга қара!

Бугун Саркор вазиятнинг нақадар оғир эканлигини тушунди, жуда чуқур англади. Яқин кунларда рўй бериши мумкин бўлган фалокат, Отанинг аҳволига қараганда у ўйлагандан юз баробар хатарли эканлигини тушунди. Лекин нима қилиши мумкин, агар анови беш-олти юз тафтишчилардан йигирма-ўттизтаси унинг хўжалигига бос-тириб келиб, ҳаммаёқни остин-устун қилиб, текшир-текширни бошласа, Саркор нима қила олади? Қўлидан нима келади? Илгарилари ҳам гоҳо-гоҳо Саркорнинг хаёлига шундай фикрлар келса, ўзига содиқ йигитлардан йигирма-ўттизтасини шай қилиб қўйиб, келган тафтишчиларни ўз маконидан қувиб чиқаришни ҳам ўйлаб қўярди. Отани инфаркт қилишига оз қолган бояги телефондан кейин бу ўйларнинг бари куракда турмайдиган хомхаёл эканлигини тушунди, жуда чуқур тушунди. Аммо тез кунларда Тошкентдаги министр оғайниларида мутахассисларни чақириб, бухгалтериясини бир текшириб қўйиш керакмикан? Омбор мудирлари, умуман мол-дунёлар сақланаётган жойларни, пулга хўжайинлик қилаётган кассирларини ҳам бир силкитиб, сал шаштидан тушириб қўйиши керакмикин? Ана ундан кейин, йўқ, ундан ҳам олдин шу бугуннинг ўзидаёқ барча хўжалик раҳбарларини Санъат саройининг кичик

залига йиғиб, келаётган балога қарши тайёргарлик кўриб кўйиш лозим.

Саркор шу қарорга келди-ю, дархол рация орқали Зиёдахонга кўнғироқ қилиб, шу бугун санъат саройининг кичик залига барча ходимларни йиғиб туришни буюрди. У етиб борганда кичик залга эллик-олтмишга яқин фаоллар йиғилган эди. Саркор, кўз олдида ҳамон Отанинг хонасида содир бўлган қўрқинчли воқеа, оташин нутқ сўзлади. Кимки бир грамм пахтани кўшиб ёзса Сибирь бўлади, деб огоҳлантирди. Фаоллар бошларини қуйи солиб, сукут сақлаб эшитдилар, лекин бу сафар одатдаги қарсақлар янграмади. Ҳамманинг дилида аллақандай бир ваҳима бостириб келаётганидан чўчиш аломати шундай сезилиб турарди.

Саркор мажлисни ёпиб, машинасига ўтираётган эди, жияни, бирлашма касалхонасининг бош шифокори келиб қолди.

— Тоғажон, агар рухсат этсангиз, мен ҳам бораё уйингизга, — деди у журъатсизгина. — Гап бор, тоғажон.

Саркорга жиянининг гаплари ёқмади:

— Нима гап? — деди хушламай. — Хўп, чиқ машинага.

Хотини ош дамлаб, унинг йўлига тикилиб ўтирган экан, бир зумда дастурхон ёзиб, ҳамма нарсани тахт қилди. Саркор иккита катта пиёлани тўлдирди:

— Қани, кетдик, жиян!

— Тоғажон! Биласиз-ку, мен ичмайман.

— Жуда соз, — пичинг қилди Саркор. — Менга кўпроқ қоладиган бўпти!

Саркор жияни арақ ичмаслигини билар эди, аммо ҳозир юз грамм билан асабини босмаса, кечаси билан мишжа қоқмай чиқишини ўйлади, шишани тагига бир уриб оғзини очди-да, иккала пиёлани ҳам тўлдирди.

— Тоғажон, мен ичмайман, — такрорлади жияни.

— Ичма, ичмаганинг яхши, жиян, — деди Саркор. — анави бедаво касалга мубтало бўлганимга қирқ йилдан ошди. Энди ундан қутулиш амримаҳол! — Саркор шундай деб бир пиёла арақни бир кўтаришда бўшатди-да, оғзига газак ҳам солмасдан, жиянига қаради.

— Хўш, жиян, бир гапнинг борга ўхшаяпти! Гапир, мум тишламай.

— Йўк, сизга ақл ўргатишга ожизман, тоғажон, — деди жияни. — Фақат... бундан кейин ўзингизни сал босиб, обрў-эътиборингизга яраша иш қилсангиз дейман, тоғажон.

— Хўш? — деди Саркор. — Обрўйимга путур етказадиган қанақа иш қилибман?

— Анави комсомол секретарини эри уриб, кейин Масковга кетибди. Марказқўмга кириб, шикоят қилибди...

— Хўш, биров эшитганми, у шилқимнинг арзу додини?

— Эшитганда қандоқ, комиссия юборадиган бўлишибди...

— Бас! — деди Саркор ва сакраб ўрнидан турди. — Шу ҳам етар бугунга! Менинг ғамимни сен емай қўя қол.

— Яхши дам олинг, тоғажон.

Саркор индамади.

16

Жонажон тоғаси билан бўлган суҳбатдан асаби бузилган жиян уйига эмас, касалхонага борди. У ўз хонасига кириб, энди жойига ўтирган эди, телефон шовқин солди. Келинойисининг нолакор овози эшитилди:

— Тоғангизни олиб кетишди!

Жияннинг оёқлари қалтираб, ўтириб қолди.

— Қачон? Кимлар олиб кетди?

— Билмасам, сиз кетишингиз билан дарвоза олдига уч-тўртта ёпик машина келиб тўхтади. Тоғангизни биласизку, ўрнидан сакраб туриб: «Ким бу ярим кечада дайдиб юрган», деб бақирган эди. Бостириб келганлар эшикни тепиб, ёпирилиб киришди. Юзларига никоб, кийиб олган. Кўрган одам даҳшатга тушади. Улар тоғангизни чалиб йикитдилар-у, оёқ қўлларига кишан солиб, судраб олиб чиқиб кетишди. Мен дод деганимча қолавердим.

Жияндан садо чикмади. Фақат анчадан кейин:

— Хўп, келинойи мен эрталаб кириб ўтаман, — дея олди холос.

ХОТИРАЛАР

ТУРҒУНЛИК
ЗАМОНЛАРДА



Мен илк қиссам «Тенгдошлар»ни Хитойнинг Порт Артур деган кўркам шаҳарчасида ёзганман. Китобхон бу одам ер куррасининг энг чеккасидаги бу шаҳарга қандай бориб қолган, деб ҳайрон бўлиши мумкин. Бунинг ўзига хос тарихи бор. Минг тўққиз юз қирқ тўртинчи йил кузда қишлоғимиздан энди бўза ичиб, улфатчилик қилиб юрган 25–30 йигитни армияга чақиришди. Шунда раҳматлик волидамни йиғлатиб, ёшимга бир ёш қўшиб, армияга кетганман.

Шунда бир шаҳардан иккинчисига, иккинчисидан учинчи шаҳарга кўчиб юриб, охири Узок Шарққа, Мўғулистонга бориб қолганман. У ерда қўл-оёғингизга кириб кетса, чаён чакқандай оғритадиган чақир тикан ўсадиган, мўғулларнинг Гоби чўлидан пиёда юриб, бир ўлиб, бир тирилиб, Хинган тоғига бориб қолдик. Тоғ деганлари осмони фалакни тираб турадиган қум тоғлари экан. Унинг азоби тиканзор чўлдан баттар бўлди. Чунки олиб кетаётган барча аслаҳа-анжомларимиз — қуроллардан тортиб оғир замбарак ва ҳатто танкларгача — ҳаммасини ўша осмони фалакни тираб турган қум тоғлардан олиб ўтиш яна шўрлик солдатлар зиммасига тушди.

Қуролларга аркон боғлаб, «Олдик! Яна олдик!» — деб бақира-бақира қум тоғ тепасига чиқамиз. Бу тоғларда торган азобимиз олдида Гоби чўлида чеккан изтиробларимиз ҳолва экан. Чунки тоққа судраб чиққан оғир техникани тоғ чўққисидан ерга олиб тушишнинг фақат битта йўли бор экан. Уларга аркон боғлаб судрар ва ҳар қадамда пастдаги жарликка йиқилиб, йўқ бўлиб кетиш хавфи бошимиз узра гир айланарди. Лекин чеккан бу азобларимиз беҳуда эмас экан. Биз шундай кўркам боғлар туташган гўзал бир водийга тушдикки, чеккан азобларимиз бир-икки

кунда ёддан кўтарилди. У ерда кизил вагонларга чиқиб, йўлни давом эттирдик ва шундан кейингина Порт Артур деган шаҳарга кириб бордик.

Кунлардан бирида турган жойимизга бир гуруҳ офицерлар келди. Улар орасидан ўта башанг бир майор чиқиб: — Русчани яхши билар экансан, қаерда ўргангансан? — деб гап бошлади.

Мен тўртинчи синфгача рус мактабда ўқиганимни, ундан кейин руслар билан ишлаганимни айтиб бердим. Шунда ёрдамчисига қараб:

— Сен бу йигитдан диктант олиб кўр, яхши чикса, штабга оламиз, — деб қолди.

Ёрдамчи бир бет диктант олди. Хато чикмади ва камина дивизия штабида котиб бўлиб ишлай бошладим. Қолган гаплар «Излайман»ни ўқиган китобхонга маълум...

Шундай қилиб, бир-икки ойдан сўнг Тошкентдан хат келди. Хатга Мирзакалон Исмоилий кўл қўйган эди. Унда айтилишича, қиссам яхши баҳо олибди ва «Шарқ юлдузи» журналида босиладиган бўлибди. Бу орада менинг ёшимдаги солдатлар ҳам хизматдан бўшадилар.

Мен уйга қайтгач, онамдан ўқишга рухсат беришларини илтимос қилдим. Ойимлар, дадамлар камалганидан кейин бўр заводида ишлаб, беш болани одам қилган аёл, бир оғиз ҳам нола қилмай, оқ фотиҳа бердилар. Тошкентга келиб қолдим.

Кунлардан бирида мени йўқлаб, болалар шоири Пўлат Мўмин келиб қолди. Мени Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Қахҳор йўқлаётганини айтди.

Мен билмадим, бошқа бир адиб шундай вазиятда нима қиларди. Кечаси билан ухламай, эрталаб айтилган вақтда уюшмага етиб бордим.

Абдулла ака, сочлари ва қошларигача оппоқ, келишган одам эканлар. У киши ўқиётган газеталарини бир чеккага суриб қўйиб, мен билан кўришдилар, сўнг:

— Мен сизни катта, барваста одам деб юрсам, ҳали ёш бола экансиз-ку! — деб кулдилар. — Мана, «Тенгдошлар» деган қисса ёздингиз — «еса» бўлади. Ундан кейин ҳам беш-олти хикоялар ёзиб ташладингиз. Уларни ҳам «еса» бўлади. Бу ёғи яна неча йил ўқийсиз?

— Бир йил қолди, — дедим.

— Жуда яхши. Биз сизни ишга олмоқчимиз. Университетга ҳафтасига бир марта кўриниб қўйсангиз, етади, — дедилар ва стол чеккасидаги тугмачани босдилар. Кириб келган котибага:

— Менга Костирияни чакириб беринг, — дедилар. Костирия киргач, ундан:

— Сиз Владимировни танийсизми? — деб сўрадилар. — Таниш бўлсангиз, унга айтинг: бу йигит ҳар минутда — есть, деб турадиган ёш бола эмас — ёзувчи! Шакланган ёзувчи! Вақтни бекор ўтказиб юрмай — ёзсин! Ижод қилсин!

Абдулла ака шундай дедилар-да, менга қараб:

— Сиз Ҳаким Назирга учрашинг. У одам нима билан шуғулланишингизни тушунтириб беради, — дедилар.

Маълум бўлишича, наср бўйича маслаҳатчи бўлиб тайинланган эканман. Мендан ташқари яна тўрт киши — Миртемир ака, Шухрат ака, Ваҳоб Рўзиматов, Пўлат Мўминлар ишлар экан. Мен бешинчи бўлдим. Иш кўп эмас. Асосан асар кўтариб келган ёш адибларнинг қўлёзмаларини ўқиб, маслаҳат берар эканмиз. Маош ойига бир минг саккиз юз сўм. Стипендиям билан қўшиб ҳисоблаганда, икки мингдан ошиб кетади. Ошиб-тошиб ётган иш ҳам йўқ. Камина асосан ҳикоянавис ёшлар билан ишлайман. Илк қадамларимни эслаб, уларга қаттиқ гапирмайман. Тўғри маслаҳат беришга ҳаракат қиламан, бўш вақтларимни эса университет кутубхонасида ўтказаман.

Ўша маҳалда «Ҳамза» театрида Баҳром Раҳмонов деган адибнинг «Юрак сирлари» номли пьесаси қўйила бошланган эди. Севги можароларига бағишланган бу асар томошабинларга шундай ёқдики, билет нархи қўлда икки-уч баробар ошиб кетди. Шундай бир вазиятда «Қизил Ўзбекистон» газетасида шоир Ҳамид Фуломнинг «Бачкана асар» деган мақоласи босилди-ю, бўлди тўполон, бўлди тўполон! Бу тўполоннинг учинчи куни мунозара «Ҳамза» театридан Ёзувчилар уюшмасига кўчди. Бу ерда томошабинлар мақола муаллифи Ҳамид Фуломни сўрашди:

— Муаллиф қочиб юрмасдан муҳокамага келсин, — деб талаб қўйишди.

Шунда минбарга Иброҳим Раҳим чиқиб, пьесани химоя қилмоқчи бўлган эди, томошабинлар полни тепиб, ҳуштак чалиб, чапак уриб, уни минбардан тушириб юбордилар. Шунда камина ҳам қўл кўтариб, сўз сўраган эдим, ёнимда ўтирган Миртемир ака қўлимдан ушлаб, жойимга ўтказиб қўйди. Бу билан «бунақа бесамар» тортишувларга қатнашишга ҳали ёшлиқ қиласан, дегандай бўлди.

* * *

Бу вақтга келганда, Абдулла ака ўз аризасига биноан ишдан кетиб, ўрнига Сарвар Азимов келдилар. Сарвар Азимов гурури голиб инсон эдилар. У киши келган куни эртасигаёқ ҳаммамизни тўплаб, катта нутқ сўзладилар. Ёзувчилар идораси ходимлари учун энг муҳим масала интизом эканини такрор-такрор уқтирдилар ва буни амалда ҳам татбиқ эта бошладилар. Ишга беш дақиқа кечикиб келганлар ҳайфсан оладиган, ўн беш-йигирма дақиқага кечикканлар эса ишдан ҳайдаладиган бўлди. Ҳаммамиз титраб, қалтираб қолдик.

Ўша даврдан ёдимда қолган энг оғир эсдалик — устоз Абдулла Қаҳҳорнинг «Сароб» романи муҳокамаси бўлди.

Бир кун аввал Сарвар Азимов мени чақиртириб: «Сиз муҳокамага қатнашинг. Эҳтимол ўзингиз ҳам гапирар-сиз», — деб топшириқ бердилар.

* * *

Эртасига Сарвар Азимовнинг хонасига йиғилдик. Абдулла ака бир ўзлари эмас, ёнида Кибриёҳон ҳам бор эдилар. Сарвар Азимов, ўз ўрнида ўтираркан:

— Нима қиламиз, бошлайверамизми? — деб сўрадилар ва мийғида кулимсираб, — аслида бу асарни муҳокама қилиб ўтиришнинг хожатиям йўқ. Лекин ҳурматли оқсоқолимиз шуни истаган экан, биз унинг илтимосини қайтара олмадик...

Абдулла ака, қандайдир ранги ўчиб:

— Ҳалиям кеч эмас, қайтаргингиз келса қайтараверинг! — дедилар ва гўё туриб кетмоқчи бўлгандай бир қўзғалиб қўйдилар.

Сарвар Азимов:

— Нахот биз сизнинг ёшингиз ва обрўйингизни ҳисобга олаётганимизни тушунмасангиз? — деб қолди.

— Миннатдорман, — дедилар Абдулла ака, ҳамон мийи-фида кулимсираб. — Тоабад миннатдормиз.

— Яна киноя! Ҳолбуки «Сароб» бугунги кун асари эмас. У даври ўтган асар! Уни ҳозир нашр этиш... нима десам бўлади?

— Душманлик бўлади! — Яна қалампир сепди Абдулла ака...

— Душманлик эмас, лекин хато, жиддий хато бўлади бу ишимиз! — деди Сарвар Азимов.

Абдулла ака гўё муштлашмоқчи бўлгандай ўрнидан туриб кетди.

— Агар менинг асаримни босиш сиёсий хато бўлса, Москва нега босаяпти? Нега ўттиз еттинчи йили жаноб Сталин қамаган, хатто отишга ҳукм қилинган ёзувчиларнинг асарларини ҳам босаяпти!

— Қайси асарларни айтаяпсиз? — деди Сарвар Азимов худди жавоб зарбаси бермоқчи бўлган одамдай.

— Сиз бунни мендан яхшироқ билишингиз керак! — Абдулла ака шундай деди-да, ўз ёшига тўғри келмайдиган бир чаққонлик билан Азимовнинг олдида ётган «Сароб»ни юлиб олди.

Сарвар Азимов:

— Китобни жойига қўйинг! — деди.

— Бу китобни сиз эмас, мен ёзганман ва бунинг учун жавоб беришга тайёрман. Қачон Масковга қараб ош қилишни ўрганамиз?

— Масков нима қилибди?

— Масков ўттиз еттинчи йили отилиб кетган ёзувчиларнинг асарларини ҳам босаяпти! Биз тилда Масковга қараб иш қиламиз деймиз, амалда унинг тескарасини қиламиз... мен иккинчи бор сиз раҳбарлик қилган ташкилотнинг бўсағасидан ўтмайман.

— Ҳаддингиздан ошманг! — деди Сарар Азимов дир-дир титраб. — Ҳаддингиздан ошяпсиз, оқсоқол, — деб яна такрорлади: — Қаерда ўтирганингизни билмаяпсиз!...

— Нега билмас эканман, жуда яхши биламан... — Абдулла ака тўсатдан Кибриёхонга ўгирилди. — Юр, нега ўтирибсан? — деб дўк урди. — Тезроқ кетайлик бу ердан.

Абдулла ака Кибриёхонни олдига солиб, хонадан чикди-кетди.

Сарвар Азимов худди ногирон боладай, кўзлари жавдираб, менга қарадилар:

— Ўзингиз кўриб турибсиз, — дедилар лаблари пирпираб. — Ишлаб бўладими шундай одамлар билан?..

* * *

Эртасига газеталарда Сарвар Азимов маданият вазири вазифасига тайинлангани хақида қарор чикди.

Ким билсин, балки бу қарорнинг чиқишига Абдулла Қаҳҳорнинг шу тўкнашуви ҳам сабаб бўлгандир?

* * *

Ўша маҳалда Ёзувчилар уюшмасида кўзга кўринадиган ишлардан бири ёш ёзувчилар семинари эди.

Рост, дастлабки пайтларда семинарга бор-йўғи ўн беш-йигирма қиз-йигитлар қатнашар, улар маслаҳатчилардан бири раҳбарлигида ўз шеърларини муҳокама қилишарди. Мен ишга боргандан кейин Москвада аспирантурада ўқиётган Озод Шарафиддинов келиб қолди-ю, семинар ишларига пойтахт руҳини олиб кирди. Ёш адиблар асарларининг муҳокамалари жонли ва қизиқ ўтадиган бўлди. Бунга яна бир сабаб — Озод семинар машғулотларига ўша маҳалдаёқ номлари чиқа бошлаган Матёқуб Қўшжонов, Умарали Норматов, Абдуғафур Расулов, Норбой Худойбергенов ва бошқа танқидчиларни тортди. Оқибатда, муҳокамалар жуда қизғин ўтадиган бўлди. Бу ҳам етмагандек, семинар иштирокчилари фақат ёшлар асарлари эмас, «классик»ларга ҳам тегадиган, уларнинг асарларини ҳам ёшларга хос жўшқинлик билан муҳокома қиладиган бўлиб қолишди. Оқибатда семинар иштирокчиларининг сони юздан ошиб, икки юзга бориб қолди. Залда стул етмай, деразаларга ўтириб оладиган бўлишди.

Кунлардан бирида каминани Сарвар Азимовдан кейин уюшмага биринчи котиб бўлиб келган Комил Яшин чакириб, семинарни вақтинча тўхтатиб туриш лозим эканини тушунтирди. Ҳамма кучни яқин ойларда Москвада ўтадиган адабиёт ва санъат декадасига қаратиш лозимлигини уқтирди.

Мен семинар жуда жўшқин ва юксак савияда ўтаётганини айтиб, семинарни асраб колмокчи бўлган эдим, Яшин ака:

— Ана шунинг учун ёпиш керак бўлаяпти-да, семинарингизни, — деб кулдилар.

Ўша маҳалда «Литературная газета»нинг Ўзбекистондаги мухбири Комил Файзулин Москвага ишга ўтадиган бўлди-ю, Шароф Рашидов билан Яшин ака унинг ўрнига каминани тавсия қилишди.

Шу билан мен мансаб поғонасида яна бир қарич кўтарилган бўлдим ва «Литгазета»га материал тўплаш ниятида Наманганга сафарга чиқдим.

Айни баҳор эди. Худди ўша кунлари улуғ санъаткоримиз Ҳалима опа Носирова олтимишга тўлган эканлар, улар ҳам Яшин ака билан бирга Наманганга бориб қолдилар. Шу куними, эртасигами вилоят театрида Ҳалима опанинг катта концерти бўлди. Ўшанда мен Ҳалима опанинг фақат улуғ санъаткоригина эмас, буюк инсон ва истеъдодли нотик эканининг ҳам гувоҳи бўлдим.

Театрда одам тирбанд. Жой етмаганидан кўплар оёқда туришибди.

Ҳалима опа машҳур операдаги ўн олти яшар қиз Беатриче ролида чиқдилар. Ролни ижро этишдан аввал, залга мурожаат қилиб:

— Азиз опа-сингилларим, ака-укаларим! — деб хитоб қилдилар, — мен Беатриче деган бу ёш хизматкор қиз

ролини дастлаб ижро этганимда ўзим ҳам худди Беатричедай ёш эдим. Мана энди олтмишга кириб, кампир бўлиб қолдим. Шундай бўлса ҳам Беатриче ролини хануз ўйнаяпман. Сизлар кўзларингизни чирт юмиб, илгариги Халима опаларингизни кўз олдиларингизга келтириб эшитинглар, ашуламни...

Шу гапдан кейин Халима опа «хўжайинлари» ичирган шаробдан маст бўлиб қолган Беатриченинг қўшиғини шундай бетакрор бир жозоба билан куйладиларки, залда кўплар (улар орасида камина ҳам), кўзларимизга ёш олиб эшитдик.

Қўшиқ тугагач, зал тўла томошабин, худди биров буйруқ бергандай, бир талпинишда ўринларидан туриб, узоқ қарсак чалди...

Эртасига вилоят маркази яқинидаги бир хўжаликда Яшин ака ва Халима опа билан учрашув белгиланган экан. Мен газетага ахборот беришим керак бўлгани учун бу учрашувга ҳам бордим.

Учрашув кечаги концертдан ҳам баланд рухда ўтди. Биттагина колхозда юзта Халима бор экан. Улардан ярми саҳнага чикиб, Халима опани гулдастага кўмиб ташлашди. Шунда опамизнинг ўзлари ҳам кўз ёшларини яшира олмай, ҳар бир Халиманинг пешонасидан ўпиб, шакар тилида айланиб-ўргилганларида кўплар яна кечагидек, кўз ёшларини тиёлмай қолди.

Кейинчалик мен ўша маҳалда ёзилган очеркларимни алоҳида тўплам қилдим ва унга «Бир колхозда юз Халима» деб ном қўйдим-да, бир нусхасини опага тақдим қилдим.

Опа ҳаммани лол қолдирадиган ширин тилида ташаккур айтиб, пешонамдан ўпдилар. Мен опа оламдан ўтганларидан кейин ҳам муҳаррир, журналист дўстларимга бу улуғ сиймоларни бот-бот эслаб, айтган қўшиқларини, яратган бетакрор образларидан ибрат олиш кераклигини суҳбатларда эслатиб тураман.

* * *

Декада арафасида Тошкентда Шароф Рашидов («Бўрондан кучли»), Абдулла Қаҳҳор («Синчалак»), Зулфия опа,

Миртемир ака, Шухрат ака, Саид Ахмад, Саида Зуннунова, Шукрулло, Султон Акбарий, Пиримкул Қодиров («Уч илди»), Уйғун ака, Мирмуҳсин, Суннатилла Анорбоев («Оқсой») ва бошқа кўп ёзувчи ва шоирлар ўз асарларини муҳокамага қўйган, ёзувчилар ўртасида ижодий баҳслар бўлиб ўтганди.

Бу адибларнинг асарлари русчага ўгирилиб, Москвага жўнатилган, «Синчалак» «Знамя» журналида, Шукруллониң янги достони эса «Огонёк»да чиқа бошлаган эди.

* * *

Халқимиз, барча эзгу ишларнинг бўлганидан ҳам «бўлади-бўлади»си яхши дейди. Бир неча йил ана бўлади, мана бўлади деб юрилган декада, ниҳоят бошланди.

Тошкент вокзалига одам сифмайди. Бир ёнда карнай-сурнай, бир ёнда лапар ва ракс, яна бир ёқда шампан тикинининг милтиқ овозини эслатувчи пақ-пақи... Ниҳоят, мушаклар пов-пов отилиб, поезд жилди. Бу мислсиз тантана то Москвага кириб боргунча давом этиб, бепул концерт бўлди...

Москва ҳам худди шундай кайфиятда нон-туз билан кутиб олди... У ерда ҳам одам тирбанд. Бир ёқда гармон, бир ёқда оркестр гумбир-гумбири... Раққосалар рақсга тушган, нотиклар минбарларга чиқиб гапирган.

Ниҳоят, меҳмонлар автобусларга таклиф этилди. Кексалар ва машҳурлар — «Москва», қолганлар «Россия» меҳмонхонасига жойлашдилар.

Мана шундай қилиб декада бошланди.

Эртасига эрталабданок ижодий союзларда муҳокама ва мунозаралар бошланиб кетди. Матбуот, радио ва телевидение ижодий союзларда бўлаётган муҳокама ва мунозараларни ёритиш билан банд. Газеталар, хатто «Правда», «Известия», «Комсомольская правда» ҳам ижодий декадага катта эътибор бериб, уни батафсил ёритмоқда.

* * *

«Литературная газета» мени ўша вақтдаёқ анча доврүф қозонган машҳур танқидчи Лев Аннинскийга қўшиб қўйган. Биз бир неча кун давом этган, шафқатсиз танқид ва ўз-

Ўзини танқид қилиш руҳида ўтган мунозара ҳақида ҳисобот ёзишимиз даркор. Бу иш нақадар оғир ва «ҳатто хатарли» эканини ўшанда билганман. Ёлғон ва ноҳақ мақтасанг, бошқалардан балога қоласан, ноҳақ танқид қилсанг, муштлашиб кетишинг ҳам ҳеч гап эмас.

Энг катта мақтовни «Синчалик» олди, албатта. Уни К. Симонов таржима қилган, К. Симонов эса, Михаил Шолоховнинг шафқатсиз танқидидан кейин Тошкентга кўчиб бориб, сўнгги романини ёза бошлаган эди. Москвада обрўси баланд А. Қаҳҳордан кейин биринчиликни Зулфия опа олдилар. Опадан кейин Миртемир ака, Шукрулло (унинг поэмаси «Огонёк»да чоп этилган), Пиримкул Қодиров («Уч илдиз» романи)ва ҳоказолар яхши баҳо олишди. Ҳаммани санаб чиқаман десанг, на қоғоз етади, на сиёҳ!

Кечкурунлари асарлари мақталганлар театр ва концертларга тушишади, танқидга гирифтор бўлганлар эса ресторанларга кириб «юз грамм» устида ҳасратлашиб ўтиришади. Не чора? Ҳаёт ҳам, адабиёт ҳам шундай шафқатсиз бўлса, нима қиласиз. Тишни тишга қўйиб бўлса ҳам чидайсиз, бошқа чора йўқ!

Мақтов эшитадиган фақат битта жой бор, у ҳам бўлса «меҳмонга чақирган» мактаблар! Мактабларни ҳамма севади, уларга боришдан ҳеч ким бош тортмайди. Чунки у ерларда ҳеч ким танқид қилмайди ҳам, ҳеч ким тирнок остидан кир кидирмайди ҳам...

Декада тугашига уч-тўрт кун қолганида каминани бошлиғим Валентина Панкина чақириб:

— Сен бугун Ёзувчилар уюшмасидаги муҳокамага бормай қўя қол. Бугун кечкурун Москва вилоятидаги бир колхозда Шароф Рашидов билан учрашув бўлади. Биз сенга машина билан сурагчи берамиз. Ўша колхозга бориб, учрашув ҳақида очерк ёзиб келасан, — деб топшириқ берди.

Ота ўша кунлари Москвада собиқ СССР Олий Совети раиси вазифасини ўтамоқда эдилар.

Кеча ўтадиган колхоз ҳам жуда узок, шаҳардан анча овлоқда экан, колхозга етиб борганимизда қоронғи туша бошлади. У ҳам майли, мени хайрон қолдирган нарса шу бўлдики, биз борган колхоз бор-йўғи йўлнинг икки томонига қурилган эллик-олтмиш уйдан иборат экан. Клуб

эса ундан ҳам чоғрок, нари-бериси юз киши сиғадиган бир бино. Биз борганда клуб ҳали бўм-бўш, чироқ ҳам ёқилмаган эди. Биз боргандан кейин шифтга осиладиган катта лампа олиб келиб ёқишди. Шундан кейин одамлар йиғила бошлади. Ниҳоят, клуб тўлар-тўлмас бир неча яхши кийинган одамлар қуршовида, Ота билан рафиқалари кириб келишди.

Қарсақлардан кейин Ота ёнида келган одамлар билан президиумга чиқдилар. Мажлис бошланди. Мажлисида Ота билан келганлардан бири қисқагина нутқ сўзлади. Шундан кейин китобхонлар, чамаси ўқитувчилар бўлса керак, яна бошқа қиз-жувонлар, кейин пионерлар минбарга чиқиб, Ота ижоди ҳақида гапирдилар.

Шунда мен Отага қойил қолдим. У кишининг ҳолатида зиғирдек ҳам ранжиш аломати сезилмади, аксинча, раҳмат устига раҳмат айтдилар. Учрашувдан кейин юқорида қандайдир шивир-шивирлар бошланиб, Ота мени имлаб чақирдилар.

— Сен кетиб қолма, мабодо, — дедилар Ота. — Буларнинг жиндек зиёфатлари бор экан, бирга бўл. Кейин менинг машинам олиб бориб қўяди сени!...

Зиёфат бўладиган жой учрашув ўтган колхоздан анча йироқда, қандайдир дам олиш уйида экан.

Таом пайти биринчисига рус борши, иккинчисига котлет тортилди. Қиттай-қиттайдан дарак ҳам бўлмади. Кулиб гапириб, яйраб ўтирдилар. Мен бўлсам, ичимни ит тирнаб, ранжиб ўтирардим. Ахир... биз томонларга Москвадан меҳмонлар борганда қанақа асъасаю дабада билан қарши оламиз. Зиёфатларда арағу коньяк деганлари дарё бўлиб оқади, аёлларга атлас кўйлақлар, эркакларга баъзи жойларда ҳатто янги костюм-шимлар совға қилинади, дердим ичимда. Айни замонда Отага ҳам қойил қолдим. Ахир у шунчаки ёзувчи эмас, жуда катта арбоб ҳам эди.

* * *

Декада ниҳоялаб борарди. Газетада ўзбек ижодкорлари номидан ким раҳматнома ёзади? Тартиб бўйича бу ишни Ёзувчилар уюшмасининг раиси Комил Яшин ёзиши керак. Лекин Валентина Панкина:

— Йўк, Яшин эмас, декадада ким кўп мақталган бўлса ўша ёзувчи ё санъаткор ёзсин. Шунда адолатли бўлади, — деб туриб олди. Бу одам эса Абдулла Қаҳҳор эди.

Абдулла ака билан Кибриё опа «Москва» меҳмонхонасининг люкс хонасида яшар, бошқа ҳамма катнашчилар «Россия» меҳмонхонасида турардик.

Мен меҳмонхонага бориб, Абдулла акага Панкинанинг гапини айтган эдим, Абдалла ака хурсанд бўлдилар-у:

— Мен мақтовлардан шишиб кетиб, гаранг бўлиб юрибман. Миямга яхши бир гап келмаяпти, — дедилар.

Абдулла ака иккимиз ўтириб, бир нималарни кораладик. Абдулла ака ўқиб, у ёқ-бу ёғини тузатдилар-да, қўл қўйиб бердилар.

Ўшанда Комил Яшин бироз ранжиб қолди.

* * *

Масков билан хайрлашув концерти «Большой театр»да ўтди.

Шунда яна бир воқеанинг гувоҳи бўлдим. Парда очилганда, Президиум аъзолари ўтирадиган ложада ўша маҳалда биринчи котиб этиб сайланган Собир Камолов ўтирарди. Ўта содда бу инсон негадир балкон эшигига яқинроқ жойга ўтириб қолган экан. Никита Хрушчев кирганларида, у киши шоша-пиша ўрнидан турмоқчи бўлдилар-у, стуллар сурилиб кетиб, йўл тўсилиб қолди.

Никита Хрушчев азбаройи дарғазаб бўлганидан (у бошдаёқ Камоловнинг биринчи котиб бўлишини хушламаган экан. Буни биз кейин эшитдик) йўлини тўсган креслони тегиб юбориб, олдинга ўтиб олди.

Кечада ташаккурнома айтиш масъулияти маданият министри Сарвар Азимов зиммасига тушди.

Шу билан бир неча йил тайёргарлик кўрилган декада тантанали равишда ёпилди.

* * *

Декададан кейин бир-икки ой тинч ўтди. Баъзи ёзувчилар курортларга, баъзилари вилоятларга чиқиб кетдилар.

Шундай тинч, осойишта вазиятларда Абдулла аканинг 60 йиллик тўйи ўтадиган бўлди.

Ёзувчилар боғида одам тўла. Бир ёғи хашар. Қўлида кетмон ушлай оладиган ҳамма ёзувчилар боғида, Абдулла аканинг ўзлари эса чорбоғи ёнида ўсадиган бир туп гужум тагида Абдулла Орипов билан суҳбатлашиб ўтирардилар.

Абдуллажон камина билан кўришди-да:

— Мен энди хашарчиларга кўшилай, бўлмаса улар Абдулла аканинг боғига ош егани келибди-да, деб масхара қилишмасин, — деб кулди-да, кетмонини елкасига ташлаб, хашарчиларга кўшилиб кетди.

— Катта истеъдод, — дедилар Абдулла ака. — Катта шоир! Сиз унинг агар мен шимолий кутбда, музлар ўлкасида туғилсам ҳам меҳрим бермасмидим ўша музларга, деган мазмундаги шеърини ўқиганмисиз?

— Ўқиганман, ўқиганман. У анов бизнинг кўчаларимизда жизиллаб кабоблар пишаяпти... Дошқозонларда паловхон тўра қайнаб турибди... Кела қолинг Ўзбекистонга! — дегандай шеърларга қарши ёзилган-да, — дедим.

— Ха, ха, — дедилар Абдулла ака. — Худди шу фикрни айтиш учун ёзган... Анов сўнгги шеър-чи. Ёдингизда бўлса бир-икки сатрини ўқиб беринг!

— Қайси бирини айтаяпсиз?

— Анов... Муҳаббат ҳақидаги шеър бор-ку, тўйларда айтиляпти...

Абдулла ака шоирнинг «Биринчи муҳаббатим», деган шеърини айтаётган эди. Бу шеър бир-икки ўқишдаёқ ёдимда қолган эди.

* * *

Абдулла Қаҳҳорнинг 60 йиллик тўйини Масков қандай ўтказишини билиш учун Валентина Панкинага телефон қилдим.

— Биз юбилейларни, ҳатто йирик ёзувчиларнинг тўйларини ҳам катта қилиб ёрита олмаймиз, — деди Панкина, сўнг бир дақиқа ўйланиб тургач:

— Энг яхшиси Абдулла Қаҳҳорнинг ўзи муҳим бир масалада бизда чиқиш қилсинлар. Биз уни тўйгача газетада чиқарайлик, — деди.

Мен бу гапни Абдулла акага айтдим. У кишига ҳам бу фикр маъкул бўлди.

— Фақат битта шартим бор. Мақоламга тегмай, қискартирмай боссалар, ёзиб бераман. — Агар мақоламни қайчилаб, гўштини ахлатга ташлаб, фақат суягини берадиган бўлса, ундан кўра ҳеч нарса бермаганлари ҳам яхши.

Қисқаси, бир ҳафта ҳам ўтмадики, Абдулла ака менга телефон қилиб:

— Келинг, буюртмангизни олиб кетинг, — деб қолдилар.

Дарҳол етиб бордим. Мақола пахтакорлар ҳаёти ҳақида, тўғрироғи, пахтакор аёлларимиз меҳнати ҳақида эди.

— Баъзи бир юзаки адилларимизнинг, — деб бошлар нар эди мақола, — асарларини ўқисангиз, уларда киз-жувонларимиз далага атлас кўйлак кийиб чиқади ва қирк градус жазирама иссиқда кўшиқ айтиб, чопиқ қиладилар ва завққа тўла ҳаёт кечирадилар. Далаларимизда туну кун чилдирма ва карнай-сурнай садолари янграйди... Хуррам киз-жувонлар рақсга тушганлари-тушган... Шунда карнай ва сурнай чалишни билмаган шоир ва ёзувчиларимиз ҳам сурнайчи ва карнайчи киз-жувонларга кўшилиб, рақсга тушиб асар ёзар эмишлар...

Мақола чиққандан кейин бўлди тўполон, бўлди тўполон! Қасдига олиб, худди ўша кунлар Тошкентда ва бошқа вилоятларда теримга тайёргарликка бағишланган қурултой ўтаётган эди... фақат оддий дехқонларимизга эмас, ўша маҳалда катта довруқ қозонган Турсуной Охунова билан Валентин Тюпколарга ҳам мақола чаён чакқандай таъсир қилди.

Табий, камина бўлаётган гапларни, вазиятни Москвага айтиб турдим. Раҳбаримиз Панкинага телефон қилиб, вазият у ўйлаганидан чуқурроқ эканини тушунтирдим.

— Қўй, кўп ваҳима қилаверма, бунинг ҳаммаси кўпик-ку! Кўпик эса, албатта, босилади, — деди Панкина.

Дарҳақиқат, ўша гапнинг эртасидан бошлаб А. Қахҳор мақоласидан бошланган ур-йикит танқид аста-секин пасайиб, ниҳоят ўчди.

Маълум бўлишича, ўта дадил, тили ўткир Валентина Панкина Отанинг ўзларига телефон қилибди. «Бу гаплар

Марказқўмга етиб борса яхши бўлмаслиги мумкин-ку, комиссия бориб қолиши эҳтимоли ҳам йўқ эмас-ку!» — дебди.

Ота хушёр эмасми, ҳужумлар тўхтади.

* * *

Кунлардан бирида менга шоир Шукрулло телефон қилиб қолди:

— Тошкентга Чингиз келибди. У «Тошкент» меҳмон-хонасида экан. Мен уни меҳмонга чақирдим. У келадиган бўлди. Олиб кел, гаплашиб ўтирамин.

Мен у пайт Чингизни унча яхши танимас эдим. Уни Пиримқул яхши билар, улар Москвада танишган эдилар. Мен унга телефон қилдим. Шукруллонинг илтимосини айтдим. У жон-жон деб рози бўлди. Уч киши бўлиб, шоирнинг «ғариб кулбаси»га кириб бордик.

Шунда Чингиз Шукрулло акадан: — Нима ёзясиз, оқсоқол, — деб сўради.

— Мен худди шу бугун янги достонимни тугатиб, нукта қўйдим, — деди шоир.

— Бўлмаса, бир бобини ўқиб беринг, палов олдидан шўрва бўлсин, — деди Чингиз.

Шукрулло ака ҳам худди шуни кутиб турган эканлар, дарҳол ўқишга киришиб кетди.

Эски шаҳарнинг эски ҳовлиси. Лекин бу эски ҳовлининг ўзига хос бетакрор бир гўзаллиги бор. Ҳовли ўртасида катта супа атрофида сада райхон ва гултожихўрозлар ўсади... кечалари бу гул ва райхонлар билан шамол ўйнашади. Шунда бутун ҳовли гул ва райхон хидига тўлади. Тўғрироғи, илгари шундай бўлган. Энди-чи? Энди супа атрофидаги ариқчадан арақ шишаларию майда-чуйда ахлат қолдиқлари оқиб ўтади. Уларнинг қўланса хиди гул ва райхон бўйларини босиб кетади. Шоир бундан ларзага тушади. Арақ шишаларини оқизиб юборган одамларни қарғайди. Аммо қарғиши арақхўрлар қулоғига етиб бормайди...

Парча Чингизга маъқул бўлди. У шоирнинг янги асарига оқ йўл тилаб, қадах кўтарди. Мен эса, ўқилган парчани газетада эълон қилиш учун чўнтагимга солиб олдим.

Эртасига Пиримкул иккимиз Чингизни чегарагача кузатиб кўйдик. Орадан бир hafta ўтар-ўтмас Шукрулло аканинг достонидан парча камина ёзган кичик сўзбоши билан бир бет бўлиб, газетада чоп этилди. Гарчи, дoston тўлиқ босилмаган бўлса ҳам, газетхонлардан табриклар келди, хатлар ола бошладик. Кейин бугун ҳаммага ғалати туюладиган гаплар бошланди. Гўё бу парчанинг ўзидаёқ кўриниб турган эмишки, шоир ўтмишни идеаллаштиришга уринган, газета эса мафкуравий носоғлом асарни қўллаб-қувватлаган. Гўё шоир эски ҳовлисидаги гулларни мактар экан, ўтмишни идеаллаштиришга интилган... Шоирнинг гул ва райҳонлар билан ўралган эски супаси бизнинг бугунги ёрқин ҳаётимизни ерга уришдан бошқа нарса эмас!

Мен бу гапларни эшитиб, кулиб қўя қолган эдим. Лекин бир-икки кун ҳам ўтмадики, газетанинг бу мафкуравий «хатоси» Ёзувчилар уюшмаси секретариатида муҳокама қилинадиган бўлиб қолди. «Хўш, Чингиз Айтматовнинг сўзбошисини муҳаррир ўзи ёзган. Ч. Айтматов эскиликни қўмсовчи асарга бунақа ҳамду санолар ёзиши мумкин эмас», — деганга ўхшаш гаплар айтилди.

Тўғриси айтсам, бу гаплардан мен қаттиқ изтиробга тушганим йўқ. Чунки шоирга ва менга қарши қаратилган бу гаплар латифанамо бир нарса эканлигига ишончим комил эди. Бу кулгили секретариатдан кейин бир hafta ўтар-ўтмас Чингиздан телеграмма келди. Унда Чингиз, камина, Шукрулло ака, профессор Шабот Хўжаев, таржимон Асил Рашидов ва Зиёд Есенбоевларни ўз юртида меҳмон бўлиб кетишга таклиф қилган эди. Биз «Чингизтоғ» этагида ўтган бу тўйдан роса яйраб қайтдик.

Мен ҳамон «Литературная газета»да ишлайман. Газета ўзининг ўткир чиқишлари билан фақат советлар юртидагина эмас, хорижда ҳам машҳур эди. Газета мухбирларидан ҳам ана шундай ўткир чиқишлар ва жиддий танқидий мақолалар талаб қиларди. Бу талаб, табиий, жойдаги раҳбарларнинг жиғига тегар, улар мухбирлардан камчиликлар эмас, балки «катта» ютуқларимизни мамлакатга олиб чиқишимизни талаб қилишарди. Мен кундалик ахборотларимда бу ютуқлар ҳақида ҳам кичик-кичик

хабарлар бериб турардим, албатта. Лекин катталаримиз бу чиқишимни хушлайвермас, улар мухбирлардан «катта бунёдкорлик ишларимиз» ҳақида ёзишни истар эдилар.

Шундай вазиятда, кунлардан бир кун истеъдодли ёзувчимиз Шукур Холмирзаев:

— Юринг, Одил ака, бизнинг Бойсун томонларга бориб келайлик. Сизни Бойсун тоғларига олиб чиқамиз, биз томонларнинг одамлари ҳам бошқача: тўғрисўз, мард, чапани. Уларни кўрасиз, танишасиз, хуллас, ўйнаб келамиз, — деб қолди. Таклиф менга ёқди, чунки ундан беш-олти ой аввал мен Қашқадарёга бориб, у ердаги газ кончилари ҳақида «Чори Умировга ёрдам берайлик» деган мақола ёзгандим. Мақола раҳбарларга ҳам, газетага ҳам ёққан эди.

Биз уч киши — камина, Шукур Холмирзаев ва ўша маҳалда яхши шеърлари билан тилга туша бошлаган Усмон Азим йўлга отландик.

Қаршигача поездда бордик. Қаршида ёш дўстларимнинг оға-инилари кутиб олишди, пачақроқ бир «Виллис» топиб келишди ва биз Бойсун томон йўлга тушдик. Хали асфальт қилинмаган нотекис йўлдан сакрай-сакрай Бойсунга қош қорайганда аранг етиб бордик. Борсак, вадаванг тўй. Ҳар жой-ҳар жойда гулхан ловиллайди, карнай-сурнай, чилдирма, дўмбира, ашула осмону фалакка етган.

Шукур негадир тўй ҳақида лом-мим демаган эди. Борганда, билсак, жиянларининг ўғил тўйи экан. Мен койиб, «Айтсанг бўлмайдими, совға-салом олармидик», десам, Шукур:

— Кўяверинг, бизнинг шу келишимиз ўзи булар учун катта совға, — деб мени енгди.

Ўзбекчилик. Бир зумда Шукурнинг тоға-жиянлари, амма-холалари ёпирилиб келишди. Шукур билан Усмонни кучоқлаб ўпишди, айланиб-ўргилишди. Бу ширин сўзлардан камина ҳам бебаҳра қолмади. Уларда кучоқлашиб кўришиш одат экан.

Бир зумда ўтлоққа гилам ёзилиб, кўш-кўш патнисларда нимта-нимта гўштлар, патир ва бўғирсоқлар келди. Кўк чой десангиз, кўк чой, оқидан десангиз, оқ чой...

Усмон ўша маҳалда доврुक қозонган «Бойчечак»ни ўқиб, олқиш олди. Шукур эса, сўз берилганда ўзи ҳақида

гапириш ўрнига мени осмон баробар мактаб (унинг бундай макташини биринчи бор кўришим, унга камдан-кам ижодкор ва камдан-кам асар ёқар эди), сўз навбатини каминага оширди. Мен бунақа тўйни биринчи кўришим, биз томонларда тўйлар бошқача ўтарди.

Мен албатта, тўй эгасига ташаккур билдириб, икки ёш дўстларим ижодини кўкларга кўтардим.

Эртасига Шукурнинг волидаси, ўша маҳалда олтмишларга бориб қолган бўлса-да, ҳамон кўхлигини йўқотмаган аёл дастурхонни сузма дейсизми, коса-коса қаймоғу ҳозиргина узилган патир нонларга дейсизми, тўлдириб қўйиб, Шукурнинг бош томонида ўғлига тикилиб ўтирган экан, қайта саломлашдик. Онаизор нимани истайди! Мендан ўглининг ишлари, оиласи, фарзандлари ҳақида сўради. Набираларини роса соғинган эканлар, уларни эслаб, кўзларига ёш олди.

Мен Шукурнинг келажаги порлоқ, истеъдоди ноёб эканини айтиб, онаизорнинг кўнглини кўтариб қўйдим.

Онаизор:

— Илойим айтганингиз келсин, — деб дуо қилдилар.

Барча оналарнинг тупроғи бир жойдан олинган экан-да, дедим ичимда ўз волидамни эслаб.

Йўлга чиқаётганимизда Шукур Бойсунда бир лейтенант дўсти борлигини, у ашаддий овчи эканини айтганди. Нонушта пайтида Шукур айтган катта лейтенант ҳам кириб келди. У жуда бакуват ва хушсурат йигит экан. Устига-устан, ичи тўла латифа экан.

Катта лейтенант келгандан кейин шу кунги режани туздик. Мен авваламбор шаҳарни, баъзи корхоналарни, мактабларни кўрсакмикан, деган эдим, катта лейтенант:

— Шаҳар ҳеч қаёққа қочмайди, уни эрта-индин ҳам кўраверасизлар, — деди. — Бугун тоққа чиқайлик. Мен машинага битта серка ташлаб қўйганман. Уни худо йўлига сўйиб, кабоб қиламиз, қуён овлаймиз, — деб туриб олди.

Бу таклиф ҳаммага ёқди. Шу билан машинага кигизпигиз, қозон-товоқ, болта-молта солиб, тоққа қараб кетдик.

Шаҳардан чиққач, сал ўтмай эски ташландик уйга дуч келдик. Биз унга яқинлашганимизда бир гала каптарлар учиб чиқиб, осмонга парвоз қилди.

Катта лейтенант дархол ерга сакраб тушиб, бир-икки марта милтиқ отди. Ўқ теккан каптарлар тап-тап этиб ерга тушди. Биз бу манзарага махлиё бўлиб, анграйиб қолган эканмиз, тўсатдан машинада қолган шофёр:

— Э вой, кетди! Қочди, — деб бақириб қолди. Бундок қарасак, катта лейтенантнинг серкаси машинадан сакраб тушиб, ортда қолган ялангликда қочиб кетяпти.

Серканинг орқасидан биринчи бўлиб катта лейтенант югурди, унинг кетидан шофёр, шофёр кетидан Усмон, Усмоннинг ортидан Шукур чопди. Мен на чопишни, на қолишни билмай анграйиб туравердим.

Бир маҳал тўрт «овчи», офизлари кулоқларида, шўрлик серкани судраб қайтишди. Йўлда давом этдик. Сал ўтмай йўл чапга бурилиб, пастлаб кетди-ю, шаркираб оқаётган бир ариқка дуч келдик.

Тол ва тераклар билан қуршалган каттагина сой ёқасида бир юк машинаси турар, дарахтлар соясида беш-олтита ҳарбийлар арақ ичишиб, чақчақлашиб ўтиришарди. Бу манзарани кўриши билан лейтенант:

— Браконьерлар! Хужжатсиз ов қилиб юришибди! Ҳозир текшириб кўрамиз! — деб қолди. Биз бир фикрга келгунимизча, у ерга сакраб тушди. Биз ҳам эргашдик.

Маишат қилиб, ёнбошлаб ётганлардан бири — алпқомат, турки совуқ ҳарбий (кейин билсак полк командири экан) биз томон юриб:

— Хўш? Нима гап ўзи? — деб ўдағайлади. Орқасидан етиб келган бошқа майор бизни юмшатмоқчи бўлиб:

— Хўш, нима гуноҳ қилдик? — деб сўради.

— Ҳеч гап йўк! Хужжатларингизни кўрсатинглар! — деди катта лейтенант. — Ҳозир ов вақти эмас! Қани овчилик хужжатларингиз? Қани ов қилишга рухсатнома?

— Қанақа хужжат? Қанақа рухсатнома? — деди подполковник ғазабдан хириллаб. — Автоматни бер, Алёша? — деб қичқирди у солдатларнинг бирига. — Мен хужжатларни кўрсатиб қўяй буларга...

Бу орада машинага сакраб чиққан бизнинг шофёр юк машинасидаги қурук пичанларни тепкилаб, ҳарбийлар отган қуёнларни ерга ташлай бошлади: бир, икки, уч... қуёнлар

сони ўн биттами, ўн иккитагами етди. Буни кўрган подполковник:

— Биз чегарани кўриклаётган ҳарбийлармиз! — деб хирллади. — Бизни тергашга ҳақларинг йўқ! — у бакирганча автоматни қўлга олган эди, хайрият, етиб келган майор командирни маҳкам кучоклаб олди.

Шунда камина ҳам мухбирлигим эсимга тушиб, чўнтагимдан гувоҳномани чиқардим.

— Мен «Литературная газета»нинг махсус мухбири бўламан, — дедим ўзимни дадил тутишга ҳаракат қилиб. — Агар биз билан тўғри муомала қилмайдиган бўлсангиз, мен эртага ТУРКВО раҳбарларига мурожаат қиламан. Ана ўшанда кўрасиз ким-кимга кўрсатиб кўяркан?

Шукур бўлса, ўзбекча-русча сўзларни аралаш-қуралаш қилиб, бўралаб сўкинарди.

Қисқаси, «Литературная газета»ни эшитгач, бошда ҳовлиқиб, автомат кўтарган подполковник бирдан паст тушди.

Уни кучоклаб олган майор, — кейин билсак, у сиёсий ишлар бўйича полк командирининг муовини экан, — бу қалтис машмашадан тезроқ кутулиш кераклигини тушунди шекилли, командирини зўрлаб, ўз машиналарига ўтқазди. У бизга отилган куёнларни ҳадя қилмоқчи бўлди, лекин биз, фуруримиз голиб ҳолда, унинг таклифини рад этдик. Шундан кейин омадсиз овчилар шаҳар томонга, биз эса тоққа қараб кетдик.

Ўша куни биз тоғ ёнбағридаги арчазорда серкани сўйиб дам олдик-да, хушнуд кайфиятда, Бойсунга қайтиб келдик. Бизнинг ишимиздан, айниқса, Шукур хурсанд бўлиб, боши осмонга етди. Унинг қалами ўзига хос, асарлари на тенгдошлари ва на классикларимизникига ўхшайди. У бир ёмон кўриб қолган одамани узоқ вақт ёнига йўлатмас, хуш кўрган адиб ва санъаткорларни умрининг охиригача яқин олиб юрди. Ўша сафардан кейин биз жуда кадрдон бўлиб қолдик. Камина етмишга кирганимда, у мен ҳақимда «Ўзбекнинг Чингизи» деган мақола ёзди. Нега шундай ном қўйди — билмадим. Бир сафар сўрасам:

— Ҳа, биз ҳам ўзимизни камситавермайлик-да, — деди одатдагидай ўдағайлаб, — нима, мақолам сизга ёқмадимми?

— Йўқ, нега ёқмасин? Мақтов кимга ёқмайди? — деб кулдим.

— Ҳа, шундай денг! Мен бўлсам сизга ёқмабди-да, деб ўйлабман, — деди.

Қабрингда тинч ёт, укажон!

* * *

Бу орада камина ҳам элликка кириб қолибман.

Менинг элликка киришим ҳам ғалати ва ҳеч қутилмаган бир воқеадан бошланган.

Ноябрь байрами арафаси. «Литгазета»даги эски раҳбарим Валентина Панкина кетиб, ўрнига Аҳиёр Ҳақимов деган бошқирд ёзувчи келган.

7 ноябрь. Эрталаб у менга телефон қилиб, газетанинг байрам сони етиб бордим, ўқидингми, деб сўраб қолди.

Байрам сони ҳали етиб келмаган эди.

— Бугун бўлмаса, эртага етиб боради, ўқи, бошинг осмонга етади, — деди Аҳиёр.

— Айтиб қўя қол сир тутмай.

— Йўқ, айтмайман, газетани ўзинг ўқиганинг яхши, — деб кулди-да, трубкани қўйди.

Қани энди кеч бўлса-ю, тонг ота қолса!.. Бир бало қилиб тонг оттирдим-да, газетанинг уйга келишини ҳам қутмай, почтага югурдим. Газетани олиб очсам... Менинг ижодим ҳақида қатта мақола! Гап мақолада ҳам эмас, энг муҳими — мақолани Чингиз Айтматов ёзган! У асосан «Улуғбек хазинаси»ни таҳлил қилиб, асарга ижобий баҳо берган. Улуғбекни эса Коперник, Галилейлар қаторига қўшган.

Умримда бунақа мақтов эшитмаган одам, тўсатдан елкамга қўнган «бахт қуши»дан оламга сиғмай, уйга чопдим. Эшикдан киришим билан телефон жиринглади, гўшакни олсам... дўстим Озод!

Озод «Улуғбек хазинаси»га баҳо берганлардан бири эди. Фикрлари Чингизнинг фикрлари билан уйғун келганидан у ҳам хурсанд.

— Икки оёғингни қўлингга олиб чоп бу ёққа, — дедим. — Ювишни бошлаймиз!..

— Йўқ, — деди Озод. — Бугун Марказий газеталарда Давлат мукофоти қўмитасининг қарори эълон қилинган.

Мукофотланганлар орасида Зулфия опа ҳам борлар, яхшиси, иккимиз бирга бориб опани табриклайлик. Ёши улуғ инсон, яхши шоира. Қувонади.

Озод ҳақ эди. Чунки, Зулфия опа, «Улуғбек хазинаси» чоп этилганда биринчилардан бўлиб табриклаган, ҳатто Отага кириб, яхши фикр айтганлар. Ота ҳам шундан кейин тез-тез чақириб, суҳбатлашадиган бўлганлар.

Ўша йили Ўзбекистон Давлат мукофотига номзодлар эълон қилинган, улар орасида Ҳамид Фулом, Мирмуҳсин ва каминанинг «Улуғбек хазинаси» ҳам бор эди. Шундай кунлардан бирида каминани Ота чақириб, бундай деган эдилар:

— Сизнинг асарингиз Давлат мукофотига муносиб асар. Лекин...агар биз бу йил мукофотни анов икки ёши улуғроққа бермай, сизга берсак... нохуш гаплар кўпаяди. Ундан кўра... бу йил мукофотни улар ола қолсин. Келгуси йили эса мукофот сизники!..

Келгуси йили худди шу куни Ота уйга телефон қилиб:

— Одилжон, ука, мен ҳозир Фармонга қўл қўйдим. Бу йил мукофотни сиз олдингиз, табриклайман, укажон! — деган эдилар... (Бу чекинишим учун узр, лекин бир адабий факт-да.)

Шундай қилиб, Озод билан Хадрада учрашиб, Зулфия опанинг уйига бордик. Опа у маҳалда Ҳамид Олимжон ҳаёт вақтида қурган уйда турар эдилар.

Борсак... дастурхон тўкин, одамлар ёпирилиб кела бошлаган. Янги либосларга ўранган опа ўн ёшга ёшариб кетганлар, бир гапириб ўн куладилар.

Опа бизни ҳам кучоқ очиб қарши олдилар. (У киши Озодни жуда ҳурмат қилар, яхши кўрар эдилар.)

Бир маҳал, кўчада данғир-дунғур чилдирма овози эшитилиб, ҳовлига рақс тушганча Мукаррама Турғунбоева кириб келдилар. Кетма-кет бир гуруҳ артистлар карнай-сурнай чалган, вадаванг тўй бўлиб кетди. Ниҳоят, ўша маҳалдаги раисимиз Яшин ака кириб келдилар. Кўзларини пирпиратиб, қадах кўтардилар. Қадахдан кейин дўстим Озод:

— Яшин ака, бугунги «Литературная газета»ни ўқидингизми? — деб сўраб қолди.

Яшин ака кўзларини баттар пирпиратиб:

— Ҳа, ўкидим, ўкидим, — дедилар.

— Чингизнинг маколасини ҳам ўкидингизми? — сўради Озод ўсмоқчилаб.

— Ҳа, ҳа, униям ўкидим, — дедилар Яшин ака. — Одилни табриклайман.

Озод гапини тугатиб қўя қолмай:

— Шунчаки табриклаб қўя қоласизми? Ё кеча-печа ўтказамизми? — деб сўради.

— Ҳм-м, — деди Яшин ака. Чамаси, буни ўйламаган бўлсалар керак. Озоднинг гапига бошқалар ҳам қўшилдилар-у, ахири кеча ўтадиган бўлди.

Бир ҳафта, ўн кунлардан кейин Билимлар уйида (Навой театрининг ёнбошида) каминанинг ҳам кечаси бўлиб ўтди. Катта зал одамга тўлди. Умумий раҳбарликни Озод ўз қўлига олиб, баъзан-баъзан нотикларга лукма ташлаб, зални кулдириб ўтирди.

Кечада «Ҳамза» театри артистлари «Улуғбек хазинаси» дан парчалар ижро этдилар.

Шундай қилиб, камина ҳам элликка кириб, «классик»лар қаторига қўшилиб қолдим.

* * *

Ўз вақтида анча алғов-далғовларга сабаб бўлган Абдулла Қаҳҳорнинг 60га тўлиши муносабати билан ёзилган нутқи: «Мен солдат эмасманки, доим ғоз туриб, ҳаммага честь бераверсам. Мен партиянинг онгли солдатиман...» — деб бошланарди...

Мен қоғоздан кўзимни узиб, Абдулла акага қардим. У киши қандайдир истехзо билан кулимсираб:

— Ҳа, бирорта сиёсий хато топдингми? — деб сўрадилар.

— Гап сиёсий хатода эмас, Абдулла ака, — дедим. — Гап шундаки, бу гапни биринчи бўлиб Михаил Шолохов айтган. Шолоховнинг нутқи сабаб, бу гап тилимизга кириб кетган-ку... Ноқулай бўлмасмикан?

— Нимаси ноқулай? — дедилар Абдулла ака ўжарлик билан. — Керак бўлса: «Шолохов айтгандай», деб қўшиб қўйишим мумкин.

— Мен Шолоховни жуда хурмат қиламан, — дедилар Абдулла ака. — У ҳақиқатан ҳам буюк ёзувчи. Лекин у Шолохов бўлса, мен Абдулла Қаҳҳорман. Мен ўз гапимни айтишга ҳақким борми?

— Бор, албатта... Лекин... Тағин ўзингиз биласиз, Абдулла ака, — дедим ва унинг астойдил ранжий бошлаганини кўриб: — Яхши нутқ. Ҳам лўнда, ҳам сермазмун, — деб кўшиб кўйдим.

— Раҳмат, — дедилар Абдулла ака. — Агар бирорта жанжал чиқадиган бўлса, мен бу нутқни «Литературная газета»нинг мухбирига ўқиб берганман, деб қутулиб кетаман, — дедилар. Кулишдик.

— Мен, мана, олтмишга кирдим, — дедилар Абдулла ака. — Етмишга илинаманми, йўқми — буни Оллоҳ билади. Чамаси, етмишга етолмайман. Эҳтимол, бу нутқ менинг халқимга айтадиган сўнгги сўзим бўлар...

* * *

Кечқурун Навоий театрининг ёнига яқинлашиб бўлмайти. Театр олдидаги майдон, унга келадиган ҳамма кўчалар тирбанд.

Мен бир амаллаб ичкарига кириб олдим. Саҳнада Ота бошлиқ Бюро аъзолари жамулжам. Ёзувчи Меҳнат Қизил байроқ ордени билан мукофотланган экан, Фармонни Олий Кенгаш раиси Ё. Насриддинова ўқиб бердилар.

Ёзувчи ижоди ҳақида йирик олим, драматург Иззат Султон гапирдилар. У киши Абдулла Қаҳҳор тилига алоҳида урғу бериб, бу тилни рус ўртоқларимиз ҳам ўрганса бўларди, деган эди, зал, айниқса, балконни забт этган ёшлар шундай жўр қарсак чалдиларки, қани уни тўхтатиб бўлса!

«Тўй бола» Абдулла Қаҳҳор эслаганимиз жавоб нутқини ўзбек тилида гапириб, жойларига бориб ўтирмоқчи эди. Кибриё опа қўймасдан эрининг қулоғига нималардир дедилар. Шундан кейин Абдулла ака ўз нутқини русча қилиб ҳам гапирди. Президиумда ўтирган Бюро аъзолари, айниқса, Ота бошини кўтаролмай колди, бу сафар деярлик чапак чалинмади...

Кейинчалик ўша маҳалда Марказқўмда ишлаган Муҳаммаджон Мирзамухамедов ўтган кеча Ота учун ҳам оғир кечганини айтиб берди. Чунки Отага ўша захотиёк Масковдан қўнғироқ бўлиб, ёзма ахборот беришни талаб этилибди.

Шундай қилиб, Абдулла Қахҳор ўзининг ўша нуткида юрагида тугиб юрган бор дардларини айтиб олдилар-у, бир йил ўтар-ўтмас бу бевафо дунёдан ул бокий оламга рихлат қилдилар.

Илова:

Абдулла ака, умрининг охирида оғир касалликка чалиниб, ётиб қолганларида Константин Симонов ёрдамида Москвадаги Вишневский номидаги машҳур касалхонага жойлаштирилган (К. Симонов Тошкентда яшаган чоғида Абдулла аканинг «Синчалак» киссасини таржима қилиб, улар дўстлашиб қолганлар) эди.

Шу касалхонага ўша пайтлар бориб, Абдулла аканинг сўнгги дақиқаларига гувоҳ бўлган таниқли профессор Шабот Хўжаевнинг гувоҳлик беришича, Абдулла аканинг жон таслим қилиш онлари жуда оғир кечган.

«Мен Абдулла ака ётган палатага кирганимда, устоз шарпамни эшитиб, кўзларини очдилар-у, турмоқчи бўлиб талпиндилар. Аммо қурби етмай «шилқ» этиб йиқилдилар-у, сал ўтмай жон бердилар... Ўзбекистоннинг Москвадаги вакили билан бирга устоз жасадини Тошкентга етказиш ишлари билан шуғулландик...»

Абдулла Қахҳор Чигатой қабристонига дафн этилди.

Бўлиб ўтган кўнгилсиз гапларга қарамасдан дафн маросими олдидан марҳум билан видолашгани Ота бошчилигидаги ҳамма бюро аъзолари келиб кетдилар.

Илова:

Бу маънос воқеалардан кейин бир йил ўтгач, Абдулла Қахҳорнинг беваси Кибриёхон боғда ёзувчи хотирасига бағишлаб ош бердилар.

Ош устида марҳум классигимиз тўғрисида жуда кўп яхши гаплар айтилди, у киши яратган асарлар қайта-қайта тилга олинди.

Маросим сўнгида сўзга чиққан шоир Шукрулло, айниқса, қаттиқ ҳаяжонга тушиб:

«Адабиётимиз сўнги бир-икки йилда тўрт улкан устундан жудо бўлди. Биз Фафур Фулом, Ойбек, Абдулла Қахҳор ва Шайхзодалардан айрилиб, ғариблашиб қолдик», дедилар.

Бу гапда жон бор эди, албатта. Шукрулло тилга олган адиблар ҳақиқатан ҳам, адабиётимизни кўтариб турган улкан ва метин устунлар эди... Лекин бу нутқ «тирик устунлар»га қаттиқ тегиб, анча-мунча нохуш гапларга сабаб бўлди.

* * *

Отанинг Хоразмга қилган сўнги сафари ниҳоятда оғир кечди.

У ҳарорати ҳатто қирққа чиқиб кетган дақиқаларда ҳам Хоразм ва Қорақалпоғистон ҳақидаги ўйлари хаёлидан бир зум кетмади. Охири Хоразмга бориш ҳақидаги ўйларини рафиқасига айтди:

— Сен ҳам ёнимда бўлсанг, сени ҳам олиб кетаман.

Мана энди эр-хотин самолётда Урганч томон учиб кетмоқдалар. Самолёт осмонга кўтарилиши билан Ота ўзини уйқуга кетганга солиб, кўзларини чирт юмиб олди.

Ниҳоят, стюардесса самолёт Урганчга яқинлашаётганини айтди. Ота шундагина кўзларини очиб, самолётнинг ойнасидан пастга қаради.

Урганчнинг пасту баланд бинолари кўринди. Самолёт уни кутиб олгани чиққан бир гуруҳ одамлар ёнига бориб тўхтади.

Самолётга биринчи бўлиб обкомнинг учинчи котиби кўтарилди. Қамалиб кетган биринчи котиб ўрнига Москвадан келган ва келмасдан туриб «Акула» деган ном чиқарган иккинчи котиб аэропортга чиқолмагани учун узр сўраганини айтди-да:

— Ҳозир қаёққа борасиз? Меҳмонхонагами ё обкомгами? — деб сўради.

— Ҳозир обкомга борайлик, — деди Ота. — У ёғини яна кўрармиз...

Эр-хотин йиғилган ва кўплари гулдасталар кўтариб олган одамлар билан бир-бир кўришдилар-да, узр сўраб, учинчи котиб машинасига ўтирдилар...

Кўчалар, хиёбонлар кучоқ-кучоқ гул кўтарган одамларга тўлиб кетган. Улар гулларини машина томон отиб, алланималарни айтиб бакиришар, чамаси, Ота билан кўришиб, дардларини айтишни исташар эди. Ота эса бу учрашувдан хайиқар, сабаби ҳозир уларга кувонч келтирадиган бир гап йўқлигини яхши тушунарди.

Хоразм обкомининг биринчи котиби қамалгандан кейин Москвадан юборилган, бир-икки ҳафтадаёқ «Акула» номини олган кимса Отанинг келишини билар эди. Лекин кечаси телефон қилган ва ҳозир жуда юкориларда ишлаётган бир дўстининг телефонида келин аэропортга чиқиб, Отани кутиб олиш фикридан қайтди. Дўстининг гапига қараганда Отанинг республика Марказий Комитетидан кетишига оз қолган, бинобарин, Отани кутиб олиб, унга қуллуқ қилиб туриш ҳам хатардан йироқ эмас.

«Акула» шуларни ўйлаб, аэропортга чикмай, обкомга, яъни қамалган биринчи котибнинг креслосига ўтириб олди. Қани, Ота бунга нима дер экан?

У, одатдагидек, собиқ биринчи котиб хонасига кириб, столдаги ҳужжатларни энди кўздан кечираётган эди, оқ телефон ваҳимали жиринглаб қолди. «Акула» бирдан қаттиқ уриб кетган юрагини чангаллаб, трубкани олди. У янглишмаган, телефон қилаётган кимса янги Генсекнинг ўзи эди.

— Кечаси биз Хоразмдан пахта планини бажардик, деган телеграмма олдик. Сени бундан хабаринг борми?

— Бор, бор, ўртоқ Генсек. Аммо телеграммани обрисполком раиси берибди...

— Хўш, сен бунга нима дейсан? — деди Генсек паст, аммо таҳдидли товушда.

— Шахсан мен бу ҳақда сизга рапорт беришдан олдин, уни қаттиқ текшириб кўриш лозим, деган фикрдаман, ўртоқ Генсек.

— Яша! Тўғри қиласан! Биз, Сиёсий бюро аъзолари бу масалада Оталарингга эмас, сенга ишонамиз. Уқдингми?

— Уқдим, ўртоқ Генсек!..

— Уққан бўлсанг яхши. Шу тарзда давом эттиравер ишларингни. Хайр. Бардам бўл!

Телефон ўчди. «Акула» пешона терларини артиб, оғир хансираганча, ўзини биринчи котиб креслосига ташлади. Шу маҳал эшик секин очилиб, котиба аёл кўринди.

— Ота... Ота келдилар, — деди у шивирлаб ва ўзини четга олди.

Ота ёлғиз эмас, ёнида рафикаси ҳам бор эди.

Ота жойига ўтириб-ўтирмасданок «Акула»:

— Ҳозиргина Москвадан Генсек телефон қилди, — деди мийғида кулимсираб.

— Хўш? Нима дедилар Генсек? — деди Ота.

— Нима ҳам дерди? Яна ўша облисполком юборган телеграмма васвасаси!

Ота бир зум сукутга чўмгач, Генсекка ўзим телефон қилишим керак, деган фикрга келди-ю, буни «Акула»га айтмасданок:

— Қани, мени ҳам улаб беринг-чи, Генсек билан, — деб илтимос қилди.

«Акула» негадир ичида қувониб, оқ телефон ракамларини терди-ю:

— Ўзлари! — деб шивирлади.

Ота тўсатдан қалтираб кетган кўллари билан телефон дастагини маҳкам чангаллаб:

— Ассалому алайкум ўртоқ... Генсек... — деди.

— Нима гап ўзи? — Трубкадан Генсекнинг сал хирилдок қахрли овози янгради. — Мен ҳозиргина иккинчи котиб билан гаплашган эдим. Вазифаларни айтган эдим. Тагин нима гап? Ё мени қиладиган иши йўқ, ғирт дангаса деб ўйлайсизларми?

— Кечирасиз, ўртоқ Генсек. Кечирасиз, мен...

Генсек гўшакни жойига қўйди шекилли, «шак» этган овоз эшитилди.

Ота кўлида телефон, ўзини орқага ташлади. Унгача етиб келган рафикаси графиндан бир пиёла сув куйиб, Отага ўзи ичирди-да, ёнига тиз чўкди.

— Кетдик уйга, жоним, кетдик, — деди у, бирдан қуйилиб келган кўз ёшларини сидириб.

Ота дастрўмоли билан хотинининг кўз ёшларини артиб:

— Шошма, жоним, шошма, — дедилар маъюсона.

Обкомнинг биринчи котиби камокда, иккинчи котиби мана бу ахволда. Отани кутиб олгани учинчи котиб борди, энди нима қилиш керак?

Шунда Ота кеча бўлиб ўтган суҳбатдаги Генсекнинг дағдағасини эслади. Унга жойларга бориб кўзбўямачилик ҳоллари билан шахсан шуғулланмоқчи эканлигини, Хоразм ва Қорақалпоққа ўтмоқчилигини билдирди. Ўшанда отанинг сўзларини бўғиқ тахдидли овоз бўлди:

— Қорақалпоғистонга ўтасанми, Маккаю Мадинага борасанми — бу сенинг ишинг. Бизнинг олдимизда сен жавоб берасан. Шахсан сен!..

Ота «Акула»нинг кулимсираб турганини кўрди-ю, икки қўлини ёзув столининг оғир қанотларига тираб, аранг ўрнидан турди.

Отанинг рафиқаси «Акула»га қараб бир нарса демоқчи бўлди-ю, филт-филт кўз ёшларини артиб, эрини қўлтиқлаб олди. Улар хонадан чиқиб кетишаркан, «Акула» серрайганича қолаверди.

— Мен Нукусга ўтаман... — деди Ота эшикдан чиққанда. «Акула» бош ирғади. Отанинг келмай туриб кетиши унга тушунарли бўлган эди...

* * *

Қизик, самолётга чиққач, Ота, гўё уйкуси келгандай рафиқасига суяниб олди-да, кўзларини юмди. Қулоғида ҳамон бояги ваҳимали гаплар янграр, буни сал хаёлидан кўтариб, бошқа нарсаларни ўйлай деса на иродаси, на кучи етар, ўйламай деса, бунга ҳам қурби етмас, Генсекнинг совуқ гаплари қайта-қайта ёпирилиб келаверар эди. «Хўп, — дерди Отанинг ичида қандайдир бир овоз, — у мени ишдан олар, эхтимол фирқадан ҳам ўчираб, лекин қамай олмас, қамаса бир кунимизни кўрамиз, фарзандларим бор, умр йўлдошим ҳам ёнимда-ку», — дерди Ота ичида, лекин зум ўтмай ҳалиги ваҳима қайта ёпирилиб келаверарди.

Бир маҳал Отанинг қулоғига:

— Э, бу нима, қор ёққанми? — деган хитоб эшитилди.

Ота секин кўзини очди-ю, у ҳам хайратга тушиб:

— Қизик, — деб қўйди.

Катта йўлнинг иккала томони то уфққача оппок, гўё хозиргина қалин қор ёққан шундоқ яхлаб қолган эди.

— Тўхтайлик, кўрайлик бу мўъжизани!

— Мўъжиза эмас, пахта-ку бу, — деди рафикаси. — Сиз нима қиласиз бу ерга тушиб? Қудангизнинг хийлаю найранги! Кўриб лол қолсин, деб қилган буни. Сақлаган пахталари!

Ота бир ёнида дўхтир, бир ёнида ёрдамчиси, самолётдан тушиб, пахтазорга кирди. У ўн-ўн беш қадам юриб тўхтади-да, эгилиб бир ховуч пахта терди, сўнг, изма-из келаётган ёрдамчиларига қаради-ю... гўё тўсатдан биров туртиб юборгандай, аста кулай бошлади. Дўхтир билан ёрдамчиси етиб келиб, секин ётқиздилар. Шифокор, шоша-пиша бўйнидаги асбобларини олиб, Отанинг кўкрагига қўйиб қулоқ сола бошлади.

Унгача самолётдан тушган аёли Отага етиб боргунча дўхтир секин ўрнидан туриб, бошидан қалпоғини олди.

* * *

Тошкент Масков билан маслаҳатлашиб бўлса керак, эртанги кунни Ота билан видолашув куни деб эълон қилинди. Бошига дўппи, эгнига фарғонача тўн кийдирилган. Отанинг жасади солиниб, қизил мато билан ўралган тобут, Халқлар дўстлиги (хозирги «Истиклол») саройига қўйилди. Тобут ёнида фақат Отанинг фарзандлари, бош томондаги стулда бир кечадаёқ аллақандай сўлиб, юзлари бир тутам бўлиб қолган Опа. У гўё тобора сўниб, ўчиб бораётган шамга ўхшарди. Ота эса сўнгги ойларда лунжлари ичига ботиб сўлиб қолган юзларига аллақандай сабот ва осойишталик қўнгандай, гўё иш-иш деб, адоий тамом бўлган банда, ниҳоят, уйқуга кетган одамдай сўлғин чехраси тинч, осойишта эди. Назаримда, бу инсоннинг яхши томонлари ҳам, хато ва камчиликлари ҳам, бирда мулойим, бирда қаттиққўл сиёсати ҳам — ҳаммаси ўша куни билинди-ёв. Одам оқими, худди узлуксиз оққан дарёдай, кун бўйи тинмади. Ниҳоят, намозшом пайти, кичикрок митинг бўлди. Митингда бюро аъзоларидан ташқари, Москвадан маросимга етиб келган, Сиёсий бюро аъзолигига

номзод Демичев ҳам гапирди. Бирорта нотик Отанинг хато ва камчиликларини тилга олмади, фақат яхши томонлари ва фазилатларигина гапирилди.

Мамлакат ўз оқил раҳбари билан видолашди...

* * *

Кунлардан бирида редакцияга борсам... Йўлакда ранги оқариб муовиним Иброҳим Фафуров турибди. Қўлида газетанинг сўнгги сони!

— Ҳа, тинчликми? — десам, у:

— Тинчликка тинчлиг-у, газетанинг сўнгги сонидан анча жиддий бир хато кетибди.

Ичкарига кирдик. Газетанинг ўша сонидан кўнгилсиз бир хато ўтибди, газета бошлаган қўшиқ ҳақидаги мунозараларда бир ёш шоира анча мунозарали мақола билан чиқиб, қайси бир адибнинг (исми айтилмаган) бир шеърини сийқа деб айблабди. Эрталаб газета сотила бошланиши биланок кимдир телефон қилиб:

— Ахир сизлар танқид қилаётган шеър муаллифи Шароф Рашидов-ку? Сизлар буни биласизларми, йўқми? — деб сўрабди.

Биз хали бир фикрга келмаган ҳам эдикки, Марказқўмнинг маданият бўлими бошлиғи телефон қилди.

— Сизлар ўзларингиз чиқаётган газетани ўқийсизларми ёки ўқимай қўл қўяверасизларми? Газетани олиб, тез етиб келинг!

Мен одимлаб эмас, учиб бордим, албатта.

Марказқўмда маданият бўлимининг барча ходимлари жамулжам. Фафуров билан ҳеч кимнинг иши йўқ, ҳамма мағзава каминанинг бошига қуйилапти.

Айниқса, шоир ва масъул ходим Барот Бойқобилов ҳеч тинчий олмас, ёзиб борган тушунтириш хатим сариқ чақага ҳам арзимаслигини қайта-қайта таъкидларди. Хуллас, тушунтириш хатини қайта ёзиб келиш шарти билан бўлимдан аранг чиқиб кетдим...

* * *

Чамаси, яна икки ҳафталаб ўтди-ёв.

Бир кун идорага борсам, редакцияга «Дружба народов» деган журнал келган экан. Журналнинг худди шу сонидан

халклар ва маданиятлар дўстлигига бағишланган Отанинг катта мақоласи эълон қилинибди. Мен қувониб кетиб, дархол Отанинг ёрдамчисига телефон қилдим. Шундай-шундай, бу мақолани тезда кўчириб босмоқчимиз. Бизга у кишининг рухсати керак.

Ёрдамчи ҳамма гапга тушунди шекилли, қикирлаб кулди-да, илтимосимни шу бугуноқ Отага етказишга ваъда берди.

Ота мени кечқурун соат бешга чақирдилар. Бешга чорак соат қолганда қабулхонага кириб бордим, юрагим така-пука, кутиб ўтирибман. Мен у кишига нима дейман? У киши-чи? Соат роппа-роса бешда чақириб қолдилар. Қирдим. Ота ўз ўрнида ўтирардилар. Олдида газетамизнинг сўнгги сони. Унда ҳалиги шоиранинг мақоласига қарши ёзилган раддия. Раддия газетамизнинг мухлиси кекса, ҳурматли ўқитувчи томонидан самимий ёзилган эди.

Мен кирганда Ота бир даста иш қоғозларини варақлаб ўтирардилар. Мен тез юриб бориб кўришдим ва дудукланиб узр сўрай бошладим. Лекин Ота гапириш ўрнига табассум билан қўлини чўзиб:

— Бу гапни бир айтдингиз, бошқа такрорламанг, — дедилар. — Биз пайғамбар эмасмиз, ҳамма нарсани олдиндан кўрадиган. Хато ҳаммамиздан ҳам ўтади. Идорангизга бориб, илгари қандай ишлаган бўлсангиз, бундан кейин ҳам шундай ишонч билан ишлайверинг. Қани, қўлни беринг, ука... Сизга омад!

Бу улкан даргоҳга тақдирим нима бўлишини билмай кирган осий банда, ундан кўнглим тоғдай ўсиб чиқдим, у кўнгилсиз иш бизга бир сабоқ бўлиб қолди.

* * *

Кунлардан бирида шифохонада даволаниб ётсам, ёнимга ёзувчи Ҳамид Фулом кириб келди. Маълум бўлишича, у киши ҳам шу шифохонада эканлар.

— Юринг, ука, — дедилар у киши, — хаёл суриб ётаверасизми? Боғ айланиб, ёзилиб келайлик.

Боққа чиқдик. Чарчагунча юрдик, кейин серсоя жой топиб ўтирдик. Шунда Ҳамид ака етти ухлаб тушимга кирмаган бир гапни айтиб қолдилар. Гўё эрта-индин ка-

минани Ота ўрнига келган янги Биринчи котиб чакирар эмишлар.

— Суюнчи бераверинг, Одилжон, сизни Ёзувчилар уюшмасига раис қилишмоқчи, — дедилар Ҳамид ака.

Камина Адабиёт газетасида беш йил бош муҳаррир бўлиб, унинг тиражини етти юз мингга етказган одам, уюшмадай серғалва ишни бошимга урармидим? Ахир камина ўз лавозимидан ғурурланиб юрардим-ку?

Кечаси яна алламаҳалгача киприкларимга уйқу қўнмай ўйлай-ўйлай, хаёл суриб ётдим, охири шундай қарорга келдим: «Агар эртага чақириб қолишса, отам фожиаси ҳақида, у киши ўттиз еттинчи йили қамалиб, Сибирь ўрмонларида дарахт кесиб оламдан ўтганларини айтаман, яъни мен «халқ душмани»нинг фарзанди эканимга иқроп бўламан», — деган тўхтама келдим.

Дадам раҳматли САКУ, яъни Ўрта Осиё Коммунистлар университетини тугатиб, Чимкент вилоятининг Сайрам район партия комитетининг биринчи котиби бўлиб ишлаганлар. Ўшанда отамнинг қишлоқдаги қўштирноқ ичидаги «кадрдон дўстлари» битта машъум гапни қўзғайверганлар-қўзғайверганлар, яъни отамнинг отаси раҳматлик Ёқуб шайх қишлоқдаги энг катта жума масжидида бир умр муаззинлик қилганлар. Баъзи лоф гапларга қараганда, раҳматлик бобомлар масжид мезанасига чиқиб азон айтганларида, бу азонни 30 чақирим йироқдаги Туркистон аҳли ҳам эшитган. Дадамларнинг қишлоқдаги «дўстлари» ёзган «дўстона мактублари» иш бермаганида, улар ўша гапларни дастак қилиб, Москвага ёзаверганлар ва охир пировардида қабих ниятларига етиб, дадамларни Сибирь қилиб тинчитганлар.

* * *

Эртасига Ҳамид ака топиб келган «хушхабар» тасдиқланди. Эрталабданок, юқоридан телефон бўлди: шу куни соат иккида Биринчи котиб қабулхонасида бўлишим лозим экан.

Итоаткор солдат, айтилган вақтга етиб бордим. Биринчи котиб мени келишилган вақтда қабул қилдилар. У киши бўй-басти келишган, барваста одам экан.

Бошда уёк-буёкдан гаплашиб ўтирдик. Назаримда, у киши баъзилар айтганидек, тўпори одам эмас экан. Адабиёт ва санъат тўғрисидаги фикрлари ҳам туппа-тузук, жуда чуқур бўлмаса ҳам, ҳар қалай, бесавод эмас экан.

Нихоят у киши, Ёзувчилар уюшмасининг аҳамияти, бу ташкилот партия учун, Марказқўм учун жуда нуфузли эканини таъкидлаб, мақсадга ўтдилар. Яъни Марказқўм каминани Уюшма раислигига тавсия қилмоқчи эканини айтдилар.

Мен Хамид Фулом билан суҳбатдан сўнг кечаси ўйлаб қўйган гапларимни айтдим. Ёшим бир жойга бориб қолганини ҳам инобатга олишларини илтимос қилдим.

У киши гапимни бўлмадилар. Аммо ҳамма ишни йиғиштириб қўйиб, ижод қилмоқчиман, деган гапларимга қўшилмадилар.

— Хўп майли, мен Марказқўм котибларига бу гапларингизни етказаман, — дедилар-да: — Яхши. Сизга рухсат, — деб қўя қолдилар.

Қабулхонадан чиқар эканман, Биринчи котибнинг ёрдамчиси:

— Э, сиз жуда кизик одам экансиз-ку, — деди ранжиб. — Бир гапни қайта-қайта гапираверадими киши?

Хуллас, бу гапларим ўтмади шекилли, эртасига Биринчи котиб хонасига ўттиз-қирқ ёзувчи чакирилди.

Мажлисни раҳбарнинг ўзи очиб, ўзи гапирди. Марказқўм уюшма раислигига каминани тавсия қилганини айтиб, йиғилганлардан фикр сўради.

Кутганимга қарши ҳеч ким гапирмади. Ҳамма сукутда эди.

Шу билан мажлис тугади. Раислик бўйинтуруғи каминанинг бўйнига осилди.

* * *

Ростини айтсам, мен ишни нимадан бошлашни яхши билмас эдим. Адабиёт газетасининг бош муҳаррири мансабида ўтирганимда ишни аниқ тасаввур этардим. Бутуниттифок миқёсида энг машҳур ва обрўли матбуот органи бўлган «Литгазета» эса ўз обрўсини ҳаётнинг энг долзарб ва энг ўткир муаммоларини кўтариб чиқиш

ва умумхалқ муҳокамасига қўйиши билан эришган эди. Камина «Адабиёт ва санъат» газетасига ўтганимда ҳам шу йўлдан боришга ҳаракат қилиб, бор-йўғи икки-уч йилда унинг тиражини сал кам етти юз мингга етказишга муваффақ бўлгандик. У маҳалда мен нима қилишимни яхши билардим. Энди-чи? Энди, Ёзувчилар уюшмаси раиси бўлганимда эса, буни яққол тасаввур этолмас эдим.

Бахтимизга бир ҳафта ўтар-ўтмас Москвада собиқ СССР ёзувчиларининг худди шу масалага бағишланган пленуми чақирилди. Чақирилганлар орасида камина ҳам бор эдим.

Пленумда икки масала кўрилди. Биринчиси — яқин ўртада чақириладиган СССР Олий Кенгашига депутатлар сайлаш, иккинчиси эса очерк ва публицистиканинг аҳволи.

Депутатлар асосан республикаларнинг ўзида сайланган экан. Фақат арман шоираси Сильва Капутикян билан камина сайланмай қолган эканмиз.

Сильва шубҳасиз истеъдодли шоира, ўзиям машҳур. Камина эса янги раҳбарман, бинобарин, менинг депутат бўлишим жуда кийин.

Шунда қизик воқеа содир бўлди. Қозоқ ёзувчилари Ўлжас Сулаймонов билан Мухтор Шаханов депутатликка Қозоғистоннинг ўзида сайланган экан. Қозоқ дўстларимиз шуни ҳисобга олиб, каминага овоз берадиган бўлишибди. Оқибатда, Сильва шўрлик қолиб, мен сайландим. Шундай қилиб, худо бераман деса ҳеч гап эмас экан. Ўроқда йўк, машоқда йўк, хирмонда ҳозир деганларидек, камина СССР Олий Советига депутат бўлиб қолдим.

* * *

Пленум эртасига СССР Ёзувчилар уюшмасининг етти юз кишилик катта залида ўтди. Юрда ошкоралик бошланган, ёзувчи ва журналистлар отни сурган, ур-йикитлар даври. Одам тирбанд. Нотиклар президиум олдида саф тортиб, сўз сўрашади, сўз талашади. Совет даврида қалбларда йиғилиб қолган дард вулкондай отилиб чиқа бошлаган давр.

Мен биринчилардан бўлиб, сўз сўраб, президиумга хат йўллаганман. Бир маҳал менга ҳам сўз берилди. Камина

хаяжондан нутқимнинг калавасини йўқотиб қўйишдан кўрқиб, уни ёдлаб олганман.

Минбарга қандай чиққанимни, ёзганларимни қандай ўқиб берганимни билмайман. Аммо кўлимдаги «Правда»ни кўтариб: «Кўчада очликдан ўлиб ётган ўзбекнинг чўнтагидан юз минг сўм чиқади» деган мудҳиш гапни ўқиб бердим.

— Умрида пахта нималигини билмаган, қўлига кетмон ушламаган бу журналист, бир кун, лоақал бир соат ишлаб кўрсин-чи, пахта далаларида! Шунда биларди, ўзбек деҳқони тўккан тернинг аччиқ таъмини, унинг офир меҳнатдан икки букилиб қолган белини ва чеккан дарду хасратларини, — деганимда зал бир қалқиб турди-ю, бино гулдурос қарсақлардан ларзага тушди.

Камина, кўзимга ҳеч нарса кўринмай, минбардан тушиб, жойимга аранг етиб олдим. Ўтиришим биланок кимдир биқинимга туртди. Қарасам, Эркин Воҳидов!

У: «Президиумга қаранг, президиумга», — деб шивирлади. Бошимни буриб қарасам президумда ўтирган катталарнинг ҳаммаси оёққа туриб, қарсақ чалаяпти. Улар орасида СССР Ёзувчилар уюшмасининг ўша маҳалдаги раиси Георгий Марков, Валентин Распутин, Чингиз Айтматовлар бор эди.

Албатта, каминанинг бу нутқидан кейин ҳаётимизда бирорта жиддий ўзгариш содир бўлди, деёлмайман. Лекин ёзувчининг вазифаси атоқли рус танқидчиси В.Г.Белинский айтганидек, «Давлат ишларига аралашиш эмас, балки эътиборни халқ ичида пишиб етилган масалаларга қаратиш»дан иборат. Шу маънода айтишим мумкин: пленумдан кейин бизни собиқ СССР Ёзувчилар Иттифоқининг раҳбарлари қабул қилишди. Бадий фонд эса моддий қийинчиликлар сабаб тўхтаб қолган қурилишимизга анча маблағ ажратадиган бўлди.

* * *

Кўп ўтмай Москвада СССР Халқ депутатларининг биринчи таъсис съезди чақирилди. Шаҳар худди тўйга ҳозирлик кўраётган келинчақдай яшариб очилиб кетган. Бу сессиядан кўп янгиликлар кутган одамлар бизни гуллар билан кутиб олишди.

Роппа-роса йигирма бир кун давом этган бу сессия СССР тарихида биринчи бор, ҳақиқатан, ошкора ва жўшқин сессия бўлди.

«Ошкоралик» шу даражага етдики, Болтиқбўйи республикалари депутатлари СССР таркибидан чиқамиз, деган талаб қўйишди. Грузинлар эса, (сессиядан сал аввал Тбилисида намойишга чиққан ёшу қари — йигирма киши отилган экан) бу мудҳиш ишга оқ фотиҳа берган республика катталари ишдан олинсин, жазолансин, деган талаб билан чиқишди. Бошқа республикалардан келганлар ҳам шунга ўхшаган талаблар қўйишди. Қозоғистонда, масалан, Олмаотада намойишга чиққан талабаларга қарши (қаҳратон қиш бўлишига қарамасдан) ўт ўчириш машиналаридан совуқ сув сепиш оқибатида бир қанча талабалар совуқда яхлаб, ўша жойнинг ўзида жони узилган экан. Бу мудҳиш буйруқни берган Қозоғистон Компартиясининг ўша маҳалдаги биринчи котиби Колбин деганни депутатлик мандатидан маҳрум этилсин, деган талаб қўйилди.

Фақат бизгина оғзимизга толқон солиб ўтирдик. Сукут сақласак ҳам майли, Чирчиқ шаҳридан сайланган депутат қизимиз афғон урушига қарши гапираман деб чиққан, уч марта қахрамон Андрей Дмитриевич Сахаровга қарши сўзлаган эди, кўп депутатлар ўзбек депутатлари билан кўришмай қўйдилар.

Камина вазиятга қараб, ҳар куни кечаси нутқимни ўзгартириб, уйқусиз тонг оттираман, аммо сессия раиси Лукьянов сўз бермайди. Шу вазиятда ўн тўққиз кун ўтди. Чамаси, кимдир унга нимадир деб, қулоғига қўйиб қўйганга ўхшайди.

Сессия охирлаб борарди. Йигирманчи куни эрталабдан ҳаво айниб, қор аралаш ёмғир челақлаб қўйди. Мен плашимга ўраниб, Кремлга аранг етиб олган эдим, рўпарамдан ўша маҳалда Қашқадарё обкомининг биринчи котиби бўлиб ишлаган ва адабиёт газетамиз ишларига яхши муносабатда бўлган, бирорта илтимосимга йўқ демай ёрдам берган обкомнинг Биринчи котиби чиқиб қолдилар.

— Ҳа, Одил ака! — дедилар у киши. — Бугун жуда шаштингиз паст? Тинчликми?

— Шаштим паст бўлмай нима бўлади. Ўн тўккиз кундан бери сўз сўрайман. Лукьянов сўз бермайди...

— Ҳа, — дедилар обком котиби. — Кечаси бир гуруҳ обком котиблари шу ҳақда гаплашган эдик. Биздан бирорта жиддий масала кўтариб чиққан одам бўлмади-ёв, деб. Агар мен хозир Биринчини топиб гаплашсам, агар сир бўлмаса, нима ҳақда сўзламоқчисиз?

— Нима ҳақда гапирардим? Пахтакор халқимизнинг қийинчиликлари ҳақида бир-икки оғиз гапирсам дейман...

— Хўп. Унда мен гаплашай. Сиз ҳеч қаяққа жилмай туринг!

Обком котиби қаяққадир кетдилар. Мен шундоқ чўнтагимга қўл солсам, нутқим ёзилган қўлёзмам меҳмонхонада қолиб кетибди!

Ўзимни сўка-сўка меҳмонхонага чопдим.

Боя сепалаб қуяётган ёмғир энди челақлаб ёғарди. Яхшиям, биз тушган «Россия» меҳмонхонаси Кремлнинг шундоқ биқинида эди. Барибир меҳмонхонага бориб, нутқим матнини олиб келгунича, ҳаммаёғим шалаббо бўлди.

Залга кириб боришим билан ҳалиги обком котиби ҳам етиб келдилар.

— Мен Биринчи билан гаплашдим, — дедилар у киши. — Бугун сизга сўз берадиган бўлишибди. Фақат ўн беш минут эмас, ўн минут гапирасиз. Шунинг учун олдинги қаторларга ўтиб ўтиринг. Минбарга чиққунча бир минутингиз ҳам зое кетмасин...

Мен бу инсонга чуқур миннатдорчилигимни айтиб, олдинги қаторга ўтиб ўтирдим. Уч-тўрт нотикдан кейин Лукьянов, ниҳоят, каминага сўз берди...

* * *

Бугун бу гапларга йигирма йилдан ошиб кетди. Мен ўшанда муҳим бир масалани кўтариб чиқа олдим, дея олмайман. Чунки, биринчидан, Лукьянов гапимни бўлавериб, асабларимни қакшатиб юборди. Қолаверса, орадан йигирма йилдан кўпроқ вақт ўтди. Буни эслаб ўтириш лозиммикин? Буни ўзим ҳам яхши билмайман. Лекин, модомики, гап бошлаб қўйган эканман, айтиб қўя қолай.

Мен кўтарган масала, юқорида айтганимдек, аёллар ва болалар меҳнати ва унга тўланадиган ҳақ тўғрисида эди.

Албатта, одатдагидек, нутқни: «Ҳурматли ўртоқ депутатлар! — деб бошладим. — Бу мухташам саройга йиғилган депутатларнинг аксар қисми пахта нималигини, бу инжик ўсимлик нақадар оғир, шафқатсиз меҳнат талаб қилишини тасаввур ҳам қилмайдилар. Буни кўз олдингизга келтириш учун гапни Америкадан бошлайман. Бемехр, бешафқат Америка плантаторлари, ўтган асрларда пахта далаларида ўзлари ишлашни истамай, Африкадан минглаб, ўн минглаб негрларни қўл-оёқларини кишанлаб олиб келганлар. Улар бу қулларни шафқатсиз ишлатдилар ва улардан соғлом насл олиш учун қоринларини тўйдириб боқдилар. Оқибатда, Америкада бўйлари икки ва ҳатто икки ярим метр келадиган негрлар етилиб чикди. Бу негрлар ҳозир Америка спортининг ва ҳатто Америка санъатининг ҳам асосини ташкил этади... Хўш, биз нима қилдик? Биз бу шафқатсиз меҳнатни табиатан нозик киз-жувонларимиз зиммасига юкладик. Оқибатда бизнинг шўрпешона хотин-қизларимиз қоқ суяк бўлиб қотдилар. Уларда на кўкрак бор ва на думба (Ни грудей тебе, ни курдюка)»...

Нутқим шу ерга келганда, зал бир тебраниб, жўр кулги янгради, кулги қарсақларга уланиб кетди.

Лукьянов эса тоқати тоқ бўлиб, қўнғироғини чалди.

Мен эсам ҳаяжондан нима қилаётганимни ўзим ҳам билмай, олдимга қўйган соатим ва ёндафтаримни қолдириб, минбардан тушиб кетдим...

Биринчи бўлиб қозоқ дўстларимиз чошиб келишди. Қозоқ шоири Мухтор Шаханов:

— Нега бундай қилдинг, хали уч дақиқа мухлатинг бор эди-ку, — деб танбеҳ берди.

Кейин етиб келган Ўлжас эса:

— Майли, шу ҳам етарли бўлди, — деб менга тасалли берди.

Лукьянов: «Регламент! Милиция чақирайми?» — деб қичкираркан, шунда, тўсатдан кўзим пастда, минбар тагидаги ҳукумат ложасида, ўз министрлари қуршовида ўтирган Министрлар Совети раиси Николай Рижковга тушди-ю, шартта тўхтаб:

— Сиз, Николай Иванович! — дедим, Лукьяновнинг ўчини ундан олмоқчи бўлгандек, — шундай оғир меҳнат билан етиштирилган пахтанинг килосига неча пул тўлайсиз? Эллик тийин! Бу пулга Тошкент марказидаги Олой бозорида бир кило чирик бодринг ҳам бермайдилар! — дедим.

Танаффус вақтида бизнинг депутатлар жим, фақат Абдулла Орипов, ёнидан ўтаётганимда «яхши» деган маънода бош бармоғини кўрсатди...

Эртасига мен «Хўш, газеталар нима дер экан», деб киоскаларга чопдим. Йўқ, мен кутган дўк-пўписа йўқ, «Правда», «Известия», «Литературная газета», «Комсомольская правда» ва бошқа ҳамма газеталар нутқимнинг бир ҳарфини ҳам ўзгартирмай тўлиқ босган эдилар.

Кейинроқ фақат Нишонов Москвага, каттароқ лавозимга кўтарилаётганида ўтказган мажлисда: «Мана бизнинг Одил акамиз ҳам, сохта қарсақларга учиб пахтакорларимиз ҳақида бўлар-бўлмас гапларни айтдилар», деб кўйди.

Лекин мен бу гапларга эътибор бермадим.

* * *

Ўша сессиядами ёки бошқа сессиядами, ҳозир ёдимда йўқ, фақат шуни яхши эслайманки, қаҳратон киш эди. Москва қор тагида қолган. Ўша кунлари Андрей Дмитриевич Сахаров оламдан ўтган. Видолашув митинги қор тагида қолган қайси бир ўрмонзор ўртасидаги чексиз-чегарасиз ялангликда ўтди.

Одамлар кенг далага сиғмади. Митингда нафақат машҳур олим ва зиёлилар, ҳатто оддий инсонлар ҳам кўп. Улар ҳам кўз ёшларидан бўғилиб гапиришди. Юк машинасига чиқиб олган нотиклар орасида Ўлжас Сулаймонов ҳам бор эди. У ҳам оташин нутқ сўзлади.

Мен бошда Ўлжаснинг А.Д. Сахаровга қандай яқинлиги бор, деб ўйлаган эдим. Кейин билсам, А.Д. Сахаров Ўлжас билан бирга Семипалатинск атрофидаги водород бомбаси синаладиган махфий полигонга қарши чиққан инсонлардан экан.

* * *

Рост, каминанинг бу нутқидан кейин биз учун ниҳоятда муҳим бўлган пахта нархи борасида бирор ўзгариш

бўлмади. На Михаил Горбачев, на ундан кейин раҳбарлик қилган Борис Ельцин бир сўм у ёқда турсин, лоқал бир тийин ҳам қўшиб беришмади. Лекин мени бир нарса қувонтиради: каминанинг ўша нутқига юксак баҳо бериб, «Қаҳрамонлик» деган ном билан Озод Шарафиддинов катта мақола ёзди. Озод бу мақоласини Адабиёт газетасига берган эди, лекин газетани чоп этишдан ҳадиксираб, ўша маҳалда минг нусхада чиқадиган «Ёзувчи» газетаси «Нутқ» деб ном қўйиб босди. Озод Шарафиддинов эса мақоланинг «Қаҳрамонлик» деган номини қайта тиклаб, вафоти олдидан чиқарган сўнгги «Ижодни англаш бахти» китобига киритди.

* * *

Ота вафотидан кейин қанча ўтди! Ҳозир эсимда йўқ. Мен фақат шуни биламанки, орадан бироз вақт ўтиб Марказқўмнинг биринчи котиби лавозимига Ислом Абдуғаниевич Каримов келдилар.

Кунлардан бирида юкоридан телефон бўлиб қолди.

— Эртага Россия билан дўстлик ва биродарлик шартномаси тузиш учун Москвага делегация кетаяпти. Делегатлар таркибида сиз ҳам борсиз. Эрталаб соат ўнда аэропортда бўлишингиз керак.

Эртасига айтилган вақтда Москвага учдик. Мен самолётнинг орқа томонига ўтиб ўтирган эдим, бир маҳал стюардесса келиб, сизни раҳбарлар чақиришаяпти, деб қолди.

Бордим. Хонанинг чап томонидаги диванда Ислом Абдуғаниевич ўтирар, чап томондаги диванда эса Олий Кенгаш раиси билан, Давлат котиби (ўша маҳалда шундай мансаб бўларди) ўтиришарди.

Мен киргач, Ислом Абдуғаниевич ёнидаги Министрлар Советининг раисига қараб:

— Сизнинг мансабингиз улўф, Одил аканинг эса ёши, — дедилар ярим ҳазил, ярим чин оҳангда. — Сиз анови дўстингиз ёнига ўтиб ўтиринг...

Шундан кейин Ислом Абдуғаниевич иккимиз гаплашиб кетдик. Бир маҳал радиодан:

«— Биз ҳозир Қозоғистоннинг Туркистон шаҳри тепасидан учиб ўтаяпмиз. Бу қадимий шаҳарда улўф ўзбек шоири Аҳмад Яссавий ҳазратлари яшаб ўтганлар. Бобомиз Амир Темур буюк шоирга бағишлаб улкан макбара

курдирганлар. Мақбарани зиёрат қилгани Яссавий бобомиз ижодининг мухлислари бутун дунёдан узлуксиз келиб туришади», деб эълон қилди.

Радио ўчиши билан Юртбошимиз менга қараб:

— Яссавий бобомиз ҳақида билганларингизни гапириб беринг, — деб қолдилар.

Мен билганимча гапириб бердим. Улуғ бобомиз Аҳмад Яссавий ҳозирги Чимкент вилоятининг Сайрам туманида туғилганлар. Беш-олти ёшидаёқ оталари уларни Сайрамдан Туркистонга олиб келган. Бобомиз қолган умрларини шу мақбара пойида ўтказганлар. Олтмиш учга кирганларида «Пайғамбар ёшига етгандан кейин яшаш гуноҳ бўлади», деб мақбара тагидан ғор қаздириб, шу ғорда яшаб, кунига бир арпа тўқач ва бир қумғон сув билан кифояланиб, қолган умрларида бобомиз ўзининг «Ҳикматлар» деган ўлмас асарини ёзганлар.

Шунда Юртбошимиз:

— Э-э, бу гапни яхши айтдингиз, — дедилар. — Бу сафардан қайтганимиздан кейин Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев билан Олмаотада учрашиб, дўстлик ва биродарлик шартномасини тузишга аҳдлашганмиз. Энди бу шартномага шу ерда, Яссавий бобомиз мақбараси пойида имзо чекамиз!

Кўп ўтмай таом олиб келишди. Юртбошимиз сафдошларидан:

— Одил аканинг ижоди билан танишмисизлар, асарларини ўқиганмисизлар? — деб сўраб қолди.

Ҳеч кимдан садо чикмади. Шунда Президентимиз ҳар қандай ижодкорларни ҳам ҳаяжонлантириб юборадиган бир гап айтдилар:

— Бу кишини «Кўхна дунё» деган асари бор, — дедилар. — Бу асар машҳур шоҳ ва лашкарбоши Маҳмуд Фазнавий ҳақида. Романда Ҳиндистонни ўн уч марта забт этган Маҳмуд Фазнавийдай қудратли шоҳ атрофида найранглар уюштириб, унинг бошини айлантриб юборган вазирлар ўйини тасвирланган. Ўқимаганлар албатта ўқиб чиқсин!

Сухбатдан кейин жойимга бориб ўтирдим. Бир маҳал, пинакка кетган эканман, стюардессанинг радиодан:

— Москвага келиб қолдик. Белбоғларингизни боғланглар! — деган сўзлари янгради...

Москва! Буюк Россиянинг буюк пойтахти!

Шоша-пиша дераза пардаларини очаман, қалин ва чексиз-чегарасиз ўрмонлар билан куршалган баҳайбат улкан шаҳар уйғоқ кўчаларда бир-бирини қувиб кетаётган сон-саноксиз машиналар...

Тавба! Бу азим шаҳарга неча бор келган бўлсам ҳам, гўё уни биринчи кўраётгандай, юрагим хаприқиб, суқланиб қарайман...

Ҳеч қачон, ҳеч бир боскинчига таслим бўлмаган, ҳатто Чингизхон, Наполеон Бонапарт ва Гитлер қўшинларига ҳам тиз чўкмаган улуғ шаҳар. Бу шаҳарда, томирларида Африка қони гупирган, Россиянинг энг гўзал кизи Наталья Гончарова қалбини забт этган ва ўлмас асарлар яратган Александр Пушкин яшаган. У шундай мард инсон бўлганки, бу ёруғ дунё билан видолашаётган сўнгги онларида ҳам ғамгин кўзларидан бир томчи ёш оқмаган.

Нақадар пок ва мард инсон бўлган Пушкин, у нақадар пок!.. Ҳатто жон таслим қилаётган онларида ҳам, видолашишга келган рафиқаси ва ёш фарзандларини ўқситмаслик учун кўзига бир томчи ёш олмаган...

Бу буюқ инсон ҳақида ўйлаганимда дилимдан беихтиёр: «Укажоним-эй, укажоним-эй,» деб юборгим келади...

Фурури ғолиб мағрур Москва! Буюк Россиянинг буюк пойтахти!

Шоша-пиша кўзларимни укалаб яна пастга қарайман. Ўша-ўша манзара: ям-яшил ўрмон билан ўралган чексиз-чегарасиз шаҳар — уйғоқ, кўчаларида сон-саноксиз машиналар бир-бирини қувиб учиб ўтаяпти:

Ёдимга беихтиёр буюқ шоирнинг баҳор гулларидай майин ва кўркам сатрлари тушади:

Мен сизни севардим, севгим эҳтимол

Юрагимда сўнмаган ҳали...

Энди севгим сизга келмасин малол,

Ҳадди йўқдир хафа этгали.

Ҳа, кимлар юрмаган, кимлар яшамаган ҳозир машиналар қуюндай учиб ўтаётган бу кўчалардан... Оппоқ соқоли кўксига тушган Лев Толстой, эғнида эски тўн, бошида эски телпак, севимли қароргоҳи Ясная Полянадан шаҳарга

пиёда юриб кириб келаркан, йўловчиларнинг хайратомуз нигоҳларини сезмагандай, хаёл сурганича қор кечиб боради. Ким билсин, буюк қариянинг безовта ўйлари бирда урушда ўқ еб, севгилиси Наташанинг қўлида жон берган Андрей Болконскийда бўлгандир, бирда Толстой ўзига абадий хайкал қўйган мағрур ва қайтмас чечен фарзанди Хожимуроддир... Ҳа, кимлар юрмаган бу кўчаларда. Бирда «Жиноят ва жазо»ни ёзган улуғ Достоевский, бирда «Ўтмиш ва ўйлар» асари билан ўзига хайкал қўйиб кетган, ҳеч бир кўргилик олдида бош эгмай ўтган Герцен юргандир бу кўчаларда... Москва! Москва! Биз ҳануз сени ўз она шахримиздай севамиз!

Менинг сал чучмал бу ўйларимни стюардессанинг:

— Қадрли йўловчилар, тушишга ҳозирланинглар, Москвага келдик, — деган эълони бўлди.

Хаёллар оғушида бўлиб, билмай қолибман. Самолёт «Внуково» аэропортига қўнган эди.

* * *

Эрталаб Кремлнинг машхур Георгиевск залига кириб бордик. Худди Москванинг ўзидай ҳанузгача не-не тарихий воқеалар, не-не подшоҳлар, лашкарбошилар, не-не буюк инсонлар изларини асраган улуғвор ва кўркам сарой!

Бирда ёруғ, бирда шафқатсиз воқеалар гувоҳи бўлган, нималарни кўрмаган кўхна Кремль! Унинг улуғлигидан яна бир мисол: Бутун Европани забт этиб келиб, Москвани шафқатсиз ёнғин ичида қолдирган Наполеон Петербургда макон қурган Александр I га: «Азиз биродарим! Мен Россияни забт этиш учун юриш қилмаганман. Мен рус халқи ва шахсан сен азизимга ўз эҳтиромимни билдириб қўйиш мақсадидагина ташриф буюрганман! Кел, кўришайлик, пок ниятларимизни изҳор қилайлик!» деб мактублар ёзган Наполеон Бонапарт бу мағрур шаҳардан аранг оёғини судраб олиб чиқиб кетган!

Ҳа, қизиқ экан инсон! Собиқ Иттифоқ Олий Кенгашига депутат бўлиб, ҳар йили икки марта шу шаҳар, шу Кремль, шу муҳташам залга ҳар куни ўн марта кириб-чиқиб юрибман-у, кўзимни каттароқ очиб, у ёқ-бу ёққа тузукроқ разм солмабман!.. Мен энди, гўё биринчи марта кўргандай бу гўзалликдан кўзим камашади!

Биз келгандан кейин сал ўтмай залга Борис Ельцин ва Ислон Каримов кириб келишди. Ельцин ҳар биримиз билан битта-битта кўришди. Руслар ўзлари айтганларидек, бу забардаст инсон, ҳақиқатан ҳам, айиққа ўхшарди, бир қарасангиз, Шимолий муз океанида қаҳратон қишда океанга шўнғиб, балиқ овлаб юрадиган оқ айиққа, яна бир қарасангиз, Сибирь ўрмонларида асал ари уяларини бузиб, асал ариларини уя-пуялари билан бирга чайнаб юрадиган қўнғир айиқни эслатади. У, таъбир жоиз бўлса, айиқдай бакуват, хушчақчақ инсон экан!

Икки Президент навбатма-навбат қисқа-қисқа нутқ сўзлаб, Дўстлик шартномасига имзо чекдилар. Кейин, Борис Ельцин, мезбон сифатида шу залнинг ёнбошидаги ресторанга таклиф этди.

Зиёфат ҳам ўша руҳда, самимий ва хушчақчақлик билан ўтди. Икки томон ҳам мамнун эди. Ахир Россиядай улкан ва қудратли мамлакат билан ўзаро ёрдам, дўстлик ва биродарлик шартномасини тузиш озмунча шарафми? Биз ўша шараф қанотида кечкурун юртимизга учиб кетдик.

* * *

Худди Москвага учишда ахд килинганидек, Ислон Абдуғаниевич билан Нурсултон Назарбоевларнинг абадий дўстлик ва биродарлик ҳақидаги шартномага Туркистонда, бобокалонимиз Аҳмад Яссавий мақбараси пойида имзо чекиладиган бўлди. Москвадан қайтгач, бир-икки ҳафтадан кейин Туркистонга учдик.

Мен айниқса, каттиқ хаяжонда эдим. Чунки менинг болалик йилларим, то раҳматлик отам 1937 йили камалиб, Сибирь килингунга қадар шу шаҳарда, шу мақбара пойида ўтган. У бетавфиқ пошшо замонда мақбара батамом қаровсиз қолган. Биз, мактаб болалари, унинг тик зиналаридан югуришиб, энг тепасига чикиб олардик. Шунда пастдаги шаҳаргина эмас, камида ўттиз чақирим наридаги туғилган қишлоғим Қарноқ ҳам шундоқ мақбара тагига келиб қолгандай бўларди. Биз айюҳаннос кўтариб, мақбара қаватларида чопқиллаб юрганимизда, мақбара деворларига уя қўйган кўк кабутарлар «дув» кўтарилиб, осмони фалакни тўлдириб юборарди...

Биз борганимизда мақбара ҳали таъмирланмаган, аммо дарз кетган жойлари тузатилиб, тартибга келтириб

қўйилган эди. Макбара олдидаги катта майдонга бутун Туркистон кўчиб чиққан-ов. Карнай-сурнай, ўйин-кулги авжида.

Икки Президент бошчилигида, макбарага кирамиз. Шифти осмон улкан залнинг тўрида баланд панжара билан ўралган Яссавий бобомиз қабри. Тиловатдан кейин ҳаммамиз удум бўйича макбара ўртасидаги улкан қозонга атаганларимизни ташлаймиз. Шундан кейингина ташқарига чиқамиз. Макбара олдида стол-стуллар қўйилган. Икки Президент шу жойда ўтириб, абадий дўстлик ва биродарлик шартномасига имзо чекишди. Бу маросим қарсақ, карнай-сурнай садолари остида ўтди.

Маросим Қозоғистон Президенти берган зиёфат билан якунланди.

* * *

Ўшанда, самолётимиз осмонга кўтарилишда олисдаги Қоратоғ ва унинг пойида жойлашган туғилган қишлоғим Қарноқ кўринди. У гўё самолётимиз тагига келиб қолгандай бўлди.

Тоғ чўққиларига туташиб кетган ям-яшил боғлар. Тоғдан чиқиб, шаҳар томон оққан бир дарё сув... Шунда оғир уруш йиллари тоғам билан Қоратоғ ортидаги Сўзоққа сафар қилганимиз ёдимга тушди...

Қарноқ Қоратоғ (қозоқлар уни Қоратов дейишади) этагидаги энг катта ва энг кўркем қишлоқ, ўртасида Катта сой ўтади. Баҳор чоғлари бу сойни тўлдириб, баҳайбат тошқин келади. От ўтолмайдиган бу тошқин тоғдаги қозоқ овулларида бутун-бутун ўтов керагалари, бешик ва гиламларни оқизиб келади. Тошқинни кўргани йиғилган чол-камбир: «Вой шўрликлар: ўтов эгаларининг тақдири нима бўлди экан?» — деб ачинишади. Биз болалар бўлсак, бир қувонамиз, бир дахшатга тушамиз...

Ўтган аср бошларидаги машъум Октябрь инқилобигача қишлоқда тўртта мадраса, негадир Эшон гумбази деб аталган улкан масжид ва 29 та кичик масжидлар бўлган. Қозоқ бойлари ўз фарзандларини шу масжид ва мадрасаларда ўқитишган. Қишлоқ бойлари эса бу мадрасаларни менсимай, фарзандларини Бухоро, Самарқанд, айниқса, Тошкент мадрасаларида ўқитишган. Қишлоқда, айниқса,

Тошкентдаги Маъдихон эшон мадрасаси машхур бўлган. Раҳматлик отамлар ҳам шу мадрасада сабоқ олганлар.

Марҳум волидамиз оламдан ўтганларида кўнгил сўраш учун кишлокқа келган дўстларимиз Озод, Пиримқул, Худойберди Тўхтабоев, Умарали, Иброҳим Ғафуров, Миразиз Аъзам, Раҳим Бекжон, Мирпўлат Мирзо ва бошқалар ҳам не-не воқеаларни бошидан кечирган бу кишлокни, унинг бир-бирига тутшиб кетган боғларини, масжиду мадрасаларини кўриб ҳайратга тушганлар.

Камина ҳам мана саксонга қадам қўйдим. Лекин насиб этса, Оллоҳ умр берса, киндик қоним тўкилган кўҳна Қарнокни бошқа дўстларимга ҳам кўрсатсам дейман...

Шундай кезларда болалигимда содир бўлган бир унутилмас воқеа ҳаёлимдан кечади:

...биринчи куни тушда, пасту баланд қирлар оша, тоғ ичкарисидаги бир қозоқ овулга етиб келдик.

Қозоқларда яхши одат бор: уйларига келган одам ким бўлмасин, танишми, йўқми, қариндошми, бегонами — албатта овқат бериб, қорнини тўйғазишади.

Уй эгаси, олтмишларга бориб қолган қозоқ аёл югуриб-елиб бирпасда бир лаган беш бармоқ пишириб, олдимизга қўйди.

Шунда мени айникса, бир нарса ҳайратга солди. Қишлоқдан қараганда яхлит қояга ўхшайдиган тоғ бизга бағрини кенг очди. Шунда кўз олдимизда мислсиз гўзал, улкан бир водий намоён бўлди. Биз водийнинг ўнг томонида, бир-бирига тутшиб кетган ва тобора баландлашиб бораётган қирлар оша кетаяпмиз. Чап қўлда анча пастликда, бир дарё сув пастга қараб оқаяпти.

Ҳаммаёқ худди баҳордагидай ям-яшил, ҳатто баъзи-баъзида қип-қизил лолақизғалдоқлар кўз камаштириб ял-ял ёнади. Олдинда гўё бу гўзал водийни асраётгандай осмонни тираб турган Қоратов. Мен, гўё батамом бошқа, мислсиз гўзал бир оламга келиб қолгандай ҳис этаман ўзимни. Чап қўлда, тубсиз пастликда ҳамон бир дарё сув оқаяпти, олдинда, узоқ-узоқларда ҳамон ўша осмонўпар тоғ, у шундай узоқ ва улуғворки, асло етиб бўлмайдигандек туюлади.

Бир-икки соат юрганимиздан кейин, яна бир қозоқ қишлоғига (қозоқлар қишки ўтовларини «қишлов» дейишади) кириб бордик.

Бу кўрғонда ҳам эркак йўк, тўрда бир кампир, неварасининг беланчагини тебратиб ўтирарди. Унинг ўнг томонида эса... сизга ёлғон, менга чин, кўрганда кўз узолмайдиган ўн тўрт, ўн беш яшар бир қиз (кейин билсак, кампир тебратиб ўтирган гўдакнинг онаси) гўё бизнинг келишимизни билгандек, супра ёзиб, хамир қормоқда.

Бу сулув қиз биз киришимиз биланоқ, «сизлар ким бўласизлар» ҳам демасдан, кўлларини супрага артиб, дарров эски самоварига чўғ ташлаб, олдимизга дастурхон ёзди. Сўнг кулча нонларни ушатиб, чой келтириб кўяр экан, гўё менинг мафтун бўлганимни билгандек, секингина бир жилмайиб қўйди.

Бир лаҳзада беш бармоқ ҳам тайёр бўлди. Биз энди овқатга киришганимизда уйга эликлардан ошган, сочсоқолигина эмас, кош-киприкларигача сап-сарик, козоқдан кўра ўрисга ўхшайдиган бир мўйсафид кириб келди. Мени лол қолдирган мислсиз гўзал келин сакраб туриб, бир қўлига тос, бир қўлига қумғон олиб, сап-сарик чол томон талпинди.

...Биз сарик козоқнинг уйидан чиқиб, тоғ томон кетаяпмиз, кетаяпмиз, қани энди бу йўл ниҳоясига етса. Охири чоллар ҳам, адашиб кетмадикми, деган васвасага тушиб қолишди.

Йўк, хайрият, тўғри йўлда эканмиз. Бир қирнинг тепасига чиққан эдик, пастда катта водий намоён бўлди. Водийнинг охирида карвонсарой кўзга чалинарди. Шу карвонсаройда бир қўниб, эртасига кўхна Сўзоққа кириб бордик.

Сўзоқ инқилобга қадар бир томони козоқларнинг энг кўркам ўлкаси «Сари арқа», бир томони Туркистон ва Тошкент билан боғлаб турадиган улкан савдо маркази бўлган.

Октябрь инқилобидан кейин Сўзоқ эски бойлиги ва доврўғини йўқотган бўлса ҳам, ҳар қалай, ҳамон мол савдоси билан шуғулланарди. Мол эса асосан машҳур «Сари арқа»дан келарди.

Сўзоқда тоғамларнинг ошна-оғайнилари кўп экан, биз олиб борган эски-туски кийимларни бирда сотиб, бирда дон-дунга алмаштириб юрганимизда, тўсатдан қор ёғиб қолди. Бу орада тоғамлар ҳам касалланиб қолдилар-у, кетишга шошилдик.

Бу сафар биз келган йўлимиздан эмас, эски карвон йўлидан кетдик. Аксига олиб, биринчи куни тушга яқин, йўлда айланиб оқадиган бир ариқ сувга дуч келдик. Ариқ ҳар ўттиз-қирқ кадам юрганда қайта-қайта рўпара бўлаверади. Шунда эшакларга ортилган икки қоп донни ерга тушириб, ариқдан олиб ўтиб қайта ортар, аммо ўттиз-қирқ кадам юрмасдан яна сув тўла ариққа тўғри келаверар эдик. Шу тарзда, ит азобида ариқлардан ўтиб олганимизда қоронғи тушиб, қор ёға бошлади. Шу ҳолда беш-олти чақирим юришимизда йўлнинг ўнг томонида ташландик бир кўрғон кўринди. Тоғам ҳам касал, ҳам кекса одам, батамом ҳолдан кетган эди. Мен эсам оёқда аранг турардим. Қордан қочиб кўрғонга кирдик ва шўрлик эшакларга бир дўппидан дон бериб, қайта йўлга тушмоқчи бўлдик. Лекин қани энди қопларни кўтариб, эшакларга юклай олсак! Қўлни қўлга бериб, қопни кўтарамиз-у, эшакнинг белига етганда ташлаб юборамиз... Шу тарзда беш-олти марта уринганимиздан кейин батамом ҳолдан тойдик. Тоғам шўрлик ўзининг қопига ўтириб, бошини чангаллаб олди. Мен эсам, кўзимда ёш, эшагимнинг бўйнидан кучиб, Оллоҳдан мадад сўрайман. Шунда менинг йиғлаб қилган илтижоларим Яратган эгамга етиб бордим, бошқами, кўрғонга катта туяга миниб, бошига тумоқ, эгнига тўн кийиб олган бир қозоқ хотин кириб келса бўладими?

У туясини ерга чўккалатди-ю, холимизни сўраб ўтирмасданок тушунди чоғи, икки қоп донни худди икки қоп пахтани кўтаргандай осонгина кўтариб, эшакларимизга юклаб берди. Биз чамаси, беш-олти чақирим юрганда катта йўл чапга, қишлоқ томон бурилди. Бу йўлни шўрлик эшаклар ҳам таниди шекилли, қадамларини тезлаштирди. Шу тарзда илдам босиб, қишлоғимиз устидаги «Қизил сангир» деган энг катта қирга етиб келдик. Пастда, узок-узокларга чўзилган улкан қишлоқ, кўзимизга гўё жаннатдай гўзал бўлиб кўринади.

Шўрлик ойимлар бизни ўйлайвериб, адои тамом бўлиб, омон қайтишимизга етти тўқач атаган эканлар: дув-дув кўз ёши тўкиб, пешонамдан ўпдилар-да, етти тўқачни қўшниларимиз — есир хотинларга улашдилар. Кейин яна тўрт-беш қариндош-уруғларимизга ҳам бир коса-бир косадан тарқатиб чиқдилар... Қолган дон билан бир амаллаб, пишиқчиликка етиб олдик...

ҚАРНОҚ



ОНАИЗОР

1

Яқин йигирма йилдирки, чап оёғим дардга мубтало бўлган: майда томирларда қон яхши юришмайди. Бу — ҳали ҳеч бир табиб сир-асрорини очолмаган оғир хасталик. Баъзан у тўсатдан йўқ бўлиб кетади, баъзан эса туйқусдан хуруж қилиб қолади. Шундай пайтларда чунон бир оғриқ бошланадики, унга ҳеч бир тирик зот дош беролмайди: «Э, худоё, бундан кўра оёғимни кесиб ташлай қол», дегиси келади киши. Яқинда шу дард яна бир хуруж қилиб қолдики, деворларни чангаллаб, дод-фарёд чекдим. Умр йўлдошим югуриб-елиб ўзи билганича, муолажа қилди. Кейин «тез ёрдам» келиб, уколлар қилди, хуллас, оғриқ бироз пасайди. Шунда тамом ҳолдан кетган одам, хиёл ором олиб ётганимда умр йўлдошим бир гап айтди:

— Сиз бугун оғриқ тутган пайтингизда: «Аяжон, аяжоним, қайдасиз?» — деб фарёд солганингизни эслайсизми?

— Ҳа, энди, аяжон деган бўлсам, ўз аяжонимни йўқлабман-да, — деб кулдим.

— Тўғри-ю, лекин етмиш яшар одамнинг «аяжон, аяжоним, қайдасиз?» деб додлаши ғалати туюларкан, — деди умр йўлдошим.

Мен эса бу гаплардан кейин беихтиёр раҳматли волидамни эслаб кетдим. Назаримда, муштдаккина, озфингина, абжиргина ва айтишларича, кизлик пайтида ниҳоятда кўхлик бўлган бу аёлнинг бошига тушмаган мусибат бўлмаса керак. Ҳануз бот-бот эсимга тушади.

1929 йилнинг охирлари бўлса керак, мен нари борса уч яшар боламан. Отамиз Эгамберди Ёқубшайх ўғли Чимкент вилоятининг Сайрам районида райкомнинг биринчи котиби

бўлиб ишларди. Кейинчалик билсам, мархумнинг устидан отаси шайх эди, диндор бўлган эди, дейишавергач, у киши вазифасидан четлаштирилган ва адолат қидириб, Алматига кетган экан. Табиий, ўша даврнинг шафқатсиз удумига кўра, волидамизни бешта бир-биридан кичкина фарзанд билан яшаб турган уйдан ҳайдаб чиқаришган. Шунда бир кўнгли бўш инсон (Оллоҳга шукур, ўша даврларда ҳам бўлган, ҳозир ҳам бор, бундайлар) сомонхонасини бўшатиб, унга пичан тўшаб, бизга, бутун оиламизга бошпана қилиб берган. Болалик эмасми, қуриган пичан, беда, шувок, ёв-шан ва бошқа дала гиёҳларининг хидига тўла бу сомонхона менга илгари яшаб турган кўркам уйимиздан ҳам яхши туюлган. Мен ва укаларим онаизоримизнинг дарди ҳасрати билан ишимиз йўқ, кун бўйи кўчада ўйнаймиз, ивирсиб юрамиз. Қоронғи тушганда волидамиз чакириб, бир бурда нон, бир косадан атала беради. Шундан кейин сомонхона зимистон қоронғиликка чўқади. Энди ўйласам, тавба, деб ёқамни ушлайман. Лекин у онлар — ўша зимистон сомонхона мен учун гўзал бир қошонага айланади. Чунки биз беш болакай талашиб-тортишиб онажонимизга яқинроқ ётмоқчи бўламиз. Ниҳоят онамиз бизни мурасага келтириб, ўртага ётадилар. Шунда биз, ойижон, ойижон эртак айтиб беринг, деб ёлворамиз ва волидамиз қай аҳволда эканлигини билмаймиз ҳам, албатта. Лекин турган гап, онамиз барча дардларини ичига ютиб, эртак бошлайдилар. Иккита опам ва иккита укам у эртакларни охиригача эшитармиди ё йўқми, билмадим, лекин мен жон қулоғим билан тинглардим. Эртаклар оламига шўнғиб кетардим. Ва чексиз бир бахт туйғуси билан ухлаб қолардим.

Бир ойлардан кейин дадамиз қайтиб келиб, бизни Алматига кўчириб кетди. Лекин бу иккинчи ҳикоя. Биринчи ҳикоям эса ўша сомонхона, зимистон сомонхона, онамиз ёнига тиқилишиб ётган бешта болакай ва волидамиз минг бир кечадагидай ҳар кун айтиб берадиган эртаклар.

2

Ўттизинчи йилларнинг боши. У йилларда ҳам алғов-далғов. Дадамларга Алмати вокзалининг шундоқ ёнбошидаги тўрт қаватли эски ўрисча ёғоч уйларнинг биридан

уч хоналими, тўрт хоналими жой ажратилган экан. Биз борганда Алматида қахратон қиш эди. Қор белдан десам лоф бўлар, тиззадан эди. Биз болалар уйнинг эшигидан бурнимизни ҳам чиқаролмаймиз. Ойимлар уйни тошқўмир билан иситадилар. Кейинчалик раҳматли кўп эслар эдилар. Бир кун кечаси дадамлар йўқ пайтида печкага тошқўмир қалабдилар-у, туйнугини очиб қўйиш ёдларидан чикибди. «Бир маҳал уйғонсам, — эслар эдилар онам, — уй осмони фалакдай гир-гир айланаяпти. Дуддан нафас олиб бўлмайди. Тураман дейман-у, туrolмайман. Сал бошимни кўтарсам, қусаман. Шунда тўсатдан, «ёнимда ётган жўжаларимдан айрилиб қоламан-ку», деган фикр миямда чарх уриши билан вужудимда шундай бир куч пайдо бўлдики, ўрнимдан туrolмасам ҳам, алпанг-талпанг судралиб, эмаклаб, қусиб остонагача етиб бордим-у, эшикни ланг очдим. Уйга одам боласини яхлатиб қўядиган, бироқ оромбахш тоза ҳаво ёпирилиб кирди. Ундан кейин нима бўлди, билмайман. Эшикка йиқилиб қолибман. Бир пайт қарасам, сенлар митти қушчалардай атрофимда чуғурлашиб юрибсанлар. Э, худо, дедим шунда кўкка қўлимни чўзиб, менинг фарзандларимни яна бир асраб қолдинг. Сенга то абад шукроналар қиламан».

Мен ҳар сафар волидамиз бу ҳақда гапириб берганларида бу куч, бу матонат, бу ирода, бу чексиз меҳр-муҳаббат унинг кичкина вужудига қандай жо бўлдийкин, деб ўйлардим. Ҳозир ҳам шундай ўйлайман.

3

1937 йилнинг куз ойлари. Кичкина Туркистон шаҳрида таҳлика. Ҳар куни бир-икки одам НКВД томонидан қамокқа олинади. Биттагина шаҳарда бу мудҳиш хабар кўчадан-кўчага, уйдан-уйга кириб боради. Одамлар қалбида ваҳима уйғотади. Бу аёвсиз «иш» бизнинг хонадонимизга ҳам кириб келди.

Қош қорайган пайтда шу тарафларда ҳамма хонадонларга даҳшат солиб юрган қора машина бизнинг дарвозамизга ҳам келиб тўхтади. Ундан кейин бўлган воқеалар тўғрисида мен «Музқаймоқ» ҳикоямда гапириб берганман. Такрорлаб

Ўтирмайман, чунки бу ҳикоя марҳум отам ҳақида эмас, онам ҳақидадир.

Биз катта бир ҳовлининг кираверишида икки хонали, олди айвонли кўркамгина бир уйда турардик. Отамиз қамалгандан кейин бир кун-икки кун ўтмасданок, форма кийган қандайдир одамлар бостириб келишди. Уйимизни дарҳол бўшатишни буюришди. Ўзи киш келиб, қор учқунлай бошлаган эди.

— Қайдан жой берасиз?

— Халқ душманининг оиласига ким ҳам жой беради?

Кейин билсам, катталар ўйлай-ўйлай бир қарорга келибдилар: биз турган ҳовлининг охирида икки хоналик ташландиқ хароб бир уй бўларди. Бу хоналарнинг бирига ҳовлида яшовчилар ўз кўмирларини туширишарди. Иккинчиси чоғроқ, ҳозирги ўлчов билан айтсак, 7—8 квадрат метрлик хонада ҳовлидаги хонадонлар ўз қўйлари, товук-повукларини сақлашарди. Ўша даврдаги ҳокимиятнинг меҳрибонлигини қарангки, шу каталакни бизга, яъни беш болалик оилага меҳр-шафқат қилиб топширишибди. На чора, катта опамнинг эри — поччам (у киши мактабда ўқитувчи бўлиб ишлардилар) яна кимларнингдир ёрдамида беш-ўнга тахта топишиб, молхонани тозалашиб, ердан бир газ баланд бир сўри қуришди. Бурчакка чўян печка ўрнатишди. Сўрининг устига сомонхонадаги қўй-эчкидан қолган-қутган сомонлар тўшалиб, устига уйимиздаги бор эски-туски наmatлар ташланди.

Мен канага тўла бу қафас ҳақида ўйлаганимда доим Сайрамдаги пичан ва беда тўшалган болохонани эслар эдим. Дала гиёҳларининг ҳиди уфуриб турган ул сомонхона менга мисоли жаннат бўлиб туюларди. Шундай бўлса ҳам, бола бола экан, на мен, на укаларим яхши уй-жойдан ҳайдалиб, собиқ молхонага келиб қолганимиз ҳақида ўйламаймиз ҳам. Онамиз кун бўйи эрталаб қамокхонага кетиб, кечқурун қайтадилар. Катта опам келиб бир қозон атала қилиб кетадилар. Биз бу аталани кўриб қолиб, сўрида бир-биримиз билан кураш тушамиз. Ҳовлига чиқиб қор отишамиз. Дилдираган қўлларимиз билан қорбобо ясаймиз. Лекин бир нарса хануз эсимдан чикмайди. Мен укаларим билан кураш тушаманми, уришаманми, ҳовлида

қор отишаманми, дилимдан бир орзу ҳеч кетмайди. Тезроқ қоронғи тушса-ю, ойимлар келиб қозонда қолган аталадан қуйиб берсалар-у, тўшак ёзсалар. Ва биз бир-биримиз билан ким ойимга яқинроқ ётади, деб талашиб-туртишиб, ойимларга яқинроқ жойни эгалласак. Бунинг бош сабаби шундаки, ойимлар ҳар куни чирокни ўчириб бўлгач, худди Сайрамдаги сомонхонадагидек эртақ бошлайдилар. Бу эртақларнинг кўпчилиги ҳозир негадир эсимда йўқ. Лекин улар ҳамиша қандайдир яхши эртақлар — менинг вужудимга ҳам ором берар эди. Худди она алласига ўхшаб шундай чексиз бир тасалли берардики, тез орада кўзим илиниб қолганини ўзим ҳам билмай қолардим.

Кейинчалик мархум волидамдан сўрамаганимга кўп афсус қиламан. Лекин қандайдир ички бир туйғу билан хис этаман: эри турмада ётиб, тўртта фарзанди билан молхонага ҳайдалган бир она учун бу эртақларни айтиш осон бўлмаган бўлса керак. Эҳтимол уларни йиғлаб-йиғлаб айтгандир. Ва биз тинчиб ухлаб қолганимиздан кейин онаизоримиз ҳам кўз ёшларини ютиб ё ухлаган, ё тонг отгунча тўшакда тўлғониб чиққан бўлса керак.

Сал вақт ўтди. Бир оз муҳлатдан сўнг отамизни биздан жудо қилиб, узоқ юртга олиб кетишди. (Мен бу ҳақда ёзганим учун такрорлаб ўтирмайман.)

Қаҳратон киш. Совуқ. Изғирин. Шундай кунлардан бирида дарвозамиз олдига соқол-мўйлови ўсиб кетган бир одам келди. Кейин билсам, бу киши отамнинг туғишган укаси экан. Туя етаклаб келди. Улар онам билан кучоқлашиб, узоқ йиғлаб-сикташди. Кейин туяга бор-бурдимизни ортишди. Биз чурвақаларни эса, юкларнинг устига ўтказиб, кигиз билан ўраб, арқон боғлаб қўйишди. Фақат кўзимиз кўринади. Сўнг амаким, худо раҳмат қилсин, туянинг жиловидан олди. Ойимлар белини дастурхон билан боғлаб, қўлларига таёқ олиб, туянинг орқасидан тушди. Шундай қилиб, биз Туркистонни тарк этиб, туғилган кишлоғимиз Қарноққа, бобомиз хонадонига (у пайтларда, бобомиз Ёқуб шайх аллақачон вафот этганди) бордик. У кишини тақдир ёрлақаган экан, чунки тўнғич ўғлининг бошига тушган бу кулфатларни кўрмади.

Боя айтганимдек, қахратон киш, йўллар яхши эмас. Туркистон билан Қарноқ ораси эса салкам ўттиз чақирим. Туя шўрлик ўкиради. Нола чекади. Ҳар кадамда тояди. Баъзан чўккалаб қолади. Чўккалаб қолганида биз тепада кигизга ўралиб ўтирган болалар, уввос солиб йиғлаймиз. Чунки мана, мана осмону фалакдан ерга яхмалак учиб кетаётгандек бўламиз. Лекин амаким бир бало қилиб нўхтасини тортиб, бошини силаб, волидамиз эса орқасидан таёқ билан уриб, туяни ўрнидан турғазадилар. Сафаримиз давом этади. Шу тариқа кечқурун қош қорая бошлаганда кишлокқа етиб борамиз. Қарасак, йўлимизда катта оломон, иккита аёл, бири колхоз раиси, иккинчиси семизлигидан отнинг бели майишадиган колхоз парткоми йўлимизни тўсиб турибди. Улар дабдурустдан келиб, аввал амакимни, кейин туянинг бошини аёвсиз калтаклай кетишди. Қамчилашар экан, биз қишлоғимизга халқ душманларининг фарзандларини киритмаймиз, деб бақирар эдилар. Бўлди тўполон. Бўлди тўполон. Йиғилган оломон ичида бизнинг қариндош-уруғлар бор экан. Улар ўша пайтда Сталиннингми, Калининнингми, «Бола ота учун жавоб бермайди!» деган гапини бақириб айтишиб, икки зўравон аёлнинг бақириқ-чақириқларини хиёл босган бўлиб, жунбишга келган асабларини сал тинчитиб, бизга йўл очиб бердилар.

Волидамиз ўшанда нима қилганлари, нима деганлари эсимда йўқ. Фақат туяни ҳайдаб келган ўша таёғига суюниб, ҳайкалдай қотиб турганлари кўз олдимда. Балки, ичларида қарғандирлар. Чунки тўсатдан хокимиятга чиқиб қолган бу икки аёл бизга қўшни эди. Тасодифан, замоннинг зайли билан кўтарилиб қолгандилар. Ичларида ҳам қарғамаган бўлсалар керак, деб ўйлайман. Чунки 4—5 йилдан кейин уруш бошланиб, кишлокда очилган бўр заводида бадий буюмлар цехи очилганда бош рассом бўлиб тайинланган волидамиз (ҳеч қутилмаганда у кишида шундай истеъдод ҳам намоён бўлганди) ўша бизга қамчи ўқталган, лекин сал ўтмай ишдан олиниб, ер билан яқсон бўлган бу аёлларнинг қизларини ҳам ишга олиб, уларга мураббийлик қилгандилар.

Оллоҳнинг иродаси ва хоҳишига инсоннинг ақли бовар қилмайди, деган гап бор. Буни шу маънода айтаяпманки,

оиламиз бошига тушган узлуксиз мусибат ва кулфатлардан кейин, Оллоҳу таоло мурувват ҳам кўрсатди. Қишлоғимизда миттигина бир бўр заводи очилди. Шу ерда мен андак тафсилотга йўл бериб, бу бўр заводининг тарихини айтишга мажбурман.

Қишлоғимизда Абдураззоқ ота деган дарвешнамо олийжаноб бир инсон бўларди. У киши елкасида енгил яктак, устида шим ўрнига афғоннинг иштонидек кенг бир иштон, ялангоёк, яланбош қирма-қир кезиб юрар эди. Қишлоғимиз атрофидаги фалон қирнинг тагида олтин-кумуш конлар ётипти, дея башорат қилардилар у киши. Фақат уларни топиш керак. Қишлоқдаги боғимизнинг шундоқ тепасида «Қизил Сангир» деган баланд қир бор. Бу қирнинг тўши қип-қизил майда кум ва ҳар хил тошларга ясталган. Фақат Абдураззоқ ота эмас, бошқа қишлоқдаги бошқа дарвешлар ҳам бу қирни очса, беҳисоб олтин чиқади, деган фикрда эдилар. Абдураззоқ отанинг дарвешлиги шунчаликки, у киши аэроплан ясаб, шу қирнинг тепасидан учмоқчи бўлганлар. (У киши ясаган аэроплан ҳар хил спортчилар ясайдиган планерлардан бири бўлса керак). Лекин ясаган «аэроплан»и беш-олти метр ҳам кўтарилмасдан Қизил Сангир қирининг боя айтилган қизил тўшига тушган. Дарвешимизнинг қўл-оёғи синган. Лекин у киши касалхонадан чиқар-чиқмас яна қир-адирларни кезиб, олтин-кумуш кидиришда давом этганлари қизиқ. Шундай кидиришлардан бирида раҳматлик бир ғорга дуч келади. Қарасаки, бу ғор оппоқ оҳакдан иборат. У киши оппоқ оҳакдан бир-икки қопини эшакка юклаб, Туркистонга равона бўлганлар. Бу оҳакдан фақат деворларни оқлаш ва суваш-пуваш эмас, ундан бўр, яъни мактабларда ишлатиладиган, тахталарга ёзиладиган бўр яшаш мумкинлигини исботлаб беради. Бахонаи сабаб, қишлоқда бўр заводи очилди. Бу заводда биринчи ишга қирганлардан бизнинг волидамиз бўладилар. Иш ниҳоятда оғир эди. Тегирмонда уйилиб, кукунга айланган оҳак цехдаги катта дошқозонларда қайнатилган. Қиёмига келгач, оғир чўян қолипларга қуйилиб, ташқарида тайёр турган супраларга тўкилган.

Бу қолипларнинг оғирлиги камида бир пуд келарди. Уларнинг икки томонида элликтадан юзта тешик бўларди.

Ойим раҳматлик — миттигина аёл — шу катта чўмичларда дошқозондаги атала бўрни олиб, чўян қолипларнинг тешикларини тўлдирар эдилар. Сўнгра бу қолипларни ташқарига кўтариб чиқиб, бўрлар куригач, уларни супрага тўкардилар. Цехда не-не манаман деган полвон йигитлар ишлар эди. Уларнинг ҳаммаси ойижонимизнинг ғайрати, кучи, шижоатига қойил қолар эди. Мен эса ҳар куни дарсдан чиқиб, цехга югурар эдим, бориб ойим тўккан бўрларни қутичаларга санаб (бу қутичаларнинг ҳар бирига элликта бўр кетар эди) жойлар эдим. Гап шундаки, завод бу қутичаларнинг ҳар бири учун 3 тийиндан ҳақ тўлар эди. Бу ҳам, биздек тўрт етимчани боқишда волидамизга озгина бўлса-да, мадад бўлар эди. Кечқурунлари куёш ботар-ботмас, ойим иккимиз секин-секин юриб уйга қайтардик. Йўлда раҳматлик бот-бот пешонамни силаб, мана, катта бўлиб қолдинг, болам! Менга мададкор бўлдинг. Шунисига ҳам шукур, деб дуо қилар эдилар. Лекин уйга боргач, мен гоҳ пода кетидан югуриб кетар, гоҳ ўйинқароқ болалар билан ўйнаб кетардим. Волидамиз эса, ўчоққа ўтин қалаб, биз полапонларига овқат қилишга киришар эдилар.

Шундай қилиб, йиллар ўтди. Менинг ҳам бўйим чўзилиб, жиндай суюгим қотди. Кетмон кўтариб, далаларга чиқдим. Фронт учун, деб ғалла ташидим. Ундан кейин ёру биродарлар орттирдим.

Урушнинг сўнгги йиллари эди. Қишлоқдаги йигитларга улфат бўлдик. Бўза олиб, қиттай-қиттай қиладиган бўлдик.

Асли 1927 йилда туғилганман. Лекин 1944 йилнинг кузида тенгдошларим — менинг улфатларим урушга кетадиган бўлиб қолишди. Мен улардан қолишни сира истамадим. Район ҳарбий қисмига бориб: «Мен 1927 йили эмас, 1926 йили туғилганман, шунинг учун фронтга юборишингизни илтимос қиламан», деб ариза бердим. Бу қалтис ишга қўл урар эканман, бу сохта ғурур асосига қурилган хатти-ҳаракатим волидам учун нақадар оғир зарба бўлишини ўйламаган ҳам эканман. Онам, опам, укаларим зор-зор йиғлашиб, мени қизил вагонларга кузатиб қўйишди. Шу-шу армия сафида олти йил қолиб кетдим. Шунда ҳам, волидам юрагига урган зарбамни яхши хис этмабман. Бунга армиядан қайтиб келганимдан кейин, уйга йиғилган

меҳмонлар тарқаб, волидам иккимиз ёлғиз қолганимизда хис этдим.

— Сен нимани ҳам биласан, болам, — дедилар волидам. — Сенга ёлғон Худога чин, мен ҳар куни коронғу тушганда мана шу Қизил Сангир тагидаги қабристонни ялангоёқ айланиб, йиғладим. Атайин оёқларимга тикан кирсин, янтоқ, қўйतिकанлар оёқларимни шилиб ташласин, деб Оллоҳга илтижо қилдим. Ярим кечагача бўзлай-бўзлай йиғладим. Мен сени мана шундай кўз ёшларим билан, Оллоҳдан қайта тилаб олганман, болам...

4

Урушдан қайтдим, ўқишга кирдим. Биринчи китобим чикди. Тошкентда ҳовли-жойлик бўлдим. Уйландим. Биринчи фарзанд кўрдим. Ойимлар эса ҳар қанча чақирмай, ялиниб-ёлвормай Тошкентга келмадилар. Боғимизнинг кўксига икки кичкина хона, бир даҳлиздан иборат кўримсизгина бир уй қуриб олган эдилар. Лекин бу ташқи кўримсиз уйнинг ичи бамисоли бир жаннат эди. Чоғроққина ҳовли қийғос очилган гулзорга айланган. Райҳон, хинагул, гултожихўроғ, чирмовикгул — ҳаммаси одам бўйи ўсиб, бетакрор нафас уфуриб турарди. Маҳалладаги йўл бизнинг гулзорнинг ёнидан ўтарди. Тушдан сўнг салкин тушганда, раҳматлик гилам тўшаб, жой қилиб қўяр эди. Чеккароқдаги ўчоқда қозонда шўрва, самоварда чой шаққиллаб қайнаб турар эди. Кампир ўтганни ҳам, кетганни ҳам бир пиёла чой, ё бир коса шўрва бермай ўтказмас эди. Боз устига бутун маҳалла, бутун қишлоқнинг ярми — қариндош-уруғларимиз. Аза бўлса ҳам, тўй қилишса ҳам Гулшан аянинг маслаҳатсиз ўтмайди. Волидамиз ҳеч қандай мансаб-мартабага эга бўлмаса ҳам, бу ишларга ҳакамлик қилар эдилар. Ва ҳеч ким у киши чизган чизигидан чиқмасди. Не-не оқсоқоллар, қариялар, Гулшан нима деди, деб сўрар ва у кишининг гапига амал қилар эди.

Мен ҳам, укам ҳам кетма-кет фарзандлар кўрдик. Набиралар йўлга киргач, ҳаммасини ўз бағирларига олардилар. Ёзи билан болалар кампирнинг бағрида. Онаизоримиз қозони ва самовари шақирлаб қайнагани-қайнаган. Болалар ўйинқароқ. Бувиси овқат енглар, деб чақирса ҳам келаве-

ришмайди. Бувиси болалардан фақат бир нарса илтимос килади. Улар боғ этагидан ҳовлига сув ташиб беришлари керак. Бошқа хизматлари йўқ.

Бир куни қишлоқдан, Гулшан ая эски уйининг тўридан катта дабдабали уй қура бошлади, деган хабар келиб қолди. Раҳматлик доим: бошқа юртда султон бўлгунча, ўз юртингда ултон бўлган яхши. Бошқа юртдан барибир ўз юртингизга қайтасизлар, дердилар. Мен ҳеч бу гапга эътибор бермас эдим. Фақат у киши катта уй қураяпти, деган гапдан хушёр тортдим.

Бир кун ўша нураб қолган уйимизга учта ўрис кириб келибди. «Бабушка! Бирор нарса топиб бер! Ўлиб бораяпмиз, ёрдам бер», дейишибди. Волидамиз уларнинг дардини тушунибдилар-у, ёнидаги набираларини дўконга чоптирибди. Кампир ҳалиги уч ўрисга уч шиша винони бўлиб бериб, уч коса шўрва қуйиб берибдилар. Шундан сўнг улар, бабушка, нима ишинг бор, айт, биз қилиб берамиз, дейишибди. Волидамиз уларни боғ этагига олиб борибдилар. Шу ердан фишт қуясизлар. Шу ерга уй қурасизлар, деб бир чизма чизиб берибдилар. Шу билан қурилиш бошланиб кетибди. Мен бу қурилиш ниҳоясига етай деганда эшитибман. Укам эса олдинроқ эшитган экан, оз-моз ёрдам берибди. Қолган ишларнинг ҳаммасини волидамиз арзимаган пенсияси билан уч дарвеш ўриснинг кўнглини олиш эвазига қуриб битказибди. Лекин у ўрислар ҳам қуруқ қолишмабди. Қишлоқда Гулшаннинг ўрислари деган ном чиқариб, кейинчалик ҳаммага керак бўлиб кетишибди.

5

Ниҳоят кўп ялиниб-ёлворишлар, илтимос-тавозелардан кейин 1970 йилларнинг охирида ойимизни Тошкентга олиб келишга муваффақ бўлдик. Раҳматлик бу ерда ҳам бутун талаблари, қонун-қоидаларини бекаму кўст жорий этдилар:

— Анов газ плитада қайнаган чойларингни ича олмайман. Ҳовлида самовар қўйинглар, кеча-кундуз шакиллаб қайнаб турсин. Эшикдан ким келса, дарҳол уйларинг тўрига кўрпача солинглар! Дастурхон ёзинглар. Сандиқ-қутиларда нима бўлса дарров тўкиб солинглар!

Рафикам Марямхон бош келинлари бўлгани учун ҳам у киши жуда яхши кўрар эдилар. Ҳамиша алқаб-ардоқлаб, яхши дуолар қилиб турардилар. Рафикам ҳам у киши айтганини икки қилмас эди. Биз эса ичимизда жиндай чўчиб турар эдик. Чунки орадан сал гап ўтса, ҳеч кимдан рухсат сўраб ўтирмасдан, камзулини елкасига илиб, пенсиясини чўнтагига жойлаб, жўнаб қолишлари ҳеч гап эмас эди. Бўйлари бир қарич, миттигина ойим ҳеч овқат эмас эдилар. Палов-малов тугул, ўзимизнинг Туркистоннинг бешбармоғига ҳам тоқатлари йўқ эди. Эрталаб ҳам бир чакмоқ қанд, бир бурда қаттиқ нон; тушда ҳам бир чакмоқ қанд, бир бурда қаттиқ нон, кечкурун ҳам бир чакмоқ қанд, бир бурда қаттиқ нон. Лекин кун бўйи ҳовлида тинч ўтирмас эдилар. Пастаккина курсича — стул ясатиб олган эди. Қўлида чўт (тешача), шу курсичани суриб-суриб, ҳовлидаги ҳамма райҳон, ҳамма гулнинг тагини юмшатиб чиқар эдилар.

— Ойи, ойижон, қўйинг, бу ишларни набираларингиз қилишади, — десак, жеркиб ташлар эдилар.

Тўнғич ўғлим Мурод биринчи қиз фарзандини кўрганида бутун меҳру саховатини, вужудини, қалби — ҳаммасини шу гўдакка бағишладилар. Уни кўтаргани-кўтарган, эркалагани-эркалаган эдилар.

1979 йилнинг куз ойларида тўсатдан ишхонага рафикам телефон қилди:

— Ойимлар ёмон бўлиб қолдилар, тез етиб келинг!

Келсам, раҳматли набирасини эркалатиб ўтириб, тўсатдан зинадан йиқилиб тушибди. Мендан олдин «Тез ёрдам» ҳам етиб келган экан. Юрагимни ҳовучлаб ўтирибман. Бир маҳал онамни кардиограмма қилган аёл чиқиб келди. Ва қўлларини фотиҳага очди:

— Онангизга «Оллоҳу акбар» деяверинг, — деди. Дарғазаб бўлганимдан тилим калимага келмай қолди. Онамизни махсус стационарга олиб бориб ётқиздик. Ҳар куни бораман. Ҳамширалар, айниқса, кечаси навбатчи доктору ҳамшираларга совға-саломлар бериб, яхши қараб туринглар, деб ёлвораман. Дўхтирнинг башорати ёлғон бўлиб чиқди. Уч ойдан сўнг онамизни олиб келиб, алоҳида хо-

нага жой қилиб бердик. Фақат улар ортик ўринларидан тура олмас эдилар.

Яна беш-олти ой тўшакда ётдилар. У кишининг касалликларини эшитгач, қишлоқдагилар бизникига жуда серкатнов бўлиб қолишди. Раҳматлик улар кириб келиши билан жуда бесабр-бетоқат бўлиб қолар эдилар.

— Хой, келинлар, дастурхон қани, чой-пой қани?! Қани, тез овқат қилинглар! Бойларингнинг (эрларинг, демоқчи) топганлари етади! — деб жанжал қиладилар. Олиб келинглар, деяверадилар. Ҳаммаси бўлаяпти, ойижон, дейишларига ҳам қарамай, овозни янада баланд кўтарадилар.

Бу пайтларда рафиқам Марямхон у кишининг кўп дуоларини олдилар. Июль ойининг ўрталарида бир кун телефон бўлди:

— Тез етиб келинг, оймлар оламдан ўтдилар.

Уйга қандай келганимни билмайман. Ё устига йиқилдим, ё хушимдан кетдим... Оппоқ сочларини силадим. Лекин бўлар иш бўлган эди. У киши васият қилган эдилар: «Мени ўз юртимга, ота-онам, қариндош-уруғларим ётган қабристонга дафн этинглар». Айтган васиятларини амалга оширдик. Мотам маросимига бутун қишлоқ келди.

6

Мен бу лаҳзаларни ёзишдан мақсадим волидамни улуғлаш эмас. Аслини олганда у кишининг тақдирида ўша фожиали даврнинг барча мудҳиш қийинчиликлари шундоқ акс этиб турибди. Биз бу жафокаш инсонлар ҳақида қанча ёзсак, уларни қанча эсласак, оз. Улар ҳайкалларга муҳтож эмас. Ҳайкаллардан буюкроқ турадиган инсонлар. Биз буни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

ҚАРНОҚ

Халқимизда «Бошқа юртда султон бўлгунча, ўз юртингда ултон бўл», «От айланиб, қозигини топар», деган нақллар бор. Шаҳарда яшаб, беш болани боқишнинг иложи йўқ, яхши бўлсин, ёмон бўлсин, ўз юртимиз Қарноққа қайтиб боришдан бошқа чора қолмаган эди. Лекин Қарноққа қайтиб бориш ҳам осон эмас, большевик

бўламан деб, қайтиб борадиган эшигингни қаттиқ ёпма, деган доно гапни эсидан чиқариб қўйган дадамлар ёшлигида кишлок фаолларига қўшилиб, неча-неча шўрликларни кулоқ қилиб, ёстиғини қуритганлар, бу жабрдийдаларнинг авлодлари ҳаёт, улар нима деркин, ҳали? Оталарнинг қилмиши — болаларнинг емиши, деб бежиз айтмаган экан донолар! Лекин не чора? Бизни келажакда нима кутмасин, киндик қонимиз тўкилган Қарноққа қайтиб боришдан бошқа илож йўқ эди! Шу боисдан ҳам оиламиз бошига тушган қайғули хангомалардан жиндек чекиниб, Қарноқ тўғрисида қисқагина ҳикоя қилиб бермоқчиман. Чунки бутун Ўрта Осиёга машҳур бу қадимги кишлок ҳақида айтадиган арзигулик гаплар кўп.

БОБОМЛАР

Аждодларимиз қабри сақланган ва мен туғилиб ўсган Қарноқ кишлоғи Туркистон тизма тоғларининг «думи» ҳисобланмиш Қоратоғ этагида жойлашган.

Қишлоғимиз номи келиб чиқишини деярли ҳеч ким — на кўпни кўрган қариялар, на кишлокдан чиққан зиёлилар аниқ билишади. Бировлар саҳройичасига содда қилиб қарноқ сўзи «қорни оқ» деган маънони билдиради, бунга эса у ер-бу ердаги «оқ тепалар» сабаб бўлган деса, баъзи саводхон кишилар бу «чуқур илмий» изохдан мийиғларида кулишиб: «Йўқ, қарноқ сўзи қадимий араб сўзидан олинган бўлиб «икки қир ўрталиги» деган маънони билдиради», дейишади. Бу гапда ҳар қалай, қандайдир ҳақиқат бордек туюлади. Биринчидан, Мисрда «Қарноқ» деган жойлар, кишлоклар анчагина. Иккинчидан, Ўрта Осиёни забт этган араб қўшинлари, Қарноқча етиб келган, деган ривоятлар бор. Бу ривоятларда зикр қилинишича, машҳур араб лашкарбошиси ҳазрат Уккоша кишлок яқинидаги жанглардан бирида ҳалок бўлган, жасади Қарноқдан йигирма-йигирма беш чақирим масофадаги кўркам тоғ оралиғига дафн этилган, боши эса ўша жойдаги қудуққа тушиб, лаҳм (ер ости гори) орқали Маккаи Муқаррамадан чиққан!..

Ўйлайманки, араб лашкарбошисининг қадимги Ясси (ҳозирги Туркистон) шаҳридан 30—35 чақирим нарида, тоғ

ёнбағрида жойлашган бу кишлокқа кўшин тортиб бориши бежиз эмас. Қарноқ ўша замонларда ҳам ном чиқарган, кичикроқ эса-да, донғи узоқларга кетган қалъа бўлган. Ҳар қалай, Чингизхон Сирдарё бўйидаги Сифноқ, Ясси, Ўтрор каби улкан шаҳарларни (машҳур немис сайёҳи Мюллернинг шохидлик беришича, ўша замонда Сифноқда ярим миллион аҳоли яшаган, шаҳарга Сирдарёдан сув келтирган сопол қувурлари бўлган) забт этганда унинг отлиқ хировуллари, ҳозирги тил билан айтганда разведкачилари Қарноққа ҳам келган, аммо қалъани забт этолмаган. Баъзиларга менинг бу гапларим лоф бўлиб туюлиши мумкин, ичларида: «Ҳа, опқоч, опқочавер!» деб кулишлари ҳам эҳтимолдан холи эмас. Аммо Қарноқ ҳақидаги бу гаплар лоф эмас, мен буларни қариялардан эшитганларим, кишлоғимиздан чиққан баъзи тарихчи олимларнинг ҳикоялари асосидагина эмас, балки ўз кўрган-билганларимга ҳам суяниб ёзаяпман.

Масала шундаки, биз болалик пайтларимизда кўрган кишлок ўртасидаги иккита улкан тепага жойлашган, баланд пахса девор билан ўралган Қарноқ қалъасини баҳайбат қолдиқлари хануз мавжуд. Ҳамма қадимий шаҳар кўрғонларида бўлганидек, Қарноқ кўрғонида ҳам ўқчилар учун кичик-кичик даричалар, бурчакларда тўплар учун қурилган буржлар бўлар, кўрғон пойидаги чуқур хандақлардан эса кичик бир дарё суви оқиб ётарди.

Шаҳарнинг шарқий-жанубий тарафида улкан қопқаси бўлар, қалъанинг ичида эса дўкон ва расталар жойлашган ўнларча тор кўчалар, тепалик устида бўлса бир нечта масжид ва ҳатто мадраса бинолари қад кўтарганди. Бир-бирларига қарама-қарши қурилган улкан масжидлар ўртасида катта майдон бўлиб, бу майдонларда ҳафтасига бир марта «бозор» ўтар, бу бозорда бепоён козоқ даштларидан ҳайдаб келинган мингларча қўй, қорамол, йилқи ва туялар сотилар, бутун Ўрта Осиё, айниқса, Туркистон, Чимкент, Оқ Мачит, (ҳозирги Қизил Ўрда) Тошкентдан келтирилган моллар устига қалъа гўзаллари тўкиган газмол ва гилам, ҳунармандлари ясаган нодир буюмлар, қимматбаҳо узук ва исирғалар, туркман чеварлари тўкиган гиламлар харидорларнинг кўзларини қамаштирар, бозор чеккасидаги пана-пастқамларда қўчқор, бедана, хўроз

уриштириш авжига чиқарди. Эхтимол, бу сатрларни ўқиган кишилар: «Во ажабо! Кичкина бир қишлоқда қанақа қилиб, бунақа бозор бўлиши мумкин, деб ҳайратланишлари ажаб эмас. Аммо бунинг ҳайратланидиган жойи йўқ. Масала шундаки, агар Қарноқ Қора тоғнинг ғарб томонида бўлса, тоғнинг шарқ томонида машҳур Сўзоқ шаҳри жойлашган бўлиб, бу шаҳар қозоқ элининг энг кўркем ва бой юрти Сари арқа билан боғланган. У Қўқон хонлиги ва ҳатто бутун Ўрта Осиёни Қозоқ дашти билан, айниқса, Сари арқа билан боғлаган улкан ва обод савдо маркази вазифасини ўтаган. Айтишларича, куз пайтлари Тошкент, Қўқон ва бошқа шаҳарлардан борган савдогарлар «бор барака!» деб бир марта қўл беришганда ўн минг қўйни сотиб олиб, Туркистон этагидан, Чимкент оша Тошкенту Қўқон бозорларига ҳайдаб кетишган. Қарноқ, гарчи бу савдо йўлида бўлмаса-да, ҳар қалай, Сўзоқнинг нафаси унга ҳам тегиб турган, қишлоқ савдогарлари ҳам Сўзоқ орқали қозоқ тупроғининг гултожи — Сари арқа билан ҳам муомала қилган.

Айни замонда Қарноқ атроф-теварақдаги дашт аҳли учун маълум-маънода маданий ва илмий марказ вазифасини ўтаган. Кўп қозоқ ёшлари қишлоқ мадрасаларида таҳсил олишган. Бу сатрларни ўқиган китобхонлар: «Қишлоқ мадрасаси? Йўғ-е, қишлоқда мадраса нима қилади? Лоф ҳам эви билан-да!», деб ўйлашлари мумкин. Ҳолбуки, бу гапда ҳеч қандай муболаға йўқ. Қишлоқда иккита мадраса, 29 та масжид бўлган. Уларда Бухорода таҳсил олган чуқур илмли кишилар мударрислик ва имомлик қилишган. Улардан ташқари қишлоқ ўртасидаги энг кўркем, энг серсув жойда «Эшоннинг гумбази» деб аталувчи, атрофи ўнларча хужралар билан ўралган, гумбази оқ тулука билан қопланган, шифти, устун ва пештоқлари санъаткорона ўймакорлик билан нақшланиб, ноёб бўёқлар билан бўялган улкан масжид қад кўтарган, инкилобдан кейинги дастлабки йилларда ҳам нодир гўзаллиги ва салобатини йўқотмаган бу масжидда ва мадрасаларда юзларча дашт ёшлари таҳсил олган, эшон ва мударрисларга юкиниб, муридлик жандасини кийишган, мол-дунё, сурув-сурув қўй-эчки у ёқда турсин, қизларини назир қилишган. (Турмуш

Ўртоғимнинг бувилари ҳам боболарига назирга келтирилган қозоқ қизи бўлган! Жойлари жаннатда бўлсин. Ниҳоятда яхши аёл эди. Оғзидан «айланайин» сўзи аримас эди.)

Мен бир нарсани кўп ўйлаганман. Сирдарё бўйидаги Ясси, Ўтрор, Сигноқ каби қадимий шаҳарлардан хийла йироққа жойлашган бу қишлоқ қандай қилиб бу даражада ривож топди? Унинг маданияти (битта қишлоқда иккита мадраса, 29 масжид бўлиши, уларда Бухорода таълим олган кишилар сабоқ бериши ҳазилакам гап эмас-ку, ахир!) қандай қилиб бунчалик юксак даражага кўтарилди? Аҳолиси-чи? Инқилобгача Қарноқда 7—8 минг киши яшаган, ҳозир эса, гарчи кўплар Ўзбекистон ва бошқа жойларга кўчиб кетган бўлишса-да, ўн мингдан кўпроқ одам истиқомат қилади!

Тахминимча, бунинг иккита сабаби бор. Биринчиси: ҳамиша беҳаловат яшаб, жангу жадаллардан бошлари чиқмаган шаҳарлардан овлоқ турганлиги. Дарҳақиқат, қишлоқ аҳолисининг кўпчилиги Бухоро, Самарқанд, Шош, Ўтрор ва бошқа шаҳар ва қалъалардан, у ердаги қатлу кирғинлардан зада бўлиб, бош олиб қочган қочоқлар, қувғинга учраган зодагонлар, синган савдогарлар, урушдан бош тортган сипоҳлардан ташкил топган. Масалан, қишлоқдаги энг катта уруғлардан бири «катағон» уруғи бўлса, кексаларнинг гувоҳлик беришларича, аждодларимиз Бухоро томонлардан, тўғрироғи, Балхдан келиб қолишган эмиш! Кейинчалик батамом ўзбеклашиб кетган, тожиклар ҳам қишлоқда кўпки, улар ҳам чамаси, ўша томонлардан паноҳ ва осойишталик истаб келиб қолишган.

Баъзи уруғ ва маҳаллаларнинг номлари ҳам қизиқ. Масалан, «Тарик тешар» (ёв бостириб келганда болаларини тандирга яширишган ва бир неча вақт улар тарик билан кун кўрган, яъни ҳатто тарикни теша оладиган устаси фаранг маъносиди), «Чувуллоқ» (хоҳ яхшилик бўлсин, хоҳ ёмонлик, бутун даҳа чувуллашиб майдонга чиққанликлари учун шундай деб аталган).

Одамларни жалб этган иккинчи ва энг муҳим сабаб — қишлоқнинг табиати. Эгнига уч-тўрт, бўйига беш-олти чақирим жойни эгаллаган қишлоқ, эҳтимол Ўрта Осиёдаги энг серсув, энг сербулоқ қишлоқлардан бири бўлса ажаб

эмас! Болалик пайтимизда ҳар бир боғда битта булок худди декчадаги шўрвадай биқирлаб «қайнаб» турарди. Ўша пайтларда қишлоқ ўртасидан сал муболаға билан айтганда бир анҳор сув ўтар, бу анҳор «Соч тепа» деган тоғ бағридаги қишлоқдан қуйига қараб оққани учун шар-шаралар кўп бўлиб, ариқ соҳилида камида етти-саккизта тегирмон қишин-ёзин гувуллаб турарди.

Қишлоқ аҳли бу булоқларни муқаддас деб билар, деярли ҳамма булоқлар тепасида албатта, бирорта авлиёнинг қабри бўлар, уларга ҳамиша тавоф қилгани одамлар келишар, булоқдан сув ичишга борганлар, узоқда кавуш ва калишларини ечиб қолдиришар, булоққа қоғоз-поғоз ташлаш у ёқда турсин, унга юзни ювиш ҳам гуноҳи азим ҳисобланарди! (Кошқийди бу одатлар ҳозиргача етиб келган бўлса!)

Қадим замонларда қишлоқ аҳли қишда баланд девор билан ўралган қалъа ичида яшаб, ёз фасли кент атрофидаги ерларга чиқиб экин экишган, тирикчилик қилишган. Бу пайтларда қишлоқ атрофидаги «Соч тепа», «Қоровул тепа», «Қизил Сангир» каби баланд қирларда отлик соқчилар туришган, узоқдан, қипчоқ даштларидан лашкар кўринганда соқчилар гоҳо ўт ёқиб, гоҳо ноғоралар чалиб, гоҳо жўр қийкириқ билан от суриб, аҳолини хатардан огоҳ қилишган, деҳқонлар дарҳол ишларини йиғиштириб, қалъа томон чопишган, қопқаларни қулфлаб, жон сақлашган. Қарияларнинг айтишича, бу ҳол то чор қўшинлари келиб Туркистонни забт этгунча давом этган, кейинчалик, замон тинчигач, қалъа ташқарисига кўчиб чиқишиб, боғ-роғ қилишгану тоғ ичкарасидаги «Соч тепа» воҳасидан тортиб, қуйидаги гўзал Шакар булок тўқайзоригача чўзилган беқиёс майдонни эгаллашган. Бу иш режа билан қилинганми, йўқми, бир нарса дея олмайман, аммо болалик пайтларимизда (қисман ҳозир ҳам) Қарноқни туташ бир боғ деса бўларди!

Энди китобхонда шундай савол туғилиши мумкин: Сизнинг айтишингизга қараганда қишлоғингизнинг номи «Қарноқ». Лекин агар унинг номи «Қарноқ» бўлса, нега ҳозирги адабиётда, жумладан, Қарноқдан чиққан кўп олим ва ёзувчилар асарларида нега уни «Отабой» деб аташа-

ди? Модомики у қадимий тарихий ном экан, ким, қачон ва қайси сабабларга кўра бу тарихий номни ўзгартирди? Шундай сирли ва чиройли номни инкор этиб, оддий ибтидоий ном қўйилди?

Бу табиий саволга жавоб бериш ҳам осон, ҳам мушкул. Бугун ҳеч кимга сир эмас: йигирманчи йилларнинг охири ва ўттизинчи йилларнинг бошида жуда кўп фаоллар сўл инкилобчилар пайдо бўлган. (Шулар каторида, ўз отам ҳам бўлганки, мен бу ҳақда келгуси бобларда айтиб ўтаман.) Улар дунё миқёсида дарҳол инкилоб қилиб, одамзодни дарҳол озодликка чиқаришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишган. Ана шундай «буюк тарихий шахслар»дан бири бизнинг Отабой бўлган (унинг авлод-аждоди, бобокалонлари ким — ҳеч ким билмайди!).

Чамаси, инкилоб сўзининг туб маъносини ҳам тушуниб етмаган бу синфий курашчи йигирманчи йилларнинг охирида кишлок (яъни Қарноқ) фирқа ячейкасига котиб этиб тайинланган ва тайинланиши билан энг шимариб, улуғ инкилобий ишларга киришиб кетган.

Ўша йили қурғоқчилик бўлганми, бошқами, ҳар қалай, ғалла оз-моз битган-у, пахта битмаган.

Отабой кузда, ғалвирни кўтариш пайтида бундоқ чама-лаб қараса иш пачава. Ғалла плани ҳам чаток, пахта плани ҳам. Шунда Отабой ячейка тўлмаё қолган пахта планини тўлдириш мақсадида одамлар тилида ҳам, адабиётда ҳам кўп айтилган машҳур йўлни тутган: хонадонлардаги кўрпакўрпачаю, чопонларгача чок-чокидан сўкиб, пахтасини олиб давлатга топширишга мажбур этган. Боз устига ўз фаоллари билан ҳар кеча хонадонларга бостириб кириб, бор дон-дунларини тортиб олган-у, ҳаммасини йиғиштириб, кўхна қалъа ичидаги «Баланд масжид» (кишлокда уни «бола масжид» дейишган) деган энг катта ғиштин масжидга тўктираверган-тўктираверган! Ахир пировардида халқ шу аҳволга тушганки, кўп хонадонлар учун қозон қайнатиш ҳаёт-мамот масаласига айланиб қолган. Шунда юракларида кўри бор беш-олтита йигит масжидга бостириб бориб, қулфни бузишган, сўнг йиғилган оломонга қараб: «Ол, олавер ғаллани!» деб эълон қилишган-у, ўзлари Отабой ячейканинг идорасига қараб йўл олишган.

Йигитлар боргунча Баланд масжидда бўлган воқеани эшитган Отабой ячейка отга миниб катта кўчага чиққан. Лекин бостириб келаётган отлиқ йигитларни кўриб, Отабой ячейка отнинг бошини ён кўчага бурган, йигитлар жўр қийқириқ билан унинг кетидан от солишган.

Отабой ячейканинг оти чопагон бўлган, аммо кишлоқ кўчаларини яхши билмаган келгинди шошганидан боши берк тор кўчаларнинг бирига кириб кетади. Кўчанинг охирида дарвоза бўлиб, «ташқарига» фақат шу дарвоза орқали чиқилган. Дарвоза очиқ бўлган. Аммо орқадаги оломоннинг ҳайқириғидан ваҳимага тушиб, дарвозагача от суриб келган Отабой ячейка, шошганидан бошини эгишни эсидан чиқариб қўяди-ю, шитоб билан келиб, дарвоза кесақисига пешонаси билан урилади, шундай уриладики, бошининг қопқоғи учиб кетади... табиий, шу куннинг ўзидаёқ шаҳардан кизил қўшин чиқиб, кишлоқни босади. Шошилиш равишда, инқилобий шитоб билан суд-трибунал бўлади. Трибуна, бир неча кишиларни отишга, ўн чоғли йигитни Сибирга сургун қилишга ҳукм чиқаради.

Бир неча кундан кейин эса кўхна Қарноққа «собик инқилобчи» Отабой ячейка номи берилади. Шу-шу қадимий Қарноқ, ҳамкишлоқларимизнинг кўп ҳаракати, юқори идораларга ёзган кўп илтимосномаларига қарамасдан Қарноқ Отабой деб аталиб келяпти...

Бу ҳақда афсус билан ўйларканман, менга бир аччиқ савол, бир чигал муаммо ором бермайди: наҳот улуг инқилоб назариячилари ҳокимият тепасига камбағал келса, бас, унинг онгли, инсофли, адолатли ва энг муҳими дунёни таниган одам бўлиши шарт эмас, битта йўқсиллик сифати ўзи етарли, деб ўйлашган бўлса? Наҳот йўқсил ҳам, гадо ҳам одам экани ва одамга хос нодонлик, жоҳиллик, шафқатсизлик уларга ҳам хос эканини ҳисобга олишмаган бўлса? Ахир биз ҳокимият тепасига чиқиб олган баъзи йўқсил ва камбағаллар халқимиз бошига беҳисоб кулфатлар солганини яхши биламиз ва буни очиқ айтаяпмиз-ку? Бунинг энг ёрқин мисолларидан бири Отабой ячейкадир!

БОБОМ ВА ОДАМЛАР

Энди бобомлар хақида. Бобомлар Ёқуб шайх Исо ўғли, боя айтганимдек, кишлоқдаги 29 та масжид ва мадрасаларнинг энг нуфузлиларидан бирида сўфилик қилганлар.

Авваламбор, у киши ўртаҳол дехқон бўлганлар. Тиркичилик ҳам сўфиликдан келадиган даромад билан эмас, дехқончиликдан келадиган фойда билан ўтган. Инқилобгача бувамларда 20—30 таноб ер, юз элликтача қўй бўлган. Сўфилик эса у кишининг иккинчи «касби», ҳозирги тил билан айтганда, «хобби»си ҳисобланган. У киши қачон ва қайси илми учун шайх унвонига мушарраф бўлганлар — буни ҳеч ким билмайди. Афтидан исломга ихлоси баланд бўлгани-ю, ниҳоятда кучли нодир овози учун одамлар у кишини «шайх» деб аташган. Айтадиларки, бувамлар ҳар субҳидам масжид мезанасига чиқиб, мусулмонларни бомдод намозига чақириб азон айтганларида, у кишининг овозини кишлоқ у ёқда турсин, Қарноқдан ўттиз чақирим наридаги Туркистон аҳлигача эшитган! Чамаси, шу туфайли шуҳрати ортиб, кимсан Ёқуб шайх бўп кетганлар.

Табиий, инқилобдан кейин, айниқса, ўттизинчи йилларга бориб, азон айтиш у ёқда турсин, намоз ўқиганлар ҳам исқанжага олина бошлаган йиллари бобомлар ниҳоятда изтиробга тушиб, жуда асабийлашиб, марҳум бувимизнинг айтишларича, «баджаҳл» бўлиб қолганлар.

Ҳануз эсимда: бобомлар, ўрта бўйли, миқти, коп-қора, чап кўзи қисик, ўнг кўзи жуда катта одам эдилар. Эгниларида ёқасига тугма ўрнига ип боғланган узун оқ яктак, кенг оқ лозим, оёғига чорик кийиб, кундуз кунлари бу кенг дунёга «сифмасдан», кўринганга ўшқириб, асосини мушук кўринса мушук, ит кўринса ит, товук кўринса товукқа отиб, оғизларидан «баччағар» сўзи тушмасдан, бетўхтов сўкиниб юардилар.

Гоҳо-гоҳо бомдод пайтлари, чамаси азбаройи азонни соғинган чоғларида секин боққа чиқардилар. Улкан, лекин бетартиб, мева дарахтларидан кўра терак, дўлана, қайрағочлар ровлаб ўсган боғимизнинг энг хилват жойига яшириниб олиб азон айтардилар. Энди ўйласам, раҳматлик,

чамаси азонни дадамлардан ҳадиксираб, кўрқинкираб бошлардилар-у, авжига борганларида «ҳукумат эздан чикиб» овозини баралла қўйиб юборардилар. Буни эшитган дадамлар, табиий, чопиб чиқардилар. Шунда ота-бола, яъни сўфи билан ашаддий «большовоӣ» ўртасида аёвсиз жанг бошланарди. Баджаҳлликда бувамлардан қолишмайдиган дадамлар, ғазабдан қалт-қалт титраб:

— Сен қоқбош! — дердилар сансираб. — Қачон сен қашқир бўлиб улишингни қўясан? Неча марта айтдим-ку, улишингни ўчир деб, қоқбош!

Бувамлар, чап кўзи батамом юмилиб, ўнг кўзи косасидан чиққудек олайиб:

— Қашқирдек улимадим, азон айтдим, кофир! — дердилар ўшқириб. — Азон айтиб мусулмонликни бажо келтирдим, аҳмоқ!

— Бажо келтиравер, келтиравер! Эрта бириси кун Сибирга жўнайсан.

— Ҳайда ўша Сибирингга! — дердилар бобомлар, бутун махаллани ларзага солиб. — Ўша Сибирингда ҳам азонимни айтиб, намозимни ўқиганим-ўқиган! Букурни гўр тузатади. Отангни ўлдириб гўрга тик, кейин азонимдан кутуласан!

Дадамлар сал бўшашар ва «сиз»га ўтиб:

— Сизнинг азонингиз билан юзта кўйингизни азобини тортавериб, адоӣи тамом бўлдим-ку! Мехру шафқат борми, сизда?

— Сенда-чи? — дердилар бувамлар, ҳамон бир кўзи юмилиб, бир кўзи косасидан чиққудай алфозда. — Бошингга тушганни отангдан эмас, мен айтган азонимдан эмас, худодан кўр! Қишлоқда қилган ишларингни биласанми, бебош? Фирқа бўламан деб, ҳаммаёқни хонавайрон қилдинг-ку! Ал қасосу минал ҳақ. Бу кўрган кунинг ҳам оз сенга бераҳм!

Шундан кейин бири боққа, бири тоққа дегандек, ота-бола икки томонга қараб кетардилар.

Мен ҳозир кўп ўйлайман: шубҳасиз дадамлар бу ишда ҳақ эмас. Аммо у кишининг «Сенинг азонинг билан қўйларинг сабаб адоӣи тамом бўлдим», деган ноласида ҳам жон бор.

Биринчи жаҳон урушигача бобомлар ўзларига тўқ миктигина дехқон ҳисобланиб, чамаси 100—110 тача қўйи

бўлган. Лекин шунга яраша оиласи ҳам катта бўлган. Биринчи хотинидан уч ўғил, бир киз (дадамлар тўнғич ўғил, ундан кейин яна икки ўғил, бир киз кўрганлар), иккинчи хотинидан худо яна бир ўғил, бир киз берган. Боз устига келинлар, неваралар, эвараларни қўшса бир қозондан овқат егувчи хўрандалар сони йигирма-ўттизга бориб қолади. Аммо гап хонадоннинг катталигида ҳам эмас, гап шундаки, 16-йили илон йили бўлиб, унинг дахшати яқин-яқинларгача кексаларнинг тилидан тушмас эди.

Ўша йили мудҳиш қурғоқчилик бўлиб, осмондан бир томчи ёмғир ёлмаган. Оқибатда ҳатто машҳур Қарноқ булоқлари ҳам кўз ёши чиқмаган кўрнинг кўзидай, бир томчи сув чиқмай қуриб қолган. Дашту дала тугул боғларда ҳам гиёҳ битмаган, ғалла илк баҳордаёқ бошок чиқармай куйиб қулга айланган. Буни кўрган ақллироқ бойлар молларини, айниқса, қўйларини сўйиб офтобда қуритишган, тузлаб, тарашага айлантирганлар-у, тоғ-тоғ қилиб, омборларига босаверишган.

Дадамлар ҳам бувамларга «биз ҳам шундай қилайлик, туёқларингизни барибир асрай олмайсиз, қишга кирмай қирилиб кетади», деб кўп айтган, ялиниб-ёлворган, ҳатто оёғига йиқилган. Аммо бобомлар, табиатан ўжар, устига-устак ўта зикна одам, дадамнинг илтижосини инobatга олмаган. Қарабсизки, қиш кирмасданоқ ҳамма туёқлар очлик ва совуқдан қирғинга учраб, бобомлар кафангадога айланган-қолган. Оила шундай ночор аҳволга тушганки, бобомлардан ажралиб, уй-рўзғорини ўзи тебратмоқчи бўлган дадамлар, хотини билан биттаю битта кизини боқишга илож тополмай 16-йили мардикорлик эълон қилинганда икки кўй, 2—3 қоп арпа ва жўхори ҳисобига қайси бир бойнинг ўғли ўрнига мардикорликка ёлланган.

Кейинчалик, дадамлар «халқ душмани» бўлиб қамалиб кетганларидан кейин, раҳматлик ойимлар дадамларнинг ўша қаҳатчилик йилларини, айниқса, дадамларнинг мардикорликдан қайтганидан кейин кўрсатган «ўйинлари»ни кўп эслаб, кўп куйиниб ҳикоя қилардилар:

— Бу дунёда яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам қайтар экан, болам. Даданглар, ишқилиб омон бўлсинлар, мардикорликдан комсомол бўлиб келиб, кўп ўйин кўрсатганлар.

Кўп одамларни кон йиғлатган. Камбағалларни бой, бою савдогарларни камбағал қиламан, диндорларни фош этаман, деб қанчаю қанча шўрликларнинг уйини куйдирди. Мана, нима бўлди, вой бўлди, болам. Қилмиш-кидирмиш экан, мана ҳаммаси ўзига қайтди.

Ҳақиқатан, дадамлар нима бўлганда ҳам сўфининг ўғли эмасми, озми-кўпми мадраса таълимини кўргани учунми, бошқами, мардикорликда рус тилини ўрганиб, бир-икки йил давомида чамаси, кип-қизил большевик бўлиб қайтганлар. Фақат дадамлар эмас, қишлоқдан кетган собик мардикорларнинг аксар қисми «саводи чиқиб, кўзи очилиб, камбағалнинг душмани ким — бою савдогар», деган ақидани сувдай ичиб қайтишган.

Дадамларнинг қил ўтмас бир кадрдонлари бўларди. Улар мардикорликка бирга кетишган, мусофирликнинг жафосини бир неча йил бирга тортишган, энг муҳими, у ёқдан боя айтганимдек, кип-қизил большевик бўлиб қайтишган. Қайтишгану бойларни гадо қилиш (гадони бой қилиш эмас, бойни гадо қилиш!) учун енг шимариб, ишга тушишган. У киши ўттиз еттинчи йили қамалган, аммо, адабиётшунослар тили билан айтганда, дадамлардан фаркли ўларок, қамоқдан қутулиб чиқиб, тирик қайтган. Ўша одам (у киши ҳам оламдан ўтдилар) кўп ҳикоя қилгувчи эди:

«Бизларни мардикорликка олишни Николайнинг миясига ким қуйди-ю, окпошшо бу гапга қандай кирди — қанча ўйламай, бунинг тагига сира етолмайман. Сабаб: биздан бесавод авом, ҳовлисида нарига чикмаган содда-ғўр одамлар окпошшога нима ҳам қилиб берарди? Ўзиям шундай бўлди. Бизни мардикорликка олишга олишди, юқларимиз, от-уловларимиз, туяларимиз билан вагонларга ортиб, Туркистондан жилдиришга жилдиришди-ю, у ёғи биз билан ҳеч кимнинг иши бўлмай қолди. Ит эгасини танимайдиган давр бошланди. Поездимиз ҳар разъезд, ҳар станцияда ҳафталаб туриб қолади. Қўйингки, 2—3 ойдан кейин Киев шахрига аранг етиб бордик.

Бунгача уйдан олган толқон дейсизми, туршак-муршак дейсизми, ҳаммасини еб, тўрва-халталарни ялаб-ямлашга ўтдик. Киевда қилган ишимиз шу бўлдики, Днепр дарёсидан шаҳардаги ҳарбий казармаларга ўтин ташиймиз.

Бошимизда салла, бўрк, кирғизча калпок, оёқларимизда чорик, маҳси-калиш, эғнимизда қора чопону этаклари ер супурган тўн, туя етаклаб Киев кўчаларидан ўтганимизда биз «ёввойи»ларни кўргани бутун шаҳар уйларида кўчиб чиқар, 10—12 яшар болачалар қийқиришиб, ҳуштак чалишиб, токи казармага етиб олгунимизча мазах қилиб, кузатиб боришарди. Э, болам, не балоларни кўрмади бу бош?»

Ўша одамнинг айтишича, Киевдан кейин мардикорларни чамаси Белоруссиянинг Брянск вилоятига элтиб қўйишган, тўғрироғи, ўша вилоят ўрмонзорларига олиб бориб ташлаган. Энди дунё кўрмаган шўрлик авом мардикорларнинг ҳолларини бир кўз олдингизга келтириб кўринг-а? Илик иклимда, бирда оч, бирда тўқ бўлса ҳам, ўз юрти, ўз элида, меҳр-оқибатли муҳитда ўсиб-унган соддадил йигитларга бошда бу чексиз-чегарасиз қарағайзор ўрмонлари, тилни тушунмаган нотаниш халқ, тиззабўйи қор ва унинг совуғи — нақадар даҳшатли туюлганини тасаввур қилиш қийин эмас. Аммо сал ўзларига келиб, уёқ-буёққа қарашса, бу қоронғу ташландиқ жойларда ҳам аллақандай нур, аллақандай яхши инсонлар борлиги маълум бўлади.

Ўрмонзор орасидаги бор-йўғи 5—6 та юпун хонадондан иборат митти хуторда кийим тикадиган бир яхудий қария яшар экан. Марксни сув қилиб ичиб юборган, ўн сургунни бошидан кечирган бу яхудий (ҳамма инқилобчилар яхудий бўлганининг яна бир далили!) бир-иккита чала мулла мардикорни ўз қаноти остига олиб, марксизмни мияларига қўйиб, синфий курашдан дарс ўтиб, кўзларини очибди. Яхудий чолга шогирд тушиб «сўқир» кўзлари очилган мардикорлар ичида дадамлар ҳам бор экан! Қишлоққа қайтгач, ҳамма бой ва дўкондорларни тафтиш қилиб, ҳаммани баробар гадо қилиш учун шафқатсиз ўч олиш ғояси ҳам ана ўша «Капитал»ни ёстиғи тагига қўйиб ўқийдиган яхудий чолнинг чала мулла, аммо содиқ шогирдларидан чиққан.

Улар нафақат Туркистон, балки бутун Ўрта Осиёда биринчилардан бўлиб, қишлоқда «ячейка» тузишган. Гарчи, бу ячейка бор-йўғи уч-тўрт кишидангина иборат бўлсада, бир рота аскар қилолмайдиган тўполонларни қилган! Чамаси яхудий чолдан савод чиқариб келган бу «инқилоб

чавандозлари» учун қонун-қоида бўлмаган. Бизда, зотан, шўролар ҳукумати биз бўламиз, дейишган. Шу «хуқук» асосида бой ва дўқондорларнинг рўйхатини олишган, мол-дунёларни мусодара қилишган, умри бир йилга ҳам етмаган ҳар хил қўшчи союзлар тузишган, ҳали «хужум» ҳаракати бошланмасдан туриб, қишлоқ хотин-қизларини озод қилишган, қалъа марказидаги тўрт тарафида масжид қад кўтарган майдонга ҳамма хотин-халажни йиғишиб, юзларини очишган, паранжи ва чачвонлардан осмонўпар гулхан ёқишган, масжидларда кизил чойхоналар очишган...

Шўрлик бувамнинг ахволини тасаввур қиламан: жонидан азиз машғулоти — азон айтишдан жудо бўлган, ҳатто намозни ҳам кўрка-писа уйда ўқийдиган бўп қолган чолга ҳар куни, айниқса, кечалари қизил фирқачилардан жабр кўрган жабрдийдалар турна қатор бўлиб келишаверган:

— Ҳой, шайх (ёки хой Эшон бува!) қанақа одам бўп чикди, бу ўғлингиз? Хонавайрон қилди-ку, ҳаммани! На раҳм-шафқатни биледи! На худони танийди! Бундоқ ҳассангиз билан туртиб, инсофга чакириб қўйинг-да, зурриётингизни, шайх бува!

Одамларнинг бувамлардан зурриётингизни асонгиз билан туртиб, жиловини тортиб қўйинг-да, деб ёлворишлари бежиз эмас. Бувамлар «кимсан, Ёқуб шайх» номини олиб, гердайиб юрган пайтларида ўша машҳур асоси билан нафақат ўз зурриётлари, балки манаман деган не-не зўравонларни ҳам бошларини ёриб, инсофга келтириб қўярканлар.

Раҳматлик волидамиз кўп гапиргувчи эдилар. «Бу хонадонга энди келин бўлиб тушган йилларим. Даданглар худонинг берган куни кечаси улфатчилик қилибми-е, кимор ўйнабми-е, дайдиб-дайдиб саҳар мардон қайтардилар. Кўзлари уйқуга кетар-кетмас ховлида бувангнинг хайкириғи эшитиларди.

— Тағин ўйнаб, тонготар қайтдингми, баччағар?

Мен, ўн олти яшар уятчан келинчак, апил-тапил ўрнимдан туриб, мурсагимга ёпиниб, бир бурчакка тикилиб олардим.

Бобонг раҳматлик асосини дўқиллатиб уйга кириб келарди-да, бошини кўрпага ўраб олган дадангни асоси билан тасир-тусур дўппослаб кетардилар.

— Қачон сен ҳам одам бўласан, такасалтанг? Ана, сендан кичик иниларинг хўкизларини етаклаб, далага кетишди. Сен бўлсанг ҳамон молдай оғанаб ётибсан! — бобонглар шундай деб асоси билан дадангни гурсиллатиб савалайверар эдилар, савалайверар эдилар, даданглар эса раҳматлик буванг жунбишга чикқан сайин кўрпасига қаттиқрок ўраниб ётаверар эдилар. Ёш келинчак, мен шўрлик ер ёрилмас эдики, ерга кирсам, бурчакка тиқилганимча нима қилишимни билмай, бу текин томошани кўриб тураверардим!..»

Энди ўзингиз ўйлаб кўринг: кечагина отасининг калтагини еб, бошини кўрпага ўраб, индамай ётаверадиган бу такасалтанг бугун Россиядан қизил шапка кийиб, чарм камар тақиб, фирт қизил инқилобчи бўлиб қайтган бўлса, ҳатто тасбеҳидан ҳам айрилган шўрлик Шайх нима ҳам қила оларди! Ахир пировардида Эшон ялиниб-ёлворишга ўтарди:

— Хой, болам! — дейди собиқ сўфи. — Оёғингни ўйлаб бос! Дўппи деганда бош олаяпсан, болам! Алқасос-ул минал ҳақ. Эрта бириси кун бу қилгуликларинг ўзингга қайтади, ўзингга бўлмаса зурриётларингга қайтади, бировларга ўтказаётган бу жабру зулмларинг!

Ҳақиқатан, бувамларнинг башорати ахир пировардида рўёбга чикди. Бу ерда дадамларнинг қамокка олиниб, Сибирь ўрмонларида оламдан кўз юмганларини назарда тутаётганим йўқ. Гап шундаки, яҳудий марксистдан синфий курашни ўрганиб қайтган фаолларнинг фаоллиги, одамларнинг гувоҳлик беришича, шунчалик авж олиб кетганки, бир кун келиб диндорлар, бойлар ва дўқондорлар у ёқда турсин, ўрта хол ва йўқсиллар ҳам гадонинг гадосига айланиб, фирқалар устидан юқори ташкилотларга арзу шикоятлар ёмғирдай ёғила бошлайди. Фирқалар тузган «Қўшчи союзлар» бозори касодга учраб, мингта аъзоси — минг томонга тарикдай сочилиб кетади, унинг тепасида фақат битта отдан тушса ҳам эгардан тушмайдиган инқилоб чавандози қайсар яҳудийнинг қайсар бир шогирди қолади!.. Ана шундай ахволда дадамларнинг ким-

дир жонига оро киради-ю, САКУга ўқишга юбордилар. Аммо эндиликда САКУ ҳам ёрдам беролмайди. Рост, бир йил, ярим йил нисбатан тинч ўтган умрдан кейин дадамларнинг орқасидан юмалоқ хатлар, кечагина ундан жабр кўрган муштумзўрлар, уларнинг болалари ва болаларининг болалари ёзган имзоли ва имзосиз мактублар ёмғирдай ёғилиб бораверади. Ҳамма хатларнинг мазмуни битта: «Ижтимоий келиб чиқишини яшириб юрган синфий душман идораларингизга, САКУингизга суқилиб кириб олипти-ю, сизлар бўлса бундан беҳабар синфий ҳушёрликни кўлдан бериб қўйгансизлар. Билиб қўйинглар: бу одамнинг отаси инқилобгача катта бой бўлган. 200—300 бош қўйи бўлган. (Қаранг: юз бош қўй 300 бошга айланди) Инқилобдан кейин бойлигини яшириш ниятида молларини сотиб, тиллага айлантириб, ўзини камбағалликка солиб юрибди! Боз устига отаси қишлоқдаги ислом динини тарғиб ва ташвиқ қилувчи энг катта дин пешволаридан эди. У киши ҳар жума масжидда қирқ йил сўфилик қилган, ҳар сафар азон айтиб, соддадил фуқароларни намоз ўқишга чақирган. Овозининг зўрлигидан айтган азони шаҳри Туркистонгача бориб етган. Ишонмасаларингиз Туркистонга келиб, гувоҳлардан сўранг! Шу боисдан «шайх» номини олиб, авомни батамом захарлаб келган. Мардикорлик тўғрисида баҳоналари — шунчаки бир ниқоб ва сафсата. Гапимизга инонмасаларингиз комиссия юбориб тафтиш ўтказишларингизни сўраймиз!»

Бу хатлар, худди мерганнинг ўқидай нишонга беҳато урган. Дадамлар, чамаси дарди ичида бирда фиркадан ўчиб (кейин қайта тикланиб), бирда ҳайфсан билан қутулиб, аммо ишдан ҳайдалиб, қишлоққа қайтиб келаверган. Кеча ўзи фош қилган душманларнинг кўзига кўринишга тоқати йўқ, токи фиркага қайта тикланмагунча ёки бирор лавозимга эришгунча кўксини ёстикқа босиб ҳамма ёққа хат ёзиш билан овора, кечалари эса кўни-қўшни, қариндош-уруғ ёшларни йиғиб, бирда «Ўткан кунлар» ва «Меҳробдан чаён», бирда «Минг бир кеча»ни ўқиб, амаллаб вақт ўтказганлар.

Дадамлар отаси бой бўлган, инқилобгача 200—300 қўй бор эди, деган гаплар ёлғон эканлигини, тўғрироғи, бу

қўйлар илон йилида қирилиб, инқилобгачаёқ кафангадога айланиб қолганларини ва шу туфайли мардикорликка кетишга мажбур бўлганини амал-тақал қилиб тушунтира олса ҳам, сўфининг ўғли эканини, табиий, ҳеч ҳам инкор этиб бўлмас эди. Шу боисдан дадамлар отасининг сўфи бўлганини сира кечира олмас (гўё бувамлар инқилоб бўлиши-ю, диндорлар қораланишини кўра била туриб қасддан сўфиликни танлагандай!) усиз ҳам азони билан намозидан айрилиб, асосини йўқотган кўрдай, довдираб қолган шўрлик бувамлар эса, даҳрий фарзандининг даҳриёна куфр ишларини кечира олмаган. Ота-бола ўртасидаги жангу жадал, оймларнинг айтишича, тинимсиз давом этган.

Дадамлар қамалишидан бир-икки йил муқаддам, навбатдаги юмалоқ хатлардан бири сабаб ишдан ҳайдалиб, қишлоққа қайтган ва уйда юзтубан тушиб ётган отамлар билан бувамлар ўртасида бўлиб ўтган ана шундай даҳанаки жанглارнинг бири сира эсимдан чиқмайди.

Мевазор боғдан кўра қалин ёввойи ўрмонзорга ўхшаб кетадиган боғимизнинг хилват жойида шохлари ҳар томонга тарвақайлаб кетган бир туп шотут ўсарди. Тарки дунёликни ихтиёр этган, ўзиям чўкиб, «бир тутамгина» бўлиб қолган бобомлар ўша тутнинг соясига эски пўстак ташлаб, кечаю кундуз тасбех ўгириб ётар, фақат таҳорат олиши зарур бўлган пайтларидагина оқсоқлана-оқсоқлана сойга тушиб, таҳорат қилиб келардилар. Бошқа пайтларда эса ўзидан анча ёш, аммо ўзидан ҳам сержаҳл ўғай бувимлар олдига «дўқ» этиб қўйиб кетадиган арпа ёки жўхори гўжани ичиб, хаёлга чўмиб ётаверар эдилар.

Аммо гоҳи-гоҳида, чамаси, азбаройи худо олдидаги қарзини узиш ниятида бўлса керак, мен ва менинг ёшимдаги уч-тўртта набираларини йиғиб, қўрқа-писа «кулху оллоху аҳад»ни ёки «ла илаҳа иллаллоҳ, Муҳаммадан Расулиллоҳ»ни ёд олдирар эдилар.

Бир куни ана шундай сабоқлардан бири пайтида тўсатдан боғда бетартиб ўсган дарахтлар орасидан дадамлар чиқиб келдилар.

Бобомларнинг сўфилиги сабаб, ишдан ҳайдалиб, ўз ёғига ўзи қоврилиб ётган одам, бувамларнинг «иши»ни кўриб, қалтираб кетдилар-у, бургутдай бостириб келдилар:

— Сен! — дедилар, одатда дарғазаб бўлган маҳалдагидай сенсираб. — Сен, қоқбош... қачонгача ҳали оқу қорани танимаган бу норасидаларни заҳарлайсан?

Аввал бошда довдираб қолган бувам сал хушини йиғиб, ўлакса товукнинг бўйнидай ингичкалашиб қолган бўйнини чўзиб, ўдағайлай кетдилар:

— Ўзинг кофир бўлганинг етмагандек, бу гўдакларни ҳам даҳрий қилмоқчимисан, бетавфик! Эрта маҳшарда пулсиротдан ўтганда...

— Ҳе, маҳшар-пахшарингу пулсирот-мулсиротингни...

Дадамлар шундай деб, қўлимдан «шап» ушладилар-да, уй томон судраб кетдилар. Мен чиркиллаб йиғлаб борар эканман, бувамларнинг:

— Болани чирқиратма! Оллоҳнинг қарғишига гирифтор бўласан, бетавфик! — деб чийиллаганини эшитдим.

Бу воқеадан сал кейин бувамлар оламдан ўтдилар. Бу маҳалда иши тагин сал «юришган» дадамлар шаҳарга кўчиб ўтган эдилар.

Мени бувамларнинг дафн маросимига олиб боришмади...

Кейинчалик, дадамлар «халқ душмани»га айланиб, қамокда бенз, бенишон кетганларидан кейин, ойимлар ич-ичидан куйиниб кўп гапиргувчи эдилар:

— Мархум буванг жуда кўрс, жуда сержаҳл эдилар. Шундай бўлсаям, даданглар яхши қилмаганини буванг ўлганларидан кейин тушундилар, тушуниб кўп пушаймон чекдилар. На чора, сўнгги пушаймон, ўзингга душман, деганлари ҳаққи рост экан. Бировга озор берма, сира озор берма, болам. Агар озор бергудек бўлсанг бир йўлини топиб, дархол кўнглидан чиқар болам...

Мен сўнгги йилларда, айниқса мамлакатимизда ошкоралик ва демократия принциплари ривож топиб, ҳуқуқий давлат тузиш ҳаракати бошлангандан буён дадамлар билан бувамлар ўртасидаги муносабат ҳақида, айниқса, узоқ Белоруссиядан «большовоёй» бўлиб қайтган мардикор йигитларнинг синфий кураш баҳона қишлоқни бу қадар ағдар-тўнтар қилганлари ва бунинг туб сабаблари тўғрисида жуда кўп ўйлайман. Баъзан кечалари уйғониб кетиб, тонг отгунча мижжа қоқмай чиқаман. Шунда ўйлай-ўйлай ўзимча бир фикрга келаман. Бунинг бир сабаби

ёшлик бўлса, иккинчи сабаби — чаласаводлик, авомлик, нодонлик. Халқимизда чала мулла, деган гап бор. Аминманки, қишлоқдан борганда чала савод, аслида фирт авом йигитлар у ёқда турсин, бу йигитларга марксизмдан сабоқ берган кекса яҳудий ҳам, социализм нима-ю, унга эришиш йўллари ҳақида аниқ бир тасаввурга эга бўлмаганлар (энди маълум бўлишича, революция раҳбарларининг кўпчилиги ҳам аниқ тасаввурдан йироқ эканлар). Акс ҳолда ёш дадамнинг ўз отасига кўрсатган ўйинларини қандай изохлаб бўлади? Албатта, биз бугун бу хатоларни озми-кўпми тушунишга, уларнинг илдизларини очишга уринмоқдамиз. Аммо менга шундай туюладики, фақат биз эмас, синфий кураш деб аталмиш ўша машъум йиллар, ёт-ётни эмас, ўғил отани, ота эса ўз пуштикамаридан бўлган зурриётига пичоқ ўқталган «инқилоб чавандозлари»нинг бугун кўзлари очилмоқда. Ўйлайманки, дадамлар ҳам совук, қоронғу ўрмонзорларда дарахт кесиб юрган чоғларида ёшлигида қилган «инқилобий» ишларини кўп эслаган, эслаб афсуснадомат чеккан. Ҳар қалай, менга шундай туюлади.

ВОЛИДАМИЗ

Мен дадамлар «халқ душмани» деб эълон қилинганидан кейин беш фарзанд билан қолган марҳум волидамиз тўғрисида, ўттиз саккиз-ўттиз тўққиз яшар пайтида тирик эридан айрилиб, бахтсиз бева бўлиб қолган муштипар аёл ҳақида кўп ўйлайман, кўп эслайман. Оиламиз бошига тушган бу мислсиз мусибатга қарамай, ҳар қалай жон сақлаб қолганимиз сабаблари тўғрисида ўйлаганимда икки улуғ гап кўнглимдан ўтади.

Биринчиси. Бу дунёда ёмонлар қанчалик кўп бўлмасин, яхшилар улардан кўпроқ экан. Иккинчиси. Буюк адибимиз Абдулла Қодирий халқимизни ажриққа ўхшатади, керак бўлса у хатто асфальтни ҳам тешиб чиқади, деган эканки, мен бу ҳикматли сўзларнинг тўғрилигини муштдеккина шу аёл тимсолида равшан кўрдим.

Тўғри, ажриқ деганда биз бошқа ҳеч бир ўсимликка кун бермайдиган, ўзи ўсган жойдан бошқа ҳамма гиёҳларни сиқиб чиқарадиган бир ўтти назарда тутамиз. Аммо улуғ

адибимиз ажриқ сўзини рамзий маънода, яъни ўз ҳаёти учун тиришиб курашадиган метин иродали ўсимлик маъносида ишлатганки, бу рамзий маънога қўшилмай илож йўқ.

Мархум волидамиз бўйлари бир қаричгина, эти устихонига бориб тақалган озғингина, нимжонгина бир аёл эдилар. Дадамлар қамалганларидан кейин бошланган мудҳиш гап-сўзлар, қувғин ва ҳақоратлар, моддий ва маънавий қийинчиликлар бу ёш аёлни етти буклаб, гўрга тикиши ҳам мумкин эди.

Дадамлар қамалиб Туркистондан бадарға қилинганидан кейин оиламизга нисбатан кўрилган биринчи чора — яшаб турган уйимиздан (қиш бўлишига қарамай) ҳайдаб чиқишди¹.

Биз яшаб турган ўша ҳовлининг этагида ҳамма хонадонлар учун ўтинхона, ҳам мол ушлайдиган оилалар учун сомонхона вазифасини ўтайдиган битта ташландиқ совуқ уй бўларди.

Бизга бўйига тўрт-беш, энига уч-тўрт метр келадиган ўша сомонхонани бўшатиб беришди.

Ўша йили қиш қандайдир эрта тушиб, қаттиқ совуқ бошланди. Ойимлар қаёқдандир (эхтимол кўни-кўшнилардан бири меҳр-шафқат қилиб бергандир!) ту누ка печка топиб келдилар, яна кимдир, чамаси поччамлар бўлса керак, бир қоп тошқўмир олиб келиб ташлади.

Бошга тушганини кўз кўрар, деганларидек, инсон боласи бошига тушганини кўраверар экан. Ўша серғурбат, серташвиш кунларнинг ҳам ўзига яраша катта-кичик қувончлари, ёруғ жиҳатлари ҳам бўлмасдан илож йўқ. Авваламбор уйимизда на электр, на лампа бор, ойимлар бир амаллаб пиширган шўрва-шўрангми, аталами, хуллас худо етказган хўракни еб, қоронғи тушмасданок тўшакка кирамиз. Аммо чироқ йўқлигидан кўп ҳам нолимаймиз. Сабаби — тўшакка кирдик дегунча, ойимлар ҳар оқшом янги эртақ бошлайдилар ёхуд кеча тугамай қолган эртақни давом эттирадилар.

¹ Адиб ушбу воқеани пича олдинроқда ҳам қисман ҳикоя қилиб ўтади. Аммо бу ерда ҳикоя янги тафсилотлар билан бойитилади. Шунинг учун ҳикояни қисқартирмай ўз ҳолича қолдирилди (нашрга тайёрловчи — Иброҳим Фафуров).

Бошимизга оғир кунлар тушгунга қадар волидамиз бизга эртақ айтганлари ёдимда йўқ, чунки раҳматлик қайси бир жиҳатлари билан дадамларга ўхшаб кетар, у киши ҳам бизни кам суйиб, кам эракалайдиган қаттиққўлроқ аёл эдилар. Дадамлар қамалганларидан кейин билсак... оймлар эртақнинг кони эканлар. Бу эртақларнинг кўпчилиги ҳозир ёдимда йўқ. Мен уларни «Ўзбек халқ эртақлари» китобида ҳам учратмадим. Аммо бир нарса сира хотирамдан кўтарилмайди. Улар аллақандай тиниқ нур билан йўғрилган, ўксик дилимизда ажиб тиниқ бир туйғу, куз офтобидай илиқ хислар уйғотувчи эртақлар эди. Ҳамма эртақлардагидек бу эртақларда ҳам ёвузлар мағлуб бўлиб, яхшилар, пок ниятли алплар, паҳлавонлар, ботирлар ҳамиша ғалаба қозониб, суюклиларининг дийдорига етиб, мурод-мақсадларига эришар эдилар...

Бу эртақлардан кейин ажиб бир ҳис билан уйқуга кетиб, шу ёруғ туйғу билан уйғонар эдик. Шунда эрталабгача тешиқ-тешиқларидан қор уфуриб, митти даричалари яхлаб, хувиллаб қолган ғариб кулбамиз кўзимизга унчалик ёмон кўринмас, назаримизда эртақлардаги яхши одамлар эшигимизни мана-мана тақиллатиб, кириб келишига инонара эдик...

Дадамлар, илгари айтганимдек, уч оғайни бўлганлар. Улардан биттаси (дадамлардан кейинги укалари) фирт авом, саводсиз, аммо ниҳоятда меҳнатқаш, захматқаш, умрида кетмондан бошқа нарсани кўрмай оламдан ўтган, айни замонда табиатан бениҳоя қувноқ, аскияга устаси фаранг, гапга чечан, сўз келганда отасини ҳам аямайдиган, соддадил бир одам эди (бу улуғ инсон тўғрисида, насиб этса, ҳали кўп гапираман). Иккинчи укалари отамиз туфайли ўқиб одам бўлган ва Ўзбекистон вилоятларидан бирида хизмат қилиб юрган, кенжатоё инилари, жойи жаннатда бўлсин, дадамлар қамалиши билан қорасини кўрсатмай, дом-дараксиз кетдилар.

Дадамлар бадарға қилиниб, уйимиз бамисоли ҳамма айланиб ўтадиган гўристон каби хувиллаб қолгандан кейин, чамаси, икки ҳафтача ўтгач, кечки пайт, туя етаклаган бир одам пайдо бўлди. Бошига козоқи эски бўрқ, устига пахталик чопон кийиб, белини арқон билан боғлаб олган

бу одам — дадамларнинг иккинчи укаси, бизнинг амакимиз, боя айтганимдек, кўз очиб дунёга келибдики, боши меҳнатдан чиқмаган соддадил оққўнгил одам эди.

Кўп йиллар кейин эшитишимча, отамиз қамалгандан кейин қишлоқда гап бўлибди: «Палончи қамалган бўлса ўзи айбдордир? Аммо унинг бола-чақаларида нима гуноҳ? Бу қандай инсон, қандай ака-укаларки, оғасининг бошига иш тушганда ҳам унинг бевасию бола-чақаларидан хабар олишдан кўрқиб, уйда пусиб ётса?»

Эсимда қолган тафсилот: ойимлар билан амаким, гўё дадамлар қамалган эмас, оламдан ўтгандай, қучоқлашиб, узоқ йиғлашди. Кейин ҳасратлаша-ҳасратлаша тонг оттиришди. Саҳар-мардон, ғира-шира қоронғуликда, биз чурвақаларни кўрпага ўрашди, сўнг уйда қолган-қутган юкларни туяга ортишиб, бизни юкларнинг орасига жойлаштиришди. Назаримда, осмон баробар бу туяга ойимлар ҳам ўтирдилар. Амакимлар эса, эғнида ўша эски чопон, бели чилвир билан боғланган, туяни етаклаб йўлга равона бўлдик.

Қаҳратон қиш. Тиззадан қор, боз устига қор таги яхлаб, тийғончўқ музга айланган. Амаким олиб келган туя, туяларнинг хўрози — нортуя экан. У ҳар қадамда сирғанар, бот-бот тойиб кетиб, олдинги оёқларига чўкарди-ю, зорланиб бўқирар, аммо амакимнинг зуғуми билан яна даст туриб йўлида давом этарди.

Ҳар сафар нортуя музда сирпаниб бўқирганида ёхуд тойиб кетиб чўккалаб қолганида, ойимлар биз чурвақаларни қучоқлаб, алланималар деб кўкка тавалло қилар, зорланиб унсиз йиғлар, лекин дарҳол ўзини қўлга олиб, бизларга сув-пув бериб, тинчитар эдилар.

Шу тарзда, шаҳардан саҳар-мардон йўлга чиққан якка туя кечкурун қош қорайганда қишлоққа кириб бордик.

Кўзим илинган экан. Бир пайт аллақандай ваҳимали товушлар, сўқиниш ва ҳайқириклардан уйғониб кетдим.

Биз қишлоққа кираверишдаги боғлар олдида турардик. Йўлимизни тўсган 30—40 кишилиқ оломон орасида икки отлиқ аёл — кейин билсам уларнинг бири колхоз раиси, иккинчиси колхоз фирқа (ўша пайтда «фирқа» сўзи ҳали тазйиққа учрамаган эди!) ячейкасининг котибаси эди.

Сира эсимдан чиқмайди: иккала фаола аёлнинг остларидаги арғумоқлар — улоқда чопгучи чинакам тулпорлардан эди! Ҳар сафар қамчи еганда кишнаб, олд оёқларини кўтариб, орқа оёқлари билан ердаги музларни чилпарчин қилиб, аччиқ кишнаганларича кўкка сапчийди.

Кўкка сапчиган арғумоқларнинг устида аранг ўтирган икки фаола, замон ва тақдир тақозоси билан улкан раҳбар курсисига миниб, «меҳнаткаш халқ вакили» деган ном олган икки авом, икки саводсиз нодон ер депсинган айғирларини олдинга суриб, бегуноҳ туяни боши-кўзи демай аёвсиз қамчилашарди. Улар шундай жунбишга келишганки, на ҳолдан тойган шўрлик норнинг, на нор устидаги ойим ва опа-сингилларимнинг зорли чирқирашига кулок солишади, на букчайиб, аллақандай кичрайиб қолган бечора амакимнинг юзидан, тақир бошидан тирқираб оқаётган қонга эътибор беришади. Тилларида фақат бир сўз, бир хитоб: «Халқ душманининг фарзандларига қишлоғимизда ўрин йўқ!» «Газандалар уруғига жой бермаймиз!»

Қамчиланган туя зорланиб, «бўх, бўх»лаганча дам қорда сирпаниб орқага тисарилар, дам қоқиниб чўккалаб қолар, шунда туя устидаги опа ва укаларим кўркувдан барабар чинқириб юборишар, бошидаги телпаги қаёққадир учиб кетган, қамчидан шилинган тақир бошидан оққан қон кўзига қуйилиб, ҳеч нарсани кўрмай қолган амаким эса қўлидаги нўхтани қўйиб юбормай, ҳадеб туяни олдинга тортқиларди... Ойимлар, рангларида ранг йўқ, тош бўлиб қотиб қолганлар!.

Нихоят, йиғилган оломон орасидан кимнингдир:

— Ҳой, мўминлар! — деган қалтироқ, аммо ўктам овози янгради. — Эгамберди душман бўлса — душмандир! Аммо манов норасидаларнинг гуноҳи не, мусулмонлар!

Бу хитобга жавобан, ҳар жой-ҳар жойдан:

— Ҳақ гап! Норасидаларда айб йўқ! Қўйиб юборинглар уларни! — деган журъатсизгина, аммо жўр овозлар эшитилди.

Кўп йиллар ўтди. Яхшими, ёмонми, Хрушчев замони келиб, пешонамизга босилган «халқ душманининг фарзандлари» деган тамға олиб ташланиб, биз ғарибларнинг елкаларига ҳам жиндай офтоб тегди.

Шунда камина, ҳар сафар қишлоққа борганимда, мурғак қалбимизда мудҳиш из қолдирган ўша воқеа иштирокчиларини, айникса, биринчилардан бўлиб, «Эгамберди душман бўлса — душмандир! Аммо бу норасидаларнинг гуноҳи не, ёронлар!» деб хитоб қилган одамни кўп сўраб-суриштирдим. Аммо орадан бир неча ўн йиллар ўтгани учунми, аниқ жавоб тополмадим. Эҳтимол, бу хитоблари учун унинг ўзи ҳам қувғинга учраб, гум бўлгандир. Эҳтимол, урушда ҳалок бўлиб кетгандир, ҳар қалай, излашларим, адиблар тили билан айтганда, ижобий натижа бермади. Қишлоқда уста Умрбек, деган ёшлиқда кўп шўхликлар қилган, бир пайтлар ҳатто ўғриларга «атаман» бўлган, ўзиям алп қомак, кўп келишган одам бўларди, биров «ўша бўлиши керак», деди, биров Эрмат Юнус, деган яна бир танги, чапани, гапдон одам бўларди — ўшани тахмин қилди, аммо бунинг ҳаммаси тахмин эди, ҳолос.

Хуллас, бу хитоблардан кейин икки раҳбар, икки шаддод фаола эрқакчасига сўкина-сўкина, орқага чекинишди-ю, қора қонга беланган амаким туямизни яна қишлоқ томон етаклади...

Йиллар ўтди... Салдан кейинок қишлоқ аҳлини зир титратиб, одамларни маймун мисол ўйнатган бу икки бесавод, гумроҳ аёл ишдан ҳайдалди, арғумоқларидан айрилиб, яёв юрадиган бўп қолишди, уруш йиллари эса...

Йўқ, мен: кимки оиламиз бошида ёнғоқ чакқан бўлса ҳаммаси жафосини тортди, демоқчи эмасман. Аксинча, яшин тезлигида арғумоққа миниб, яшин тезлигида ундан ағдарилган бу икки аёлнинг тақдири ҳақида ғазаб билан эмас, йўқ, аксинча чуқур изтироб билан, афсус билан ўйлайман! Бу ғариб, бесавод ғофиллар тақдирининг аянчли интиҳоси учун ким айбдор? Ахир бу қандай инқилоб эканки, бирда халқ бошига Марксдан «М» ҳарфини ҳам тушунмаган яҳудий чолнинг чаласавод шогирдларини ўтказса, бирда Отабой ячейкадай қамчисидан қон томган жоҳилларни, яна бирда одамларни қора қонга белаб, қамчилашни табиий бир ҳол, деб билган бояги икки нодон аёлни кўтарса. Бутун бир қишлоқ тақдирини, иқтисодини, деҳқонлар қисматини умрларида бир туп гул ўстирмаган шу ғофиллар кўлига топширса! Ажабо: яна бу етмиш

йил давом этган бўлса! Мабодо битта-яримта ишбилармон уддабурон раис чикса — у ерда ёза-ёз! Бирда юмалок, бирда ноюмалок, бирда имзоли, бирда имзосиз хатлар бориб, етилганини етилгандай юмалатиб турган бўлсак. Ажабо: шу аҳволда биз яна, «Нега капиталистлардан орқада қолдик, нега улар яхши яшашади-ю, бизни ҳамон қорнимиз тўймайди?» деб ажабланамиз.

Марҳум волидамиз кўп айтгучи эдилар: сенларни бағримга босиб, туяда кишлокқа кетаяпман, бир-биридан кичик, бири ош деса, бири сув, деб йиғлайдиган бу беш болани қандай боқаман, деган ўйдан ваҳимага тушаман. Қишлоқда колхоздан бошқа нима бор? Колхозда ишлаб топганим билан устларингни бут, қорниларингни тўқ қилоламанми ё баъзи оналарга ўхшаб битта-иккиталарингни детдомга бераманми, дейман ичимда. Дейман-у, юрагим орқамга тортиб кетади. Йўқ, Гулшан, дейман яна ўзимга, болаларингни иссиқ бағриндан узиб детдомга бергунча бу дунёдан кўз юмиб, қора гўрга кирганинг яхши. Опангнинг ўз уйи, ўз ташвиши бор. Каттам ҳам, ишонганим ҳам сенсан. Сени бағримга босиб, бирда Ҳазрати Ҳизр бувага, бирда Султонимга илтижо қиламан, авваламбор худодан, қолаверса, улардан нажот тилайман... йўқ болажоним, худо йўқ, деганларга инонма, инонма эмас, улардан овлоқ юр. Ўшанда онангнинг илтижолари-ю тўккан кўз ёшлари худога борди. Қишлоққа бориб эшитсам... менинг бахтим, сенларнинг насибаларинг учун Қарноқда бўр заводи очиладиган бўпти!

Ҳа, ҳа, волидамиз ўша, мактабларда ишлатиладиган, қора доскаларда оқ-оппоқ из қолдириб, тақ-тақ ёзадиган бўрни назарда тутганлар.

Қишлоғимизда Насриддин Афандини эслатувчи гаройиб одамлар, дарвештабиат кишилар, оёқларини ердан узиб, осмонда учиб юрадиган хаёлпарастлар кўп бўлган.

Шулардан бири Абдураззоқ ота деган одам эди. Аслини олганда нафақат кишлок, балки бутун Туркистон вилояти таниган, ўзиям машҳур оқсуяк зодагонлар оиласига мансуб бўлмиш (у кишининг ота-боболари кишлокда қозилик қилганлар) новчадан келган, афандитабиат бу соддадил одам инқилобдан кейин ота-боболаридан фақат битта ўлмас

мерос орттириб қолган. У ҳам бўлса — қози-калоннинг ўғли деган тамға! Аммо бу тамға унга ёпишмаган. Чунки ёшлигида ўлиб кетган отасидан на мол, на ер, на муллажиринг қолган. Боз устига у ўзининг олийжаноб хислатлари — хаёлпарастлиги, аллақандай илохий хаёллар суриб юриши, дарвешлиги, эзгулиги, ақл-фаросати билан ҳам Отабой ячейкаларнинг кўзига тушмай, бир чеккада қолиб кетган.

Айтишларича, ўттизинчи йилларда авж олган аэроплансозлик борасидаги мақолаларни кўп ўқиган бу хаёлпараст қишлоқда биринчи бўлиб ўз қўли билан аэроплан ясаган. Сўнгра барча аҳли-мўминни йиғиб, кент ичидаги энг юқори тепалардан бирига чиқиб, ўзи ясаган аэропланда «учган», яъни ўз аэропланига ўтириб, ўзини тепадан пастга ташлаган! Табиий, аэроплан чил-чил синади, ўзи эса, у ер бу-ери лат еб, қўли синганини ҳисобламаса, омон қолади. Ана шу Хўжа Насриддиннамо, дарвештабиат одам қилган кўп кашфиётлар, тоғу тошлардан «топган» кўп олтин ва кумуш конлар («топган» сўзини қўштирноқ ичига олишимиз бежиз эмас — бу «конлар»нинг аксари, хаёлпараст дарвешнинг фантазияси яратган бойликлар экан!) орасида битта кашфиёт тўғри чиқади. У ҳам бўлса қишлоқни қуршаган қирлар қаъридан у киши соф оҳақ топганлар, фақат топибгина қолмасдан бу оҳақдан жуда кўп нарса, жумладан, мактаблар учун бўр ясаш мумкинлигини «исботлаб» берганлар. Хуллас, шу Хўжа Насриддин ва унинг маъмурий идораларга қарши олиб борган узок кураши сабаб, қишлоқда мактаблар учун бўр ясайдиган завод очишга қарор қилинганки, бу қарор, бизнинг бахтимизга яраган. Отамиз қамалиб, қишлоққа кўчиб келган кунларимизга тўғри келган. Марҳум волидамиз бу гапдан воқиф бўлишлари билан аёл эканликларига қарамасдан бир иш қилганлар. У киши собиқ «шайх»нинг келини эканини, собиқ Халқ Комиссари ва Қозоғистон темир йўли раҳбарларидан бирининг рафиқаси эканини, хуллас, сохта ғурурга оид барча туйғуларни бир томонга йиғштириб қўйиб, заводдаги энг оғир цехлардан бирига ишчи бўлиб кирганлар. Албатта волидамизни бунга бемехр ҳаёт, бешафқат давр мажбур этган. Лекин

мархум волидамизнинг, агар илгари таъбир жоиз бўлса, иродаси ҳам, ақл заковати ҳам шундай бўлганки, у киши ака-укалари, қариндош-уруғларининг «қўй, бу ниятингдан қайт, сенинг, кимсан Ёқуб шайхнинг келини бўр заводда ишлашини эшитишса, одамлар нима дейди», деган гапларига юрмаганлар

Заводдаги ишнинг йўриғи шундай эди: авваламбор, кир бағридаги кондан ҳар бири отнинг калласидек, пўсти қора, аммо ичи оппоқ тошлар эшакараваларда завод ҳовлисига олиб келиб тўкиларди. Сўнгра бу «тошлар» завод ҳовлисида махсус қурилган тегирмонда худди буғдой тортилгандай тортилиб, унга айланарди. Кейин бу «ун» эланар, хас-чўплардан тозаланар, сўнг катта дошқозонларда қайнатилиб, бамисоли аталага айлантириларди. Цехда бўр шаклида ўнта икки қатор тешикчалар ясалган оғир чўян қолиплар бўлар, қозонларда қайнатилиб, аталага айлантирилган оҳак ана шу чўян қолипларга қуйиларди. Кейин оғирлиги камида бир пуд келадиган бу қолиплар цехдан ташқарига олиб чиқилиб, махсус супага, офтоб шувокқа қатор териларди. Тахминан бир икки соатдан кейин қолиплар «очишиб» қурий бошлаган бўр офтобга ёзилган брезент «дастурхон»ларга ёйиб ташланар, яна бир-икки соатдан кейин эса, қуёшда қотган бўр (ўша, сиз мактабларда кўрган, доскаларга так-так уриб ёзган бўр) қоғоз қутичаларга жойланарди. Бу ишни, яъни ҳар бир қутичага эликтадан бўрни санаб соладиган ишни, одатда аёллар қилар, оғир чўян қолипларга «атала» қуйиб, уларни офтобга олиб чиқиб ёйишни эса эркаклар бажарар, чунки чўян қолиплар аёллар учун оғирлик қиларди. Аммо волидамиз, аёл зотидан битта ўзлари шу оғир ишда ишлардилар. Қотмадан келган, миттигина, аммо зуваласи пишиқ чайир аёл – волидамиз белларини катта тивит рўмол билан маҳкам боғлаб, енгларини шимариб, катта чўмичлар ёрдамида қозонда қайнаб турган «атала»ни чўян қолипларга ўзлари қуяр, цехдан ташқарига ҳам ўзлари ташир, бунга нафақат аёллар, ҳатто эркаклар ҳам лол қолишарди. Эркаклар бот-бот ойимларга бу ишни қўйиб, қутичаларга бўр солиш ё бошқа бирор енгил ишга ўтишни масалаҳат қилишар, аммо волидамиз, маъюс қулиб: «Енгил ишга ўтсам жўжалардек беш болани ким боқади?» деб

жавоб берардилар. Дарҳақиқат, кейин билсам, кутиларга бўр солувчилар билан чўян қолипларга бўр қуювчиларнинг иш ҳақида осмон билан ерча фарқ бор экан. Бўр терувчи қиз-жувонлар ойига 180—200 сўм олишса (ўша вақтнинг пули билан, албатта), цехда ишловчилар 250—300 сўмгача маош олишар экан.

Бир йил ўтар-ўтмас, мен ҳам ўқишдан кейин тўғри заводга бориб, кутиларга бўр солиш ишига қатнашадиган бўлдим. Ойимлар цехдаги ишларидан кейин менга «ёрдамлашар», биз қош қорайгунча 20—30, баъзан эса 50 кути бўр терар, бу иш ҳам яна 30—40 сўм қўшимча ҳақ олиш имконини берарди.

Завод директори, ёш рус йигити, волидамизни бу тиришқоқлиги учун жуда ҳурмат қилар, «халқ душмани»нинг рафиқалари бўлишларига қарамасдан, у кишини мажлисларда мақтар, ҳар хил фахрий ёрликлар билан мукофотлаб, номларини фахрий доскадан туширмас эдилар. Аммо бахтга қарши бу орада уруш бошланиб қолди-ю, мактаблар ёпилиб, чамаси бўрга эҳтиёж ҳам камайди чоғи, завод бўр ясашни тўхтатиб, ҳар хил буюмлар, сунъий олма, нок, тарвузча, мушук, кучук ва бошқа минг хил ўйинчоқлар ясайдиган цех очилди.

Қизик, бу сафар кутилмаганда ойимларнинг яна бир истеъдоди, санъаткорлик истеъдоди намоён бўлди. У киши эвакуация вақтида қишлоғимизга келиб қолган поляк ва яҳудий рассомларга шогирд тушиб, бир-икки ой давомидаёқ ўз ишининг устаси фаранги бўлиб олдилар. Цехдаги қизлар қора ишни қилишар, яъни ўйинчоқларни олдин ҳар хил суюқ бўёқлар билан бўяшар, кейин уларга оқ бўёқ бериб, офтобда қуритишар, волидамиз эса «олма ва ноклар»га тарам-тарам ранг берар, «мушук» ва «кучук»ларга қош-кўзларини, киприк ва мўйловчаларини ясаб, уларга жон ато қилардилар. Мен бу ишда ойимларга ёрдам берардим. Аммо, қанча ҳаракат қилмай, мўйқалам санъатини волидамиз даражасида эгаллай олмадим. Шу тарзда яна бир-бир ярим йил ўтди, кейин ўйинчоқларнинг бозори касод бўлди, шекилли, завод батамом ёпилди. Лекин бу орада кичик опамлар ва мен бўйимиз хийла чўзилиб «одам бўлиб» қолган эдик. Завод ёпилганидан кейин ҳам волидамиз унда

аллакандай майда-чуйда ишлар билан шуғулланиб юрдилар, биз эса, ўқишни йиғиштириб қўйиб, қўлга бирда ўрок, бирда кетмон олиб колхозга чикдик. Марҳум ойимлар то умрларининг охиригача қўп айтувчи эдилар: «Бахтимизга кишлоқда шу завод очилиб, жонимизга оро кирди. Агар бўр заводи очилмаганда, билмадим, мен сенларни қандай бокиб, қандай одам қилардим».

Мен эсам, ҳар сафар бу гапни айтганларида бирда заводнинг очилишига сабаб бўлган, аэроплан ихтиро қиламан, деб бир ўлимдан қолган дарвештабиат, соддадил инсон — Абдураззоқ отани эсласам, бирда ойимларни — табиат қандайдир бизга номаълум букилмас, эгилмас, синмас моддалардан яратган бу муштдек аёлни-ю унинг метин иродасини ўйлайман. Ҳар сафар буни ўйлаганимда эса машҳур адибимизнинг ажриқ ҳақидаги доно ташбеҳи ёдимга тушади.

САКУНИ БИТИРГАНЛАР

Қирк иккинчи йилнинг баҳор кунларининг бирида бригадир келиб хабар қилди: эрталаб бир гуруҳ кишлоқ ўспиринлари билан Отраобод деган жойга қўш хайдагани борар эмишман. Борадиганлар эртага сахар-мардон кишлоқ идораси олдидаги майдонга йиғилар эканмиз.

Мен ўша кунгача Отраободни кўрмаган эдим. Айтишларича, у кишлоқдан ўн беш-йигирма чақирим қуйида бўлиб, ери ниҳоятда серҳосил эмиш. Айниқса, қовунларининг таърифи оламга кетган эди. Инқилобдан аввал кишлоқ аҳли, айниқса, ерсиз камбағаллар кўкламдаёқ Отраободга кўчиб бориб, дехқончилик қилишар, аммо инқилобдан кейин, айниқса, уруш бошлангач, сабаби ожизлик, кучсизлик, Отраобод деярлик эсдан чиққан эди. Ўша йили, гарчи барча забардаст йигитлар илгаригидай фронтга кетган бўлса-да, колхоз раҳбарлари, ўспиринлар ёрдамида Отраобод ерларини ҳайдаб, лалми буғдой экишга аҳд қилишибди.

Мен ўша йиллари, завод ёпилганидан кейин, далага чиқиб кетмон чопган, ўрок ўрган, сувчилик қилган бўлсам ҳам, ҳеч қачон қўш хайдамаган эдим. Лекин барча тенгдошларим, ёр-биродарларим билан узок даштга чиқиб,

бирга-бирга ишлаш ҳақидаги хабар кўнглимга шундай ўтирдик, кечаси билан хаёл суриб, аранг тонг оттирдим.

Сахар-мардон, ойимларнинг тайёрлаб қўйган иккита тўқоч, бир ҳовуч толқони ва бир ҳовуч туршак солинган халтани елкамга ташлаб, оёғимга урушга кетган поччамдан қолган эски хром этик, эғнимга ўша пайтларда модага кира бошлаган эски фуфайка, бошимга туклари тўкилиб, чарми кўриниб қолган куён телпакни кўндириб, идорага томон равона бўлдим. Назаримда, қўш ҳайдаш каби оғир иш эмас, тенгдошларим билан қандайдир шўх, қувноқ сайилга кетаяпман. Ойимлар «эхтиёт бўл, болам»лаб сой бўйигача кузатиб қўйдилар. Борсам, идора олдидаги майдон туя, хўкиз, эшак, оғир сўқалар ортилган, дошқозонлар юкланган от ва эшак-араваларга тўлиб кетипти. Худди менга ўхшаб, эски фуфайка, йиртилиб, пахтаси чиқиб қолган қора чопон кийган 14—16 яшар йигитчалар йиғилишган, улар ҳам гўё оғир ишга эмас, аллақандай кўпқарига, улоққа отлангандай оғизлари кулоқларида, бир-бирлари билан олишган, курашган, осмонни бошларига кўтариб кулишган, ҳамма хушнуд.

Сал ўтмай, нимаси биландир шафқатсиз жангда тор-мор бўлиб, ғариб аҳволга тушган қўшинни эслатувчи бу оломон, майдонни тарк этиб, Отраобод сари йўл олди. Биров от минган, биров хўкиз, биров эшак ёки хўтик. Хуллас, четдан қараганда жуда ғалати туюлган бу «қўшин» кун бўйи йўл босиб, кун ботиб, қош қорая бошлаганда Отраободга етиб борди.

Эрталаб йўлга чиққанимизда кун очик бўлмаса ҳам ҳар қалай, офтоб бир кўриниб, бир булутлар орасига яшириниб турганди. Биз йўлга чиққандан кейин ҳаво айниб, осмонни қора булут эгаллади-ю, Отраободга яқинлашганда қор учқунлай бошлади. Аммо бизнинг ғалати карвон йўлида мардона давом этарди.

Отраободда кулоқ қилинган бойлардан қолган катта молхона бор экан. Молхонага қуриган шувок, пичан ва похол тўшалган бўлиб, кўрпамиз ҳам, ёстиғимиз ҳам шу похол бўлди. Қахратон қишларда олов кўрмаган молхона аллақачон музхонага айланган, аммо негадир кўрпа-тўшак олиш ҳеч кимнинг хаёлига келмапти.

Биздан олдин от-араваларда жўнатилган дошқозонлар молхона олдига ўрнатилган, ёвшан ва куруқ шувокларнинг алангаси осмони фалакка чиққан эди.

Мен шунчалик чарчаган эдимки, тўрвамдаги жўхори тўқочдан бир бурда ушатиб едим-да, (биттасини йўлда туширган эдим) уст-бошимни ҳам ечмасдан куруқ пичан ва похолни каламушдек ковлаб, орасига кириб пинакка кетдим.

Назаримда, кўзим энди илинган экан, «Хой йигитлар! Туринглар, кўшга кеч қолдик, кўшга!» деган овозлар қулоғимга чалингандай бўлди.

Кўзимни аранг очдим. Молхона ҳам зимистон эди. Эшик ўрнидаги бўшлиқда миқти, серсоқол бир чол оёқларини кериб турар ва хадеб юқоридаги сўзларни айтиб, бақирар эди.

Йигитлар уст-бошлари, афт-башаралари сомон ва ўт-чўп, шувок ва похол орасидан эмаклаб чиқишмоқда, қоронғи молхонада улар аллақандай хайбатли жониворларни эслатишарди.

Совук суяк-суягимдан ўтиб кетган экан, дир-дир титраб ўрнимдан турдим. Ташқарида дошқозонлар қайнар, бир неча жойда гулхан ёқилган эди.

Ошпаз аёллар ва яна қандайдир одамлар бизга бир косадан атала ва юпкалигидан офтоб кўринадиган, катталиги пиёланнинг юзидеккина келадиган биттадан арпа нон улашишди. Овқат устида яқинда урушдан бир қўлидан айрилиб келган ёш партком ваъз айтиб, фронт учун, ғалаба учун қахрамонона меҳнатга чақирди.

Кеча учкунлай бошлаган қор тўхтаган. Ерда нари борса, бир энлик қор бор эди. Шунга қарамасдан уруғликни сепиб, ерни хайдашга қарор қилинди.

Менинг чекимга кўш хўкиз қўшилган сўқа чиқди. Сўқа жуда оғир эди. Чекимга чиққан хўкиз эса ўта қайсар эканлиги йўлдаёқ, ғалла экиладиган қир этагидаги сайхонликка етмасданоқ маълум бўлди. Хўкизлар бўйинтурукни тарақ-турук қилиб, бири ўннга тортса, бири чапга тортарди. Шу ҳолатда оғир сўқани қўлдан чиқармай, хўкизларни тўғри йўлга соламан, дея олиша-олиша бирпасдаёқ қора терга ботдим.

Пол бошида эрталаб бизни уйғотган қора соқол миқти чол билан яна бир неча мўйсафидлар аллақачон иш бошлаб юборишган, дала чеккасидаги қоплардан этакларига буғдой солиб, уруғ сепишга киришган, биз кўшчилар ишни бошлайверсак бўларди.

Миқти чол хўкизларга бас келолмаётганимни кўриб:

— Хой, қора бола! — деб шанғиллади. — Нима бало, бўйинг дароз-у, иккита хўкизга кучинг етмайдами? Хипчининг қани?

Хипчин олиш менинг хаёлимга ҳам келмаган экан, лекин бир қўлимда сўқа дасталари, бир қўлимда жилов хизматини ўтовчи узун арқон, хипчинни нима қилардим!

— Ма, ол! — чол уруғлик солинган қоплар орасидан узун тол чивик олиб, белимга қистирди. — Хўкиз — қайсар махлук! Бола ёшдан, хотин бошдан. Агар хўкизларингни бошдан ўзингга ўргатиб олмасанг, ўла-ўлгунча бош бермайди булар! Сўқанинг дасталарини сал баланд ушла, баланд ушламасанг, тиши ерга яхши ботмайди, яхши ботмаса уруғлик буғдой илдиз отмайди, чунки қарға еб тамом қилади! — Қани, чух де, қора бола!...

Кўшни «йигитлар» тўрт юз-беш юз кадам оралик қолдиришиб, иш бошлаб юборишган, эрталабки мусаффо ҳавода ёш йигитчаларнинг кулган, сўкинган, хўкизларга писанда қилган ҳайқириқлари янграрди.

Ер ҳайдашда илк полни тўғри олишда гап кўп. Илк пол тўғри олинса, кейин шунга қараб, иш бир текис кетаверади. Мен буни кейин тушундим, албатта. Ишга киришган чоғимда эса, дам қора соқол айтгандек, сўқа дасталарини юқорироқ кўтариб, унинг тишини (пичоғини) ерга чуқурроқ киритиш ҳаракатида, дам ҳамон бош бермай ўзларини ҳар томонга отаётган қайсар хўкизлар билан олиша-олиша камида беш юз кадам келадиган узун пайкалнинг охирига аранг етдим. Етдим-у, орқамдан қора соқолнинг:

— Хой, дев қора! — деб бакирганини эшитдим.

Хўкизларнинг бошини ранг буриб, орқага қарасам, мен олган биринчи пол ўқдай тўғри бўлиш қайда, илон изи бўп кетибди!

Қора соқол алпанг-талпанг чопқиллаб келиб, қўлимдан сўқани тортиб олди.

— Девдай йигит, икки хўкизга кучинг етмаса нима килардинг қўшга чикиб? Бу ахволда ерни ҳаром қиласан-ку, латтачайнар!

Қора соқол шундай деб, қўлимдан хўкизларнинг жиловини тортиб олди-да, сўқани ўзи хайдаб кетди. Во ажабо: менга бош бермаган иккала хўкиз қора соқолнинг важоҳатидан кўрқибми, ё чолда бошқа бир сир-асрор бор эканми, ўзларини уёқ-буёққа отмай, ювошгина сигирлардай сокин одимлаб кетди.

Алам ва ҳақоратдан кўзимда ёш билан қора соқолнинг ортидан қоқиниб-суриниб борардим. Менга, айниқса, унинг «дев қора», деган лақаби қаттиқ теккан эди. Рост, сўнгги бир йил-ярим йил давомида ойимлар ва бошқа таниш-билишларнинг айтишларича бўйим анча ўсиб, йигит бўлиб қолганимни билардим. Кеча кун бўйи эсан шамол ва қор остида афти башарам ҳам қорайиб кетган бўлса ажаб эмас. Аммо умрида қора меҳнат қилмаган зиёли отанинг нимжон зурриёти, бўйим чўзилган бўлса-да, таним қоқ суяк, билакларимда куч йўқлигини ўзим билардим, бундан қаттиқ озор чекиб юардим. Лекин афтидан эгнимдаги қора фуфайка бу ожизлигимни «яшириб» турарди. Шу боисдан меҳнатда пишган, бўйчан бўлмаса ҳам, зуваласи пишиқ тенгдошларим орасида, бир қараганда камина жуда навқирон, забардаст кўринсам, ажаб эмас. Гап бўй-бастдан кетди, хикоядан жиндай чекиниб, қалбимда чуқур ва аламли из қолдирган бир воқеани эслаб ўтай.

Ўша йили кузда колхоз меҳнат кунига на бир кадоқ буғдой, на бир пуд-ярим пуд сабзавот берди! Шу-шу очарчиликнинг мудҳиш қора сояси ҳар хонадон эшигини тақиллата бошлади. Шунда етмишларга бориб қолган тоғамлар майда-чуйда, эски-туски кийим-кечак, рўмол-пўмол, чой-пой олиб, тоғ ортидаги қадимий Сўзоқ шаҳрига ғалла қидириб борадиган бўлдилар. Ойимлар ялиниб-ёлвориб, мени ҳам тоғамларга қўшиб, уйда пичоққа илинадиган нимаики нарса бўлса ҳаммасини хуржунга жойлаб, Сўзоққа жўнатдилар. Мен йўлда, тоғ оралиғи ва Сўзоқда бўлган хангомалар ҳақида эзмаланиб ўтирмай, гапнинг пўскалласига ўтаман.

Тахминан бир ой деганда тоғам иккимиз Сўзоққа олиб борган дастмояларимизни бир-икки пуд жўхорига алмаштириб, орқага қайтдик. Сўзоқ билан Қарноқ ораси отда икки кунлик, эшакда уч кунлик йўл. Биринчи куни сахармардон йўлга чиққан одам, эшакларни хих-хихлаб юриб, қош қорайганда тоғ ичидаги бир бекатга етиб «куладик».

Биз борганда бекатнинг эски, шифти ва деворлари қора қурум босган, лекин ўрдадай кенг, чорхари хонаси тўрида, улкан хонтахта ортига туташган пўстакларда икки ўрис гаплашиб ўтирарди. Улардан бири — оқиш мўйловли, Будёнийнинг мўйловидек дикрайган, ниҳоятда келишган, хушқад, хушсурат мўйсафид бўлиб, иккинчиси 30—35 ёшлардаги юзи ўчоқдаги оловдан қизариб кетган, кўзлари мовий, юпун кийинган қилтириқ бир одам эди. Кейин билсам у поляк экан! Уруш не кўйларга солмайди одамни! Чамаси, Карпат томонлардан эвакуация қилинган бу поляк фалакнинг гардиши билан айланиб юриб-юриб, Қора тоғ орасига келиб қолибди!

Биз саломлашиб, хонтахта ёнидан жой олдик. Тоғам хуржундан бир-икки тўкоч олиб, ўртага қўйди. Биз ҳали бир бурда нон еб ҳам улгурмаган эдик, кейинчалик поляк эканлиги маълум бўлган одам шоп мўйловли Будённийга юзланиб:

— Манов йигитга эътибор беринг! — деди, афтидан, мени рус тилини билмайди деб ўйлаб. — Чамаси, урушдан қочиб бу ерларда яшириниб юрган қочоққа ўхшайди-ёв! Мўйловига қаранг: коп-қора!

Энди чайнаб ютган нон томоғимга тикилиб қолди. «Ўзинг қочоқ! Милтикнинг ўқидай одам, ўзинг бу тоғ орасида нима қилиб юрибсан, қилтириқ?» Бўғзимдан отилиб чиқишга тайёр бу ҳайқириқни аранг ичимга ютиб, шоп мўйловга қарадим. У ҳам оппоқ, пахмоқ қошларини чимириб, менга ўқрайиб қараб қолганди.

— Ҳа, тўғри айтасан! — деди у шеригига. — Айни фронтда фашист билан олишиб юрадиган йигит! Ҳозир бунақа қочоқлар кўп! Мен ўзим анов милтиғим билан (у ўртадаги устунда осиглиқ турган кўшоғиз милтиққа ишора қилди) бунақа қочоқлардан нечтасини шартта отиб ташладим!

Шоп мўйлов шундай деб, тўсатдан соф козоқ тилида тоғамга мурожаат қилди:

— Сўқишга (урушга) борадиган бу жигит бу товда не кип журипти? Қашақ (қочкин) эмаспе?

Бу саволни кутмаган тоғам шўрлик, оғзидаги толқонини аранг ютиб:

— Жўк, оқсоқол! — деди козоқ тилида. — Али (ҳали) ўспиринғўй бул бола! Бўйи навша демасангиз, ўзи се-кизиншида ўкийди. Колхозда истейди. Кўрамен десангиз справкаси-да, бор!

Ҳақиқатан, чўнтагимда ҳар эҳтимолга қарши кишлоқ советидан олган справка ҳам бор эди.

Шоп мўйлов қўлини силтаб:

— Ҳамма қочоқда ҳам справка бор! — деб пўнғил-лади. — Ишқилиб, айтганингиз рост бўсин, ўт оғаси! Бўйи дароздай йигит, агар қочоқ бўлса, менинг кўзимга тушмасин! Справка-миправкасини суриштириб ўтирмай, қарсиллатиб отиб ташлайман!...

Шу писандадан кейин шоп мўйлов, бизни батамом эсидан чиқариб, шериги билан гапга киришиб кетди.

Китобхондан уэр сўрайман. Ҳикоямдан яна жиндай чекинаман. Сўзлари кўксимни ўқдай тешиб ўтган бу шоп мўйлов, ўз гапларига караганда Кубань казакларидан бўлиб, бир неча оила ўттизинчи йиллари Сўзоққа кўчиб келишган экан. Чамаси бадарға қилинганлардан бўлса ке-рак, буни айтмади. Кейинроқ тоғ орасидаги серсув, серўт, сердарахт жойлардан бирига кўчиб ўтибди. Шу-шу иши юришиб, тоғ, бир дарага хўжайин бўлиб кетганлардан экан. Касблари ғаллачилик, чўчкачилик. Уруш бошланиб, ўғиллари фронтга кетгач, хўжаликда ишчи кучи етмай қолгани сабаб собиқ кулоқ, Сўзоққа бориб, дайди полякни мардикорликка олиб кетяпган экан.

Эрталаб собиқ кулоқ (эҳтимол кулоқ эмасдир, мен ала-мимдан шундай деяётгандирман!) менга яна бир ўқрайиб қаради-да, полякни қандайдир сандиқ-пандиқлар ортилган туясига ўтқазиб, ўзи ер депсинган бўлиқ қора қашқа айғирига миниб, биздан олдин тоғ оралиғига кириб кетди!

— «Ҳа, лаънати кулоқ!» дедим ичимда, ҳамон унинг ҳақоратомуз гапларидан жиғибийрон бўлиб. — Қочоқларни

отгин-у, бу шўрлик полякни кул қилиб ишлатгин! Қочокларни отдим деганинг — ёлғон. Уларни ҳам кул қилиб ишлатаётгандирсан чўчкахонангда!»

Бунинг ҳаммаси кеч кузда бўлган хангома. Кўкламда, кўшда эса...

Мен қора соқолнинг дашномларидан ер ёрилса ерга киргудек бўлиб айни замонда, юрагимда жўш урган тўғённи аранг ичимга ютиб, хўкизларни белимдаги тол хипчин билан роса саваладим-да, ишга киришиб кўрдим. Бу сафар қора соқол айтганидек бўлмаса ҳам, ҳар қалай йўлим анча тўғри чиқди, аммо ўзим полнинг охирига етгунча батамом қора терга ботиб сулайиб қолдим. Айниқса, полнинг охирига борганда оғир сўқани кўтарган ҳолда безовта хўкизларнинг бошини буриб, тўғри йўлга солиш амримаҳол эди. Хуллас, овқат маҳалига батамом ҳолдан тойиб, текис ерда қоқилиб қулайдиган ҳолга етдим.

Дошқозонлар яқин жойга ўрнатилган, овқатга чақирилган болалар, кўшдан эмас, қандайдир хуррам сайилдан қайтаётгандек, бир-бирлари билан йўл-йўлакай олишиб, хушнуд қийкиришиб, дошқозонга шошилишарди.

Мен ҳам хўкизларни пайкал чеккасидаги тутларга боғлаб ва олдиларига икки боғ қуруқ пичан ташлаб, «ошхона» томон равона бўлдим.

Йигитлар, ким тагига похол тўшаган, ким бир ҳовуч қуруқ пичан, ёғоч товоқларнинг катта-кичиклигига қараб, ким бир овора, ким икковора, ёғоч косалардаги аталани иштаҳа билан хўр-хўр ичиб, пиёланинг кўзидеккина нонни бир тишлашда ямламай ютиб, чакчақлашиб ётишади.

Мен ошпаз хотинлардан бири берган кулчани олдим ва аталага навбат кутиб, тақир ерга ёнбошладим. Шу пайт, дошқозоннинг шундоқ ёнида, баланд тўшалган қуруқ пичан устида ёнбошлаб ётган иш бошимиз Топиволди акага кўзим тушди. Соқол-мўйлови сап-сарик, ўзбекдан кўра кинолардаги бешафқат, баджаҳл немисларни эсга солувчи бу одам, гарчи ғирт пучуқ бўлмаса-да, бурни ялпоқлиги туфайли «Топиволди пучуқ» бўп кетган. Ўзиям ҳақиқатан қаҳри қаттиқ одам эди. У мени кўриб, ошқора ёқтирмай бир ёвқараш қилди-ю, олдидаги гулдор ёғоч товоқдан гулдор қошиғини олиб, овқатга киришди. Унинг бу қарашидан

юрагим негадир «шув» этди-ю, оймларнинг бир гапи лоп этиб ёдимга тушди:

— «Бу дунёда яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам қайтади, болам. Бурунгилар: вафо қилган вафо топғусидир, жафо қилган жафо!» деб бежиз айтмаганлар. Қилмиш-кидирмиш, даданг ҳам ўз килмишидан топди. Бўлмаса... ўзи урилиб-сурилиб юрганда, шу Топиволди пучукнинг укасига осилиб нима қиларди? Мана энди Топиволди пучукни кўрсам... қаёққа қочишни билмайман!»

Оймларнинг айтишича, дадамлар сўфининг зурриёти сифатида панд еб, сўнгги марта кишлокка қайтганларида, ўзлари қай ахволда эканликларини ўйламай, яна эски фаоллигини бошлаб юборганлар. Бу сафар ҳар хил юлғичлар ва қаллобларга қарши кураш бошлаган дадамларнинг қаҳри мана шу Топиволди пучукнинг укасига тушган. Пучукнинг укаси колхозда ҳисобчи бўлиб ишларкан. Дадамлар, бол ушлаган бармоғини ялар, деган нақл билан ишлари йўк, ҳисобчининг фаолиятидан қандайдир кинғир ишлар топиб, уни қаматиб юборганлар. Шундан бери Топиволди пучук тўнини тесқари кийиб олган, оймларнинг айтишича, дадамлар қамалганидан кейин кўчада юзма-юз келганларида истехзоли кулиб:

— Ҳа, қандай бўлар экан? Бировга чоҳ ковлама, ўзинг қулайсан, деган боболаримиз. Мана ўз чоҳига ўзи қуладику, сўфининг зурриёти! — деган эмиш.

Бу гаплар эсимга тушиб, кўнглим баттар ғаш бўлди-ю, нон тугул суюқ атала ҳам томоғимдан ўтмай, ўрнимдан туриб кетмокчи бўлдим. Аммо шу пайт қаёқдандир орқадан:

— Ҳой, ёронлар! — деган дўриллаган йўғон овоз эшитилди. Ҳамма билан баравар қайрилиб қарасам, шундоқ ўқариқ ёнида, оёқларини кериб, қора сокол турибди!

— Ҳой, ёронлар! Анов дев қора болага қаранглар! Бўйи дароз, ўзи алп жусса, икки хўкизни эплай олмай даштда кўз ёш қилиб юрипти! Мен бўлмасам пайкални харом қиларди бу дев қора!

Ҳар томондан болаларнинг:

— Кимни айтаяпсиз?

— Ким у?

— Қайси дев қора? — деган хитоблари эшитилди.

Қора соқол кўлини мен томонга бигиз қилиб:

— Ана ётипти-ку, товоқни бошига кўтариб, — деди соқолини селкиллаиб. — Нон ейишни билар экансан, ишлашни ҳам бил-да, худо бўй бериб, фаросат бермаган лапашанг!

Атрофда жўр кулги янгради. Мен олазарак бўлиб хушнуд кулаётган тенгдошларимга қарадим-у, кўзим негадир Топиволди пучукка тушди. У сарғиш мўйловини ғалати қимирлатиб, хўмрайиб ўтирарди. Кўзим кўзига тушиши билан шартта қаддини ростлади.

— Ҳа, булар шундай! — деди, олдидаги гулдор заранг косани оёғи билан нари суриб. — Бир умр ишлаптими бу оксуяклар. Ота-боболаридан бошлаб, азон айтиб таралла-ялла қилиб ўтган булар. Қора меҳнат нима эканлигини кўрипти дейсизми, булар. Қора меҳнатни бошқалар қилсин. Бир умр бошқаларнинг устидан хат ёзиб ўтади, булар!

Топиволди пучук шундай деди-да, камчиси билан этигини шарт-шарт уриб, нарироқдаги отига қараб кетди.

Мен ҳам қўлимдаги нонимни товоқдаги аталага ташлаб, хўкизларим томон йўналдим. Оркамдан бирга катта бўлган тенгдошларимнинг беғараз, аммо юрагимни тилка-тилка қилган кийкириқлари, шўх, хушнуд қаҳқаҳалари янгради:

— Қаёққа шошасан, хой дев қора?

— Э, нимаси дев қора бунинг? Ўзи девдек бўлса ҳам, ичи сув ковоқдек бўш бунинг!

Ўлимдан номус кучли деган гапнинг маъносини мен ўшанда англадим.

Ер ҳайдаш тугул юришга қурбим етмай чўзилиб ётган одам ўрнимдан қандай туриб кетганимни билмайман. Даштда йиқилиб қолгудек бўлсам ҳам, сўқа дасталарини чангаллаб, бир амаллаб кунни кеч қилдим. Кечкурун, хўкизларимни молхонага боғлаб, сомонхонамизга атайин кош қорайганда бордим, кечки овқатга ҳам қарамасдан муздек сомонхонага кирдим-у, похол орасига «шўнғидим». Назаримда ҳамон ҳамма тенгдошларим устимдан кулаётгандек, ҳамон, «қани, қўш хўкизга бас келолмай ерни ҳаром қилган дев қора?» деб бир-биридан сўраётгандек, мазах қилиб кулишаётгандек туюларди.

Шу алпозда бир хафта ўтди. Мен ҳамон хўкизлар билан, хўкизлар мен билан олишар, гарчи, кўш хайдашнинг бироз укувини олган бўлсам-да, ишим ҳамон қора соқолга ёқмас, ерни ҳаром қилдинг, дев қора, деб дашном бергани берган эди.

Ўзим ҳам бир хафтада озиб-тўзиб, этим устихонимга ёпишиб қолди, хўкизлар кетида фақат соям судралиб юрарди. Баъзан кечалари қочиб кетгим ҳам келар, аммо қочиб кетсам қора соқол билан иш бошимиз Топиволди пучуқ нима дейишини ўйлар, кейинчалик тенгдошларимнинг беш баттар дашномига қолишимни тасаввур этардим-у, бу ўйимдан қайтардим.

Устига-уштак, бу азоблар етмагандек, оёғимдаги поччамлардан қолган пасон хром этик чириб битган экан, даштга келган куним эртасигаёқ таг чарми ажраб кетиб, пайтаваларим кўриниб қолди. Сим ва чилвир билан ўраб боғлаб, бир амаллаб бир неча кунни ўтказдим, пайтавалар бирпасда хўл бўлиб, оёқларим шолғомдай қизариб кетса ҳам, тишимни тишимга қўйиб чидадим. Охири оёқларим дўмбирадай шишиб, териси шилиниб, юролмай қолдим. Бу ҳам етмагандек, хафтанинг охирида хаво айнаб, яна қор учқунлай бошлади.

Гарчи Топиволди пучуққа рўпара келишни ўйласам юрагим зирқираса ҳам, унга учраб уйга бориб-келиш учун лоақал икки кунга рухсат олишдан (бир кун йўлга кетарди!) бошқа иложим қолмади. Ўша мен рухсат сўрашга аҳд қилган кун пешиндан кейин тоғдан суяк-суякдан ўтадиган изғирин эса бошлади-ю, ишдан барвақтроқ қайтдик.

Мен Топиволди пучуқ билан холироқ гаплашиш умидида хўкизларни шоша-пиша молхонага қамаб, иш бошини қидириб, ошхонага бордим. Лекин мен боргунча тенгқурларим ҳам ошхона атрофига йиғилиб қолган, Топиволди пучуқ отига миниб, қаёққадир кетяпган экан. Мен жон ҳолатда унинг йўлини тўсдим. Афтидан, кўринишим чиндан ҳам жуда аянчли бўлса керак, у отининг жиловини тортиб тўхтатди-да, бир таг чарми кўчиб, чилвир ва сим билан боғланган этигимга, пайтава орасидан чиқиб, дўмбира бўлиб шишиб кетган қонталаш оёқларимга, бир афт-башарамга қаради.

Мен дудуклана-дудуклана илтимосимни тушунтира бошладим. Бирок икки кунга ижозат сўраганим эсимда, тўсатдан Топиволди пучуқ отига уст-устига камчи уриб, устимга бостириб кела бошлади.

— Сен! — деди у, сарғиш мўйлови дикрайиб. — Сен нега кўз ёши қилиб, менга дағдаға қиласан! Арзинг бўлса... САКУни битирган отангга айт! САКУни битириб, ҳаммани қовурган, инқилоб қиламан деб, не-не одамларни хонавайрон қилган ким? Сўфининг зурриёти... сенинг отангми ё менми? САКУда ўқиб, меҳнат нималигини билмаган оқсуяклар! Бор, жўнайвер! Қайтиб келмасанг ҳам майли! Сенинг ишингни мана булар қилади! — У қамчисини ниқтаб, атрофимизни ўраб олган тенгдошларимни кўрсатди. — Бўйлари сенинг елкангга ҳам келмайди, аммо меҳнатда пишган, бировларнинг устидан хат ёзиб эмас, суяклари кетмонда қотган азаматлар ҳайдашади бу ерни! Бор, кўзимга кўринма! — Топиволди пучуқ, шундай деди-да, яна бир неча бор САКУни битирганлар, деб ўдағайлаганча яқиндаги қир томон от суриб кетди.

Номус ва ҳақоратдан кўзимда филт-филт ёш, шўрлик ошпаз хотинларнинг ялиниб-ёлворишига қарамай кечки овқатни емасдан оқсоқлана-оқсоқлана йўлга равона бўлдим.

Ҳамон учқунлаб қор ёғар, тоғдан эса бошлаган изғирин тобора кучайиб, суяк-суягимдан ўтиб борар, аммо мен бунга сезмас эдим. Тобора бостириб келаётган қоронғулик қўйнига кириб, арава изи бўйлаб қишлоқ томон ҳар қадамда бир қоқиниб борарканман Топиволди пучуқнинг: «САКУни битирганлар!» деган захархандаси қулоғим тагида ҳамон жаранглар ва бу ибора негадир юрагимни тилка-пора қиларди.

Мен бирда оймнинг айтганларини эслар, бирда тайгада ёғоч кесиб юрган дадамларнинг аҳволдан беҳабар, ундан ранжиб кўз ёши тўқар, бирда эса, хаёлан Топиволди пучуқ билан баҳслашардим. Фрондан қочиб юрган номард, нега ўшанда дадам сен ифлосни ҳам Сибирга сургун қилмади, деб сўкинар ва урушга бориб қахрамон бўлиб қайтишни-ю, унинг додини беришни орзу қилардим.

«КОТИНИ-ДА ЖҰҚ, БОЛАСИ-ДА ЖҰҚ, БИРОҚ УЯТИ БОР!»

Инсон хаётидаги энг пок, энг беғараз, энг танги палла — бу ўспиринлик. Адолат туйғуси, ноҳақликка қарши исён кўтариш, ҳақиқат топталган жойда ҳеч иккиланмасдан ўзини ўтга ҳам сувга ҳам уришдан қайтмаслик — фақат ўспиринлик даврига хосдир. Кейин... инсон хаётидаги оддий ташвишлар тирикчилик-тирриқчилик дегандек, фарзандлар. Ҳатто фарзандларнинг фарзандлари — не-вара ва чеваралар тақдири ҳақида қайғуриш каби минг бир сабаблар кўндаланг бўлади-ю, хом сут эмган одам, адолатсизликка қарши исён қилишдан аввал, етти эмас, етти минг маротаба ўйлаб гапирадиган бўлади.

Уруш ҳамон давом этмоқда. Лекин ғалаба қилишимизга энди ҳеч кимда шубҳа йўқ. Қўшинларимиз Иттифок чегарасидан душманни қувиб чиқиб, Фарб давлатлари, Польша, Чехословакия, Венгрияда жанг қила бошлаган. Аммо фронт орқасидаги ишлар, урушнинг биринчи кунларига солиштирганда ҳам бир неча баробар оғирлашган, мураккаблашган. Ёмонлар, Топиволди пучукларнинг иши юришган, ошиқлари олчи.

Қишлоқнинг манаман деган йигитлари, энг пок, энг ҳалол одамлар урушнинг биринчи йиллариёқ, гарчи ихтиёрий равишда бўлмаса ҳам, ҳар қалай, жонларини асраб қолиш хаёлидан йироқ, фронтга кетишган. Зотан, урушнинг биринчи йиллари ҳар хил найранглар билан кимларгадир пул қистириб, кимларгадир пора бериб, урушдан қолиш мумкин, деган гап одамларнинг тушига ҳам кирмаган. Лекин уруш чўзилган сайин ҳар хил қинғир ишлар, но-поклик, ноҳалоллик шабадалари ҳам эса бошлаган эди.

Бизнинг давримизда туғилган чақалокқа ҳужжат олиш одат тусига кирмагани учун армияга чақирилиш қишлоқ советидаги дафтарга боғлиқ бўлиб қолган. Бу рақамларни нари-бери суриш, умуман ўйин кўрсатиш эса қишлоқ совети раиси-ю, унинг котибига боғлиқ бўлиб қолган эди. Қарабсизки, кўп амалдорларнинг, хусусан, колхоз раислари-ю ҳисобчи ва омборчиларнинг ёши йигирма, ҳатто йигирма уч-йигирма тўрт яшар фарзандлари ҳам ўн еттига

кирмаган ўспиринлар қаторида юрипти. Уларнинг аксарияти ҳатто уйланиб, фарзанд ҳам кўришган, аммо одамларнинг айтишича, ҳатто ҳеч нарсага сотилмайди, адолат учун тикка туради, деб ҳисобланган военкоматларда ҳам ҳар хил ноҳалол ишлар, «ҳадялар» эвазига сохта бронь бериш, отдек пишқириб юрган йигитларга «носоғлом» деб справка тўғрилашлар, хуллас, турли йўллар билан урушдан олиб қолиш ҳоллари пайдо бўлган; боз устига кундалик ҳаётнинг ўзида ҳам покликни нопоклик, ҳалолликни ноҳалоллик, меҳр-шафқатни тошбағирлик, вафо ва садоқатни бевафолик, ёмонлик ва хиёнат аста-секин сиқиб чиқара бошлаган эди. Урушнинг биринчи кунлариёқ «барчага баробар тўй бу» деб, кўп ҳалол раис ва парткомлар, (у маҳалда парткомларнинг обрўси раислардан ортиқ юрса юрардики, кам юрмас эди!) қишлоқ совети раҳбарлари, ҳисобчи ва омборчилар кўп қатори урушга кетган, уларнинг ўрнини майиб-мажруҳ ёки ёши улуг кимсалар эгаллаб, айримлари бора-бора халқ ризқига хиёнат қиладиган, маишатбозлик, ичкиликбозлик, хотинбозлик, иллатларига муккасидан кета бошлаган эди. «Кимга тўй, кимга аза» деганларидек, худонинг берган куни камида бир оилага қорахат келиб, одамлар қон қақшаб ётган бир маҳалда «отга минар»ларнинг бу ножўя ишлари оддий кишиларга, айниқса, биз ёшларга қаттиқ тегар, қалбимизда ҳақорат туйғуси уйғотиб, исёнкорликка, адолат учун курашга чорларди. Бизларни, ўн етти-ўн саккиз ёшга тўлиб, юрагимизда ғурур уйғониб, ўз қадримизни энди била бошлаган йигитчаларни яна бир нарса қаттиқ изтиробга соларди. У ҳам бўлса «катталар»нинг қишлоқдаги кўҳлик-кўҳлик қиз-келинчаларни йўлдан уришга интилишлари, ҳатто фронтда қон кечиб юрган жангчиларнинг қаллиқларига ҳам кўз тикишлари қаттиқ дарғазаб қиларди. Бу нопок йўлда жуда нозик усуллар қўлланиларди. Одатда, далада қора меҳнатдан эзилиб юрган кўҳлик қиз ё келинчак қишлоқ советидами, дўконлардами, колхоз идорасидами (битта бизнинг қишлоқда ўша маҳалда бешта колхоз бўларди!) енгил ишларга таклиф қилинар, кейин идора ишидан бошқа «ишлар»га ўтиларди. Рост, идорага таклиф қилинган қиз-келинчаларнинг ҳаммасиям катталарнинг

измига кира қолмас, уларнинг ёмон ниятларини билган захотиёқ юз ўгириб кетувчилари ҳам бўларди. Лекин юрт эмасми, бўрилар қўйган тузоқларга илинувчилар ҳам оз эмасди. Биз амин эдик: урушда қон кечиб юрган акаларимиз қайтиб келишлари билан адолат тикланади! Диёнат ва инсофни унутган бу имонсиз «отга минар»ларнинг ҳаммаси фош этилади, ўз жазоларини олади. Аммо ҳаёт-ҳаётлигини қиларкан! Гоҳо урушдан ярадор бўлиб қўлоёқдан айрилиб келган битта-яримта жангчилар ҳам негадир биз ёшлар кутган ишларни қилмас, дарҳол исён кўтариб, нопокларни фош қилишга киришмас эди. Биз кейинчалик бунинг туб сабабларига тушундик, албатта. Турмушнинг аччиқ тажрибаси бу йигитларни эҳтиёткорликка ўргатган, қалбларидаги кўр жангларда йўқотган оёқ-қўллари билан бирга окопларда қолиб кетган эди. Ҳамма йигитлар бўлмаса-да, ҳар қалай аксарияти урушдан қандайдир тушкунлик туйғуси билан қайтишган эди. Устига-устига урушдан кимки қайтса қишлоқ бийлари уларни дарҳол «қўлга олиш»га киришишар, фронтвик...¹

...ичкаридан бир нечта лейтенант (у маҳалда биз учун «лейтенант» деган сўз ҳам «полковник» деган номдан кам юрмасди!) қуршовида... ёғоч оёғини аранг судраб босган, ўрта бўйли, қотмадан келган, чакка суяклари туртиб чикқан, юзида аллақандай ўктам бир туйғу мухрланган капитан кўринди. Мен погонидан бу одам ўша, ҳамманинг тилига тушган Туркистон военкоми Абубакиров эканини дарҳол англадим. Капитан ҳеч кимга қарамай, қовоғини уйиб, оғир одимларди!.. унинг орқасидан ўзини аллақандай йўқотиб, довдираб қолган қишлоқ советининг раиси билан котиби ва бир нечта таниш ва нотаниш «казо-казо»лар эргашиб келишарди!..

Мен ҳаётимда ўзим учун энг катта, энг муҳим, энг масъулиятли дақиқа яқинлашаётганини сездим, сездим-у, ҳаяжондан ўпкам оғзимга тикилиб, тап-тап қадам босганимча машҳур военкомнинг йўлини тўсдим.

¹ Шу ерда муаллиф қўлёзмасида бир неча саҳифа узилиш мавжуд. Сўнг воқеа муаллифнинг ўша пайтда урушга жўнаш учун ҳарбий комиссарликка бориши ҳақида ҳикоя қилади (нашрга тайёрловчи – Иброҳим Фафуров).

— Ўртоқ капитан! — дедим, овозим титраб. — Рухсат берсангиз сизга бир оғиз арзим бор!

Абубакиров чап оёғи ўрнига кийган ёғоч протезини гичир-гичир қилиб тўхтади.

— Қош (хўш) бола? — деди қовоғини ёзмай. — Арзинг не? Айт!

Мен дудуклана-дудуклана асли йигирма олтинчи йилда туғилганимни, лекин хато бўлиб қишлоқ совети дафтарига йигирма еттинчи йил бўлиб ёзилиб қолганимни, шу боис, эртага фронтга кетаётган дўстларим қатори мени ҳам хизматга олишни илтимос қилдим.

Военком қисқ кўзларини мендан узиб, қишлоқ советининг раисига қаради.

— Не дейди бул бола?

Қишлоқ советининг раиси (унинг уйланиб фазанд кўрган ўғли хануз ўн саккиз яшарлар қаторида юрарди!) ранги ўчиб, питирлаб қолди.

— Бу ёш бола... Нима деяпганини ўзиям билмайди, ўртоқ капитан.

Военком қаҳр билан қўлини силтаб:

— Ёш бола эмас, ҳақиқий мард жигит бул бола! — деди ва менга юзланди:

— Қани жур, азамат!..

Китобхон ўйламасин: бу билан мен ёшлигимда жуда танти, довюрак йигит бўлганман, демоқчи эмасман. Аксинча. Кейинчалик, Гоби саҳросида, инсон боласи у ёқда турсин, пўлат дош беролмайдиган жазирама саҳроларда, елкамда пулемёт, ҳар куни 60—70 чақирим йўл босиб, сувсизлик ва йўл азобидан йиқилиб қолган чоғларимда, ўша кунги ўз «қахрамон» лигимдан неча марта афсус чекиб, неча марта ўзимни сўккан пайтларим ҳам бўлган, лекин ўша дақиқада военкомнинг сўзларидан бошим осмонда, босар-тусаримни билмай, унинг кетидан эргашдим.

Масжид ховлисида, илгарилари бутун қишлоқ йиғилиб, жума намози ўқиладиган ҳайҳотдай айвон олдида 60—70 йигит саф тортиб турарди. Ҳозир эсимда йўк, ўша пайтларда урушдан ярадор бўлиб қайтган ва қишлоқда фаоллик кўрсатиб юрган бир жангчи, военкомга пешвоз чиқиб, билар-билмас «рапорт» берди. Военком, унинг рапортини

охиригача ҳам эшитмай, қўл силтаб тўхтатди-да, оқсоқлана-оқсоқлана саф олдидан ўтди, сўнг қовоғини уйганича:

— Қани, — деди йиғилганларга зимдан тикилиб. — Қани, шу бугунгача ёшини яшириб, урушдан қочиб юрган номардлар... бир қадам олдинга чиқсин!

Тўсатдан ваҳимали жимлик чўкди. Ҳамма бирдан хушёр тортиб, йигитлар жой-жойларида серрайиб қолишди, лекин ҳеч ким, табиий, жойидан жилмади.

Военком бир дақиқа худди уришга чоғланган қўчқордай бошини букиб, ҳаммага битта-битта караб чиқди-да:

— Сен, шик! — деди қишлоқ совети раисининг ўғлига қўлини никтаб, — Сен-де, сен-де, сен-де шик! У шу тарзда қўлини бигиз қилиб беш-олти йигитни кўрсатди-ю, — бир қадам олға. Марш! — деб буйруқ берди.

Военком кўрсатган йигитлар, худди илоннинг дамига илинган бақалардай талмовсирашиб, бир қадам олдинга чиқишди. Уларнинг ҳаммаси «отга минар»ларнинг ўғиллари бўлиб, ҳақиқатан, чин ёшлари юзларига муҳрланиб кўйилганди.

Военком уларнинг ҳар бирига: «Қатининг (хотининг) борма?» деган саволни бериб, нечта фарзанди борлигини суриштириб чиқди. Ҳаммасининг «қатини» ҳам, баъзиларида битта, баъзиларида иккита фарзанди ҳам борлиги маълум бўлди.

Бу маълумотларни олиб бўлган капитан, ёғоч оёғини гичирлатиб, ҳайкалдай қотиб қолган бўлғуси солдатлар олдидан у ёққа-бу ёққа бориб келди-да, кутилмаганда қишлоқ совети раиси ва унинг «сояси»да эсанкираб турган «казо-казо»ларга юзланиб:

— Булар эмас, сенлар айбдор бу ишга! — дея муштини ҳавода силкитди. — Булар эмас, сенлар қилгансанлар ҳамма балони! Сенлар йўлдан ургансанлар буларни! Мехрибонлик қиламан деб, жар ёқасига олиб бориб қўйгансанлар бу ёшларни!

Капитан юзлари бўғриқиб, қисик кўзлари ўт чакнаб узоқ гапирди-да, тўсатдан мен томонга ўгирилиб:

— Манов азаматга қаранглар! — деб хитоб қилди. — Қотини-да жўк, бола-чақаси-да жўк, бироқ уяти бор бул жигитнинг. Бул жигит сенларга ўхшаб жасини жасириб

урушдан қочиб жургани жўк. Қайтага жасига жас қўшиб, эл ҳимоясига отланган бул. Жигит деган сўндай бўлади. Жаса, ули!

Мен бу мактовлардан ўзимни қаёққа яширишни билмасдан, тенгдошларимнинг юзига қарашга журъат этолмай, бошимни ҳам қилиб турар, айни замонда гурур аралаш қайноқ бир ҳаяжон вужудимни қамраб олганди.

Йиллар ўтди. Япон урушидан кейин, олти йил сеvimли элим — Қарноқ боғлари-ю, Қарноқ булоқларини бир кўриш орзусида ўтди. Шунда, боя айтганимдек, ёшликда қилган ишимдан кўп пушаймон чекдим. Лекин солдат ҳаётининг бешафқат томонларини бошимдан кечирганимдан эмас, ўшанда, сабаби йигитчилик, қилаётган ишимдан ойимларни огоҳ қилмаганимдан афсус чекдим. Менинг бу ишим ойимларни қанчалик азобга солганини мен у кишининг укамга айтиб ёздирган хатларидан, сўнг қайтиб келганда сўзлаб берган сўзларидан билдим.

— Сен нимани ҳам биласан, болагинам? — дердилар раҳматлик, кўзига ёш олиб. Сени ўйлаганимда ҳар оқшом еру кўкка сифмай, қирга чиқиб кетардим. Атайин оғрисин деб қоп-қора қон бўлсин деб, қавушимни ечиб, ялангоёқ тикон босиб, авваламбор худога, қолаверса, султонимга илтижо қилардим. Э тангрим, эримдан айириб, есир қилганинг етмасмиди, энди нахот тўнғич фарзандим, ишонган тоғимдан айрилсам, деб, тонг отгунча бўзлаб чиқардим. Сен нимани ҳам биласан, болагинам.

Бунинг ҳаммасини мен кейинчалик, хизматдан қайтгандан кейин билдим, албатта. Ўшанда, капитаннинг мактовидан пуфакдай шишиб юрганимда эса... Бир ойдан кейин қишлоқда бирга ошиқ ўйнаб, бирга ёқалашиб, бирга ёнғоқ ўйнаб катта бўлган қирқ йигит бирга хизматга жўнадик. Жўраларим узоқ вақт устимдан кулиб юришди. Чақиришганда эса отимни айтмай, «қотини-да жўк, боласи-да жўк, бироқ уяти бор жигит!» деб чақиришарди. Мен уларнинг ҳазилларини кўнглимга олмас, аксинча, ҳазилларига ҳазил билан жавоб бериб: «Эй қотини-да бор, боласи-да бор, бироқ имони жўк жигиттер!» — деб жавоб берардим.

РОСТҒҮЙ

Машхур мингбоши хонадонида туғилиб, материалистик фалсафа профессори даражасида оламдан ўтган бу одам, тўғрироғи, унинг тақдири мени ниҳоятда қизиқтирарди. Пешонаси дўнг, худди сирлаб қўйилган хумдай ялтирок, туксиз боши жуда катта бўлгани учун кўплар у кишини «хумкалла» ҳам дейишарди.

Лекин менинг бир қарашда жуда қахрли кўринган бу одамга қизиқишимга сабаб, унинг ташқи қиёфаси-ю, ҳақиқатдан билимдон, файласуф бўлгани эмас, албатта. Менинг қизиқишимга сабаб — у отамнинг энг яқин дўстларидан бўлиб, ўхшатмаса учратмас деганларидек, уларнинг тақдири ҳам жуда ўхшаш эди. Инқилобгача дадамларнинг отаси азон билан ном чиқарган сўфи бўлса, Ростғўйнинг отаси мингбоши бўлган. Дадамларнинг бахтига инқилобдан аввалги илон йили бувамларнинг ҳамма қўйлари очликдан ўлиб, бир зумда кафангадога айланиб қолган бўлса, хумкалланинг отаси ҳам янги сайловга борбисотини совурса ҳам мингбошиликка сайланмай қолиб, у тамом синади, синади-ю, бу хўрликка дош беролмай, сал ўтмай оламдан ўтади. Буни эшитган Тошкентда машхур Маъдихон эшон мадрасасида таҳсил кўраётган Ростғўй қишлоққа қайтиб келишга мажбур бўлади. Келиб қараса отасидан битта кўтир эчки ҳам қолмаган. Қишлоғимиз этагидаги энг яхши ерлари, тегирмонлари, бисотидаги мол-мулки, ҳатто ойисининг ва сингилларининг зебзийнатларигача, ҳовлисидаги теракларгача — ҳаммасидан айрилиб, бир зумда мулла мирқуруқ муллаваччага айланган-қолган. Қари она билан укалари эса мархум мингбоши олган ва олмаган қарзларини талаб қилиб келгучи судхўрларнинг дағдағаларидан титраб-қақшаб ўтиришибди.

Маъдихон эшон мадрасасида таҳсил кўрган бўлса ҳам, ҳали дунёнинг оқу қорасини танимаган хумкалла хонадонда қолган охириги гилам, ҳовлида ўсган охириги тераккача сотиб, отадан мерос қолган қиёмат қарздан қутулишга уринади. Бироқ ҳарчанд уринмасин, янги-янги қарзлар чиқаверади-ю, охири авахтага тушиш хавфи

туғилади. Лекин худди шу пайт окпошшо мардикорлик эълон қилади. У киши ҳам дадамларга ўхшаб укалари ва бева ойиларини очликдан асраб қолиш мақсадида икки қоп жўхори, икки қоп арпа ва бир новвос бадалига бир бойнинг ўғли ўрнига мардикорликка кетади. Дадамлар билан Ростгўйнинг мардикорликда ўтган умрларию қилган ишлари сира фарқ қилмайди.

Иккови ҳам аввал Киевда болаларга кулги бўлиб, Днепрдан шахарга ўтин ташийдилар, гарнизон офицерларига югурдаклик қилиб, этикларини тозалаб окпошшога хизмат қиладилар. Сўнг фронт орқасидаги Брянск ўрмонларида дарахт кесадилар. Бу орада иккови ҳам ўша Марксни «сув қилиб ичиб юборган» яхудий чол билан танишиб, синфий кураш ҳақида сабоқ оладилар. Улар ҳатто САКУда ҳам бирга ўқиб, бирга турадилар. Бу жиҳатдан ҳам уларнинг қисмати бир хил, фақат бир нарсада уларнинг тақдирлари бир-биридан фарқ қилади: дадамлар қамалиб, Сибирга бадарға қилинадилар ва ўша томонларда ҳалок бўладилар. Ростгўй эса... Ростгўй ҳам қамалади, аммо олти-етти ой хибсда ўтиргач, қайсидир сабаблар билан озодликка чиқади. Хулласи калом, қишлоқдан мардикорликка кетган йигитларнинг деярли ҳаммаси, бири «ўта марксист» бўлса, бири «сал берирок марксист» бўлиб, синфий кураш йўлларини обдан ўрганиб, яъни барча бойларни гадога айлантиришга астойдил бел боғлаб қайтадилар.

Бу ишда, яъни барча камбағалларнинг қорнини тўйдириб, устини бут қилиш эмас, билъакс, ҳамма бойларни гадо қилиш ишида собиқ мардикор марксистлар, айниқса, катта фаоллик кўрсатганлар, баъзилари ҳақиқат учун курашда, ҳатто қариндош-уруғларини ҳам аямаганлар. Лекин бизнинг дадамиз қишлоқда туғилган ячейка аъзоларига қўшилиб, ҳақиқат ва адолат учун кураш бошлаганларида ўз отаси сўфи бўлганини эсидан чиқариб қўйгани каби, Ростгўй ҳам, чамаси падари бузруквори мингбоши бўлганини, ҳатто «Хон тоғи» деган жойда кумушкон ишлатгани, чамаси хотирасидан кўтарилган. Оқибатда, одамлар бир йил чидайди, икки йил чидайди, кейин урилган-сурилган, ота-онаси қулоқ қилинган, мол-мулки

мусодара бўлган, кеча бадавлат ва ўртахол хисобланиб, бугун эса мулла мирқуруқ гадога айланганлар орасидан битта ақллиси чиқиб:

— Ҳой, ёронлар! — деб хитоб қилди. — Мардикорликдан мулла бўлиб қайтган бу большовойлар нима қилишяпти ўзи? Куни кеча ота-боболари даври-даврон суриб, умрлари айш-ишратда ўтган казо-казоларнинг зурриётлари ўзларини камбағалга чиқариб, бошимизда ёнғоқ чақишса? Бу дунёда адолат борми ўзи? Қани, камбағалпарвар ҳукумат?

Шу-шу, бутун қишлоқ гўё уйқудан уйғонади. «Йўк, рост, дейишади одамлар, булар большовойлар бўлиб, шоҳу гадо барчани кафангадо қилишди, ҳаммаси тўғри. Минг раҳмат бу фирқаларга. Аммо ўзлари ҳам, мардикорликка борганлари демаса, бири сўфи, бири эшон, яна бири кончи бойнинг пушти камаридан бўлганлар-ку! Буёғини нима қиламиз, ёронлар?»

— Ёзамиз! — дейди оломон.

Шу кундан бошлаб, бир оёғи Масков, бир оёғи Алмати (ундан аввал Қизил Ўрда, яъни Қозоғистоннинг собиқ маркази)га имзоли ва имзосиз, юмалоқ ва ноюмалоқ хатлар бамисоли ёмғирдай ёғилиб кетади. Бу хатлар ҳатто САКУга кириб ўқий бошлагандан кейин ҳам давом этади. Хатларнинг мазмуни худди дадамлар устидан ёзилган хатларнинг баайни ўзи. Агар дадамларга нисбатан сўфининг ўғли бўлатуриб САКУда ўқишга нима ҳаққи бор, дейилган бўлса, Ростгўйнинг устидан ёзилган мактубларда эса у фалончи мингбошининг зурриёти эканидан бохабармисанлар, бохабар бўлсаларинг нега унинг туёғини шиқиллатмайсизлар? Уни ўқишга қабул қилган кишилар жазолансин! Қабилидаги гаплар ёзилади. Оқибатда комиссия устига комиссия тузилади, текшир-текширлар бошланади. Бири фирқадан ўчирилса, бири ўқишдан четлаштирилади. Шундан кейин, одатдагидек қариндош уруғлар йиғилишиб, озгина пул тўплаб беришади-ю, (оғанилар ҳам керак бўлар экан-а) бири (кўпинча дадамлар) Алматига, Ростгўй эса Москвага адолат қидириб кетишади. Шунда деярли ҳар сафар мардикорликка борганлари жонларига оро киради-ю, бири фирқага, бири ўқишга тикланиб қайтишади.

Кўйинги, уч йил ўқиш давомида бир кун, бир дақиқа тинчлик билан ўтмайди. Фақат САКУни тугатиб, Ростгўй қайси бир республика марказий комитетига инструктор бўлиб ишга олингандагина, янги юмалоқ хат етиб боргунга қадар уч-тўрт ой тинч яшайдилар.

Бор-йўғи уч-тўрт ой давом этган бу бахтли кунлар тўғрисида Ростгўй эмас, унинг мархум кампири кўпроқ эслардилар.

Кампирнинг хикоя қилишича, Марказком ходимлари ҳар ҳафта, якшанба кунлари мўътабар идора олдидаги майдонга йиғилишиб, тайёр автобусларда тоққа, санаторийга чиқишаркан. У ерда МК ходимларини жаннатий жойлар-у, ҳатто жаннатда ҳам топилмайдиган неъматлар билан, масалан, кабоб, ош, бешбармоқ, мисоли дарёдай оқиб ётган олий нав пиволар кутаркан.

Китобхоннинг эсидан чиқмасин, бу маишат, бу жаннатий ҳаёт 31—32-йиллари Қозоғистонда, бою гадо ҳаммасининг моли бир кўрага қамалиб, (колхозлаштиришнинг қозоқча тури бўлса керак) кўпчилиги нобуд бўлган, молдан айрилган қозоқ эса, бир бурда нон излаб даштдан шаҳарларга қараб кўчган ва йўлда кўраларда қолган кўйидай қирилган бир даврда кечган.

Масаланинг энг ҳайратланарли томони шундаки, Ростгўй на бировга ёмонликни раво кўрган, на қасоскор бўлгани ҳолда, аксинча, кейинчалик кўпларга кўлидан келган ёрдамни аямаган. Йигирманчи йиллар ҳақида гап кетганда ҳеч афсусланмас, билъакс, буни яхудий марксист ўргатган синфий курашнинг табиий бир кўриниши деб биларди, холос.

Илк бор мен, агар янглишмасам, Ростгўйни 1938 йил баҳорда кўрганман. У маҳалда отамиз қамоқда эдилар. Дадамлар қамалганда Ростгўй ҳам ҳибсга олинган, лекин у олти-етти ой ўтгач қамоқдан чиқиб, Туркистонга «ёруғ юз» билан келган эди. Мен умримда биринчи маротаба бундай важоҳатли, сервиқор, камгап одамни кўришим. Унинг новча, бақувват, келишган бўй-басти, зодагонларга хос оппоқ юзи, айниқса, дўнг пешонали, катта, туксиз, сирланган хумдай силлиқ ва катта калласи менинг болалик хаёлимни лол қолдирди. Боз устига овозини кўтармай, ҳар

бир сўзни тарозига солгандай узок ўйланиб гапиришлари бу одамга айри бир важохат ва улуғворлик бағишларди.

Бир куни ойимлар, ўйнаб юрган жойимда, кўлимдан ушлаб, меҳмонхонамизга бошлаб кирдилар. Уй ним қоронғи, деразаларга қора мато тутилган, хонанинг ўртасидаги хонтахтада еттинчи пиликли лампа ёниб турар, унинг ёнида бир неча варақ қоғоз, сиёҳдон ва ручка турарди.

Марҳум волидамиз майда ёзув билан тўлдирилган икки варақ қоғозни кўлимга тутқазиб:

— Қани, кўргин-чи, ўқий оласанми? — деб сўрадилар. — Хумдай калласи билан чумоли изи қилиб ёзибди-я, мингга киргур!

Ойимларнинг куюнганича бор, хат ҳақиқатан чумоли изини эслатар, лекин ҳарфлар сара гуручдай битта-битта бўлиб ажралиб турар, уларни ўқиш қийин эмас эди.

Ўша маҳалдаги НКВДнинг бошлиғи Берия номига ёзилган бу хатда гап отамнинг тақдири ҳақида борарди. Отамлар, гарчи сўфининг ўғли бўлса-да, аслида ёшлигидаёқ ундан ажралиб чиқиб, бошқа оила курган, лекин рўзгорини тебрата олмай охир-пировардида мардикорликка кетишга мажбур бўлган, уёқдан эса чинакам қайтмас большевик бўлиб қайтиб, қишлоққа камбағаллар ҳаракатида фаол иштирок этган, кейин САКУни тугатиб, масъул ишларда ишлаган. Аммо, дейиларди хатда, қамалганига салкам бир йил бўптики, на хат бор, на хабар. Мен эсам (хат, табиий, ойимлар номидан ёзилган эди!) беш бола билан ҳам оддий, ҳам маънавий азоб ичида қовурилиб юрибман ва ҳоказо ва ҳоказо... мактубнинг баъзи жойлари, айниқса, бешта етимча билан есир қолган волидамизнинг бошидан кечираётган қийинчиликлари шундай чуқур дард билан қоғозга туширилган эдики, кўзимдан ёш чиқиб кетди.

— Қандай, яхши ёзибдими? Даданг большевик бўлганини, САКУни битирганларини битиптими?

— Ёзипти! Ҳаммасини ёзипти!

— Ёзган бўлса, мана бу қоғозга кўчир. Шошмай, бе-хато кўчир. Мен эшикни ёпиб, ташқаридан қулфлаб қўяман!

Мен ойимларга савол назари билан қарадим. Ойимлар қоқсуяк кафти билан бошимни силадилар:

— Шундоқ қилмасак бўлмайди. У кишининг дастхатини таниб қолишса, қайта қамаб қўйишлари мумкин эмиш! — ойимлар шундай деб, хонадан чикдилар.

Мен не азоблар билан хатни кўчириб чиқдим, кейин хатни қайси бир китоб орасига солиб, китобни рўмолга ўраб, ойимлар билан бирга Ростгўй ҳузурига бордик.

Ростгўй машҳур отасидан қолган ва укалари яшаб турган ҳовлининг улкан меҳмонхонаси тўрида, кўзида кўзойнак, илгаригидан ҳам важоҳатли бир алпозда китоб мутолаа қилиб ўтирарди.

У хатнинг мен кўчирган нусхасини шошмай ўқиб чиқди, сўнг, узок сукут саклагач:

— Хато кўп. Саводинг яхши чикмапти-ку хали! — деди қовоғини уйиб, лекин шу захотиёқ: — Майли! — деб қўшимча қилди. Имло хатоси кўп бўлса ҳам, мазмунга путур етмапти. Бир жихатдан шундай бўлгани тўғридир.

Ростгўй шундай деб, хатни конвертга солди-да, эҳтиёти шарт, сўзма-сўз айтиб туриб, адресни ҳам менга ёздирди. Эртасига қариндошларимиздан бири Туркистонга бориб, хатни Тошкент—Москва поездининг почта қутисига ташлаб келди. •

... Шундан кейин анчагача у кишини кўрмадим. Бу орада уруш бошланди. Кўп йигитлар, улар қатори Ростгўйнинг иккита укаси урушга кетишди.

Ростгўй, эшитишимизга қараганда, Тошкентда қайси бир институтда дарс берар, унинг ёлғиз ўғли ҳам фронтда эди. Ўзи бот-бот, айниқса, шаҳарда кун кўриш қийинлашган пайтларида қишлоққа келиб, бир ой-ярим ой укалариникида туриб кетарди. У укаларининг оиласидан хабар олиб, уларга ёрдам бериш мақсадида келар, қўлидан ёрдам келмас, чунки бу пайтга келиб, Ростгўй ва унинг фаоллари ё бу раҳбарлар ёхуд уларнинг ота-бувалари билан шафқатсиз курашган, хуллас ҳамма ёғлиқ жойларни йигирманчи йил инқилоб чавандозларининг душманлари ёхуд душманларининг фарзандлари эгаллаб олишганди.

Бу ҳам етмагандек, уст-бош ҳам, важоҳат ҳам илгаригидай эмас. Ҳамон ўша алпкелбат, ҳамон ўша хумкалла бўлса-да, эғнидаги пальтонинг охори тўкилиб, енг учлари ва ёқаси қирилиб қолган, қорақўл телпакнинг туклари

тушиб, кўп жойларининг териси кўриниб турар, этик ҳам пошнаси қийшайиб, оёқда аранг туради. Собик салобатдан фақат «доцент» деган ном қолган, аммо яхши, пок одамлар фронтга кетиб қишлоқда ўзи бек, ўзи хон бўлиб олган пошшолар учун «доцент» унвонининг нима аҳамияти бор?

Билмадим, эхтимол янглишарман. Аммо гоҳо-гоҳо мен бу қайсар, ўжар, ҳақиқатан ҳам ҳақгўй бу одамни эсласам ўша йиллари унга нақадар қийин бўлганини ўйлаб, юрагим ачишади. Ҳақиқатан, бир маҳаллар қишлоқда от ўйнатиб, мажлисларда оташин нутқлар ирод қилиб, бой-қулоқларни шафқатсиз фош этиб, нечтасини бадарға қилган бу чин большевик энди у ерда эски пальто, бошида чармлари кўриниб турган эски телпак, ўша, ўзи кулоқ қилган бой ва зодагонларнинг фарзандлари ва фарзандларининг фарзандлари олдига бир пуд-ярим пуд дон-дун сўраб кириш унга нақадар оғир бўлдийкин?

Киришдан аввал бу мағрур, қайсар одам қай ўйларга бордийкин, ёшлиқда қилган ишларини эслаб, қанча иккиланмади, қанча қийналмадийкин? Ҳақиқатан, революциядан кейинги бу етмиш йил не кўйларга солмади? Кеча бой бўлган эртасига камбағал бўлди, эртаси камбағал бўлган бугун бой бўлиб, кечаги «душман»ларидан қасд олди. Ҳей фарзандларим, ҳеч кимга, ҳеч қачон, ҳеч бир вазиятда ёмонлик қилманглар! — дейман буни ўйлаб. Ахир Ростгўй ва унинг дўстлари одамларга фақат ёмонлик қилган эмас, кўпларга яхшилик ҳам қилган, ўзиям фақат қаттиққўл эмас, оқ кўнгил, содда жиҳатлари кўп эди-ку.

Ҳозир ёдимда йўк: қирқ иккинчи йилнинг декабрь ойими ё қирқ учинчи йил январь ойининг бошларимикин. Қош қорайиб қолган, қор бўралаб ёғарди. Ростгўйнинг поччамдан катта укасининг кенжа ўғли ойимларни йўқлаб келиб қолди.

Ростгўй ойимларнинг тез етиб келишларини илтимос қилган эмиш!

Ҳар куни битта-иккита қора хат келиб, қишлоқда битта-иккита хонадон қон ютиб турган мудхиш пайт!

Волидамиз: «Тағин нима балони топди бу хумкалла!» деб пўнғилладилар-да, менга, чопонингни кий, бирга кириб чиқайлик, деб буюрдилар. Бирга уйдан чикдик. Мархум

волидамиз чамаси нохуш бир гап борлигини сезсалар керак, бошларида нимча, оёқларида сирпанчик калиш, ҳар қадамда бир тойиб, аранг юриб борардилар. Биз билан Ростгўйнинг уйлари «тегиб турар жой», нари борса бир чақирим келарди, бироқ қани бу масофани босиб ўта олсак-чи?

Нихоят, қоронғида Ростгўйларнинг ховлиси ва кўчага қараган кўш тавақали нақшинкор дарвозалари кўринди. Худди шу пайт, биз дарвозага яқинлашиб қолганда, ичкаридан қоронғу кечани зир титратгувчи бир фарёд эшитилди. Дарҳол опамларнинг овозини танидим. Волидамиз ҳам танидилар чамаси, сирпанчик калишлари қорда баттар сирпаниб, эмаклагудек бўлиб ичкарига талпиндилар.

Мен умримда жуда кўп фожей ҳолатларнинг гувоҳи бўлганман. Жуда кўп фарёдларни эшитганман, жуда кўп мотамларни кўрганман. Аммо бунақа юракни тилка-пора қилувчи ҳолатни кўрмаганман.

Биз кирганда опамлар, кўйлагининг ёқаси чок, юзлари тимдаланган, сочлари паришон, ялиниб-ёлворган бир уй хотин билан олишар, дам ўзини деразага отиб, темир панжараларни силкитар, дам панжарасиз деразага интилиб, ўзини ташқарига отмоқчи бўларди. Эшикдан кирган ойимларнинг:

— Қизим! Сенга нима бўлди, оппоқ қизим? — деган титроқ овозини эшитиб, опамлар бир дақиқа жойларида қотиб қолди-да, сўнг: «Ойижон!» деб нидо қилдилар-у, уни ўраб олган хотинлар қўлига беҳуш йиқилдилар. Мен дод солиб юборишдан кўрқиб, ярим қоронғи дахлизга чекиндим. Зум ўтмасдан ичкаридан яна опамларнинг зорли йиғиси, кейин волидамизнинг фавқулодда қаҳрли, эркакларча ўқтам овози эшитилди:

— Қанақа қора хат? Қани у миясини еган қоқбош?.. Волидамиз, бўйи бир қаричгина, қоқ суяк аёл, бошидаги рўмоли бир томонга оғиб кетган, сочлари тўзғиган, мушлари тугилган, уйдан қафасдан чиққан шердай отилиб чикди, кўзлари аллақандай чакнаб:

— Қани у хумкалла? — деб сўради. — Қилгуликни қилиб қўйиб, қаёққа бекиниб олди, у?..

Шу пайт, чап кўлдаги хонанинг эшиги очилиб (бу хонада урушга кетгунча поччамлар опамлар билан яшардилар), остонада Ростгўй кўринди. Алп гавдаси чўрт синган чинордай икки букилиб, чўкиб қолган, ялангбош, хумдай калласини сарак-сарак қиларди.

— Кел, оксокол, (у киши ойимларга ўзгача хурмат билдириб, шундай деб чакирардилар) ичкарига кир, — деди Ростгўй, аллақандай синик, ёлворган, йиғламсираган товушда. — Мен ҳозир ҳаммасини тушунтириб бераман сенга, оксокол!

Ойимлар бошидан оғиб кетган рўмолини тўғирлаб:

— Нимани тушунтирасиз? — дедилар овози титраб. — Хумдай каллангиз бор-у, тариқдай ақлингиз йўқ! Кимларга қора хат келмаяпти, ҳозир! Бугун қора хат келса, эрта тескариси келаяпти. Хато қипмиз, кечирасизлар, фарзандингиз тирик экан, ярадор бўлган экан, деган хабар келаяпти. Эртага куёвим тирик қайтиб келса, унинг юзига қандай қарайсиз, худо савлат бериб, ақл бермаган, эшон!

Ойимлар: «Эртага бу қора хат ёлғон чикса, куёвимнинг юзига қандай қарайсиз» деганда опамлар йиғидан тўхтади-ю, қаердандир йиғилган бир уй хотин — ҳаммаси бирдан жимиб қолди.

— Ё туғишган жигарингизга элдан бурун аза очиб, ёш қизимни бева қилмоқчимисиз, қоқбош?

— Оксокол! Сизга нима бўлди, оксокол?

— Қани ўша қора хат ўлгур? — дедилар ойимлар, Ростгўйнинг илтижоларига қулоқ солмай.

Ростгўй болаларча бир итоаткорлик билан ён чўнтакларини ковлаштириб, бир парчагина қоғоз чиқариб берди. Ойимлар уни олдилар-у:

— Мана сенга қора хат! Ёлғон хат, ёлғон хат! — дедиларда, жаҳл устида хатни майда-майда қилиб йиртдилар ва оёқлари остига ташлаб, тепкилай бошладилар. Сўнг чамаси ҳолдан тойиб, қиблага юзланиб тиз чўкдилар-у:

— Илоё, бу шум хабарни ёзганларнинг қўли синсин! — дея фотиҳага кўл очдилар. — Э, кудратингдан ўргилай, яратгувчим, куёвимни ўз паноҳингда асрагайсан. Бу шум хабар ёлғон чиқиб, дўстлар шод, душманнинг кўкси чок-чок бўлсин! Илоҳо омин!

Мен ялт этиб, Ростгўйга қарадим. Дахрийликда ҳаммага сабоқ бериб, кишлоқда қайсики мулла бўлса, ҳаммасини калака қилиб юрадиган Ростгўй ойимларга қўшилиб юзига фотиҳа тортмоқда эди!

Агар янглишмасам Ростгўй ўша кечасиёқ «ўз» Тошкентига жўнади. Сал ўтмай мен ҳам урушга жўнадим-у, Ростгўй билан фақат армиядан қайтгандан кейингина кўришдим.

Бу пайт ёлғиз фарзандлари ва иккала укаси урушдан қайтмаган Ростгўй билан унинг кампири ўзларини жуда олдириб, жуда мункайиб қолишган, аммо, шунга қарамасдан марксист-файласуфнинг вазоҳати ва салобати ҳамон кишини хайиқтирар эди!

Эр-хотинга Карл Маркс кўчасидаги «Москва» кафе-сининг орқасидан ҳозирги «Зарафшон» ресторанининг рўпарасидан зах, қоронғи, лекин ҳар қалай, турса бўладиган бир хонали жой беришган экан. Унга фақат битта темир каравот билан битта хонтахта сифар, қолган жойга — ердан шифтгача китоб терилган эди.

Урушдан кейинги қирқинчи йилларнинг охири, эллингинчи йилларнинг боши эди. Биз, сира қорнимиз тўйиб овқат емайдиган мулла мирқуруқ студентлар бот-бот Ростгўйни кўргали борардик. Кампир ниҳоятда пазанда, қилган овқатига еб тўйиб бўлмас эди. Чол-кампир, айниқса, суҳбатни бой-қулоқларга қарши шафқатсиз кураш йилларини эслашни яхши кўрадиган метин большевик Ростгўй бизни очик чехра билан қарши олишар, баҳоли қудрат меҳмон қилишарди.

Ростгўй, айниқса, мени ўзига яқин оларди. Эҳтимол, мен, ҳар қалай, унинг инқилобий ишларига шерик бўлган дўстининг фарзанди бўлганим учундир, эҳтимол бўлғуси ёзувчи сифатида кишлоқ большевикларининг жанговар тарихий саҳифаларидан бохабар бўлишни истаганлигим учундир, узоқ-узоқ суҳбатлашиб турарди. Лекин ундай десам... Ростгўй менинг ёзувчиликни ҳавас қилишимни кўп хушламас, аксар пайтлар ёлғиз қолганимизда уёқ-буёққа аланглаб:

— Сен шу ишга бекор ихлос қўйдинг-да, болам! — дерди астойдил куйиниб.

— Нега...

— Негаки... — шўрлик Ростгўй яна ён-верига қараб оларди. — Негаки, ҳамма яхши ёзувчилар ҳамиша қамалган, отилган. Сен ҳам... Хулласи, калом, истеъдодли одамни ким яхши кўради? Нима кўп — истеъдоднинг душмани кўп!

Гоҳо-гоҳо, айниқса, кампир ош қилган кунлари, Ростгўй эриб кетиб, кампирга бир шиша олдиради. Ош дамланиб, қиттай-қиттай қилганимиздан кейин Ростгўй кампирга эшик ва деразаларни кулфлатиб, каравотдаги эски, қалин адёл билан биттаю битта деразани ёптирар, кейин оғзини қулоғимга тақаб дегандек, «кўшни уй»да ўтган воқеаларни хикоя қилишга киришарди. Ростгўйнинг қўшни уй дегани у яшаб турган ғариб кулбанинг шундоқ биқинига жойлашган ва ўша маҳалда вазоҳатидан эшак хуркадиган бетон қаср бўлиб, машъум ўттиз еттинчи йилдан бери бу бино НКВДга қарар эди.

Қизиқ нарса бўлар экан одамзод! У бошидан ўтган ҳеч бир воқеани — шодлигини ҳам, мусибатни ҳам, алам ва ситамларни ҳам — ҳеч нарсани ичига сиғдира олмас экан, агар ичига сиғдираман деса, чамаси, елга тўлган пуфакдай тарс ёрилиб кетса керак.

Хуллас, эшикка зулфин осилиб, деразага қалин адёллар ёпилгач. Ростгўй девордан сал берироққа сурилиб (у киши «деворнинг қулоғи бор», деган гапга жуда ишонар. Унинг айтишича, бир хонага тикилган бандилар иккинчи хонадаги маҳбуслар билан деворга стакан тутиб ва бу стаканга кулоқларини қўйиб, ҳамма янгиликларни эшитиб ётганлар. Лекин биз ёшлар Ростгўйнинг бу гапига унча ишонмас, чунки уйда унинг усулини синаб кўриб ҳеч бир натижасини кўрмадик), хикоясини бошларди. Аммо бу машъум стакандан қатъи назар, Ростгўйнинг «кўшни қаср»да, тўғрироғи, бу қасрнинг фақат бетондан иборат дахшатли ертўлаларида ўтган саккиз ойлик қийноқ ва ситамлар ҳақидаги хикоялари кишининг этини жунжиктириб, юрагини совуқ ваҳимага соларди!

Ростгўй ҳар сафар, хоҳ хикояни бошлашдан олдин, хоҳ хикоя давомида бўлсин, бир гапни камида ўн марта шивирлаб такрорларди:

— Бу гап ўртамизда-а? Агар оғзингдан чиқиб, уларнинг кулоғига етиб боргудек бўлса, билиб қўй, ёлғиз мен эмас, сен ҳам отилиб кетасан!

Соддаликни қаранг! Мен ўша суҳбатлар эсимга тушаркан, Ростгўйнинг болаларга ўхшаб кетадиган томонларидан ханузгача ичимда «қотиб-қотиб» куламан. Ахир... агар у «бола» бўлмаса менинг бу гапларим, яъни фақат мен эмас, сен ҳам отиласан, деган гаплари кўнглимга озор беришини наҳот тушунмаса? Йўқ, бу фикр хаёлига ҳам кириб чикмас эди.

Ниҳоят, таҳдид ва танбеҳлар тугаб, Ростгўй ковоғини солиб:

— Уқдингми? — деб сўрарди. — Агар уққан бўлсанг... Қани ол, ошдан аввал жиндай қоринни жизиллатсин! Аммо билиб қўй, бундан кейин олмаймиз! Яхши нарса-нинг ози яхши! — дерди у, файласуфона донолик билан, аммо ҳозиргина айтган гапи эсидан чиқиб, қорин ҳали жизилламасдан туриб, қадахларни яна тўлдирарди:

— Қани ол! Нима бало, бемазасидан олганми, дейман, кампир! Жизиллатмаяпти-ку бу! Хўп, яна биттадан олайлиг-у, бас қилайлик! — дерди у, аммо айтган гапи ёдида йўқ, дарҳол яна биттадан қадах тўлдирарди.

Ниҳоят бу иш ҳам тугар, қоринлар жизиллаб, орамизда ажиб бир яқинлик пайдо бўларди. Шундан кейин Ростгўй овозини боягидан ҳам пасайтириб ва ҳар икки минутда бир адёл ёпилган дераза томон ўғринча кўз ташлаб, уйнинг рўпарасидаги даҳшатли бинода, унинг цемент поли, бетон деворли, деразасиз подвалларида чеккан азоблари, терговчиларнинг кийноқлари, улардан еган тепкилари, эшитган ҳақоратлари ҳақида одатий хикоясини бошларди. Бу хикояларни кейинчалик, шахсга сиғиниш фош этилгандан кейин, айниқса, қайта қуриш бошлангандан сўнг пайдо бўлган беҳисоб қамоқхоналар ва шимол лагерлари тўғрисида ёзилган роман, қисса ва эсдаликларнинг баайни ўзи деса бўларди. Ўша-ўша, тўрт-беш қаватлик канахонага айланган ётоқхоналарда бир қарич жойга икки киши «пресс» бўлиб, кимир этолмай ҳафталаб ётишлар, биттаю битта ертўлага канорга тикилган ғўзадай тикилган эллик-олтмиш одамнинг тер ҳиди (дунёда ойлаб ювинмаган одам

боласининг терлашидан ёмон кўланса хид бўлмайди, ўғлим, билиб кўй!) бит ва каналардан чеккан изтироблар, боз устига терговчилар зуғуми...

— Э, худо кўрсатмасин! — дерди Ростгўй, худога ишонмаслигини эсидан чиқариб, — ҳеч бир инсон боласининг бошига тушмасин. Мана, сен ёзувчи бўлиш орзусида юрибсан. Яхши. Аммо энг кўп қамалганлар ёзувчилар эканини биласанми?

— Биламан, — дейман кўнглим гаш бўлиб.

— Улар... союзларингдаги катгаларингни айтаман, пешонангда «халқ душманининг фарзанди» деган тамға борлигини биладими?

— Буни мендан ҳали ҳеч ким сўрагани йўқ...

— Ҳа, балли! — дерди Ростгўй, дўнг пешонасини меҳр билан аста силаб, — ахир бир кун сўрашади. Шунда нима дейсан?

— Нима дердим, ҳақиқатни айтаман.

Ростгўй оғир хўсиниб, қадахларга яна киттай-киттай куяди-да:

— Айтасан-у... айтган кунинг тугайсан! — дерди. — агар союзларингга аъзо бўлсанг ундан ҳайдашади, ҳайдашса ҳам майли... — У ҳайдашганларидан кейин нима бўлишини айтолмай чайналарди, — ҳай майли, тақдирингдан кўрарсан, болам!

Ким билсин, агар тезда Сталин ўлиб, бахтимга Берия фош этилмаганида Ростгўйнинг соддадиллик билан айтган бу совуқ башорати рўёбга чиққан бўлармиди? Ростгўйга менинг «ижодим» унча хуш келавермас, ўша пайтларда ёзган асарларимни енгил-елпи, нождий асарлар, деб ҳисобларди.

— Сен ёзадиган бўлсанг улуғ инқилоб тўғрисида ёз! — дерди у қовоғини уйиб. — Ўша мураккаб даврлардаги шафқатсиз синфий курашлар ҳақида ёз. Мисол учун... Мардикорликдан, чинакам марксистик тўғаракларда иштирок этиб, ҳақиқий марксист, ҳақиқий большевик бўлиб қайтган бизларга ўхшаш инқилоб фидойиларининг қишлоқда қилган революцион ҳаракатларимиз, бой-қулоқларга қарши олиб борган шафқатсиз курашларимиз тўғрисида ёз! Бу нима — севги-певги, икир-чикир шу ҳам мавзу бўлдими?

У маҳалда Ростгўйнинг бу гапларига қарши бир нарса дейиш жуда қийин эди. Шундай бўлса ҳам, мен шафқатсиз синфий курашларда ўзини инқилоб йўлига бағишлаган дадамларнинг тақдири нима бўлганини жуда секин, зўр эҳтиёткорлик билан эслатардим.

Ростгўй кўзини юмиб, узок сукутга толар, хижолатомуз йўталар, бироқ ўз фикридан қайтмас эди.

— Тўғри, отанг масаласи нозик масала. Аммо... отанг ўрнида оталик қилаётган, сени текин ўқитиб, текин тарбия қилаётган давлат бор-ку! Ўша аёвсиз синфий курашлардан эсон-омон чиқиб, ҳозиргача бу ишни давом эттираётган пок марксистлар, ҳалол ленинчилар бор. Ўшалар ҳақида ёз, дерди у, чамаси ўзини ҳам назарда тутиб. — Ё бир умр бу икир-чикир, севги-певги тўғрисида ёзмокчимисан?

Хулласи калом, бир неча йил мана шунақа мунозаралар билан ўтди. Бу ўртада мен нечта «классик» пьесалар ёздим, бу пьесалар энг мўътабар театрларда қўйилиб, чўнтакка жиндек пул тушди. Пул тушгач... «Қозоқ бойиса хотин олар, ўзбек бойиса уй қураб», деган қонунга бўйсуниб, камина участка олдилар, маҳаллани йиғиб ош берадиган бўлдилар. Ҳовли тўйида Ростгўйнинг қатнашиши фарз ҳам қарз. Тўйга айтгали бордим, борсам... қўлида ўша пайтлар алоҳида китоб тарзида нашр этилган «Мирза терак», деган хикоям, ним қоронғи уйда хаёлга толиб ўтириптилар.

Менинг ҳовли тўйи ҳақидаги гапларимни эшитиб, Ростгўй хумдай катта, туксиз бошини узок силади, сўнг:

— Ҳовли тўй, дабдаба! — деди энсаси қотиб — Ёш бошинг билан сенга нима керак бу асъасаю-дабдаба!

Мен довдираб қолдим.

— Ҳа, шу... маҳаллачилик. Маҳаллада шунақа расм бор экан!

— Расм-русум! — деди Ростгўй кесатиб. — Қачонгача биз шу эски урф-одатларнинг қули бўламиз? Тағин бу ёш адиб эмиш! — деди у ва қўлидаги китобчани қўлида силкитди.

— Бу нима?

— Китоб!

— Китоб эканини кўриб турибман. Қанақа китоб?

Мен талмовсирай бошладим.

— «Мирза терак»... Рамзий ном... хикоя.

— Ҳикоя эмиш! — деди Ростгўй, астойдил жаҳли чикиб. — Ҳикоя эмас — ғирт ёлғон! Уйдирма гап! Сафсата!..

Кейинчалик Ростгўйнинг аччиқ дашноми сал кўнглимдан чикқач, мен унинг ҳақ эканини тан олдим, албатта. Ҳикоя ҳақиқатан ҳам сал уйдирма воқеага қурилган эди. Мирза терак лақабли йигит билан тил топишгач, чиройли бир қиз унинг рашкини келтириш учун бошқа йигитлар билан ҳам нозу карашма қилиб, ширинсуханлик қилади. Қизнинг бу ўйинларини чин деб тушунган йигит эса, бундан каттик изтироб чекади, лекин охир пировардида «ўйин» ошкор бўлиб, севишганлар апоқ-чапоқ бўлиб кетишади.

50-йилларда ҳамма ёш адиблар ёзиб юрган китобий ҳикояларнинг биттаси. Улардан яхшиям эмас, ёмон ҳам!

Аммо... аммо ўша дақиқалардаги менинг ҳолатим! Ростгўй қанчалик адолатпарвар бўлмасин, менинг ҳолатимни жиндай «тушунди» шекилли, тўсатдан юмшаб:

— Ҳай, — деди хўрсиниб. — Бўлар иш бўпти! Ғишт қолипдан кўчипти. Аммо бундан буёғига эҳтиёт бўл! Отанг билан биз олиб борган инкилобий, синфий курашлар турганда...

Қисқаси, мен ҳам юмшадим, Ростгўй ҳам юмшаб, кечкурун тўйга борадиган бўлди.

Тўй воқеаларидан аввал битта муҳим тафсилотни айтиб ўтишим лозим. Гап шундаки, мен ҳовли олган маҳаллада зиёлилар жуда кам бўлиб, кўпчилиги «ишчилар синфи» вакиллари: қурувчи, дурадгор, новвой ва бошқа касб эгалари туришар, шу боисдан «маҳаллага ёзувчи кўчиб кепти!» деган хабар маҳаллада анча-мунча яхши-ёмон шов-шувга сабаб бўлганди.

Тўй бошланди. Бошланиши биланок, барча тўйларда бўладигандек мактовлар аста-секин авжга чиқа бошлади, қиттай-қиттай олингандан кейин эса, камина, оддий ёзувчидан «халқимизнинг сеvimли фарзанди», «замонамизнинг буюк адиби» даражасига кўтарила бошладим...

«Сал ошириб юборишяпти-ю, аммо-лекин... Ростгўй ҳам билиб кўйсинлар-да, каминанинг халқ орасидаги ҳурмат-эътиборини!..»

Тўғриси, гуруҳ-гуруҳ бўлиб ўтирган соддадил ишчи йигитлар билан қиттай-қиттай қилишиб, даврадан-даврага

ўтиб, чакчаклашиб юриб, Ростгўй хаёлимдан кўтарилган экан, бир маҳал микрофондан унинг:

— Ўртоқлар! — деган вазмин, ҳамиша сокин овози эшитилиб, негадир юрагим «шув» этди.

— Ўртоқлар! — такрорлади Ростгўй, овоз пардасини хиёл кўтариб. — Тўғри, бугун яхши тўй бўляпти! Мен хурсандман. Уй эгаси, ёш адибга янги зафарлар, янги ижодий парвозлар тилайман, ўртоқлар. Лекин ортиқча мактов ҳеч қачон яхшиликка олиб бормаган. Қош кўяман, деб кўз чиқариб қўймайлик, ўртоқлар. Биз ҳамиша адолатли бўлмоғимиз даркор, ҳалол бўлмоғимиз жоиз. Демокчиманки, хонадон бошлиғи ёш адибни шахсан мен буюк адиб, деб таърифлаган ўртоқларнинг таърифига сира қўшила олмайман. Халқимизда дўст ачитиб гапирди, душман кулдириб, деган нақл бор. Мен шу нақлга қўшилиб айтмоқчиманки... Бугун тўй бераётган ёш адимиз буюк адиб даражасига кўтарилиши учун ҳали кўп тер тўкмоғи, кўп ижод захматларини чекмоғи лозим! Умуман, ёзувчи, ёзувчи бўлиши учун ҳар қанча адолатли бўлмасин, — киттай ошириб юборганини сезиб қолди чоғи, сўз қидириб, талмовсиради. — Умуман, мен уни ёзувчи эмас, демокчи эмасман, аммо-лекин, мана масалан, унинг «Мирза терак» деган сўнги китобини олайлик! Шуям китоб бўлдими, ўртоқлар!.. Қандайдир бир киз қандайдир бир йигитнинг рашкини келтираман деб бошқа бир йигит билан «ҳангомалашиб» юрармиш. Шуям гап бўлдими, шуям асар бўлдими, ўртоқлар? Адабиёт учун жуда катта инқилобий мавзулар тўлиб ётган бир маҳалда, синфий курашларда тобланган биз... яъни ажойиб кексалар ҳаёти турганда... нахот шундай ипринди-сипринди мавзуларни адабиётга олиб кириш адолатдан бўлса, ўртоқлар! Мен ёш адибдан бу хато йўлни тарк этиб, тўғри йўлга тушиб олишини истардим, азиз ўтоқлар!..

Яна қарсақлар янгради. Чамаси даврада ўтирган адабиётдан йирок, соддадил йигитлар, Ростгўй яхши гапирди, деб ўйлашди шекилли, секин бошланган қарсақлар гулдурсога айланиб кетди. Билишимча, Ростгўйнинг нутқини биров тушунса, биров тушунмади, чунки у кишининг оташин, адолатли, ҳақгўй нутқидан кейин сўзга чиққан нотиклар, яна ўша, аввалги алпозда давом эттираверишди.

— Мана энди бизни маҳаллада ҳам ўз ёзувчимиз бор. Биз бундан ифтихор қиламиз, ўзимизни бахтиёр деб ҳисоблаймиз, чунки маҳалламизда на газ бор, на водопровод! Умид қиламизки, истеъдодли ёзувчимиз бу ишларда бизга катта ёрдам берадилар. Улкан ёзувчимизга соғ-саломатлик ва омад тилаймиз!

Ростгўйнинг адолат учун айтган қизгин нутки мени қанчалик изтиробга солса, унинг принципиал гапларини инкор этувчи бу ҳамду санолар унга шунчалик оғир тегди, чоғи. Ош тортилмасданок ўрнидан турдилар.

Сабаби ёшлик, мен ўзимни голиб, Ростгўйни мағлуб, деб ўйласам керак, лабимда мағрур кулимсираб, уни кўчага кузатиб чиқдим.

Ҳовли чароғон, қийқирик, кулги. Кўча нимкоронғи, фақат эшикда бир нечта хизмат қилувчи кексалар ўтиришипти. Улар, чамаси, Ростгўйнинг нутқини ё эшитишмаган ёки эшитишса ҳам, унинг мазмунини теран идрок этишмаган, ҳаммаси баб-баравар қўл ковуштириб, ўринларидан туришди.

Ростгўй хомуш, ҳатто бироз ғамгин деса ҳам бўларди:

— Майли, омон бўл, болам, — деди у, қаттиқ уф тортиб. — Қирғоқни тошқин бузади, одамни мактов, деган эскилар. Агар сен ҳақиқатан ёзувчи бўламан десанг, бу баландпарвоз гаплар-у, бу сохта ҳамду саноларга учаверма! Отанг билан бизнинг ишларимиз, синфий душманларга қарши олиб борган курашимиз, умуман, инқилоб мавзуси турганда «Мирза терак»ка ўхшаш ҳар хил бачкана нарсаларни ёзавермай, жиддий масалаларга ўт! Хўп, омон бўл, болам...

Кейинчалик мен ўша оқшом Ростгўйнинг гапларига беписанд қараб, ичимда ундан кулганларимни эслаб, кўп афсус чекдим, хижолат тортдим. Лекин ўша онларда тўй авжига чиқиб, жанобларининг шаънига айтилаётган мактов ва ҳамду санолар тобора юқори пардаларга кўтарилаётган бир дамда мен унга тан беришим мушкул эди, албатта. Шу боис мен у киши билан совуққина хайрлашиб кўя қолдим.

Ростгўйнинг Хрушчевга, айникса, унинг XX ва XXI съездларда қилган докладларига муносабати ҳам жуда қарама-қарши ва зид бўлди. Аввал бошда Ростгўй Хрушчевни, айникса, унинг «халқ душмани» деган иборасини

қоралаб, бегуноҳ камалган ва отилганларни оклаганини мақтаб юрди. Лекин кейинрок, Сталинни қоралаш кўпайиб кетгандан кейин, Хрушчев ва унинг ишлари Ростгўйга ёқмай қолди. Ундай мингта Хрушчев битта Сталин бўлмайди-ю, қилаётган ишини қара, деб сўкинадиган одат чиқарди. Ростгўй, чамаси, бу гапларнинг ҳаммаси бир кун эмас, бир кун инқилоб даврида, синфий кураш баҳона қилинган ноҳақ ишлар ва бу ишларнинг тепасида турган чаламулла марксистлар ҳам таёқ ейишини кўнглининг бир чети сезар, лекин қанчалик ҳақгўй бўлмасин, тарих филдирагининг бундай тесқари филдирашини сира-сира истамас эди! (Хайрият, бугунги ошқоралик даврига етиб келмади, етиб келганда билмадим, нима қиларди, шўрлик чол?)

Баъзан Хрушчевнинг бирорта мақоласини ўқиган пайтларида:

— Қазисан, қартасан, ахир аслингга тортасан, — дерди жиғибийрон бўлиб. — Чўчкабоқардан чиққанман, деб мактанайди-ю, нодон? Чўчкабоқардан нима чиқарди?

Агар сиз мабодо эътироз билдириб:

— Ахир марксча таълимотда айтилган эмас, ҳамма ақл-заковат камбағалда, йўқсил синфда жамул-жам бўлган деб? — десангиз, Ростгўй баттар қизишарди:

— Маркс деган бўлса дегандир! Аммо-лекин Маркс бу фикрни ишчилар синфига эрк бериш, эрк бериб синфни илму маърифатга ошно қилиш шарти билан боғлаган! — деб ўшқириб берарди. — Ҳеч ким фақат камбағал бўлгани учун давлат тепасига чиқишга ҳаққи бор, деган эмас Маркс. Деган бўлса кўрсат қани? — деб талаб қиларди у. Аммо масалада қанчалик қизишмасин, марксизмни қанчалик химоя қилмасин, уни қандайдир шубҳа ич-ичидан кемираётгани кўп хаёлга чўмиб ўтиришидан, хомушлигидан, ғамгинлигидан билиниб турарди.

Фақат кундалик ҳаётда ўша-ўша, ҳақгўйликда ва адолатпарварликда тенгсиз, қинғир ишларни сезса ҳеч кимни, ҳатто ўз жигарбандларини ҳам аямас, бу масалада илгаригидан ҳам қайсарлашган эди.

Ҳикоянинг бошида айтганимдек, иккита укаси етмагандек, биттаю битта ўғли ҳам урушда ҳалок бўлган,

эндиликда ундан фақат бир киши, катта укасининг ўғли хабар олиб, рўзғор ишларида ёрдам бериб турарди.

Қишлоқда нуфузли ишларда ишлайдиган жуда бообрў йигит Ростгўйни ниҳоятда ҳурмат қилар, Ростгўй ҳам уни қадрлар, аммо агар гап бирор «принципиал» масалага бориб тақаладиган бўлса, уни ҳам аямас эди.

Ростгўй ҳар йили ёзни қишлоқда, отамерос ҳовлида, яъни ҳалиги жиянининг хонадонида ўтказарди (у умрида бирор марта курортга бормаган, зотан курорт нималигини билмаган бўлса керак!)

Жияни Ростгўйни ҳурмат-эътибор билан кутиб олар, бутун оила унинг хизматида бўларди. Шунга қарамай ҳар сафар бирор «принципиал» масалада келишмовчилик юз берарди-ю, орадан ўт чиқиб, анча вақт амаки-жиян аразлашиб юришарди.

Бир сафар жиян, агар янглишмасам, ўғил тўй қилади.

Эрталаб наҳорга ош берилади. Ростгўй боғнинг тўрида, қариялар даврасида савлат тўкиб, жанговар инқилобий йилларни эслаб, ҳаммани оғзига қаратиб ўтиради. Пешиндан кейин кечки базмга тайёргарлик бошланади. Боғ ўртасига гир айлана стол-стуллар қўйилиб, дастурхонлар ёзилади. Бир маҳал, бир нечта йигитлар кўчадан кути-кути арақ ташиб кира бошлайдилар. Қасдига олиб, қутиларни Ростгўй ўтирган баланд сўри ёнига тахлайдилар. Ростгўй қовоғини уйиб, зимдан кузатиб ўтиради. Қутилар сони йигирмага етганда Ростгўйнинг бардоши тугайди. У қовоғидан қор ёғиб, жиянини олдига чақиради:

— Булар нима?

— Арақ, — дейди жияни ўзини гўлликка солиб.

— Арақ эканини кўриб турибман! — дейди Ростгўй, овозини кўтариб. — Кўр эмасман! Аммо шунча арақни қайси пулга олдинг?

«Принципиаллик» ва тезликда амакисидан қолишмайдиган жиян, коса тагида нимкоса борлигини сезади-ю, бирдан портлаб, ҳужумга ўтади.

— Қайси пулга бўларди? Ўғирлик пулига!

— Сен менга кесатма! — дейди Ростгўй. — Ундан кўра ойлик маошингни айт! Неча пул оласан ойига?

— Бу, давлат сири! Айтолмайман, — дейди жиян яна кесатиб.

— Нохалол бўлгандан кейин айтолмайсан-да! — дейди адолатпарвар кекса большевик. — Камина... Катта бир институтнинг доценти бўла туриб, ойига уч юз эллик сўм оламан. Икки одамни уйимга чакириб меҳмон қилишга қурбим етмайди. Сен бўлсанг... йигирма қути арак бериб, икки юз кишини маст қилмоқчисан! Мени кечирасан, жиян, аммо мен бундай базм, пул деган сомондай совурилайётган ноҳалол тўйда иштирок этолмайман. Каминага рухсат берасан!

Ростгўйнинг бу адолатсиз гапларидан жони халқумига келган жияни:

— Рухсат! — дейди захархандалик билан. — Тўрт томонингиз қибла.

— Ҳозир кетаман!

— Мен ҳам айтаяпман-ку, рухсат сизга, деб.

Ўртага хизмат қилиб юрган йигитлар, қариндош-уруғлар тушишади, уйдан хотин-халаж югуриб чиқишади, ҳамма Ростгўйнинг ахдидан қайтишини, жиянини кечирешини сўраб, ялиниб-ёлворишади, илтижо қилишади. Аммо Ростгўй бу илтимосларни эшитишни ҳам истамайди, у ҳатто уйга ҳам қирмайди, кўз ёши қилган кампирини силтаб ташлайди-да, олма шохига осилган жужун костюмини юлиб олиб, эшик томон йўналади.

Ҳамма унинг кетидан эргашади, ёшу қари баб-баробар Ростгўйни жаҳлидан туширишга ҳаракат қилишади, кўплар шу арзимаган гап сабаб, чолнинг тўйни ташлаб кетиб қолишига ишонишмайди. Лекин Ростгўй ўз сўзидан қайтмайди, унинг вазоҳатини кўрган йигитлар кўчада саф тортиб турган машиналардан бирини кўндаланг қилади:

— Марҳамат, чиқинг, домла! Туркистонга олиб бориб, ўзимиз поездга солиб юборамиз!

Ростгўй бу гапга ҳам кўнмайди.

— Бас! — дейди у ўшқириб. — Мени тинч қўйинглар, дедим, тинч қўйинглар-да, ахир! — Ростгўй шундай деб писанда қилади-да, халқани ёриб чиқиб, катта кўчадан Туркистон томон равона бўлади. Тўйхонада сукунат. Ҳамма ҳайрон. Жиян нима қилишни билмай, бир чеккада мунғайиб ўтириб қолади.

Одамлар сал хушларига келгач, жиянга тармашиб кетишади:

— Ёлғиз амакинг! Феъли маълум эди-ку, сенга! Нима қилардинг мўйсафид одам билан айтишиб?

Жиян ўзини оклашга уринади:

— Нима қилдим, мен? Ахир эшитдиларинг-ку, гапларини...

— Айтган бўлсалар, биринчи бор айтаяптиларми, у киши?

— Қани ўрнингдан тур! — дейди йигитлардан бири жиянга. — Орқасидан қувиб борамиз. Узр сўрайсан, оёғига йикиласан!

Усиз ҳам пушаймон чекиб ўтирган жиян бу таклифга ичидан севиниб, дарҳол розилик беради. Йигитлар икки машинага ўтириб, Ростгўйни қувиб кетадилар.

Ўша йигитларнинг ҳикоя қилишларича, офтоб ботган, лекин теварак-атроф ҳали ёруғ бўлади. Эски жужун костюмини билагига ташлаб олган Ростгўй қишлоқдан чиқиб, даштни кесиб ўтган сертупроқ йўлда кетаётган экан.

Қайсар чол, чамаси, машиналар уни қувиб келаётганини пайқайди-ю, жўртага тупроқ йўлдан чикмай, сигналларга жавоб бермай, йўлида давом этаверади. Йигитлар Ростгўйни қувиб етадилар-да, машиналарни кўндаланг қилишади.

Қора терга ботган Ростгўй оёқлари остидан кўтарилган чангдан афт-башараси гўё қора лой чаплангандай қоп-қора, ялтироқ боши тандирдан энди чиққан кизил хумдай ялтиллаб, йигитларни ёвқараш билан қарши олади. Йигитлар бир-бирларини бўлиб, дудуклана-дудуклана гап бошлашади:

— Узр, домла! Айб сизда эмас, жиянингизда. Унинг ўзи ҳам минг пушаймон. Ана, орқадаги машинада ўтирипти! Агар истасангиз оёғингизга йикилиб, кечирим сўрашга тайёр, домла.

Ростгўй бу «принципиалликдан» чекинмайди.

— Ташаккур! — дейди, оғзидан лой тупуриб. — Узрига ҳам розиман, ўзигаям!

— Домлажон!

— Керак эмас, дедимми, керак эмас! Кўриб турибман, ҳамманг бир тешикка... Ҳамманг халқни эмас, ўз жиғилдонларингни ўйлайсанлар! Юз сўм маош олиб, ўн минг сўмга тўй-томоша қиласанлар! Мен бундай нопок

тўйларда иштирок этишга ор қиламан! Биз, қишлоқ фаоллари инкилобдан кейин синфий душманлар билан олишиб, бой-қулоқлар билан аёвсиз кураш олиб борганимизда... ўрнимизни сенлардай шухратпараст, мансабпараст кимсалар эгаллайди, деб ўйлаганмидик? Йўқ, бу фикр тушимизга ҳам кириб чикмаган эди!

Йигитлар қарайдики, Ростгўй уларни ҳам синфий душман қаторига қўшяпти! Боз устига «синфий душман»лар тўғрисидаги ваъзлар кўпларнинг, айникса, ёшларнинг гашини келтира бошлаган даврлар...

Буни Ростгўйдан бошқа ҳамма билади. Балки Ростгўйнинг ўзи ҳам билар, лекин у хануз бунга, буюк инкилоб ғоялари ва бу ғоялар учун курашган унга ўхшаган инкилоб жангчиларига доғ тушишига ишонгиси келмайди. Йигитлар бир дақиқа Ростгўйнинг қаҳрли, оташин нутқини жимгина эшитиб турадилар-да, кейин, бирин-кетин машиналарига ўтириб, жўнаб қоладилар. Ростгўй эса... Вазоҳатидан одам хурккулик, ўз эътиқоди, ўз нутқи билан бир ҳовуч мансабпарастларни, жумладан, ўз жиянини ҳам батамом мот қилганига имони комил, йигитларнинг қайтиб кетганидан ранжиш у ёқда турсин, билъакс ўзича мағрур, шитоб билан йўлида давом этади.

Рост, бу билан амаки-жиян юз кўришмай кетмайди, сал ўтмай улар бир-бирларини кечириб, қайта ярашиб, яна апоқ-чапоқ бўлиб кетишди.

Агар янглишмасам, 60-йилларнинг ўртасида Ростгўйга шаҳар чеккасидаги кўримсизгина бир жойдан тўрт сотих ер беришди. Ростгўй уй қуришга киришди. Бу ишда ҳам унга ҳаммадан кўп ўша жияни ёрдам беради. Лекин уч юз элик сўм маошдан ташқари бир тийин кириш йўқ.

Ростгўй то дунёдан кўз юмгунча бу уйни битира олмади. Амал-тақал қилиб уни қора шувок, бир хонани бўр шувокдан чиқариб, шаҳардаги зах хонадан ҳовлига кўчиб ўтди. Шунинг ўзи унга бир олам таскину тасалли берди...

1977 йилнинг куз кунларидан бирида кўнглимда нечундир Ростгўй билан бир суҳбатлашиш орзуси туғилиб, уни кўргали бордим. Ростгўй шифтлари ҳали шувокдан чикмаган, устунлари бўялмаган чоғроққина айвонда чордана

қуриб, китоб вараклаб ўтирарди. У кўзимга қандайдир жуда ҳорғин ва маъюс кўринди.

Ростгўй йўклаб борганимдан болаларча хурсанд бўлиб кетди. Кампир ош қилаётган экан, унга «тезлат ошингни!» — деб шошира бошлади.

Тўғриси айтсам, ўша йиллари Ростгўй менга нисбатан муносабатини ўзгартирган, орамизда анча иликлик пайдо бўлганди. Бунга сабаб «Улуғбек хазинаси» эди. Ростгўй гарчи романнинг тилини маъқулламаган бўлса-да, (шундай бой она тилимиз туриб, араб-форс сўзларига бунча катта ўрин берибсан! Бунга нима зарурат бор эди?) асарни умуман яхши қабул қилган эди. Бунга бош сабаб — Али Қушчи эди! Гап шундаки, Ростгўй салкам чорак аср «Навоийнинг фалсафий қарашлари», деган диссертация устида ишлаган. Унинг тилидан Навоий тушмас, радиодан ғазаллари асосида ёзилган куй ва кўшиқларини кўзига ёш олиб тинглар, сўнг: «Э, Навоий, сен бўлмаганингда ҳозирги адабиёт ва санъатимизнинг аҳволи нима бўларди», деб бот-бот уф тортиб кўярди. Лекин Навоийга қанча ихлос қўйиб, қанча ишламасин, чорак аср давомида битира олмаган бу диссертациясида Али Қушчи ва унинг риёзиёт ва фалсафа соҳасидаги асарларига анча катта ўрин берилганди. Ростгўй уни ниҳоятда пок инсон, мард ва содиқ шогирд, улкан файласуф деб баҳолар, зотан Али Қушчи деганда худди Навоий каби оғзидан бол томарди. Менга нисбатан бироз юмшаганининг боиси ҳам шунда, асарда Али Қушчига берилган баҳо унга маъқул тушганди.

Биз узоқ гаплашиб ўтирдик. Ростгўй шафқатсиз синфий курашларда ўтган ёшлик йилларини қайта-қайта эслаб:

— Менинг неча куним қолди, болам, — деб хомушланди. — Мендан кейин сенга бу курашларни ким гапириб беради? Биламан, ҳозирги ёшлар, айниқса, адиблар бизнинг устимиздан кулишади, курашларга бел боғлаган чоғларимизда имонимиз бутун бўлганини шубҳа остига олмоқчи бўлишади. Аммо сен... сен камина билан отангнинг ҳалоллигига шубҳа қилмассан, болам? — дерди Ростгўй, аллақандай ўксиб. Сўнг, «хай, майли, ўзинг биласан», дея бир хўрсиниб кўярди.

У мени дарвозаси олдигача кузатиб чиқаркан, тўсатдан кўзига ёш олиб:

— Ростини айтсам... аҳволим яхши эмас, болам, — деди овози бирдан дарз кетиб. — Агар бир нима бўлсам... рози бўл. Биладан: кўнглингга кўп озор берган пайтларим бўлди, гуноҳкор бобонгни кечир, ўғлим...

— Йўк. Йўк, ҳечам сиздан хафа эмасман, — дедим томоғим гип бўғилиб.

— Бир нима бўлсам, бошқаларга ҳам айтиб қўй, — деди Ростгўй, сўзимга кулоқ солмай. — Мен ҳеч кимдан хафа эмасман, ҳаммадан розиман, улар ҳам рози бўлишсин...

Юрагим алғов-далғов бўлиб, шоша-пиша хайрлашдим. Эртасига пешин вақтида уйдан ишхонага телефон килишди.

— Қаёқларда юрибсиз? Бобо оламдан ўтибдилар...

Идорадан тўғри марҳумнинг уйига шошилдим. Мен етиб борганимда Ростгўй дарс берадиган институт раҳбарлари ҳам келиб қолишди. Ростгўй ҳали оқланмаган, деярли жиҳозсиз меҳмонхонанинг ўртасида, бир парча эски кигизга тўшалган кўрпача устига ётқизиб қўйилган, тепасида кампири кўзида ёш, чолига термулиб ўтирарди. Кампир бизни кўриб, уввос солиб йиғлади, сўнг Ростгўйнинг юзидаги матони кўтарди...

Ростгўй аллақандай кичрайиб, юзи сўлиб сарғайиб қолган, фақат дўнг пешонали туксиз ялтироқ боши аввалги улуғворлигини йўқотмаган эди.

Институт раҳбарлари Ростгўйнинг бунчалик ғарибона яшашини тасаввур этмаган бўлишса керак, деярли жиҳозсиз хонага, ундаги эски, кинғир-кийшиқ стол ва стулларга ҳайрон бўлиб қарашди-да, аллақандай ёрдам ҳақида минғирлашиб, чиқиб кетишди...

Кечқурун уч-тўртта енгил машина билан қишлоқдан Ростгўйнинг жияни ва яна бир-иккита қариндош-уруғлар етиб келишди. Орадан ўтган низо ва хафагарчиликлар унутилган, ҳамма ўксиб-ўксиниб йиғлаган, ҳамманинг кўзида ёш.

Ярим кечада йўлга чиқиб, бомдодда қишлоққа кириб бордик. Ростгўй ўша куни намозгар пайтида тупроққа берилди.

Кеч куз бўлса ҳам, ёгинсиз, илиқ бир кун эди. Қишлоқнинг мағриб томонидаги Ғойиб ота қабристонидан одамга тўлиб кетган. Бир неча киши Ростгўйнинг қабри тепасида нутқ ирод қилишди. Мен ҳам гапирдим, тўғрироғи, бир кун аввал чол айтган гапларни айтиб бердим.

Мен унинг ўлиmidан бир кун аввал ҳаммадан рози-ризолик сўраганини, кимгаки озор бериб, кўнглини оғритган бўлса ундан кечирим сўраганини, ўзи эса ҳеч кимдан гинаси йўқ, ҳаммадан рози эканини айтганимда, ҳар жой ҳар жойдан оғир хўрсинган овозлар эшитилди.

— Шўрлик! — деди кимдир.

— Бечора Ростгўй, — деди иккинчи биров. — Бу дунёга келиб, нима рўшнолик кўрди, шўрлик? Ёшлик йиллари курашларда ёниб кетди, ҳисоб. Кексалиги камоқхона ва қувғинларда ўтди. Ёлғиз ўғли урушда ҳалок бўлди...

Қабристондан пиёда қайтдик. Бошлар эгик, кўплар сукутда, ҳамма оғир хаёлга толган...

* * *

Мана бу воқеаларга бир неча йиллар ўтди. Мен бот-бот Ростгўйни, унинг адолатдан чекинмайман деб, ўзининг энг яқин жигарларини ҳам хун қилган пайтларини эслайман. Айни чоқда қабристонда эски дўстлардан бири айтган, «Шўрлик бу дунёга келиб, нима рўшнолик кўрди? Ёшлик йиллари курашларда ёниб кетди..» деган сўзлари ёдимга тушади. Шунда хаёлимга яна бир фикр келади: «Ҳақиқатан. Ёшлик йилларини улуғ ғояларга бағишлаб, шафқатсиз синфий курашларда ўтказган бу ғалати одамлар ҳаётдан роҳат-фароғат кўрмай ўтиб кетишди. Улар ўз эътиқодларига содиқ бўлганликларига шубҳам йўқ, менинг. Лекин Хрушчев ўтмишни қайта баҳолаганидан кейин синфий кураш воситасида ёруғ ва бахтиёр жамият қуриш мумкинлигига бу одамларнинг дилларида жиндай бўлса-да, шубҳа пайдо бўлдимикин ёхуд тоабат оташин шиорларнинг мафтункор жозибаси қурбони бўлиб кетдилармикин? Шундай деб ўйлашга ўйлайман-у, аммо барибир, Ростгўйнинг бошидан ўтган мураккаб воқеаларни вақтида ёзиб олмаганимдан афсус чекаман.

МУНДАРИЖА

Дарёнинг сўнги тошқини. (Иброхим Фафуров)	3
Осий банда (романдан боблар)	7
Хотиралар (турғунлик замонларда).....	59
Қарноқ	109

Адабий-бадий нашр

ОДИЛ ЁҚУБОВ

**ОСИЙ БАНДА. ХОТИРАЛАР.
ҚАРНОҚ**

Асарлар

Иккинчи нашри

Мухаррир *Л. Игамова*

Рассом *Ш. Одилов*

Бадий муҳаррир *Р. Зуфаров*

Техник муҳаррир *Л. Хиждова*

Кичик муҳаррир *Г. Ералиева*

Мусаххих *С. Салоҳутдинова*

Компьютерда тайёрловчи *Л. Абкеримова*

Нашриёт лицензияси АІ № 158, 14.08.2009.

Босишга 2018 йил 5 февралда рухсат этилди.

Бичими 84×108^{1/32}. Офсет қоғози.

«Virtec Peterburg Uz» гарнитурасида офсет усулда босилди.

Шартли босма табоғи 10,08. Нашр табоғи 9,91.

Адади 5000 нусха. Буюртма № 17-127.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг

«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.

100011, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20

Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.

e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz

www.iptd-uzbekistan.uz